ФМТ ФОНД ЗА МЕЖДУНАРОДНУЮ ТОЛЕРАНТНОСТЬ

International Alert.



МЕДИАЦИЯ БЎЙИЧА КЕЙСЛАР ТЎПЛАМИ

Бу лайиха Европа бирлашмаси тарабидан маблағ ажратилади

TASK

USAID
АМЕРИКА ХАЛҚИДАН

Медиация бўйича кейслар тўплами

Бишкек, 2013

Мазкур хужжат Европа Иттифоқининг Transition and Rehabilitation Alliance for Southern Kyrgyzstan (TASK) томонидан амалга ошираладиган молиявий кўмаги билан "Кирғизистонда ихтилофларни бартараф этиш ва тинчликни қуриш" Лоихаси доирасида ишлаб чиқилган.

Мазкур материалнинг маъзмуни учун масъулиятни «Интернешнл Алерт» (International Alert) ва "Халкаро Толерантлилик учун" Фонди тўлалигича зиммасига олади. Бу материал хеч қанақа вазиятда Европа Иттофоқи позициясини мавкин акс эттирмайди.

Мазкур материал Америка халқининг АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатган кўмаги натижасида нашрга тайёрланди. USAID ёки АҚШ ҳукумати нуқтаи назари ҳар доим ҳам акс этавермайдиган ушбу материалнинг мазмунига «Интернешнл Алерт» (International Alert) ва "Халкаро Толерантлилик учун" Фонди жамғармаси жавобгардир.

© «Интернешнл Алерт» (International Alert) ва "Халкаро Толерантлилик учун" Фонди, 2013.
Барча хукуқлари химояланган. Мазкур нашрнинг хеч қандай қисми эшиттирилиши, қидирув системасида сақланиши ёки ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар, электрон, механик, фотокўчирма, ёзиб олиш ёки бошқа йўллар билан, манбаисига ишора қилмасдан узатиш мумкин эмас.

Макет ва безаш бажарилди Максат Болотбеков ва Айдар Эгимбаев.

Ҳалқаро ташкилот Алерт
(International Alert) тўғрисида
International Alert – йигирма олти йиллик иш тажрийбасига эга бўлган мустақил тинчликни ўрнатиш ташкилоти, тинчликни ўрнатиш имкониятларини яхшилаш мақсадида, куролли ихтилофлардан жабр тортган кишилар билан ишлайди. Бундан ташқари биз хукуматларнинг, БМТ сингари ҳалқаро ташкилотларнинг сиёсати ва ёндошувларига, ва транснационал компанияларининг таваккалчилик йўналишларини камайитиришга ва тинчликни малакасини оширишга таъсир этишга ҳаракат қиламиз.

Биз Африкада, Осиёнинг бир қатор регионларида, Жанубий Кавказда, Яқин Шарқда ва Лотин Америкаси мамлакатларида ишлаймиз, яқинда Буюк Британияда лойиҳаларни амалга ошира бошладик. Бизнинг сиёсатни шакллантиригш юзасидан ишимиз тинчлик ва хавфсизлик максадларига таъсир килишни қамраб олади. Асосий йўналишлар: иқтисодиёт, иқлим ўзгаришлари, гендер, ҳалқаро ташкилотлар урни ва вазифаси, инсонпарварлик ёрдами самараси ва самарасиз/ самарали давлат бошкаруви оқибатлари.

Биз дунёдаги етакчи тинчлик ўрнатувчи нодавлат ташкилотларидан биримиз: бизнинг Лондондаги офисимизда 159 хизматчи иш юритади, Бутун дунё бўйича 14 регионал идораларимиз фаолият кўрсатади. Бизнинг қаерда ва қандай ишлашимиз тўғрисида ўзингизнинг
www.international-alert.org
сахифамизда кўпрок маълумот олишингиз мумкин.

“Халкаро Толерантлилик учун” Фонди тўғрисида
“Халкаро Толерантлилик учун” Фонди (ХТФ) – бу низоларни бартараф этиш ва тинчлик йўли билан ҳалқ қилиш сохасида ишлайдиган нодавлат ташкилотидир. Фонд 1998 йили БМТ нинг Қочоқлар иши бўйича Олий Комиссарияти қўллаб-қувватлаши туфайли 1996 йили амалга оширилган “Ихтилофларни бартараф қилиш ва холисликка ўргатиш” лойихасининг давоми сифатида ашкил этилган.

Бугунги кунгача Фонд томонидан 100 дан ортиқ лойиха ва дастурлар амалга оширилди. “Халкаро Толерантлилик учун” Фонди марказий осиёда эихтилофларни бартараф этиш ва ҳал қилиш юзасидан иш олиб бораётган энг ийрик ва тажрибали ташкилотлардан биридир. Фонд таркибида турли милатдаги, ёшдаги ва малакадаги 20 дан ортиқ хизматчи ишлайди. ХТФнинг бош идораси Бишкекда, учта филиали Баткен, Ош, ва Жалолободда жойлашган. Фонд Кирғизистон, Тожикистон, ва Ўзбикистондаги нодавлат ташкилотларни бирлаштирувчи “Тинчлик водийси” тармоғининг асосчиси хисобланади. Фонд бир қатор ҳалқаро тармоқлар аъзоси, шуниндек Маркази Осиёда қуролли ихтилофларни бартараф этиш бўйича Глобал шериклик (GPPAC) нинг Регионал Координатори хисобланади.

Европа Иттифоқи тўғрисида
1991 йили Кирғизстон Мустаққиликка эга бўлгандан бери, Европа Иттифоқи Қирғиз республикасини ва унинг элини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий реформаларди аммалга оширишда содиқ хамкори бўлиб келмоқда. Қирғиз Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида 1999 йили имзоланган хамкорлик келишими, икки давлат ўртасида хамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб қолди. 2007 йили Европа Иттифоқи ва Ўрта Осиё Давлатлари ўртасида янги хамкорлик стратегияси қабул қилинди, бу стратегия Европа иттифоқини Қирғизистонга ва Ўрта Осиё регионидаги бошқа давлатларига бўлган диққатини кучайтирди.

Хамкорликдан сиёсий диалог ва иқтисодий хамкорлик орқали кейинчалик демократиялик тартиб ўрнатиш,одам хуқуқларини химоя қилиш, олий қонуни кучайтириш, жиноий тартибни, чегара назоратини ва маорифни реформалаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини ижтимоий химоялаб таминлаш кўзда тутилган.

Қирғиз Республикаси билан хамкорлик жараёнида, Европа Иттифоқи миллий Бюджетга тўғридан тўғри ёрдам кўрсатиш билан бирга бюджетдаги молияларни қўйилган масалаларни ечишда сармояли ишлатишга хамкорлик кўрсатади. Европа Иттифоқи Қирғизистон фуқароларига бозор иқтисоди принципларини ва парламентлик демократияни қўллашга, ундан ташқари икки давлат ўртасида яқин алоқалар ўрнатишга кўмак кўрсатади. Европа Иттифоқининг ваккилиги фуқаролик жамияти билан алоқа ўрнатишга, нодавлат ташкиллотларга ва илмий-изланиш марказларига ёрдам кўрсатиш билан бирга, уларга давлат органлари ва махаллий хокимият ўртасида алоқа ўрнатишга, бундан мухимрок-давлатга фойда тегишига ўзига хос ахамият кўрсатади. Хақиқатан, хамкорлик ўрнатиш ва мустахкамлаш Европа Иттифоқининг кучли томонларининг бири бўлиб қолмоқда.

Охирги 12 йил ичидаги муваффақиятли хамкорлик давомида, Европа Иттифоқи ва Қирғиз Республикаси моллиявий ёрдам кўрсатишга, бундан ташқари икки томонлама кўзланган одам хуқуқларини коллаш конунларини,ва эркин бошқарув принципларини киритишга, олий қонунга ва сармояли бошқаришга тегишли болган маҳсулдор сиёсий диалог , алоқалар ўрнатишда-биргаликда иш олиб бормокда. Олдинда кўрсатилган йўналишларда мувафақият қозониш учун Европа Иттифоқи Қирғиз республикаси билан хамкорликни давом этиришга таёрлигини билдиради.

МУНДАРИЖА

Кириш 8

Боткен вилояти

1-кейс. Исфана шаҳридаги Янгиобод ва Чағатай кўчалари яшовчилари ўртасидаги ихтилоф. 16
2-кейс. Қалача қишлоғидаги икки мактаб ўқувчилари ўртасидаги ихтилоф 19
3-кейс. Сариқтола яйловидаги сувлоқ юзасидан ихтилоф. 22
4-кейс. Мазейитнинг еридаги сув ўтказиш туғрисидаги ихтилоф. 25
5-кейс. Зардалак конидаги ихтилоф. 28
6-кейс. Мингчинор қишлоғи мактабидаги зўравонлик. 32
7-кейс. Ворух-Шўроб сув трассаси атрофидаги ихтилоф. 37
8-кейс. Лаққон ва Қорабоғ қишлоқлари ўртасидаги сув можароси. 41
9-кейс. Андарак қишлоғидаги тожик жамоаси ва Искра ҳамда Коммуна қишлоқларидаги қирғиз жамоалари ўртасидаги сув можароси. 45

Жалолобод вилояти

10-кейс. Тераксой поселкаси аҳолисининг олтин қазиш компанияси билан ихтилофи. 52
11-кейс. Жалолобод шаҳридаги оилаларни бирлаштириш. 55
12-кейс. Туққан она бўлиб қолган угай она. 58
13-кейс. Қоракўлдаги трансформатор можароси. 62
14-кейс. Мэрнинг истеъфоси учун митинг. 66
15-кейс. Қўшнилар ва мева дарахти. 69
16-кейс. Қишлоқдаги этнослараро низони бартараф этиш. 72
17-кейс. Турғунлар ўртасидаги канализация можароси. 76
18-кейс. «Кристалл» заводи. 79
19-кейс. Қўшниларнинг участка худуди юзасидан можароси. 82
20-кейс. 2005 йилнинг мартида Жалолобод шаҳрида вилоят давлат маъмурияти биносининг босиб олиниши. 85

Ўш вилояти

21-кейс. Аравон цемент заводи. 90
22-кейс. Аравон районида рамазон ойида бўлган можаро. 94
23-кейс. Қорағулжадаги мактаб можароси. 98
24-кейс. Асанчек қишлоғидаги мактабларни бирлаштириш юзасидан можаро. 102
25-кейс. Ўш шаҳридаги уч ойлик шанбалик давридаги можаро. 106

Чуй вилояти ва Бишкек шаҳри

26-кейс. Она-бола ва уларга бошпана берган тадбиркор ўртасидаги можаро. 110
27-кейс. Гулсеварлар клуби аъзолари ўртасидаги можаро. 114
28-кейс. Ажралишган ота-оналар ўртасида фарзанднинг турар-жойи тўғрисадаги бахс. 117
29-кейс. Невара тарбияси ва унинг яшаш жойи юзасидан катта буви ва катта бува ҳамда келин ўртасидаги можаро. 120
30-кейс. Ажралишган эр-хотин ўртасида фарзандни тарбиялаган собиқ аёлнинг яшаш жойи хусусидаги можаро. 123
31-кейс. Медиация ёрдамида бартараф этилган ажралиш. 126

Хулоса 130

КИРИШ

Дастурнинг қисқача таърифи

Ҳалқаро нодавлат ташкилотлари иттифоқи «Transition and Rehabilitation Alliance for Southern Kyrgyzstan" TASK 2011 йили "Кирғизистонда ихтилофларни бартараф этиш ва тинчликни ўрнатиш" дастурини амалга ошира бошлади. Мазкур шериклик дастури "Барқарорлик қуроли" компоненти доирасида Европа Комиссиясининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Дастурнинг мақсади –ихтилофларнинг манбаа ва факторларини юмшатиш ҳамда тинчлик ва барқарорликни илгари суришдир. Дастур мақсадига ихтилофларни бартараф этиш бўйича Қирғизистондаги мавжуд 100 та бир мақсадга йўналтирилган ҳамжамиятлар имкониятларини кучайтириш, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт учун, кескинликни пасайтириш ва умумий тинчлик манфаатларини илгари суруш учун қўшимча имкониятларни яратиш орқали эришилиши керак. Дастурунинг асосий бир мақсадга йўналтирилган гуруҳи ҳамжамиятнинг ожиз ва жабрланган аъзолари, аёллар, ёшлар ва кичик тадбиркорлик вакилларидан иборат. Дастур географик жиҳатдан асосан Қирғизистонинг жанубий вилоятлари – Ўш, Жалолобод, Боткен вилоятларини қамраб олади. Шунингдек бир қатор тадбирлар Чуй, Толас ва Норин вилоятларида ўтказилади.

Дастурнинг бир-бирини тўлдирувчи олти йўналишидан бири «Бир мақсадга йўналтирилган ҳамжамиятларда маҳаллий бахс ва ихтилофларни ҳал қилиш юзасидан медиаторлар тармоғини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш» компонентидир. Мазкур компонент доирасида «Ҳалқаро Хайрихоҳлик учун» (FTI, Қирғизистон) Фонди Интернешнл Алерт (International Alert, Буюк Британия) билан ҳамкорликда медиация бўйича Қирғизистонда ўрин олган медиатив амалиётнинг ахборот базаси бўлган ушбу кейслар тўпламини ишлаб чиқди. Ана шу вазифа доирасида, шунингдек медиаторлар учун чўнтак маълумотномаси қўлланмаси чиқарилди.

Лойиҳани аввалги босқичида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ) билан кейслар тўпламидаги мақсадли регионлар таркибига Ўш ва Жалолобод вилоятларини киритиш битимига эришилган эди. ОБСЕ, шунингдек мазкур вилоятларда кейсларни тўплашга ёрдам бериш учун бу тадбирга ўзининг маҳаллий шерикларини (жойлардаги ОБСЕ билан ҳамкорлик қиладиган нодавлат ташкилотлар) сафарбар қилишни ҳам таклиф этган эди.

Тўпламнинг мақсад ва вазифалари

Дастлаб кейслар тўплами «медиаторлик амалиёти юзасидан тематик тадқиқотлар» деб белгиланган эди. Тўплам юзасидан ишларни бошлашда мазкур нашрнинг аниқ лойиҳа ҳужжатларидан келиб чиқиб, пировардида қандай тадқиқотларни ўтказиш керак ва биз қандай натижаларга эришишни хоҳлашимизни аниқлашга тўғри келди. Тўпламни ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичларида унинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилган эди:

1. Бошловчи ва амалиёт ўтаётган медиаторларга Қирғизистонда медиациянинг мавжуд амалий тажрибасини ўргатиш орқали ёрдам бериш. Тўплам медиация бўйича кейсларни тўплаш ва нашр қилиш йўли билан Қирғизистонда тўпланган медиаторлик тажрибасини умумлаштириш керак. Ҳозирги даврда медиаторнинг ишини, улар томонидан қўлланилаётган услубларни ва мазкур ҳаракатнинг ихтилофларни ҳал қилишдаги муваффақиятини намойиш этадиган кенг тарқалган нашрлар йўқ. Мазкур тўплам бошловчи медиаторлар учун ихтилофларнинг турли кўринишларини, уни ҳал қилишда қўлланиладиган услуб ва анжомларини, у ёки бу низоли вазиятни ҳал этишдаги ахлоқ услубларини тасвирлаб берадиган стол китоби вазифасини ўташи керак. Унинг мазмун-моҳияти ўз малакаларини оширишни хохловчи амалиёт ўтаётган медиаторлар учун методик қўшимча бўлиши кўзда тутилган эди.

2. Медиация бўйича тренерларга тўпламдан ўқув кўлланмаси сифатида фойдалиниш орқали медиаторларни тайёрлашга ёрдам бериш. Тўпламдаги кейслар ўқув жараёнида ечиш учун вазифа ва чигал ишлар сифатида фойдаланилиши мумкин. Тўпламдан ўрин олган медиация тажрибалари аҳлоқ услубларини такомиллаштириш, содир этилиши

мумкин бўлган хато ва қийинчиликларни ўрганиш, шунингдек ўрганаётган конкрет медиаторнинг ихтисослигини аниқлаш учун намуна бўлади

3. Медиациянинг энг муваффақиятли жараёнлар тўғрисида ахборот бериш йўли билан Қирғизистонда воситачиликни ривожлантиришга ёрдам бериш. Нашрнинг ўзи Қирғизистон медиаторларининг медиация соҳасидаги ютуқлари тўғрисида жамоатчиликка ҳикоя қилишни, мазкур жараённинг бугунги тараққиёт босқичида Қирғизистон учун қанчалар аҳамиятли ва муҳимлигини намойиш этишни кўзда тутади. Ахборот функцияси иккинчи даражали бўлсада, айни вақтда Қирғизистонда медиацияни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Тўпламнинг мақсадли гуруҳи сифатида (бенефициарлар) қуйидагилар аниқланди:

1. Бошқа медиаторлар тажриба ва амалиётини ўрганишдан манфаатдор амалиёт ўтаётган ва бошловчи медиаторлар (устивор мақсадли гуруҳ).
2. Мазкур тўпламдан ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланадиган медиация бўйича тренерлар.
3. Қирғизистон Республикасида медиация ва амалиётдаги медиаторлар тўғрисидаги ахборотлардан манфаатдор бўлган жамоатчилик институтлари (манфаатдор давлат муассасалари, фуқоролик сектори, маҳаллий ҳамжамиятлар) ва бошқа ташкилотлар.

Методология

Тўпламнинг методологик асосини ишлаб чиқишда қуйидаги нарсаларни ўрганиш зарурлиги аниқланди:

1. Ихтилоф ва уни ҳал қилиш (ихтилоф ҳаритаси, унинг ривожи, динамикаси, қандай ҳал қилинганлиги);
2. Медиаторнинг мазкур ихтилофни ҳал қилиш юзасидан ишлари (медиация босқичлари);
3. Медиаторнинг ихтилофни ҳал қилиш жараёнида эришган ютуқлари ва олган сабоқлари.

Шунинг асосида кейслар бўйича ахборот йиғиш учун ахборот усули (инструментар) ишлаб чиқилди. У қуйидаги блоклардан иборат:

1. Медиатор тўғрисида ахборот
2. Ихтилоф ҳаритаси
3. Медиация
4. Ютуқ ва олинган сабоқлар

Аниқланишича, кейсларни тўплаш медиаторнинг шахсий суҳбати воситасида амалга оширилади. Мазкур усул медиаторнинг кейс ва тажрибаси тўғрисида бошқа методларга (анкета йиғиш, фокус-гуруҳ) нисбатан кўпроқ ахборот олиш имконини берди.

Медиаторларни танлаш «чўмалак» усули бўйича, яъни сўраш бир медиатордан бошлаб иккинчисига қарай олиб борилади. Медиаторларнинг конкрет маълумот базалари ёки расмий реестрлари, уларнинг ихтисосликлари йўқлигидан келиб чиқиб, мазкур усул тўғри, деб топилди.

Лойиҳа аризалари доирасида географик жиҳатдан Чуй ва Боткен вилоятлари қамраб олинди.
ОБСЕ нинг маҳаллий шериклари, шунингдек кейсларни тўплаш бўйича маслаҳатчилар жалб этилгандан кейин унинг географияси Ўш ва Жалолобод вилоятларигача кенгайтирилди. Шундай қилиб, тўпламга ўз фаолиятларини Боткен, Жалолобод, Ўш ва Чуй сингари 4 вилоятда амалга ошираётган медиаторлар кейслари киритилди.

Кейсларни тўплаш Олинган сабоқлари

Чуй ва Боткен вилоятларида кейсларни тўплаш ХХФ ходимлари томонидан амалга оширилди. Жалолобод ва Ўш вилоятларида дастлаб кейс йиғишни ОБСЕнинг шериклик ташкилотлари- «ИРЭТ» жамоатчилик ташкилоти ва «Аймира» жамоатчилик фонди амалга оширдилар. Бундан ташқари, тўпламнинг якунловчи босқичида кейсларни йиғиш бўйича қўшимча маслаҳатчилар жалб этилди. Улар Жалолобод ва Ўш вилоятларида кейс тўпладилар.

Олинган сабоқлар

1.Медиация нима ва уни қандай аниқлаш мумкин?

«Бугун чегарада қуролли ихтилоф юз берди. Сизларнинг медиаторларингиз у ерда ишлаяптими?»

(Қирғиз-ўзбек чегарасидаги можародан кейин якка шахс сўзидан)

Медиация юзасидан кейс йиғиш бошида медиация нима эканлигини тушунишда қийинчиликлар юз берди. Ваҳолонки, бу медиаторлар ўртасида, кейс йиғиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик

қилишга тўғри келган шериклар ва бошқа шахслар орасида юз берди. Хатто, дастлабки босқичда шериклар ўртасида воситачиликнинг қандай жараён медиация дейилиши юзасидан маълум тушунмовчиликлар бўлиб ўтди. Бу кейс йиғишда «иш майдони»да ҳам, оралиқ режалаштиришда ҳам қийинчиликлар туғдирди. Мазкур маоммо шериклар томонидан бошлангич босқичда аниқланди. ИА томонидан медиациянинг қуйидаги аниқламаси ва турларидан фойдаланиш таклик қилинди:

«Медиация деганда барчани қанотлантирадиган, томонларга ёрдам бериш учун қарор қабул қилишда расмий компетенцияга эга бўлмаган ҳолис учинчи томон назарда тутилади (Беркович ва Жексон, 2012). Шунингдек у аниқ масала бўйича бахслашаётган икки томон ўртасида ўзаро келишувга эришиш, ёки ҳеч бўлмаганда хулқ-атвор тартибининг бузилишига чек қўйишга ҳаракат қилаётган учинчи томоннинг воситачилик фаолияти сифатида аниқланади (Митчел, 1981).

Фасилитатив медиация – бу қарама-қарши томонларга ихтилофни ҳолис учинчи томон сифатида томонларга низони ҳал этиш йўлларини таклиф ёки тавсия қилувчи медиаторлар аралашувисиз ўзлари ҳал қилиш имконини берадиган медиатив жараёндир.

Баҳоловчи медиация – томонларга ихтилофни ҳал қилиш йўлларини таклиф қилувчи, тавсия қилувчи ва маслаҳат берувчи учинчи томонни жалб этиш жараёнидир (Зумета, 1991). У аввал текшириб, муаммони аниқлайдиган, сўнгра ҳар бир томон билан алоҳида ишлайдиган ва иккала томонга қулай бўлган қарор бўйича тавсияларни ишлаб чиқадиган учинчи томон аралашувидир (Блейк ва Мутон, 1985).

Трансформацион медиация фасилитатив медиацияга ўхшайди. Бироқ у қарама-қарши томонларга ихтилофга бошқа томон нуқтаи-назаридан қарашни таклиф қилади.

Дарак берувчи медиация ихтилофга четдан худди бировнинг тарихини эшитаётгандай қарашни таклиф қиладига дарак терапиясини эслатади».

Шериклар мазкур аниқланмадан расмий ҳужжатларда, расмий позицияларини билдиришда биргаликда фойдаланишга келишдилар. Медиация ва воситачилик, музокара, арбитраж тушунчалари ўртаси чегараланиб кўйилди.

Кейс тўплаш учун мазкур тушунча катта аҳамият касб этди. Чунки у тўпланадиган воқеликлар учун ўзига хос муваффақиятлар андозаси бўлиб қолди.

2. «Тоза» медицияни излаш

Дастлаб кейсларни тўплаш унинг классик тушунчасидаги «тоза» медицияни излашга қаратилди.

Бироқ ахборот йиғиш жараёнида бундай ҳолларнинг камлиги маълум бўлди. Ихтилофларни ҳал қилиш жараёнида медиаторларга тез-тез музокарачилар, воситачалар ролини бажаришга тўғри келди. Чунки тўпламда қамраб олинган медиаторларнинг кўпчилиги ўз ҳамжамиятларидаги обрўли кишилардан эди. Уларнинг томонларга таъсир ўтказиш ёки зиддият ривожини бартараф этиш учун тез-тез ўз обрўларидан фойданаланишларига тўғри келади. Медиаторларга кўпинча вужудга келган ихтилофларни ҳал қилишда ўзларининг аралашишларига тўғри келаяпди. Шу йўсинда, хулоса қилиш мумкинки, медиаторларга ихтилофнинг турли босқичларида уни ҳал қилиш мақсадида турли ролни бажариш ва амалга оширишга тўғри келаяпти. Масалан, зиддиятнинг инқироз босқичида медиатор музокарачи ёки обрўли киши сифатида ҳаракат қилаяпти. Сўнгра, медиатор томонларни тинчлантиргач ва уларни ўзаро мулоқотга тайёрлагач, бевосита медиацияга киришмоқда ва натижада томонларни яраштирмоқда. Шундан келиб чиқиб, зиддиятларни ҳал қилиш бўйича турли бошқа нарсалардан ташқари медиация тамойиллари ва элементлари қўлланилган тинчлик ўрнатиш кейсларини ҳам ўрганиш қарори қабул қилинди. Ўқувчилар эътиборини "тинчлик ўрнатиш" аталмаси зўравонликни бартараф этиш мақсадида томонларга қуролли таъсир эмас, балки тинчликни барпо этиш ва зиддиятни куч ишлатмасдан ҳал қилиш юзасидан ижобий фаолият сифатида ишлатилаётганлигига қаратамиз.

3. Шахсларараро ва гуруҳлараро медиация.

Медияция юзасидан кейсларнинг кўпчилигида конкрет шахслар ўртасидаги ихтилофни ҳал этиш жараёни таърифланади. Шартли равишда бу ҳолларни шахсларараро медиация деб аташ мумкин. Тартибга кўра, медиаторлар бунга ўхшаш медиацияни зиддиятнинг чиқишига қараб, ёхуд ихтилофни ҳал этиш учун уларга ёрдам сўраб мурожаат қилинишига қараб ўтказганлар. Одамларнинг катта

гуруҳи ва кенг худудни қамраб олган катта лойиҳалар доирасида ўтказилган медиацияни таърифловчи кейслар алоҳида гуруҳ ҳисобланади. Одатда, бунга ўхшаш лойиҳалар донорлар томонидан молиялаштирилган ва бутун-бутун ҳамжамиятлардаги низоли вазиятни ўзгартиришга йўналтирилган тадбирлар мажмуасидир. Албатта, бунга ўхшаш жараёнлар битта медиатор томонидан амалга оширилиши мумкин эмас. Бу ишга бутун команда сафарбар қилинади. Бу уларни медиаторнинг бир ўзи алоҳида шахсларни жалб қилувчи хусусий ихтилофларда олиб борган бошқа медиация жараенларидан ажратиш имконини беради.

4. Қирғизиситонда медиацияни ривожлантириш ўзгачаликлари.

Медиация сўзининг бугунги кундаги талқини Қирғизистон учун бир мунча янги ҳолдир. Ҳозирги босқичда медиаторлар хизматидан фойдаланувчи аҳоли ўртасида медиация тушунчаси ва маданияти сингари, Қирғизистонда медиаторлар контингенти ҳам энди шаклланиб келаяпти. Ўзида медиациянинг барча элемент ва босқичларини мужассамлаштирган "тоза" медиация ҳоллари бир мунча кам учрайди. Бироқ шу билан бирга мамлакатда жиддий амалий тажриба ва билимга эга бўлган медиаторлар йўқ, деб бўлмайди. Шу боисдан тўпланган кейсларни Қирғизистонда медиацияни юқори даражада ривожланганини тақсидлаш нуқтаи-назаридан эмас, балки республикада медиациянинг ҳозирги босқичдаги ривожи ўзгачаликлари позициясидан туриб ўрганиш жойз, деб ўйлаймиз.

ЕХҲТнинг Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳри, Ўш, Жалолобод ва Чуй областларида хусусий ва давлат тармоқларга эна «Тинчлик Хабарчилари» гуруҳларини ташкил қилиш ва имкониятларини ўстириш буйича фаолияти.

Ташаббус мақсади: Ўш шаҳри, Ўш, Жалолобод ва Чуй областлари бирлашмалари ва маҳаллий давлат қўмиталарига ихтилоф мумкинчилиги бор вазиятларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда «Тинчлик Хабарчилари» тармоғини яратиш ва кучга киргизиш йўллари орқали ёрдам кўрсатиш.

Партнерлар: «ИРЭТ» Ижтимоий фонди, «Аймира» ижтимоий фонди, «Алга», ижтимоий бирлашмаси, Ўш шаҳри мэрияси, Қирғизистон Республикаси ҳукуматининг Ўш шаҳри, Ўш, Жалолобод ва Чуй областларидаги мухтор вакиллар аппаратлари.

«Тинчлик Хабарчилари» ҳакида умумий маълумот

«Тинчлик Хабарчилари» - бу ихтилоф қилаётган томонларга икки томонни хам қониқтирувчи ечимга келишга ёрдам кўрсатувчи шахслардир. «Тинчлик Хабарчилари» алоҳида ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб, проект фаолият юритаётган административ ва ҳудудий бирлик – район еки шаҳарда – иш олиб боришлари мумкин. Гуруҳ шу ҳудудга қўшиб берилади ва шу ҳудуд учун жавобгардир. Гуруҳ аъзоси қилиб ҳурматга сазовор, тушунмовчиликларни ечишда маслаҳат берадиган маҳаллий бирлашмалар бошчилари танлаб олинади. Лойиҳа доирасида тузилган командалар олдида қуйидаги икки асосий вазифа туради:

- ихтилоф табиатини ўрганиш ва жамиятда ихтилофнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, давлат вакиллари ва фуқоролик жамияти билан шу муаммоларни ҳал килишда актив ҳамкорлик юритиш; икки томон орасидаги ихтилоф борасида мулоқот ўтказишда хизмат кўрсатиш;
- Фавқулотда вазиятларда ихтилофни бартараф килиш мақсадида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва бошқа давлат тузилмалари билан ҳамкорлик қилиш.

Лойиҳа доирасида ташкил килинган «Тинчлик Хабарчилари» гуруҳлари нафақат ҳар хил миллат ва ёшлар орасидаги кўприк, балки жамият ва ҳукуматни бирлаштирувчи восита ҳамдир. «Тинчлик Хабарчилари»нинг иш йуналиши давлат органлари томонидан аниқлангани билан улар фаолият кўрсатиш автономиясига эга бўлади. Жамоалардаги ҳар қандай инсон «Тинчлик Хабарчилари» гуруҳ аъзоларидан ихтилофни бартараф килиш борасида ёрдам сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган ишлар ва эришиладиган натижалар:

1. «Тинчлик Хабарчилари»ни танлаш

2011-2012-йиллари лойиҳа мақсадларини амалга ошириш ниятида Ўш шаҳри, Ўш, Жалолобод ва Чуй

областларидан ҳаммаси бўлиб 748 киши 32 гуруҳда ҳар бирида 22 та одамдан иштирок этди. «Тинчлик Хабарчилари» тегишли давлат органлари вакиллари ва фиқоролик жамиятининг аъзолари билан ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг розилиги ва ЕХҲТнинг қўллаб-қувватлаши остида танлаб олинди. «Тинчлик Хабарчилари» бўлишга талабгорлар орасидан ҳар хил миллатлар ва динларнинг энг нуфузли аъзолари, турлича ёшдаги, тараф танламайдиган ва яна бошқа бир қанча устунликларга эга ўз жамиятларининг муҳтожликларини яхши биладиган эркак ва аёллар танлаб олинган. Қоидаларга кўра гуруҳларнинг 50 % и давлат органларининг вакилларидан ташкил топди.

2. «Тинчлик Хабарчилари» ни ўқитиш

2011-йилда халқаро консультант мамлакатнинг жанубидаги хар бир гуруҳнинг тренерлари учун «Тинчлик Хабарчилари» олдида турган мақсадларни амалга оширганда керак бўладиган муҳим техник малакаларни ўргатиш учун тренинг ўтказди. Малака оширган тренерлар эса ўқишдан кейин ўз гуруҳларида тренинг ўтказишди. 2012- йилда Чуй областининг гуруҳлари ҳам худди шу схема буйича ихтилоф вазиятида йул тутиш буйича ўқувдан ўтишди. Шу билан биргаликда 2011-йил ташкил этилган гуруҳларнинг потенциали хам қўшимча тренинглар билан ўниктирилди.

2013-йилда ҳам қайд этилган иш 2011-йил Ўш шаҳри, Ўш ва Жалолобод областларида «Тинчлик Хабарчилари» учун тренинг ўтказган халқаро консультант томонидан давом эттирилади. Тренинг ўтказиш жараёнида ёрдам кўрсатиш учун иккита маҳаллий консультант хам таклиф этилади.

3. Тажрибада ўрганиш

2012- йил Ўш шаҳри, Ўш ва Жалолобод областлари «Тинчлик Хабарчилари» учун 25 та кризис ҳолатларида йўл тутиш бўйича дарслар ўтказилди. Ушбу дарслар махсус таклиф қилинган хавфсизлик саволлари бўйича мутахассис ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари вакиллари ва бошка структуралардан таклиф қилинган вакиллар, яъни лойиҳа партнерлари билан ўтказилди.

2013- йилда мамлакатнинг жанубидаги ҳар хил гуруҳлар иштирокида ва Чуй областининг районларида алоҳида тажриба асосида дарслар ўтказиш режа қилинмокда. Ушбу дарсларни ўтказиш жараёнида иккита маҳаллий хавфсизлик буйича консультантлар жалб этилади. Тажриба асосида ўтказиладиган дарсларда «Тинчлик Хабарчилари» гуруҳларининг вакиллари ва маҳаллий давлат органларининг вакиллари, шунингдек ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари вакиллари иштирок этишади. Ҳаммаси бўлиб 35 дарс ўтиш режалаштирилган: «Тинчлик Хабарчилари» жойлашган районда биттадан ва битта катта курс маҳаллий давлат органлари ва Ўш шахридаги барча саккиз «Тинчлик Хабарчилари» гуруҳлари иштирокида ўтказилади.

4. Ихтилофнинг олдини олиш буйича ишлар

2011-2012-йиллар мобайнида тренингларда иштирок этган «Тинчлик Хабарчилари» ўз маҳаллаларида жиддий муаммоларни ҳал қилиш ва ихтилоф келиб чиқиш мумкинчилигини аниқлаб уларнинг сабабларини бартараф қилиш, ҳамда келишмовчиликларни олдини олиш илинжида қатор йиғилишлар ўтказишди. ЕХҲТ бу ишларга кичик грантлар орқали ҳамкорлик кўрсатди. Ташкил килинган гуруҳлардан баъзилари ихтилофни бартараф килиш жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этишди. 2013-йилда ҳам «Тинчлик Хабарчилари»га тўқнашув ва келишмовчиликни аниқлаб, уни олдини олиш ишлари бўйича ёрдам ва йул-йуриқ кўрсатиш ишлари давом эттирилади. Шунингдек, районлараро таранг вазиятлар юз берса ўзаро ҳамкорлик орқали иш юритиш ҳам режа қилинмокда.

2011-2012-йиллар мобайнида махсус хавфсизлик буйича консультант ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан аҳлок кодекси ва «Тинчлик Хабарчилари»нинг ихтилоф юз берганда тезкор иш юритиш тушунчаси ишлаб чиқилди. Хавфсизлик буйича махсус консультантлар тренинглар дарсини тайёрлаб утказишда ҳам иштирок этишади. Улар «Тинчлик Хабарчилари» билан ихтилоф юз берганда тезкор иш юритиш йулларини муҳокама ҳам қилишади ва шундай вазият юз берганда давлат органлари билан алоқа ўрнатишга тайёрлашади.

5. «Тинчлик Хабарчилари»нинг иш юритиш низоми

2013-йилда Ҳукумат Аппарати ва Олий Кенгашнинг бошчилигида «Тинчлик Хабарчилари»га шаҳар ва област даражасида расмий номга эга бўлиб иш ютириш имконини берадиган низом қабул қилиш кўзда тутилмокда. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «Тинчлик Хабарчилари» гуруҳларининг ҳамма иштирокчилари маҳалла даражасида иш юритиб келган

ишлари учун ойлик олишмайди. Режа қилинган келишувдан кейин «Тинчлик Хабарчилари» маҳаллий ва област органлари структурасини бир қисмига айланиб Ўш шаҳар мэрияси ва давлатнинг област администрациясига тегишли бўлади. Умумий йўналтириш Ҳукумат Аппарати томонидан амалга оширилади.

6. «Тинчлик Хабарчилари» ҳақида маълумот тарқатиш ва гуруҳлар тармоғини тузиш

2013-йил аҳолини «Тинчлик Хабарчилари» фаолияти билан таништириш учун бир неча маросимлар ўтказиш ва бошқа турлича йўллар орқали маълумот тарқатиш режа килинмокда. Шундай йўллардан масалан, видео материаллар тайёрлаш, гуруҳларнинг иш борасида ва етишган ютуқлари ҳақида махсус консультант-документалист ёрдамида китоб ёзиб чоп этиш режелаштириляпти.

2013-2014-йиллар «Тинчлик Хабарчилари» гуруҳларининг аъзоларига ва маҳаллий давлат органларининг вакилларига, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари вакилларига ўзаро ва бошқа райондаги гуруҳ аъзолари билан алоқани кўпайтириш ва яқиндан алоқада бўлиш, шунингдек фавқулотда ҳолатларда тезкор алоқага чиқиш учун хақсиз уяли телефонлар тақдим этилади.

Тўпламдан қандай фойдаланилади?

1. Тўпламдаги барча кейслар географик критерияси бўйича 4 гуруҳга бўлинган:

a. Боткен вилояти;
b. Жалолобод вилояти;
c. Ўш вилояти;
d. Чуй вилояти ва Бишкек шаҳри.

2. Шунингдек кейсларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

a. Медиация кейслари ва медиациянинг тамойиллари ва инструментлари (медиациянинг барча этаплари ва элементларига амал қилиш мезонлари) кўлланилган тинчлик ўрнатиш кейслари;
b. Шахслар ўртасидаги медиация ва гуруҳлар, ҳамжамиятлар ўртасидаги медиация (субъектлар миқдори мезони).

3. Муаллифлар ихтилофларнинг типлари юзасидан кейслар классификациясидан кам кўлланганга ўхшайди, чунки айрим ҳолларда ихтилофлар бир вақтнинг ўзида бир неча: оилавий, жиноий, миллатлараро, маиший, ресурслар юзасидан низолар,сиёсий ва бошқа белгиларни қамраб олади. У ёки бу зиддиятни бир хил классификация қилиш ва маълум бир гуруҳга бирлаштиришга йўл қўймайди.

4. Ҳар бир кейснинг таркиби 4 ахборот блогини ўз ичига олади:

a. Ўзида кейснинг номини, географик худудини ва зиддият чиққан жойни, ихтилоф томонларини, шунингдек медиаторлар тўғрисидаги ахборотни мужассамлаштирган кейс тўғрисида қискача ахборот берилган жадвал. Жадвал у ёки бу кейснинг мазмунини оператив ажратиб олиш учун мўлжалланган.

b. Дастлабки вазиятни, ихтилофнинг келиб чиқиш жойининг географик ўзгачаликлари таърифини ўз ичига олган "Ихтилоф ҳаритаси" блоги. Медиатор қай йўсинда мазкур ихтилофни ҳал қилишга жалб этилганлиги тўғрисидаги ахборот ҳам шунга киради.

c. Медиация блоги. У ўзига учта блокчани бирлаштиради: медиацияни тайёрлаш босқичи, қарор қабул қилиш босқичи (медиация этапи), медиациядан кейинги давр (қарорлар ижроси, натижаларни кузатиш).

d. Ютуқлар ва олинган сабоқлар блоги. Мазкур блокда қуйидаги ахборот берилади: медиаторлар томонидан кўлланилган инструментлар ва услублар; медиация жараёнида вужудга келган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари; медиациянинг у ёки бу жараёнининг муваффақияти ёки мағлубиятини белгилаб берадиган факторлар.

5. Шунингдек кейс ниҳоясида ХХФнинг ўқувчилар эътиборини мазкур кейснинг конкрет ўзгачаликларига ва ўзлаштириш нуқталарига қаратилган шарҳи берилиши мумкин.

Боткен вилояти

Исфана шаҳридаги Янгиобод ва Чағатой кўчалари яшовчилари ўртасидаги ихтилоф

Маиший ихтилофлар



Боткен вилояти	Медиация бўйича кейс №1	2012й.

“Улар муаммо вужудга келган вазиятнинг хақиқий сабабларини билгач, ҳал қилишга киришдилар”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Медиатор
Исфана шаҳри,	**Биринчи томон** Янгиобод кўчаси яшовчилари	**Иккинчи томон** Чағатой кўчаси яшовчилари	**Қурбонова Гулсара,** маҳаллий лидер

Муваққат доиралар

Низо 2012 йилнинг августида Исфана шаҳрининг Янгиобод ва Чағатой маҳаллаларида бўлиб ўтди. Бир ойдан кўпроқ давом этди.

Дастлабки вазият

Низо Янгиобод кўчасидаги уч қўшни ўзларининг томорқалари чегараларини йўлнинг ҳаракат қисми томон бир метр жилдиришидан бошланди. Шунингдек маҳалладаги яна биров йўл чекасига дўкон куриб олди. Шу йўсинда, улар йўлнинг Чағатой кўчаси томон катта юк ва енгил автомашиналар борадиган ҳаракат қисмини торайтириб юбордилар. Чағатой кўчаси яшовчилари учун бу йўлдан юриш қийин бўлиб қолди, энди йўлдан фақат пиёдалар юриши мумкин эди, ҳолос.

Кунларнинг бирида пичан юкланган катта юк машинаси Янгиобод кўчасидан бораётиб маҳаллий яшовчи дўконининг шиферини илиб ўтди. Шифер тушиб кетиб, норози бўлган аёл йўлни тўсиб қўйди. Ана шу воқеадан сўнг Янгиобод кўчаси яшовчилари йўлни тўсиб қўйдилар. Шу сабабга кўра Чағатой ва Янгиобод кўчалари яшовчилари ўртасида ихтилофли вазият вужудга келди. Оқибатда Чағотой кўчаси юзбошиси медиатор Гулсара опага (маҳаллий яшовчилар уни шундай атайдилар), бу низони ҳал қилишга кўмаклашишини сўраб, мурожаат қилди.

Медиаторнинг жалб қилиш

Медиаторни жалб қилиниши ихтилофли вазиятнинг бошланишида юз берди. Уни ҳал қилиш учун Чағатой кўчаси юзбошиси Гулсара опага мурожаат қилди. Чунки у аёллар билан ишлашда, шунингдек оилавий, маиший низоларни ҳал қилишда катта тажрибага эга эди. Бундан ташқари, медиатор маҳалладаги обрўли кишилардан ҳисобланиб, одамлар унга қулоқ солардилар. Мазкур ихтилофни ҳал қилиш юзасидан ташаббус маҳаллий ҳамжамият томонидан кўтарилди.

Тайёргарлик босқичи

Тайёргалик босқичининг бошланишида медиатор дўкон қурган аёл қўлидаги барча, жумладан ернинг ҳужжатларини ўрганиб чиқди. Пировардида юқоридаги аёлнинг дўкон қуришга руҳсатномаси йўқлиги маълум бўлди. У аёл ўзига ажратилган ер учаскаси чегарасидан кўча томонга қонунсиз бир метр чиқиб, жумладан шаҳарсозлик нормаларини ҳам бузган. Медиатор мазкур ҳолатда муаммони қандай ҳал этиш юзасидан фикрларини билиш учун қўшнилари билан суҳбатлашди. Улар томонидан турли фикрлар ва таклифлар, жумладан дўконни бузиб ташлаш фикри билдирилди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жарёни

Мазкур низоли вазиятни ҳал қилиш учун шаҳар гимназияси ёнида учрашув ташкил этилди. Унда Чағатой кўчасидан тахминан 10 киши (бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, учрашувга бу кўчадан сўзи ўтадиган кишилар келдилар), Янгиобод кўчасидан 3 киши, жумладан жабрланган аёл ҳам келди.

Томонлар мазкур муаммони ҳал қилиш бўйича турли фикрларни билдирдилар. Йўлни тўсиш ва бошқа нокулайликларни яратиш – бу гуноҳ бўлиб, Аллохдан ҳам қўрқиш кераклиги учун ҳам қарор қабул қилиш узоқ ва бахсли давом этди. Одамлар ёзда йўл чангиб, юришнинг иложи йўқлигини таъкидладилар. Мазкур кўчани ўраб олганлар ер қонунчилигини бузганлар, уларнинг қўлларида руҳсат берувчи ҳужжатлари бўлмаган. Давлат автомобил инспекцияси маҳаллий аҳоли қ томларидаги шифер қулатилишининг олдини олиш учун огоҳлантирувчи белгиларни ўрнатишлари керак.

Медиаотор ҳар бир томонга гапириш учун алоҳида сўз берди, томонлар бир бирларига қийқирмасликлари, сўкмасликлари ва тартиб сақланиши устидан кузатиб борди. Натижада томонлар

транспортнинг кўча бўйлаб бемалол юриши учун маҳаллий ҳамжамиятлар ўз кучлари билан тротуарнинг транспорт юришига ҳалақит бераётган фундаментини кўчириб ташлаш зарур, деган фикрга келдилар. Бу билан йўл кенгаяди.

Бундан ташқари йўлни муз қоплаши муаммоси ҳам кўтарилди. Қиш даврида ўқувчилар йўлда бемалол юрадилар, бироқ қишда йўлдаги сув музлаб, жароҳат олган ҳоллар ҳам бўлган. Бинолар томидан оққан сув тушадиган ариқ ифлосланиб, сувни ўтказмай қўйган. Чағатой кўчаси аҳолиси қишда томлардан оқиб тушадиган сув жойларда музлаб қолмаслиги учун ариқни хашар йўли билан тозалаш, кувур олиб келиш мажбуриятини олдилар. Янгиобод кўчаси яшовчилари, ўз навбатида, ёмғир суви ариқда оқиши учун ариқларни чуқурлаштиришга ваъда бердилар. Медиаторнинг сўзларига кўра, мазкур учрашув ҳужжатлаштирилди, мазкур қарор ижроси устидан назорат қилиш иккала кўча аҳолиси зиммасига юклатилди.

Медиациядан кейинги давр.

Иш ҳали бошланмади, унга тайёргарлик кўриляпти. Томонлар ДАННнинг йўл белгиларини ўрнатишларини кутмоқдалар.

Томонлар қачон зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришга киришишларини кутмоқдалар

Медиатор нималардан фойдаланди?

- фаол тинглаш;
- иккала томон билан учрашувлар;
- қонунчилик актларини тахлил қилиш;
- медиатор дўкон эгаси ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув етакчилари билан бўлган алоҳида учрашувлар давомида йўл ҳолатига тааллуқли бўлган кўпгина ахборотларни тўплади. Бу ифлосланган ариқ муаммосини ҳал қилиш имконини ҳам берди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Кийинчилик асосан қонунсиз дўкон қуриб олган аёл билан юз берди, унга вазият моҳиятини тушунтириш қийин бўлди. У дўкон қурулиши учун кўпгина молиявий ҳаражат сарфлагани учун ён бергиси келмади. Медиатор унга қонун унинг томонида эмаслигини тушунтиргач, кейинчалик бундан жабр тортмаслиги учун тинчланди. Унинг қўлида ажратилган ерни кенгайтириш учун маҳаллий давлат рўйхатга олиш идорасининг руҳсат берувчи ҳужжати йўқ эди.

Медиациянинг муаффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

- Шу фактни таъкидлаш керакки, Чағатой кўчасининг обрўли кишилари Янгиобод кўчасида яшайдиган аёл зиён тортмаслиги учун йўлни кенгайтириш юзасидан ўз фикрларини аниқ ва далил-исботлар билан билдирдилар. Улар вужудга келган вазиятнинг ҳақиқий сабабларини билганларидан кейингина муаммони ҳал қилишга киришдилар.
- Мазкур кўчалар аҳолиси билан юзма-юз гаплашиш, томонлар позициялари, манфаатларини диққат билан тинглаш пировардида келишимга олиб келди, ахир ҳамма одамлар тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшашни хоҳлайдилар.
- Дўкон қурилишининг ноқонунийлиги тўғрисидаги ишончли далиллар. Агар яшовчилар давлат рўйхатга олиш органига мурожаат қилганларида, улар мавжуд ҳужжатларнинг барчасини ўрганиб чиқиб, дўконни бузиб ташлар эдилар. Бундан дўкон эгаси, Янгиобод кўчаси яшовчиси жабр тортарди.
- Томонлар мазкур вазиятни ҳал қилишда бир фикрга келдилар.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

"Музокараларни ўтказиш ногаҳон боши берк кўчага кириб қолди. Мазкур ҳолатда маҳаллий ҳамжамият муаммони ҳал қилишда узоқни кўра билди. Бундай муаммолар бошқа ҳамжамиятларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки бундай ноқонуний қурилишлар кўп. Одамлар бундай муаммоларни ҳал қилолмайдилар, судга мурожаат қилишни эса ҳеч ким хоҳламайди"

Қалача қишлоғидаги икки мактаб ўқувчилари ўртасидаги ихтилоф

Мактаб ихтилофлари



Боткен вилояти	Медиация бўйича кейс №2	2012 й.

“Ўзларининг жонажон мактабларида ва яқин ўртадаги мактабларда ўзига хос “уставга тўғри келмайдиган муносабатлар” (аниқроғи, мактаб зўравонлиги) мавжуд эди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Қалача қишлоғи, Учқўрғон қишлоқ округи Қадамжой райони	**Биринчи томон** Пушкин номли ўрта мактаб 11-синф ўқувчилари	**Иккинчи томон** Айний номли ўрта мактаб 11-синф ўқувчилари	**Учинчи томон** Нотаниш иғвогарлар	**Бошқа иштироқчилар** Мактаб мамурияти, Учқўрғон қишлоқ округи балоғатга етмаган ёшлар ишлари бўйича инспекция ходимлари	**Мадазимов Аббос,** маҳаллий лидер

Муваққат доиралар.

Ихтилоф 2012 ўқув йилининг бошида юз берди ва бир ҳафта атрофида давом этди. Медиатор улар билан унинг бутун давомида бирга ишлади.

Дастлабки вазият

Медиаторнинг сўзларига кўра бу низо бир ҳафта атрофида давом этди. У иғвогарлик оқибатида юзага келди. Нотаниш шахс томонидан иккала мактаб ўқувчиларига қуйидаги мазмундаги СМС жўнатилди: “Сизлар сариқ чақага арзимайсизлар”, Пушкин номли мактаб ўқувчиларига эса “Биз, Айний номли мактабнинг 11 синфлар ўқувчилари сизларни уришимиз мумкин”. Мавжуд низо юзага келгунга қадар юқори синфлар ўқувчилари ўртасида майда-чуйда тўқнашувлар бўлиб ўтганлиги эслатилади. Биринчи томон (Пушкин номли мактабнинг 11 синф ўқувчилари) мазкур ҳабарни олишгач, иккинчи томон (Айний номли мактаб ўқувчилар) билан “гаплашиб қўйиш” учун ўзининг синфдошлари ва тарафдорларини йиғадилар. Гаплашиб қўйиш учун келган Айний номли мактаб ўқувчилари сўз талашиш оқибатидаги пўписали СМС жўнатиш юзасидан кўйилган айбдан жиддий таъсирланиб муштлашни бошладилар. Мазкур муштлашишни кўриб қолган мактаб директорининг ўринбосари жанжалга аралашиб, ўқувчиларни ажратди. У ўқувчилардан уларнинг бу ҳаракатлари сабабларини суриштирди, бироқ иккала мактаб ўқувчилари ҳам мазкур ихтилофнинг хақиқий сабабларини яширдилар ва бирор нарсани ҳабар қилишдан бош тортдилар.

Медиаторни жалб қилиш

Медиатор TASK лойиҳаси доираларида ўтказилган барча семинар ва тренингларда, ва ихтилофшунослик, музокара жараёнлари ва консенсус юзасидан тренингларда қатнашган. Медиатор мазкур низоли вазиятга ихтилофнинг ниҳоясида жалб этилди. Унга бу илтимос билан балоғатга етмаган ёшлар ишлари бўйча инспекция ходими мурожаат қилди. У медиатор ёрдамида мазкур вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш мумкинлигига ишонарди. Унга куч тизимларининг вакиллари мурожаат қилаётганлигини билгач, мазкур муаммони ҳал этишда қатнашишга қарор қилди.

Тайёргарлик босқичи

Тайёргарлик қисмини медиатор ихтилоф тўғрисида ахборот йиғишдан бошлашга қарор қилди.

Медиатор ахборотни иккала мактабнинг 9-10 –синфлари ўқувчиларидан йиғишга қарор қилди. Улар юқори синфлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб турганлигини ҳабар қилдилар. Ўзларининг жонажон мактабларида ва яқин ўртадаги мактабларда ўзига хос “уставга тўғри келмайдиган муносабатлар” (аниқроғи, мактаб зўравонлиги) мавжуд эди.

Фикрларни ўрганиш ниҳоясида медиатор СМС жўнатилган телефон рақамини аниқлади. Медиатор ва балоғатга етмаган ёшлар ишлари бўйича инспекция ходимлари икки бошқа мактаблар ўқувчиларига СМС жўнатган одамни топдилар. Шундан сўнг улар юзлаштирилди. СМС жўнатган одам бошқа мактабда ўқирди. Унинг нияти бу икки мактаб ўқивчилари ўртасида муштлашишни чиқариш эди. Юзлаштириш ниҳоясида бўлиб ўтган воқеа сабабчиси иккала мактаб ўқувчилари олдида кечирим сўради.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Пушкин ва Айний номли мактаблар ўқув бўлимлари мудрлари, Учқўрғон қишлоқ округи балоғатга етмаган ёшлар ишлари бўйича инспекцияси биргаликда

иккала томон қўшма учрашувини ўтказиш учун томонлар Қалача қишлоғига таклиф қилиндилар. Мазкур учрашувга Пушкин номли мактаб томонидан 6, Айний номли мактаб томонидан -7 ўқувчи, шунингдек уларнинг ота-оналари келдилар.

Аввалига Айний номли мактаб ўқувчиларининг ота-оналари учрашув ташкилотчиларини уларнинг ўғиларини содир бўлган муштлашув гуноҳкорлари қилаяптилар, деб айбладилар. Сўнгра учрашув қатнашувчилари низонинг иккала тарафини тингладилар. Кейин ҳаммага иғвогарлик СМСни юборган муаллиф мутлоқо бегона одам эканлиги ва у аллақачон топилганлиги айтилди. Иккала мактаб ўқувчилари бир бирларининг олдиларида кечирим сўрадилар ва ярашдилар. Улар бир бирларининг қўлларини қисдилар ва бундан кейин ундай қилмасликка ва муштлашишнинг қайтарилишига йўл қўймаслик мажбурияти олдилар.

Шунингдек иккала мактаб ўқувчилари мактаблар илмий бўлим мудирларидан муштлашув учун кечирим сўрадилар. Барча қарорлар оғзаки қабул қилинди, мажбуриятлар ёзма равишда мустаҳкамланмади.

Медиациядаги кейинги давр

Ярашишдан кейин медиатор шунга гувоҳ бўлдики, иккала томон ҳам берган сўзларида турдилар. Спорт тадбири ўтказилиб, унда ўқувчилар аралашиб, ўзаро ўйнадилар. Пировардида улар спорт командасини тузишни орзу қилаётганликларини ва тенгдошлар ўртасида район миқёсида куч синашишларини билдирдилар.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Урта синфлар ўқувчилари орқали ахборот йиғди. Бу бир мунча кенг таралган услубдур. Бунда юқори синифлар тўғрисидаги ахборотлар, одатда, бўлиб ўтаётган воқеалардан ҳабардор бўлган, бироқ қандайдур мажбуриятлар билан боғлиқ бўлмаган ва ҳеч қандай салбий оқибатсиз ахборотлар билан эркин ўртоқлашадиган қуйи синфлардан тўпланади.
2. Милиционер билан ишлаш. Медиаторга мурожаат қилиш ташаббускори балоғатга етмаган ёшлар ишлари бўйича инспекцияси инспектори бўлганлиги учун бошиданоқ у билан ҳамкорликда ишлаш кўзда тутилган эди. Шуниси қувончлики, милиция ходими ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилишдан манфаатдор эди.
3. Музокаралар ўтказиш.
4. Бошқа ўқитувчилар, илмий бўлим мудирлари билан ҳамкорликда ишлаш. Мактаб контингенти билан ишлашда бунга ўхшаш ҳамкорлик шунчаки зарурат.
5. Шахсий учрашувлар

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Қийинчилик шундаки, учинчи томонни топиш жуда қийин бўлди. Бу ҳолатда милиция томонидан ёрдам кўрсатилди.
2. Ўқувчилар ихтилофнинг хақиқий сабабини яширдилар.
3. Ўқувчилар медиация, музокара нима эканлигини эшитмаган эдилар. Медиатор ўқувчиларнинг мактабда, оилада, жамиятда вужудга келадиган муаммоларни қандай йўллар билан ҳал этишни яхширок тушунишлар учун мактаб дастурига хайрихоҳлик ва ихтилофшуносликни киритиш мумкинмикин, деган фикирни билдиради. Шунингдек у мактаб медиаторларини тайёрлаш амалиётини жорий этиш зарур деб ҳисоблайди.
4. Учқўрғон қишлоқ округида аксарият тожиклар яшаганликлари учун тилни тушунишда тўсиқларга дуч келинди.

Медиациянинг муаффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Медиация жараёнининг ўзини, қандай олиб бориш, қандай бошқариш, нимани айтиш ва қандай нарсаларни аймаслик кераклигини билиш.
2. Қарор ўқувчиларнинг ўзлари томонидан қабул қилинди, шунга мутаносиб равишда бу қарорлар ва уларнинг келгусидаги ижроси учун масъулиятни ўз зиммаларига олдилар.
3. Томонлар, шунингдек ўқитувчилар, милиция ўқувчилар муаммоларини ечишдан манфаатдор томонлар эди. Эришилган натижада ўқитувчиларнинг, илмий бўлим мудурларининг хизмати катта.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Медиатор мактаб муаммоларига эътиборни кучайтириш қаратди, ота-оналарни уйда фарзандларига эътибор бериш ва тарбиявий ишларни олиб боришга чақиради. Болаларни кўпроқ медиация санъатига, хайрихоҳлик маданиятини жорий этишга, хайрихоҳлик кабинетларини очишга жалб қилиш юзасидан маориф ишларини ўтказиш.

Сариқтола яйловидаги сувлоқ юзасидан ихтилоф

Сув ихтилофлари



Боткен вилояти	Медиация бўйича кейс №3	2011 й.

“Маҳаллий яйлов комитети ўз амалиётида яйлов билан боғлиқ бўлган муаммолларни ҳал қилиш тажрибасига эга, бундай воқеалар бу жойда тез-тез бўлиб туради”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар	Медиатор
Сариқтола худуди, Қадамжой райони	**Биринчи томон** Чўпон Б.	**Иккинчи томон** Қолган чўпонлар ва маҳаллий ҳамжамият аъзолари	**Учинчи томон** Яйлов комитети	**Камбаров Тўлқинжон,** ўқитувчи, яйлов комитети раиси

Муваққат доиралар.

Ихтилоф 2011 йилнинг баҳорида бошланди ва бир йилдан ошиқроқ давом этди.

Дастлабки вазият

Ихтилоф Қадамжой районидаги Сариқтола худудидаги Жарбулоқ булоғи ёнида юз берди. Сариқтола участкаси Қадамжой районидаги яқин қишлоқлардан чиққан моллар боқиладиган яйловда жойлашган.

Ҳаммаси шундан бошланди, Б. исмли чўпон маҳаллий ҳамжамият ихтиёридаги Сариқтола яйловида моллар сув ичадиган булоқ атрофини ўраб олади. Чўпон булоқ атрофидаги 20 сотихча ерни ўраб олиб, сувлоқ худудини кўкаламзорлаштириш билан шуғуллана бошлайди, дарахт экади. Бундан ташқари чўпон ёт хайвонларни суғориш учун йўл беришни хоҳламайди. Қўшни чўпонлар ва маҳаллий ҳамжамият аҳолиси сувлоққа йўл очилишини, шунингдек тўр девор олиб ташланишини талаб қиладилар. Буларнинг ҳаммасига улар рад жавобини оладилар. Шу йилнинг баҳорида мазкур ихтилоф инқирозга юз тутади. Ихтилофдан сўнг томонлар мазкур зиддиятга аралашишни сўраб яйлов комитети раисига мурожаат қиладилар. Чунки яйлов комитети мазкур вазиятни қараб чиқиш хукуқига эга. Унга сўнгги икки йил давомида моллар бош сони ўсганлиги ва сув етмаётганлигини ҳабар қиладилар. Маҳаллий молбоқарлар ихтиёрида 3 молхона бўлиб, кўй-эчкилар тахминан минг бошни, йирик шоҳли моллар 50 бошни ташкил этади. Моллар бош сонининг ўсиши билан сув масаласи чўпонлар ва маҳаллий ҳамжамият ўртасида бахс-мунозара майдонига айланиб қолди.

Медиаторни жалб қилиш

Медиаторни мазкур жараёнга жалб қилиш иккала томон масалани ҳал қилиш йўлларини тополмай, маҳаллий яйлов комитетига мурожаат қилган қарама-қаршилик кучайган босқичга тўғри келди. Яйлов комитети раисига мурожаат қилиш ташаббуси маҳаллий ҳамжамиятдан чиқди. Бунга иккала томоннинг келиша олмаётганлиги ва вазиятдан чиқиш йўлини топа олмаётганлиги сабаб бўлди. Маҳаллий яйлов комитети яйловларга тааллуқли масалаларни маҳаллий даражада қараш хуқуқига эга.

Тайёргарлик босқичи

Тайёргалик босқичида медиатор томонидан ҚРнинг яйловлардан фойдаланиш хуқуқий-норматив актлари ўрганиб чиқилди, участкани ўраб олиб, бошқа чўпонларни булоққа ўтказмаган чўпон билан учрашув ташкил қилинди. Учрашув чоғида мазкур муаммони ҳал қилиш юзасидан турли фикрлар билдирилди. Агар чўпон ярашиш йўли билан ўзининг бошқа чўпонларга муносабатини ўзгартирса ва сувлоқ масаласида улар билан тил топиша олсагина муаммони ечиш мумкин бўлади. Булоқни ўраб олган чўпон бу ерга хусусий мулкчилик бўйича ҳеч қандай актга эга эмас. Чунки яйлов давлат мулки ҳисобланади.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Иккита учрашув ташкил этилди. Учрашув Сариқтолада зиддиятнинг барча қатнашчилари билан ўтказилди. Иккинчи марта учрашув Пульгон қишлоғида қарор қабул қилиш учун ўтказилди. Қарор қабул қилиш жараёни Пульгон қишлоғида қишлоқ хокимияти бошлиғи кабинетида бўлиб

ўтди. Қарор қабул қилиш жараёни бошида муросага келишга ҳаракат қилиб қўриш учун томонларга сўз берилди. Томонлар ўз позицияларини, манфаатларини ва талабларини билдирдилар, иккала томон ҳам муаммони тинч ҳал қилишга, фикрлар уйғунлиги йўлини топишга келишдилар. Медиатор томонларга бир бирларининг сўзини бўлмай гапириш имконини берди. Томонлар иккала томонда ҳам муқобил йўл йўқ деган фикрга келдилар. Шу боисдан, улар бир бирларини айбламадилар, муаммони инсончасига ҳал этишга, молиявий ва бошқа ҳаражатлардан қочишга ҳаракат қилдилар.

Қарор қабул қилиш жараёнида иккинчи томон сувлоқ атрофидаги тўсиқни бутунлай бузиб ташлаш таклифини киритди. Чўпон бу фикрга қўшилмади. Чунки бу билан унинг мазкур худудни кўкаламзорлаштириш бўйича 10 йилик меҳнати зоя кетиши мумкин. Маҳаллий ҳамжамият вакиллари ҳам экология нуқтаи-назаридан булоқ атрофидаги дарахтзорни сақлаб қолиш тарафдорлари эди.

Пировард натижада томонлар қуйидаги қарорга келдилар:

1 – томон: участкани ўраб олган чўпон маълум хажмдаги сувни кувур орқали тўсиқдан ташқарига олиб чиқишга (каптаж) розилик берди.

2 – томон: маҳаллий ҳамжамият вакиллари сувни кувур орқали тўсиқдан ташқарига олиб чиқиш таклифига рози бўлдилар. 600 метр қувур билан таъминлаш мажбуриятини олдилар. Маҳаллий яйлов комитети қурилишни цемент ва арматура билан таъминлашга сўз берди. Қурулишга 4,5 минг сом талаб қилинарди. Томонлар қарорга имзо чекмадилар, фақат оғзаки битимга келишдилар.

Чўпон ноқонуний ҳаракатлари учун жазоланмади. Чунки, шу вақтгача у сувлоққа қаради, ахлатлардан тозалади, атрофига дарахтлар ўтқазди, капитал маблағ сарфлади ва хоказо.

Медиациядаги кейинги давр

Биринчи босқичда муаммони ҳал қилишнинг муросасозлик йўлига эришилди, яъни биринчи томон сувнинг маълум қисмини бошқа чўпонлар фойдалиниши мумкин бўлган худудга чиқариб беришга рози бўлди. Маҳаллий ҳамжамият (иккинчи томон) кувур ётқизиш учун 4 қоп цемент, 32 метр арматура олиб берди. Биринчи томон сувни тўсиқдан ташқарига чиқариш учун 20 метр қувур берди. Яйлов комитети шағал ваъда қилди. Олинган мажбуриятлар ҳозирги вақтда томонлар томонидан бажарилаяпти, биргина қувур ётқизиш масаласи қолди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

• КРнинг соҳага оид қонунчилигини, жумладан 2009 йилдан бери амал қилаётган "Яйловлар тўғрисида"ги қонуни ва "Қишлоқ хўжалик майдонлари ижараси тўғрисида"ги қонунини ўрганиш.

• Маҳаллий яйлов комитети билан консультация

• Ихтилофнинг барча томонлари билан музокара ва учрашувлар

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Медиатор мазкур жараён давомида вазиятни яхши билганлиги учун унчалик қийнчиликларга дуч келмади. Ихтилофни ҳал қилиш йўллари иштирокчиларнинг ўзлари томонидан топилди, жараён иккала томон фойдасига ҳал бўлди. Маҳаллий яйлов комитети ўз амалиётида яйлов билан боғлиқ бўлган муаммолларни ҳал қилиш тажрибасига эга. Бундай воқеалар бу жойда тез-тез бўлиб туради. Комитет пулни яйловдан фойдаланувчиларнинг ўзлари томонидан йиғилган маблағдан ажратишга рози бўлди. Бу пул тўғридан-тўғри яйлов инфраструктурасини ривожлантиришга сарфланиши керак. Шу боисдан қувур ётқизишга маблағ сарфлашга қарор қилинди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

• Медиатор статуси, чунки иккала томон ҳам медиаторни яйлов комитети раиси сифатида билардилар.

• КР қонунларини билиш, томонларнинг медиаторга нисбатан ҳурмати ва томонларнинг ишончли мунособатлари.

• Вужудга келган вазиятни яхшироқ билиш ва иш тажрибаси.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Медиацияни маълум бир худудда ва маълум бир ҳамжамиятда, маълум бир жойда ўтказса бўлади. Икки минг кишилик аҳоли учун бир медиатор муаммоларни тинч, ихтилофсиз йўллар билан ҳал қилишга тўла улгуради.

ХХФ шарҳи

Документалист иловаси:

Бу ерда медиаторнинг статусига нисбатан ва томонлар томонидан уни шундайлигича қабул қилинишига маълум шубҳалар бўлиши мумкин. Бу ерда медиатор ўзининг яйлов комитети раиси вазифасини бажарди, бироқ ихтилофни ҳал қилишда медиация услубларидан фойдаланди.

Каптаж – сув ховуз (қудуқ, зовур) ер ости сувларини ер сатхига олиб чиқиш ва тўплаш.

Мазейитнинг еридаги водопровод тўғрисидаги ихтилоф

Сув ихтилофлари
Чегара яқини низолари



Боткен вилояти	Медиация бўйича кейс №4	2011 й.

“Кирғизлар ва тожиклар ғуж яшайдиган бунга ўхшаш ҳамжамиятда доим ер, сув, яйловлар билан боғлиқ ихтилофлар бўлиб туради”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Медиатор
Мазейитнинг ери участкаси, Боткен вилояти	**Биринчи томон** Мазейитнинг ери участкаси аҳолиси	**Иккинчи томон** Чоркух жамоати №4 бригадаси аъзолари	**Максат Иметов,** Оқтатир қишлоқ хукумати бошлиғи.

Муваққат доиралар.

Мазкур икки ҳамжамият (кирғизлар ва тожиклар) ўртасидаги бахс 2011 йили Мазейтнинг ери участкасига сув ўтказиш линиясини куриш бошланиши билан бошланиб, бир йил атрофида давом этади.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Мазейитнинг ери участкаси Қирғизистон Республикаси (КР) ва Тожикистон Республикаси (ТР) давлат чегаралари туташган жойда, КР худудида, Ўртабўз қишлоғи (КР) ва Чоркух, №4 Бригада (ТР) жамоа.и ўртасида жойлашган. Унда 243 киши яшайди. Бу ерда водапровод линияси бўлмаган, аҳоли ариқдан сув ичишга мажбур. Қиш даврида аҳоли Исфара дарёсидан сув ичади.

Дастлабки вазият

Мазкур бахс 2011 йилнинг августида Мазейитнинг ери маҳаллий аҳолиси ва №4 Бригада яшовчилари ўртасида Мазейтнинг ери аҳолиси водапровод линиясини ўтказиш учун зовур қазишни бошлаган кундан бошланган. Бахс чегараолди худудларининг ноаниқлиги муаммосидан келиб чиққан. ТР аҳолисининг 2 та уйи оралиғида бир парча ер бўлиб, Қирғиз ҳамжамияти учун водопровод линияси ўша жой орқали ўтиши керак эди. Бу икки уйда яшовчилар мазкур линиянинг шу ер парчаси орқали ўтишини хоҳламадилар, чунки у ўшаларга қарашлида. Бироқ Ўртабўз қишлоғи ва Мазейитнинг ери участкаси (КР) маҳаллий аҳолиси бу ер КРга тегишли, деб туриб олдилар. Иккала томон ҳам бир муросага кела олмадилар. Натижада бу муаммо ҳал бўлмади. Қирғиз ҳамжамияти икки марта хашар усилида қўл кучи билан зовур қазидилар, юқоридаги икки уй эгалари ишга тўсқинлиқ қилиш учун зовурни қайта кўмиб қўйишди. Оқибатда водопровод қурилиши бўйича ишлар тўхтаб қолди. Бу вазият вужудга келгунга қадар маҳаллий аҳоли ўзаро дўстликда яшар эдилар, учрашувларни, байрамларни бирга ўтказардилар, бир бирлариникига меҳмонга борардилар. Бу воқеадан сўнг икки ҳамжамиятнинг ўзаро муносабатлари яхши томонга ўзгармади, муносабатларга совуқлик тушди.

Медиаторни жалб қилиш

Қишлоқ хукумати бошлиғи ва медиатор Иметов М. ҳамжамиятлар аҳолиси ўртасида катта обрўга эга.

Қишлоқ хукуматининг ёш ва ғайратли бошлиғи сифатида шуҳрат қозонган. Сув қувурларини ўтказиш линияси қурилиши тўхтаб қолганда у мазкур бахснинг моҳиятини синчиклаб ўргана бошлади. Ҳужжатларни ўрганганда бу ер кимга тегишлик эканлиги маълум бўлди. Натижада катта ишлар олиб борилди, жумладан Боткен райони давлат рўйхатга олиш идороси ходимлари, №4 Бригада бошлиғи билан учрашувлар ўтказилди. Медиатор августнинг бошларида бу бахсга аралашди ва мазкур ихтилофни ҳал қилиш учун иккала томон билан ҳам учраша бошлади.

Тайёргарлик босқичи

Дастлабки босқичда Чоркух жамоаси раиси Шарапов билан учрашув бўлди. Ундан ўз ҳамжамиятига мазкур муаммо моҳиятини тушунтириш, Мазейитнинг ери участкасига водопровод линиясини ўтказишга руҳсат беришни сўради. Чоркух жамоаси раисидан водопровод линиясини ўтказишга ёзма руҳсатнома олингач, РТ №4 участкаси аҳолиси билан учрашув ўтказилди. Унда Чоркух жамоаси раисининг ўринбосари чиқиб гапирди. У ҳамма иштирокчиларга водопровод линияси қурулиши ишларини олиб бориш учун руҳсат берувчи ҳужжат борлигини тушунтирди. Водопровод линияси ихтилофли вазиятга қадар қурулган эди. Айрим участкалардаги қурулиш ишлари ниҳоясига етгандан кейин қирғиз ҳамжамияти линияни бу тожик уйлари бўйлаб ўтказишни хоҳлади, натижада зиддият бошланди. Тожик ҳамжамияти уларнинг уйлари орқали сув қувурларини ўтказишга йўл қўймади. Медиаторнинг сўзларига кўра, қурулиш ишларига бундай қаршиликнинг сабаблари унга маълум эмас. Тожик томон иккала ҳамжамият учун бундан қандай фойда бўлишидан қатъий назар, уларнинг худудида ҳар қандай иш олиб борилишига қарши қатъий туриб олдилар.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Қарор қабул қилиш жараёни узоққа чўзилди, чунки томонлар ер участкаси бахсли бўлганлиги учун бир қарорга келолмадилар. Ҳар ким ер унга тегишли эканлигини тасдиқлаб туриб олди.Бунга иккала давлатнинг ҳам шу вақтгача чегараларни делимитация ва демаркация қилиш жараёнини тугулламаганликлари сабаб бўлди.

Тожик томон участка уларга тегишлилигини тасдиқласа,қирғиз томон ҳам ўзига тегишли эканини таъкидлди. Қарор қабул қилиш жараёни жамоа раиси сув қувурларини ўтказиш қурилиши учун ёзма руҳсат бергандан кейингина жойидан жилди.

Қирғиз ва тожик томонлари билан бир неча (3¬- 4 учрашув) марта учрашувлар ўтказилди.Бироқ бу муаммо ечилмасдан қолди.Қирғиз томон аҳолиси билан ҳам,тожик томон аҳолиси билан алоҳида учрашувлар ўтказилди.Иккала томон ҳам пировардида ўзаро бир битимга келолмадилар.Учрашувларнинг барча қатнашчилари мазкур муаммони ҳал қилиш юзасидан турли фикрларни билдирдилар. Пировард натижада иккала ҳамжамият билан ўтказилган якуний учрашувдаги раис билан бўлиб ўтган учрашувдан кейин томонлар тожик томонга ҳам бир водопровод колонкасини қўйиш шарти билан муросага келдилар. Ваҳолонки тожик томони бунга муҳтож ҳам эмас эди.

Якуний учрашувдан кейин қирғиз томони тожиклар ҳамжамиятга улар ҳам ичимлик сувидан фойдалансинлар учун бир колонка қуриб беришни таклиф қилди. Бундай шарт тожик томонга ҳам маъқул тушди.

Медиаторнинг роли томонларни яраштириш,уларга сув қувурларини ўтказиш масаласида ягона бир фикрга келишларида ёрдам беришдан иборат. Аслида медиатор ўтказилган барча учрашувларнинг ташаббускори бўлди. У, шунингдек музокараларни олиб борди,қарор қабул қилинишига раҳнамолик қилди.

Медиациядан кейинги давр.

Сув қувурларини ўтказиш бўйича ишлар бошланган эди.Шу билан бирга маҳаллий ҳокимият медиатор сиймосида ва маҳаллий ҳамжамият ҳамкорликда ягона бир фикрга келишлари ва мазкур муаммони тинч йўл билан ҳал қилишлари мумкин эди.Ҳозирги вақтда ўзаро ишончни тиклаш жараёни бормоқда. Чунки, иккала томон ҳам бир бирига боғлиқ. Сув қувурларини ўтказиш ишлари ҳали якунлангани йўқ, қурилиш ишлари давом этмоқда.

Медиатор нималардан фойдаланди?

Медиатор фаол тинглаш усулидан фойдаланди. Фаол тинглаш жараёнида у мазкур муаммо тўғрисида тўлиқ ахборот олиш,муаммоли нуқталарни аниқлашга эришди. Бундан ташқари жамоа раиси, маҳаллий

аҳоли, давлат рўйхатга олиш идораси ходимлари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

• Чегараларнинг ноаниқлиги, чунки давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш ишлари ўтказилган эмас;

• Қирғиз ва тожиклар ғуж яшайдиган бунга ўхшаш ҳамжамиятларда ер, сув, яйловлар билан боғлиқ зиддиятлар доим бўлиб туради;

• Иккала томон аҳолисининг тажовузкорлиги;

• Мазейитнинг ери ўзига хос анклавда жойлашган;

• Тожик томони билан музокараларни (учрашувларни уюштириш, томонларнинг манфаатларини ва позициясини ўрганиш) олиб бориш жараёнидаги қийинчиликлар, чунки улар бошқа давлатда яшайдилар;

• Чегараолди муаммоларини ҳал қилиш қийин, чунки икинчи томон мустақил давлат бўлиб, уларнинг ўз қонунлари, тартиблари бор ва х.к.;

• Бу қийинчиликлар учрашувларни ташкил этиш, сув қувурларини ўтказиш зарурлигига, шунингдек иккала ҳамжамият қўшни бўлганлиги учун бир бирларига кераклигига (масалан, тожик аҳолисининг бир қисми қирғиз яйловларидан фойдаланади), икки давлат муносабатларидаги ўзаро боғлиқликкга ишонтириш ёрдамида бартараф этилди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

Вазиятнинг ёмонлашишига йўл қўймаслик ва ихтилофни тинч ҳал этиш мақсадида иккала томон билан узуликсиз ўтказилган учрашувлар. Томонлар масалани тинч ҳал этмасдан ривожланишда олға силжиш бўлмаслигини, иккала томон бир бирига боғлиқлигини тушуниб етдилар.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Медиатор Оқтатир қишлоқ округи бошлиғи бўлганлиги учун манфаатдор томон ҳисобланади. Ихтилофли вазиатни ҳал қилиш учун медиатор учунчи ҳолис томон бўлиши керак. Бироқ мазкур вазиятда ихтилофни ҳал қиладиган бундай ҳолис, муқобил одамни топиш қийин, ташқаридан таклиф этиш эса моддий ва бошқа маблағларни талаб қилади.

Зардалак конидаги ихтилоф

Ресурслар юзасидан ихтилофлар
Тоғ-кон соҳасидаги ихтилофлар



Боткен вилояти	Медиация бўйича кейс №5	2011 й.

“...Мазкур муаммони митинглар ўтказиш ва йўлларни тўсиш билан ҳеч ким ҳал қила олмайди,фақат сўзлашувлар ва ўзаро ишончли ҳамкорликкина муросага келиш имконини беради”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар	Медиатор
Тиниқсув қишлоғи	**Биринчи томон** Тиниқсув, Сариқтола, Кон қишлоқлари аҳолиси	**Иккинчи томон** Геология қидирув компанияси (ХҲР)	**Учинчи томон** Боткен райони маъмурияти	**Хаит Айкинов,** жамоатчилик ходими, медиатор

Муваққат доиралар.

Қаралаётган ихтилоф 2011 йили юзага келди. Бироқ ўша вақтгача ҳам тўқнашув ва норозилик акциялари ўтказилиб, хитой компанияси ишчилари маҳаллий аҳоли томонидан ҳайдалган эди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Боткен вилояти Боткен районидаги Тиниқсув қишлоғи геология қидирув ишлари бошланган марказий нуқта ҳисобланади. Бироқ ихтилоф қўшни Сариқтола, Кон, бу қишлоқлардан 5-6 км. олисдаги алюминий кони жойлашган тоғли Зардалакни ҳам қамраб олди.

Дастлабки вазият

2011 йили хитой компанияси Тиниқсув қишлоғида геология қидирув,шунингдек алюминий конига олиб борадиган йўл қурилишини бошлади.Шунда маҳаллий аҳоли мазкур компания маҳаллий аҳолига катта экологик зарар келтиради, деб ўйлаб, хитой компанияси ишчиларини хайдаб юборадилар.

Бир қанча вақт ўтгач компания ўз фаолятини давом эттиради. 2011 йилнинг майида маҳаллий аҳоли яна компания ишига қарши норозилик билдира бошлайди.

2011 йилнинг октябрида Боткен районининг Сариқтола, Кон, Тиниқсув қишлоқлари аҳолиси (қишлоқлардан 5-6 км олисликдаги) Зардалак тоғларидаги алюминий конидаги геология-қидирув ишларининг ўтказилишига қарши норозилик акцияларини бошлайдилар. Берилган лицензияга мувофиқ, геология-қидирув ишларини “N” компанияси олиб боради. Аҳоли ўртасида конкурент хитой компанияси ишламаслигидан манфаатдор бўлган айрим гуруҳлар бор. Маҳаллий аҳоли сўзларига кўра, улар ихтилоф чиқишидан, хитой компаниясининг бу ерда геология-қидирув ишларини олиб бормаслигидан манфаатордирлар.

Дастлаб маҳаллий ҳамжамиятлар ўз лидерларидан иборат вакилларини хитой компаниясига нисбатан тегишли қарорни қабул қилдириш мақсадида Боткен район маъмуриятига юборадилар. Шундан сўнг хоким бошчилигида мазкур қишлоқлар аҳолиси билан учрашув ўтказилиб, энг устивор муаммолар белгилаб олинади:

1. Ичимлик суви;
2. Тиниқсув қишлоғидаги мактаб таъмири;
3. Сариқтола қишлоғидаги ФАП қурилиши;
4. Аҳоли ўртасидаги ишсизлик.

Лидерлар Боткен райони хокими билан учрашгандан кейин умумий қишлоқ йиғинини ўтказиш санаси белгиланди, мазкур учрашувда устивор муаммолар эълон қилинди. Хитой компанияси йиғинда санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш мажбуриятини олди. Шунингдек у маҳаллий аҳоли ўртасидаги ишсиз ёшларни кончилар билан ишлашга ўргатишга ваъда берди.

Мазкур хитой компаниясида

Қирғизистоннинг бошқа регионларидан келган ишчилар ишлайди. Компания бу ерда 6-7 йилдан бери геология-қидирув ишларини олиб бориб, бу мақсадларга маълум молиявий маблағ сарфлаган.

Медиаторни жалб қилиш

Медиатор бу жарёнга маҳаллий аҳолининг барча норозилик акцияларидан кейин жалб қилинди.

Тайёргарлик босқичи

Ўтказилган учрашувлар натижалари маҳаллий аҳоли компания ва экологик экспертиза тўғрисида ахборотга эга эмаслигини кўрсатди. Уччала қишлоқ аҳолиси ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш учун маҳаллий ҳамжамият ҳисобидан ташаббускор гуруҳ тузилди. Мазкур ташаббускор гуруҳ маҳаллий аҳоли ўртасида учрашувларни, йиғинларни ўтказди, шунингдек тушунтириш ишларини олиб борди.

Тайёргалик босқичида медиатор КРнинг барча қонунчилик актларини ўрганди, мазкур зиддиятли вазиятни тахлил қилди. Шунингдек вазиятни йўлга солиш учун маҳаллий аҳоли ва хитой компанияси билан учрашувлар ўтказилди. Медиатор учрашувлар ўтказди ва мазкур муаммони ҳал қилиш юзасидан воситачилик ролини ўйнади, учинчи томон сифатида у ҳолис одам бўлиб, ҳеч кимнинг манфаатлари ва позицияларини ифодаламаслигини таъкидлади.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Жараён бошида у барча иштирокчиларга ўзининг ҳолис одамлигини, қандай қарор қабул қилиш хитой компанияси ва маҳаллий аҳолига боғлиқлигини, хулоса, тавсиялар, шунингдек маслаҳат бераолмаслигини айтди. Барча гаплар музокара столи атрофида қолиши мумкин. Қарорга икки томоннинг розилиги билан келинди, яъни томонлар барча ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, мазкур кон маҳаллий аҳолига ва регионга фойда келтиради, экологик зарари йўқ, деган ягона фикрга келдилар. Кон қазишга хитой компанияси ходимларидан ташқари маҳаллий аҳоли ҳам жалб қилинади. Медиатор мазкур муаммони митинглар ўтказиш ва йўлларни тўсиш билан ҳеч ким ҳал қила олмаслигини, фақат сўзлашувлар ва ўзаро ишончли ҳамкорликкина муросага келиш имконини беришини таъкидлади. Пировард натижада маҳаллий аҳоли кон ишларига оқ йўл тилади ва кон қазиш ишларида хитой компаниясига ҳалақит бермаслик мажбуриятини олди. Дастлаб маҳаллий ахолида мазкур компаниянинг нима билан шуғулланиши, қандай фойдаси ва камчиликлари борлиги тўғрисида ахборотнинг йўқлиги туфайли унга ишончсизроқ муносабатда бўлди. Турли миш-мишлар бўлиб, улар (алюминий комбинати қурилармиш, бу билан экологияга ва маҳаллий аҳолига катта зарар етармиш) маҳаллий аҳолини безовта қилди. Шундай ҳоллар ҳам бўлдики маҳаллий фаолар товон олиш ёки бошқа манфаатларга эришиш учун инвесторларга асоссиз босим кўрсатдилар.

Икки марта барча томонлар, жумладан Боткен райони давлат маъмурияти вакиллари иштирокида учрашув ўтказилди. Иккинчи учрашув Боткен вилояти губернатори А.Бурканов иштирокида ўтди. Томонлар геология-қидирув компанияси фойдасига ҳам ва унинг зиёнига ҳам далилларни келтирдилар. Хитой компанияси, ўз навбатида, мазкур участкада алюминий қазиб олиш кераклиги тўғрисида ўз далилларини ўртага ташлади. Мазкур учрашувда хитой компанияси қонун доирасида ижтимоий инфраструктурани яхшилашга ёрдам беришга (1 млн. 200 минг сом) рози бўлди, шунингдек 1-2 йил довомида Кон қишлоғида мактаб қуриш мажбуриятини олди. Бундан ташқари мазкур компания тоғ-кон ихтисослиги бўйича КР олий ўқув юртларида ўқиётган талабалар ўқиши учун хақ тўлаш мажбуриятини олди.

Шунингдек компания геология-қидирув бўйича махсус малака ва тайёргарликни талаб қилмайдиган соҳаларда ишлаш учун маҳаллий аҳолидан 100 кишини ишга олишни ваъда қилди.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари ҳолис экспертни таклиф қилиш, маҳаллий ҳамжамиятнинг хуқуқий билимини ошириш юзасидан семинар ўтказиш мажбуриятини олди.

Маҳаллий аҳоли хитой компанияси ишига ҳалақит бермайди, компаниянинг эҳтиёжига қараб ишчилари учун озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берадилар.

Медиациядан кейинги давр.

Ҳозирги вақтда хитой компанияси ишлаяпти ва ўз мажбуриятларини бажарияпти, шунингдек маҳаллий ҳамжамият ҳам. Барча мажбуриятлар протоколлаштирилган ва имзоланган. Зиддият бошқа такрорланмади. Ҳозирча ихтилофлар йўқ, қарорларнинг ижроси иккала томон назоратида турибди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

Маҳаллий аҳоли ва хитой компанияси билан бўлган учрашувлар ўз натижаларини берди, томонлар ўз фойдалари учун далил ва фактларни ишлатдилар, маҳаллий ҳамжамият муаммолари тахлил қилинди ва устиворлаштирилди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

• Маҳаллий аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий билим савиясининг пастлиги;

• Аҳоли ўртасида асоссиз миш-мишларнинг тарқатилиши;

• Аҳоли ўртасида маҳаллий хокимиятга ишончнинг йўқлиги;

• Маҳаллий аҳоли томонидан маҳаллий амалдорларнинг хитой компаниясидан пора олишда асоссиз айбланишлари.

Медиатор учун музокараларнинг бошланишида маҳаллий аҳолининг медиаторга унча ишонмаганлиги асосий муаммо бўлди. Чунки унгача мазкур жараённи йўлга солишга эришилмади, ҳолбуки, маҳаллий аҳоли конни ёпишга астойдил киришган эди. Музокара столига ўтирилгач, маҳаллий аҳоли мазкур коннинг фойдалинишга топширилиши иккала томон учун ҳам фойдали эканлигини тушуна бошлади.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

• Медиация соҳасидаги билим ва малакалари, КР НИАни ўрганиш.

• Вазиятга ўз вақтида муносабат билдириш, хукумат органлари билан тиғиз алоқа.

• Коммуникация.

Мазкур жараённинг муаффақияти шундаки, маҳаллий аҳоли компаниядан ўзлари учун фойда борлигини, яъни ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечилишини, экологик зарар тўғрисидаги миш-мишлар асоссиз эканлигини, кон қазиш ва комбинат қуриш иши эмас, энди ер ости бойликларини ўрганиш жараёни бошланганлигини эшитдилар. Маҳаллий аҳоли бу жараёнга жалб этилади ва улар компанияни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдилар.

Мингчинор қишлоғи мактабидаги зўравонлик

Мактаб ихтилофлари



Боткен вилояти	Медиация бўйича кейс №6	2012 й.

“6-7 синфлар ўқувчилари ҳали юқори синф ўқувчилари томонидан бунга ўхшаш хатти-ҳаракатларга жалб этилмаганлиги учун ҳам, улар юз бераётган воқеалар тўғрисида, бунинг учун катталар томонидан қандайдир жазо олишдан қўрқмай, эркин ахборот берадилар”.

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар	Медиатор
Мингчинор қишлоғи, Қадамжой райони	**Биринчи томон** Тўралиев номли ўрта мактаб 10-синфлари ўқувчилари	**Иккинчи томон** Шу мактабнинг 11-синфлари ўқувчилари	**Учинчи томон** Дуйшеев Тинибек, мактабнинг ёшлар билан иш олиб борадиган ёш ўқитувчиси	**Канзаада Шакирова,** мактаб ўқитувчиси

Муваққат доиралар

Турли синфлар ўқувчилари ўртасидаги зиддият бир неча йил (камида 1-2 йил) довом этиб келаяпти. Инқироз босқичи 2012 йили мартда Наврўз байрамида бошланди.

Медиатор мазкур ихтилоф билан 2012 йилнинг 22-23 апрелидан 20 майгача ишлади. Ихтилоф билан ишлаш тахминан бир ойга чўзилди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Боткен вилоятининг Кадамжай райони Мингчинор қишлоғи. А.Туралиев номли ўрта мактаб қишлоқдаги ягона мактабдир. Яқин орадаги мактаблар қўшни қишлоқларда жойлашган. Шу боисдан бошқа мактаблар ва ўқувчиларнинг мазкур зиддият қатнашчиларига таъсири чекланган.

Дастлабки вазият

Конкрет шахслар эмас, айнан синфлар низолашмоқда. Аниқроғи, бу ерда мактабдаги зўравонлик, бир мактаб авлодидан кейингисига бериладиган анъанавий зиддият тўғрисида гапириш мумкин.

Медиаторнинг сўзларига кўра, бу ихтилоф ҳар йили такрорланадиган узликсиз ва давомийлик характерига эга.

Конкрет шахслар эмас, айнан синфлар низолашмоқда.

Аслида бу юқори синф ўқувчиларининг (мазкур ҳолда 11-синфлар) ёшларни (бу ерда - 10-синф) “тарбияламоқ”чи бўлаётган мактаб даражасидаги ўзга хос зўравонликдир. “Анъанавий” деб аталмиш бу ҳол анчадан бери (сурункасига бир неча йил) давом этмоқда. Бу йил 10-синфларда катта 11-синфга бўйсунишни хоҳламайдиган авлод пайдо бўлди.

Наврўз байрами яқинлаши билан 11-синф қишлоқдаги анъанавий кўрик-концертига иштирокчилар танловини уюштирдилар. Натижада, танланган аксарият кўпчилик 11-синф ўқувчилари бўлиб чиқди. Бу 10-синфларда норозилик туғдирди. “Нима учун концерта 10-синфлар ўқувчилари кам қатнашяптилар? Бизнинг ҳам кўрсатадиган нарсамиз бор, биз ҳам қатнашишни хоҳлаймиз!” Медиаторнинг сўзларига қараганда 10-синф ўқувчиларининг жавоби тахминан шундай бўлди. Навбатдаги кунларнинг бирида дарсдан кейин 10 ва 11-синфлар ўқувчилар ўртасида муштлашув бўлди. 11-синф ўқувчиларидан бири 10-синф ўқувчиси томонидан калтак еб қолди. Муштлашиш сабаблари ҳозирча аниқ эмас. Бироқ бир нарса аниққи, бу муштлашишда илгари юз берган норозилик катта роль ўйнади.

Келгуси куни мактабда дарс вақтида иккала синф ўқувчилари ҳам ўз тарафдорларини йиға бошлади. Ўқувчиларнинг икки гуруҳи мактаб худудида оғзаки шаклда ўзаро муносабатларини аниқлашни бошлади (“разборка” уюштирилди). Буни мактаб ўқитувчиларидан бири Дуйшеев Т. кўриб қолди ва авж олаётган ихтилофга аралашиб, уни тўхтатиб қолди. У ўқувчилардан уларнинг хатти-ҳаракатлари сабаблари тўғрисида сўраганда, ўқувчилар ихтилоф сабабларини яширдилар ва жавоб беришдан бош тортдилар. Улар бир бирлари билан муштлашишни

ҳоҳламаганликларини, ҳаммаси "шунчаки гаплашишганини" билдирдилар. Ўқитувчи уларни огоҳлантирди ва тарқалишни сўради.

Кейинчалик, ўқувчиларнинг концертга тайёргарликлари бошланганда 10-синф ўқувчилари ўтказилган танлов ва унда 10-синф ўқувчиларининг қатнашмаётганлигини айтиб, очиқ норозилик билдирдилар. Бунга концерт ташкилотчилари (ўқитувчилар) мактабдаги барча синфлар ўқувчилари қатнашишлари керак ва қатнашадилар, деб жовоб бердилар. Ўқитувчилар қатнашчиларни такроран танладилар. Натижада концертга қатнашадиганлар сафига 10 синф ўқувчилари ҳам қўшилди. Қишлоқдаги навбатдаги байрам концерти ҳам жуда яхши ўтди, мактаб командаси қишлоқда биринчи ўринни эгалади.

Қатнашчиларни танлаш юзасидан вужудга келган вазият турли синфлар ўқувчилари ўртасидаги кескинликнинг энг юқори чўққиси бўлди.

Юқорида қайд қилинган кескинликдан ташқари, 10 ва 11-синфлар ўқувчилари ўртасида вақти-вақти билан, турли синфлар ўқувчилари ўртасида қарама-қаршилик (зиддият) борлигини намойиш қиладиган, турли майда ихтилофлар бўлиб туради.

Медиаторни жалб қилиш

Медиатор медиация бўйича Лойиҳа компоненти доирасида медиация юзасидан тренингларда иштирок этган. Уйга қайтгач, у мактаб педагогика кенгашида тренингнинг мазмуни ва олган билими ҳамда малакалари тўғрисида гапириб берди. Унинг ҳамкасблари олинган тажрибани ижобий баҳоладилар. Ва бу тўғрида болаларга гапириб беришни маслаҳат қилдилар. Медиатор мактаб ёшлар маркази қатнашчилари учун кичкинагина лекция ўтказишга қарор қилди.

Медиация бўйича ўтказилган биринчи лекциядан кейин медиатор ўқувчилардан мактабдаги медиация ёрдамида ҳал қилиш мумкин бўлган зиддиятлардан мисоллар келтиришни сўради. Ўқувчилар бунга 10 ва 11-синфлар болалари ўртасидаги мавжуд ихтилоф тўғрисида ҳабар бердилар ва уларнинг муносабатларидаги бу зиддият ҳамон сақланиб келаётганини айтдилар. Медиатор бу ихтилофни ечишга ҳаракат қилиб кўрди.

Тайёргарлик босқичи

Медиатор тайёргарлик босқичини ихтилоф тўғрисида ахборот тўплашдан бошлади.

Медиатор ахборотни 10 ва 11-синфлар қизлари орқали йиғишга ахд қилди. Чунки жанжаллашган ўқувчилар унга бундай ахборотни бермас эдилар.

Тездаёқ ўқувчи қизлар бу ўзига хос анъана бўлиб қолганлигини билдирдилар. Юқори синфлар қуйиларини бўйсундирмоқчи бўладилар "Биз ўз вақтида бўйсунганмиз, 10-синфлардагилар нега бизга бўйсунмайдилар?" – деб хайрон бўларди улар.

Медиаторнинг таъкидлашича, ахборот йиғишда бир мунча қуйи синфлар (6-7 синфлар) ўқувчилари билан ишлаш фойдалироқ. 6-7 синфлар ўқувчилари ҳали юқори синф ўқувчилари томонидан бунга ўхшаш хатти-ҳаракатларга жалб этилмаганлиги учун ҳам, улар юз бераётган воқеалар тўғрисида, бунинг учун катталар томонидан қандайдир жазо олишдан қўрқмай, эркин ахборот берадилар.

Шундан сўнг медиатор 10-синфлар, уларнинг лидерлари билан эхтиёткорлик билан музокара бошлади. Улардан ихтилоф ҳақида сўради. Ўқувчилар 11-синф томонидан қисим бўлаётганлигини гапириб бердилар. 11-синфлар ўқувчилари уларни калтаклаётганликларини, бўйсундиришга, зиммаларига турли вазифаларни (пул ундуриш, улар учун овқат, ичимлик, алкоголь олиб беришга мажбурлаш) "юклашга" ҳаракат қилаётганини айтишди. Хатто шанбаликларда улар ўзларига берилган ишни 10-синфлар орқали (уларни бажаришга мажбур қилардилар) бажарардилар, димоқдорлик билан, буйруқ бериб гапирардилар. Бундай муносабат ва хатти-ҳаракатнинг конкрет сабабларини улар айтмадилар. Медиатор бу ишга яна бир ўқитувчини жалб этишга қарор қилди. Чунки тренингда "Зиддиятлар билан ёлғиз эмас, яхшиси ёрдамчи, ёки ёрдамчилар командаси билан ишлаган маъкул" деб маслаҳат берган эдилар.

Медиатор мактабнинг ёш ўқитувчиси Дуйшеев Тинибекдан ёрдам сўрашга ахд қилди. Медиаторнинг сўзларига кўра, у ўзининг ижобий сифатлари билан ўқувчилар ўртасида катта обрў қозонган эди.

Бундан кейин музокаралар 11-синфлар ўқувчилари билан олиб борилди. Улар ўқитувчининг барча саволларига кулги билан жавоб бердилар ва бирор нарса

айтишдан бош тордилар. Улар 10 ва 11-синфлар ўқувчиларини юзлаштириб, 10-синфлар ўқувчиларидан юқори синфлар ўқувчилари уларни ургани ёки урмаганини сўрашни таклиф қилдилар.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Май ойининг биринчи ҳафтасида томонлар юзлаштирилди ва шу куниёқ ўқувчилар ўртасида суҳбат ўтказилди.

Ихтилофни ечиш жараёнида ўқувчилар ҳар қандай айбловни, ҳоҳ у бошқа томоннинг, ҳоҳ у медиаторларнинг зиддият фактлари тўғрисидаги саволлари бўлсин, хазиломуз қабул қилдилар ва рад этдилар. Ўқувчилар тўла очиқ ойдин гапирдилар деб бўлмайди, чунки медиаторларнинг (ўқитувчиларнинг) борлиги уларга ўз таъсирини ўтказарди. Бундай вазиятда ўқувчилар ўқитувчилар билан очиқчасига гаплаша олмасдилар.

Музокаралар натижасида улар ярашдилар. Ўқувчилар бир бирининг қўлларини сиқдилар, бошқа жанжалашмасликка сўз бердилар. Аслида ўқитувчининг уялтиришлари туфайли 11-синф ўқувчилари зиддият учун айбни ўз зиммаларига олдилар. Ўқитувчи юқори синф ўқувчилари қуйи синфлар учун ибрат бўлишлари, юриш-туришнинг ижобий намуналарини кўрсатишлари кераклигини укдирди.

Томонлар синфлар ўртасидаги бундай муносабатни тўхтатишга ва юқори ва қуйи синфларга ажратишларга барҳам беришга ахд қилдилар.

Медиациядан кейинги давр

Медиатор ва унинг ёрдамчиси ярашиш жараёнидан сўнг ўқувчилар юриш-туришини кузатиб бордилар ва ҳеч қан.дай зиддиятни сезмадилар. Мониторинг ҳамон 9-синф ўқувчилари орқали олиб борилди.

2012 йилнинг 20 майда медиатор мазкур ихтилофга барҳам берилди деб ҳисоблайди. Ўқувчилар ўртасида мунозаралар уюштирилди. "Мактабдаги зўравонлик – бу лидерлик кўрсаткичими ёки йўқ?". Бундай мунозаралар аввалги қўшма учрашувда эришилган қарорларни текшириш ва мустаҳкамлаш сифатида ўйлаб топилган эди.

11-синф ўқувчилари дастлаб буни обрў белгиси деб, 10-синф эса аксинча тушунди. Сўнгра бу синфлардан позициялари билан алмашиш сўралди. Аввалига командалар бу "ўйин"да қатнашишдан бош тортдилар. Бироқ ўқитувчилар уларни охиригача ўйнашга ишонтирдилар. Натижада мунозаралар бўлиб ўтди. Шунингдек мунозара чоғида томонларга ихтилофлар бўйича турли чигал масалаларни ечиш таклиф қилинди. Ўқувчилар айтилган зиддиятли вазиятдан чиқишнинг тинч йўлини топиши керак эди. Якуний мунозара натижасида 11-синфлар ўқувчилари бундай кўринишларга қарши курашиш кераклигини айтдилар. 10-синфлар бундай зўравонликка қарши эканлигини, улар қуйи синфларга нисбатан ҳеч қачон бундай йўл тутмасликларини билдирдилар.

Сўнгги кўнғироқда 10-синф ўқувчилари битирувчиларга гуллар совға қилдилар. Медиатор бу қарама-қарши синфлар ўқувчилари ўртасида эришилган тинчликнинг муҳим кўрсаткичи эканлигини таъкидлади.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Ўқувчилар тўғрисида қизлар орқали ахборот йиғиш;
2. Қуйи синфлар ўқувчилари орқали йиғиш янада самаралироқ;
3. Мунозаралар – фикрларни ўрганиш ва натижаларни мустаҳкамлаш қуроли;
4. Сўзлашувларни ўтказиш;
5. Бошқа ўқитувчилар билан ҳамкорликда ишлаш;
6. Ихтилофлар бўйича "ўйин"лардан фойдаланиш.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Болалар дастлаб медиаторга ишонмадилар. Бу муаммо улар ишонган ўқитувчи орқали сўзлашувларни ташкил этиш йўли билан ҳал қилинди.
2. Медиаторнинг тажрибасизлиги. У катта амалий тажрибага эга бўлган медиаторлар маслаҳатига муҳтож эканлигини билдирди. Медиация масалалари бўйича консультациялар етишмади. Агар медиация бўйича маълум бир консультация маркази бўлганида муаммо тезроқ ҳал қилинар эди.
3. Ўқувчилар очиқ-ойдин гапирмадилар. Ўқувчиларнинг медиация бўйича билимлари йўқ. Агар бўлганида улар бу муаммони мустақил ҳал қилар эдилар.
4. Медиатор бошловчи медиаторлар учун айниқса фаолиятининг бошланғич босқичида ёрдам зарурлигини, шунингдек бошқа бошловчи медиаторлар билан тажриба алмашиш лозимлигини такидлади. Масалан, бошқа медиаторлар тажрибалари тўғрисида бюллетенлар чиқарилса яхши бўларди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Ўқувчилар учун медиация бўйича кичик лекция. Уларга медиация ва ихтилофларни тинч йўл билан ҳал қилиш имкониятлари тўғрисида ахборот бериш муваффақият келтирди.

2. Ўқувчилар муаммосини ҳал этишдан манфаадор бўлган ишончли кишининг бўлиши. Эришилган натижада унинг катта хизмати бор.

Бу ўқитувчи директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, медиаторнинг синфдоши. У медиаторнинг ёшлар билан ишлаш юзасидан ташаббусини қўллаб-қувватлайди. У ўқишдан ташқари тадбирларда фаол қатнашади ва уларни уюштиришга ёрдам беради. У ўқувчилар билан яхши алоқада. Аноним савол-жавобларга кўра бу ўқитувчи икки марта мактабнинг энг яхши ўқитувчиси деб топилди. Медиаторнинг таъкидлашича, унинг сифатларидан бири -ҳеч қачон бировга овозини кўтармайди ва ҳар доим ўзга кишининг фикрини диққат билан тинглайди. Ўқувчилар ўртасидаги ҳурмат ва ишончга айнан ўзининг юриш-туриши ва қатъиятлиги туфайли эришган.

Ихтилофни ҳал қилишда унинг роли катта. У мактаб ўқувчилари билан тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлади. Чунки медиатор ёш аёл бўлгани учун эркак ўқувчилар ишончини тўла қозона олмаслиги мумкин эди.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Ўқувчилар билан ишлашда медиатор болалар ва ўсмирлар билан ишлашнинг муҳим шартларидан бирига алоҳида эътибор беради:

1. Ўқувчиларни (болаларни) ўзингиздан паст тутманг. Болалар билан ўзингизнинг тенгдошингиздек гаплашинг?

2. Улар билан суҳбатлашадиган жой. Директорнинг хонаси эмас, масалан, ўқувчилар учун ёшлар маркази.

3. Ўқитувчи ва ўқувчининг қандай ўтиргани муҳим. Улар бир хил даврада ўтирганлари яхшироқ.

4. Болаларнинг сўзларини бўлмай, охиригача эшитиш.

5. Уларга босим кўрсатмасдан, муҳими фикрини билдиришда эркинлик бериш.

ХХФ шарҳи

1. Документалист фикрича, мактабнинг қишлоқдаги ягона билим даргоҳи бўлганлиги муваффақият гарови бўлди. Чунки тинчликни ўрнатиш жараёнига ташқаридан таъсир бўлмади. Масалан, шаҳарда бундай тажрибани ўтказиш мураккаброқ, у ерда ана шундай тартибдаги мактабларнинг таъсири катта бўлади. Ўқувчиларни уялтиришлари, иродасизликда айблашишлари, юқори синфдагилар "кичикларни бошқара билаётган" мактабларни мисол келтиришлари мумкин. Ундан ташқари бошқа мактабларнинг ўзлари ихтилофли характердаги ташриф билан келиб, ўқувчиларни иродаси сустликда айблаши мумкин.

2. Бу ихтилофда медиаторни мутлақо холис ва бетараф, деб бўлмайди, чунки у шу мактаб ўқитувқчиси. Бу ўқувчилар томонидан қарор қабул қилиш суръатига бир мунча таъсир (ўқитувчи олдидаги оддий қўрқув, унга нисбатан азалий ишонсизлик ва ёпиқлик) қилади. Ярашув жараёнини самаралироқ ўтказиш учун бетараф, айни вақтда ,томонларда ишончга эга бўлган шахснинг медиаторлик қилиши маъқулроқ. Айниқса бу ёш болалар ўртасида юз берган ихтилофни ҳал қилишда муҳим.

Ворух-Шўроб сув трассаси атрофидаги ихтилоф

Сув ихтилофлари
Чегара яқини низолари



Боткен вилояти	Медиация бўйича кейс №7	2000-2004 й.

“Аҳоли муаммо моҳиятини, сув билан таъминлаш маҳаллий ҳамжамиятни барқарор ривожлантириш ва бу жойнинг ихтилофлилигини пасайтириш имконини беради, деб тушунади”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар	Медиатор
Ворух-Шўроб трансчегара сув трассаси	**Биринчи томон** Шўроб шаҳри аҳолиси (Тожикистон)	**Иккинчи томон** Ворух-Шўроб сув трассаси бўйлаб яшаётган тожик ва қирғиз ҳамжамиятлари	**Учинчи томон** Боткен (Қирғизистон) ва Исфара (Тожикистон) районлари раҳбарияти	**“Ҳалқаро Хайрихоҳлик учун” Фонди** (Қирғизистон), **ЖТ “Иттифоқ”** (Тожикистон)

Муваққат доиралар

Шу давргача майда ихтилофлар бўлиб турарди, 2000 йилдан кейин ичимлик суви аҳоли эҳтиёжларини қоплай олмай қолгач ихтилоф энг юқори нуқтага чикди. ХХФ ва ЖТ “Иттифоқ” 2002 йилдан 2004 йилгача бўлган даврда ихтилофни ҳал қилишда иштирок этди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

6000 кишидан ошиқроқ аҳолига эга бўлган Шўроб (Тожикистон Республикаси) шахтёрлар шаҳарчаси. Водопровод линиясининг охири Шўроб шаҳарчасида тугайди. Шунинг учун ҳам шаҳарча ичимлик суви таъминотида жиддий қийинчиликларга дуч келади. Шаҳар сув билан Тожикистоннинг Ворух-Шўроб сув трассасининг 32 километрли линиясидан таъминланади.

Линия бўйлаб қуйидаги қишлоқлар жойлашган:

- тожик: Ворух ва Хўжаиаъло;
- қирғиз: Қапчиғай, Учдўбў, Оқтатир, Янгибоғ, Самарқандиқ.

Мазкур жойларда давлат чегараларининг делимитация ва демаркацияси тугатилмаган. Бу ҳолатда чегараларнинг беқарорлиги ихтилоф жараёнига таъсир қилди.

Дастлабки вазият

2000-2003 йилларнинг энг иссиқ ёз кунларида дақиқасига 200 литр сув оқадиган Ворух-Шўроб сув трассасидан шаҳарга атиги 5-10 литр сув келади. Шаҳар аҳолиси сув етишмовчилиги сабабларини тожик сув трассаси бўйлаб яшаётган қирғиз ҳамжамияти аҳолисида деб билдилар. Табиийки бу асрлар бўйи қўшничиликда яшаб келаётган ҳалқларнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир кўрсатди. Шўроб шаҳар коммунал хўжалигининг муаммони ҳал қилиш юзасидан ҳаракатлари натижа бермади.

Медиаторни жалб қилиш

2002 йили мазкур муаммони ҳал қилишга Тараққиёт ва Ҳамкорлик юзасидан Швециария Агентлиги молиявий ёрдамида амалга ошираладиган “ Регионал Сўзлашув ва Тараққиёт” (РСТ) лойиҳаси доирасидаги “Ҳалқаро Хайрихоҳлик учун” Фонди (Қирғизистон), ЖТ “Иттифоқ” (Тожикистон) шериклик ташкилотлари аралашдилар.

Тайёргарлик босқичи

РСТ лойиҳаси ходимлари ичимлик суви такчиллигининг хақиқий сабабларини аниқлаш мақсадида атрофида қуйидаги ҳамжамиятлар жойлашган 32 километрлик сув трассасини қўриб чиқиш учун қирғиз-тожик комиссиясини тузиш юзасидан ташаббус билан Боткен (Қирғизистон) ва Исфара (Тожикистон) районлари раҳбариятига мурожжат қилдилар:

- тожик: Ворух ва Хўжаиаъло;
- қирғиз: Қапчиғай, Учдўбў, Оқтатир, Янгибоғ ва Самарқандиқ.

Текшириш натижасида сув трассаси бўйлаб яшаётган тожик ва қирғиз ҳамжамиятлари аҳолиси томонидан трассага руҳсатсиз 110 турли диаметрдаги сув олиш қувурлари уланганлиги маълум бўлди. Унинг 62 фоизи тожик ҳамжамияти худудида жойлашган. Руҳсатсиз чиқариб олинган сувнинг аксарияти (90 фоизи) тоғ ёнбағрликларини, ўзлаштирилмаган участкаларни суғоришда фойдаланилади.

Тайёргарлик босқичида маҳаллий медиаторлар Хўжандда, Лайлакда, Жалолободда, Қадамжойда (“Ихтилоф шунослаик ва ихтилофлар тахлили асослари, музокаралар жараёни ва воситачилик, ихтилофнинг олдини олиш ва бартараф этиш” ва х.к.) курсларда ўқидилар. Қирғиз-тожик қўшма комиссияси Ворухдан то Шўробгача мазкур ихтилофни тахлил қилди. Мазкур тадбир натижасида томорқа участкасини суғориш учун қонунсиз уланган колонкалар (144), уйлар

сони аниқланди, Ворух-Шўроб трассаси атрофидаги қонунсиз ўзлаштирилган ерлар белгиланди, сув трассасининг техник ҳолати юзасидан мониторинг ўтказилди.

Муаммо тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил бўлгач қонунсиз ўрнатилган сув олгичларни узиб ташлаш, ҳамжамиятлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ўзаро ишончни тиклаш учун яраштирув тадбирларини ўтказиш ва эришилган натижаларни мустаҳкамлаш чораларини кўришга қарор қилинди.

Унга параллель равишда барча манфаат ва талаблар тўғрисида келишиб олиш учун қирғиз ва тожик ҳамжамиятлари, Шўроб шаҳри вакиллари билан музокаралар олиб борилди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

2001 йилнинг бошида Шўроб шаҳридаги сув муаммосини РСТ лойиҳаси ходимлари воситачилигида ҳал этиш мақсадида Шўроб шаҳри ҳукумати ва Боткен (КР), Исфара (ТР) районлари раҳбариятлари ўртасида кўпқиррали битимга эришилди. Мазкур битим Шўроб сув трассаси сувидан фойдаланишни тартибга солиб кўйди. Бу битимни имзолашдан аввал Шўроб, Боткен шаҳарларида олдиндан музокаралар, иккала томонлар позицияларини келиштириш мақсадида учрашувлар ўтказилди.

Айниқса Шўроб шаҳрида Шўроб шаҳри аҳолисининг сув трассаси бўйлаб жойлашган (Қапчиғай, Учдўбў, Оқтатир, Янгибоғ) қирғиз-тожик ҳамжамиятлари лидерлари билан ўтказилган учрашувни алоҳида таъкидлаш керак. Ўша ернинг ўзида ўтказилган тегарак стол ва маҳаллий аҳоли билан бўлган учрашувда ичимлик суви таъминотида муаммолар борлигини ўз кўзлари билан кўрган ҳамжамиятлар вакиллари ўз худудларида қонунсиз уланган сув чиқаргичларни бартараф этишга кафолот бердилар. Бундан ташқари, ўша куннинг эртасигаёқ Янгибоғ қирғиз ҳамжамияти ҳашар йўли билан Самарқандиқ каналидан сув оладиган ўзларининг 3 километрлик ариқ-каналини қуришга киришдилар.

2002 йилнинг 31 августида комиссия томонидан Ворух Шўроб водопровод линиясига келишилмай уланган барча манбаалар ўчирилди. Натижада Хўжаиаъло (ТР) қишлоғида – 40, Ворух (ТР) жамоасида – 28, Қапчиғай (КР) участкасида – 12, Учдўбў (КР) қишлоғида – 5, Оқтатир (КР) – 6 ва Янгибоғ (КР) қишлоғида 19та водопровод точкаси йўқ қилинди. Маҳаллий аҳоли медиаторлар фаолиятига ижобий муносабатда бўлдилар. Чунки қирғиз ва тожик ҳамжамиятлари аҳолиси ўртасида мунтазам тушунтириш (қишлоқ йиғинлари, тегарак столлар ва х.к.) ишларини олиб бордилар. Аҳоли муаммо моҳиятини тушуниб етди, сув таъминотини яхшилаш маҳаллий ҳамжамиятни барқарор ривожлантириш ва бу жойнинг ихтилофлилигини пасайтириш имконини беради.

Қонунсиз сув колонкаларини бартараф этишда маҳаллий аҳолининг қўшма гуруҳи ҳам иштирок этди. Унга медиаторлар, оқсоқоллар судлари вакиллари, қишлоқлардаги обрўли кишилар, имомлар, участка милиция ходимлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари жалб қилинди.

Медиациядан кейинги давр.

Ҳамжамиятларнинг ҳар бир сувдан фойдаланувчиси билан ичимлик сувидан фойдаланиш тўғрисида шартномалар тузилди. Ворух -Шўроб сув трассасидан биргаликда фойдаланиш юзасидан 2001 йили келишилган шартномага кўра иккала томон аҳолиси ичимлик сувдан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олдилар. Маҳаллий аҳоли мазкур мажбуриятни жуда тўғри деб топди, тузилган шартномага кўра , Ворух -Шўроб трассаси эксплуатацияси учун Қирғизистон томондан масъулият ЖБ "Андиген Суу", Тожикистон томонидан Шўроб шаҳри коммунал хўжалиги зиммасига юклатилди. Бироқ медиация ва қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этган кишилар (қишлок хукуматлари, шаҳарлар ва маъмуриятлар бошлиқлари) бошқа ишларга ўтганликлари муносабати билан мавсум қизиган вақтларда вақти-вақти билан ихтилофлар бўлиб турди.

Кейинчалик ,2003- 2004 йиллар давомида Швецариянинг Тараққиёт ва Ҳамкорлик Агентлиги кўмагида Боткен районидаги Жайилма,Учдўбў ва Керматоғ (Қирғизистон) қирғиз қишлоқларини муқобил манбаалардан ичимлик суви билан таъминлаш учун умумий қиймати 48 минг АҚШ долларига тенг бўлган қатор техник лойиҳалар амалга оширилди.Бундан ташқари Ворух-Шўроб сув трассасини енгиллаштириш учун қирғиз Андиген-Самаркандик сув трассаси тафтиш ва реконструкция қилинди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Ворух-Шўроб сув трассасидан фойдаланиш юзасидан ихтилофли вазият тахлил қилинди (интервьюлар, фокус гуруҳлар, сув трассасидан фойдаланиш бўйича ҳужжатларни ўрганиш, тегарак столлар ва х.к.).

2. Манфаатдор томонларнинг алоҳида ва қўшма учрашувлари ўтказилди.

3. Қирғиз ва тожик ҳамжамиятлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

4. Қирғиз ва тожик ҳамжамиятлари мутахассис ва лидерлари билан алоҳида учрашувлар ўтказилди.

5. Маҳаллий ва район миқёсида музокараларнинг бир неча раунди ўтказилди.

6. Қирғиз ва тожик ҳамжамиятлари лидерлари билан учрашувлар.

7. Маданий-оммавий тадбирлар (наврўз, Ворух-Шўроб трассаси бўйлаб яшайдиган аҳоли спартакиадаси).

8. Музокара ва воситачилик жараёнлари бўйича ўқишлар.

9. Трассани биргаликда қараб чиқиш учун аёл- лидерлар, оқсоқоллар, обрўли кишиларни жалб қилиш. Бу тадбир неча киши ўзбошимчалик билан колонка ўрнатиб олганлигини ва ноқонуний уланган қувулар орқали қанча сув оқиб кетаётганлигини улар ўз кўзлари билан кўрсин учун уюштирилди.

10. Иккала томондан мутухассислар ва экспертларни жалб қилиш.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Иш жараёнида медиаторлар қуйидаги қийинчиликларга дуч келдилар:

1. Вазиятни тахлил қилгунга қадар Ворух-Шўроб сув трассаси бўйилаб жойлашган қирғиз ва тожик ҳамжамиятлари аҳолиси Шўроб шаҳридаги муаммога алоқадорлигини бўйнига олмадилар.

2. Сув етарли бўлган аҳоли суст иштирок этди. Сув етмаган ва сувга катта эхтиеж сезганлар фаол қатнашдилар.

3. Тадбирларни ўтказиш жараёнида қирғиз ва тожиклар ўртасидаги тилни билмаслик умумий тил топишга ҳалакит берди.

4. Айрим хусусий уйлардаги одамларни чиқариш қийин бўлди. Итларини комиссия аъзоларига гиз-гизлаган ҳоллар ҳам учраб турди.

5. Делимитация ва демаркация ишлари олиб борилмаган худудларда жойлашган маҳаллий ҳамжамиятлар. Чегараларнинг ноаниқлиги ҳам комиссия ишига ҳалақит берди.

6. Томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатга салбий таъсир кўрсатган зиддиятлар (масалан, ичимлик сувидан суғориш учун фойдаланиш) бўлиб турди. Музокаралар жараёнида бундай ихтилофлар бир неча марта кўтарилди, бу қарор қабул қилиш жараёнига салбий таъсир этди.

7. Трасса атрофида яшайдиган аҳолининг боқимандалик позицияси ва ичимлик сувига тежамсиз муносабат. Масалан, айрим кишилар "худонинг суви учун ҳам хақ оласизларми?" деди.

8. Муттасил мониторинг ўтказиш одамларни тайёрлашсув трассасидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битим ижросини кузатишда қийинчиликларга дуч келинди. Томонлар ўртасида тушунмовчиликлар ва келишмовчиликлар бўлмаслиги учун мониторингга масъул шахслар тайёрланди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Иккала томондан ҳам шериклик ташкилотлари (ХХФ ва "Иттифоқ") иш олиб бордилар. Ана шу даврда иккала томонда ҳам дала идоралари ишлаб турди. Улар медиация ўтказиш жараёнини тайёрлашда фаол иштирок этдилар.

2. Қирғиз ва тожик ҳамжамиятлари лидерларини ўқитиш музокараларни муваффақиятли ўтказишга хизмат қилди.

3. Қирғиз ва тожик ҳамжамиятларидаги мулоқотли тадбирлар (наврўз байрами, қирғиз ва тожик ҳамжамиятларидаги лидерларнинг Шўроб шаҳрига бориши ва х.к.).


4. Медиация жараёни донорлар томонидан қўллаб-кувватланди. Медиаторлар учун музокараларни олиб бориш бўйича қўлланмалар чиқарилди, турли маълумотномалар тарқатилди. Ўрта Осиё медиаторлар тармоқлари ўртасида тажриба алмашиш ташкил этилди. Унда Душанба, Тошкент, Бишкек шаҳарларидан келган медиаторлар қатнашдилар. Бу мазкур ихтилофни ҳал қилиш якунлари бўйича ташкил этилди.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Ворух сув трассасидан биргаликда фойдаланилади. Мазкур объектнинг мулкдорини (давлат ёки сувдан фойдаланувчилар) аниқлаш зарур. Ҳар бир томон линиянинг ўзига тегишли қисмига хизмат кўрсатиши керак. Ҳозирги вақтда трассадан фойдаланишнинг хуқуқий асослари йўқ. Шунингдек чегара масалаларини ҳал қилиш зарур: агар чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, юқорида қўрсатилган қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлашнинг муқобил манбаасини топиш масалалари ҳал қилинса, бу маҳаллий аҳоли ўртасидаги кескинликни бартараф этади.

Лаққон ва Қорабоғ қишлоқлари ўртасидаги сув можароси

Сув ихтилофлари
Чегара яқини низолари



Боткен вилояти	Медиация бўйича кейс №8	1998-2003 й.

“Лаққонликлар каналдан етарлича сув ололмаганликларидан, қорабоқликлар эса бегоналар “уларнинг қишлоқларида навбатчилик қилишиб, қирғиз худудидан оқиб ўтаётган сувдан фойдаланишга тўсқинлик қилаётганликларидан”, норози бўлардилар”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар	Медиатор
Қорабоғ (Қирғизистон) ва Лаққон (Тожикистон)	**Биринчи томон** Лаққон қишлоғи аҳолиси	**Иккинчи томон** Қорабоғ қишлоғи аҳолиси	**Учинчи томон** Қишлоқлар маъмуриятлари	**“Ҳалқаро Хайрихоҳлик учун” Фонди** (Қирғизистон), **ЖТ “Иттифоқ”** (Тожикистон)

Муваққат доиралар

Ихтилоф яширин ҳарактерга эга бўлиб, фақат суғориш мавсуми авжига чиққандагина кўзга кўринади. У кўп йиллардан бери давом этиб келаяпти, бироқ 1998-2003 йиллар даврида кескун тус олди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Лаққон қишлоғи Тожикистон Республикаси Сўғдиёна вилояти Исфара шаҳрининг шимолий-шарқий қисмида (район марказидан 20-25 километр олисликда) жойлашган. Қорабоғ қишлоғи эса Боткен вилояти Боткен районининг шимолий кисмидан (район марказидан 12 километр олисликда) ўрин олган.

Қорабоғ қишлоғининг қуйи қисми Исфаринка дариёсидан бошланадиган тожик Чилгази транзит канали орқали сув ичади. Лаққон қишлоғи канал оқимининг қуйида жойлашиб, у ҳам шу сувдан фойдаланади.

Уч жойда қирғиз ҳамжамияти учун сув ажратадиган алишлар жойлашган. Алишлар Исфара давлат сув хўжалиги бошқармаси ва Боткен райони суғориш тармоклари бошқармаси ўртасида илгари келишилган битимга кўра қурилган. Каналнинг тахминан 3 километрли ўзани Қорабоғ қишлоғи худудидан оқиб ўтади.

Дастлабки вазият

Узоқ 1998 йили Исфара давлат сув хўжалиги бошқармаси каналдаги сув ҳажмини кўпайтириш ва руҳсатсиз сув ажраткичларни тугатиш учун канал ўзанининг Қорабоғ қишлоғи худудидан ўтган қисмини бетонлаштира бошлади. Ўзаннинг яримидан кўпрогига бетон қуйилди. Бироқ қишлоғ аҳолиси тожикистонлик сувчиларнинг бу ишига қаршилик кўрсатдилар, чунки қирғоқларни бетонлаш учун ўзаннинг иккала томонидаги дарахтларни кесишга тўғри келди. Қурувчилар, шунингдек қишлоқликларнинг руҳсатисиз алишларни ёпиб ташладилар. Қорабоғ аҳолисининг норозилигидан кейин қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилди.

Лаққон ва Қорабоғ қишлоқлари аҳолисининг асосий даромад манбаи қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Ҳар йили суғориш мавсумида, ҳаммага сув етишмовчилигини кескин сезилган даврда, бу қишлоқлар аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатларда кескинлик кучаяди. Лаққон ҳамжамияти учун Чилгази тожик транзит канали алоҳида аҳамият касб этади. Каналдаги сув ҳажмининг камайиши ва ундан ўз вақтида сув ололмаслик далалардаги ва боғ-роғлардаги ҳосилдорликка, жумладан аҳоли турмуш даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Айни вақтда, бетонланмаган Чилгази каналидаги сувнинг катта миқдори Қорабоғ қишлоғидаги ерости сувлари кўламини ошириб, турар-жой биноларининг вайрон бўлишига ва тупроқнинг шўрлашига олиб келди. Табиийки, бу қорабоғликлар мулкига зарар етказди ва маҳаллий аҳоли норозилигини кучайтирди.

Суғориш мавсумида Лаққон қишлоғи аҳолиси Чилгази канали орқали қишлоққа сув олиб келиш учун “Лаққон” дехқон хўжалиги катта муроби раҳбарлигида махсус сувчилар бригадасини тузишади. Сувчилар Қорабоғ қишлоғидаги барча алишларни тўсади ва уларнинг ҳар бирига “навбатчи” кишиларни қолдириб кетади. Тожикистонликларнинг бу иши Қорабоғ қишлоғи аҳолисининг норозилигини келтириб чиқарди. Ҳар сафар маҳаллий аҳоли ва “навбатчи”лар ўртасида бахслар юзага келди, улар кўпинча муштлашишга айланиб кетарди. Тунги навбатчилик Лаққон аҳолиси учун мунтазам очиқ ихтилофга бориш ҳавфи бўлганлигидан ялпи кўнгилсизликка айланиб қолган эди.

Юқорида баён қилинганлардан шундай хулосага келиши мумкинки, қирғиз ва тожик қишлоқлари аҳолиси ўртасидаги ўзаро

муносабатлар ўзаро норозилик тусини олган эди. Лаққонликлар каналдан етарликча сув ололмаганликларидан, қорабоқликлар эса бегоналар уларнинг қишлоқларида навбатчилик қилишиб, қирғиз худудидан оқиб ўтаётган сувдан фойдаланишга тўсқинлик қилаётганликларидан, норози бўлардилар. Яъни умумий вазиятни ихтилофолди вазияти деб характерлаш мумкин. Яна шунингдек, ихтилоф даврийлик характерига эга деб таъкидлаш мумкинки, у ҳар йили суғориш мавсуми авжига чиққанда кескинлашарди. Шу йўсинда июнь-август ойларида ихтилоф зиддият ва инқироз босқичига ўтади. Инқироз қишлоқ айрим яшовчилари ўртасидаги муштлашувларда ўз аксини топади.

Медиаторни жалб қилиш

"Ҳалқаро Хайрихоҳлик учун" Фонди (Қирғизистон), ЖТ "Иттифоқ" (Тожикистон) ходимлари "Регионал Сўзлашув ва Тараққиёт" (РСТ) лойиҳаси доирасида мазкур ихтилофни ҳал қилиш юзасидан иш бошлади.

Тайёргарлик босқичи

ХХФ ва ЖТ "Иттифоқ" ходимлари юзага келган вазиятни ўрганиш юзасидан қатор тадбирларни ўтказдилар. Мазкур ҳамжамиятлар лидерларининг қатор бир томонлама ва икки томонлама учрашувлари, умумий йиғилишлари ва ҳамжамиятлар барча аҳолисининг фуқоролик форумлари ташкил қилинди. Буларнинг ҳаммаси томонларнинг аниқ позициясини, эҳтиёжларини ва манфаатларини аниқлаш, шунигдек муаммони ҳал қилишнинг энг мақбул механизмини ишлаб чиқиш имконини берди.

Бу иш Лаққон ва Қорбоғ қишлоқлари аҳолиларининг қўшма учрашувини ўтказиш билан якунланди. Учрашув учун Қорабоғ қишлоқ бошқаруви биноси танлаб олинди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Қорабоғ қишлоқ бошқарув биносига қишлоқларнинг вакиллари йиғилдилар. Тожик томонидан ҳозир бўлдилар:

- Жамоа бошлиғи;
- Дехқон хўжалиги раиси;
- Гидротехник;
- Муроблар ва ҳамжамиятлар лидерлари.

Қирғиз томонидан:

- Қорабоғ қишлоқ бошқаруви бошлиғи;
- Фермерлик хўжаликликлари вакиллари;
- Мухандис-қурувчилар;
- Маҳаллий ҳамжамиятлар лидерлари (оқсоқаллар, аёлар ва х.к.)

ХХФ ва ЖТ "Иттифоқ" ходимлари иштирокчи шахслар билан бўладиган учрашув жойи ва вақтини барвақт муҳокама қилиб, келишиб олдилар. Лойиҳа медиаторлари фасилитаторлар ролида ҳаракат қилдилар, НДТ ходимлари уларга ёрдам бердилар. Чунки учрашув қатнашчилари билан аввалдан тайёргарлик ишлари олиб борилди, барча қатнашчилар ўзларини сипо тутдилар ва фойдали сўзлашув олиб боришга интилдилар. Ўзаро таъна ва айбловлар бўлмади.

Жараён медиатор/фасилитаторнинг кириш сўзи билан бошланди. Қатнашчилар билан таништирилди, учрашув мақсади ва аввалдан келишилган кун тартиби эълон қилинди.

Музокаралар жараёнида ҳар бир томонга муаммо тўғрисида, уни ҳал қилиш йўллари юзасидан ўз фикрларини билдириш имкони берилди.

Учрашув натижасида муаммонинг мухандислик ечимини ишлаб чиқиш учун масъул кишилар танлаб олинди. Қирғиз худудидаги сув ажраткичларнинг сони тўғрисидаги асосий масала тўғрисида келишиб олинди.

Учрашув ниҳоясида муаммони ҳал қилишнинг қуйидаги йўллари белгиланди:

1. Чилгази каналининг Қорабоғдаги 1335 метр узунликдаги участкасини бетонлаш.
2. Қорабоғ қишлоғида очиқ дренаж тизимини қуриш.

Мазкур режани амалга ошириш учун Лаққон ва Қорабоғ қишлоқлари лидерлари ҳисобидан қирғиз-тожик қўшма ташаббускор гуруҳи ташкил этилди. Унга, шунингдек РСТ лойиҳаси медиаторлари, мухандис- гидротехниклар ва иккала ҳамжамиятлар лидерлари жалб қилинди.

Медиациядан кейинги давр.

Ташаббускор гуруҳ томонидан Чилгази тожик тарнзит каналининг "Қорабоғ" участкасини бетонлаш ва Қорабоғ қишлоғида очиқ дренаж каналини қуриш мухандислик режаси лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди ва донор – Швецария Тарққиёт ва Ҳамкорлик бўйича Агентлиги эътиборига ҳавола қилинди. Донор ташкилот мухандислик режаларини мақулади.

2003 йилнинг мартида мухандислик режаси донор томонида қўллаб-қувватланди. Ташаббускор гуруҳ томонидан тайёрланган режада Қорабоғ қишлоғида очиқ дренаж каналини қуриш кўзда тутилган эди.

Қорабоғ қишлоғида очиқ дренаж каналини қуриш бўйича мухандислик режасининг ижроси Қорабоғ қишлоқ бошқаруви зиммасига юкланди. 2003 йилнинг апрель ойида лойиҳа амалга оширилди, лойиҳани амалга оширишда 150 дан ортиқ киши қатнашди.

2003 йилнинг ноябрида Қорабоғ қишлоқ бошқаруви, Лаққон жамоаси ва РСТ лойиҳаси шериклик ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик туғрисида шартнома тузилди.

Чилгази каналида қурилиш ишлари бошланди. Мухандислик режасини амалга оширишдан иккала қишлоқ аҳолиси манфаатдор эди. Канални ҳашар йўли билан тозалашга Лаққон ва Қорабоғ қишлоқларининг 270 дан ортиқ яшовчиси чиқди. Канални бетонлаш бўйича қўшма қирғиз-тожик қурулиш бригадаси тузилди. Қурулиш 3 ойда тугалланди. Ҳаммаси бўлиб каналнинг 1335 метрига бетон қуйилди, руҳсат берилган 10 сув ажратувчи дарвоза қурилди, каналнинг қолган қисми (1,5 км. дан ортиқ). Чилгази канали сувидан суғориш ишларида самарали фойдаланиш учун Қорабоқ қишлоғида канал сувидан фойдаланувчилар ассоциацияси ташкил этилди, жамоатчи назоратчилар танлаб олинди.

Мухандислик лойҳаларини амалга ошириш Қорабоғ қишлоғида ерости сувлари кўламини 1,3-1,5 метр камайтириш, Лаққон қишлоғига борадиган сувни 20 фоиз кўпайтириш имконини берди.

Медиация жараёнида ва ундан сўнг очиқ, зўравонлик ихтилофлари юз бермади

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Томонларнинг позицияларини, манфаатларини, эҳтиёжларини аниқлаш ва тахлил қилиш учун ихтилофнинг тахлил қилиш инструментларидан (ихтилоф картографияси, ихтилоф "дарахти", илдизи) фойдаланилди.
2. Ҳамжамиятларнинг бир томонлама ва икки томонлама учрашувлари, иккала ҳамжамият маҳаллий лидерлари иштирокида (оқсоқоллар, аёллар, ёшлар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш вакиллари) умумфуқоролик йиғилишлари ва форумлари ўтказилди.
3. Фаол тинглаш инструменларидан фойдаланиш сўзлашув учун амалий муҳитни яратиш имконини берди.
4. "Кўчма дипломатия" элементларидан фойдаланилди. Музокаралар жараёнини режалаштиришда ихтилоф табиатини, унинг сабаб ва манбааларини, томонларнинг позиция ва манфаатларини яхшироқ билиш имконини берадиган ана шу усул танлаб олинди.
5. Мазкур ихтилофли вазиятдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун музокара ва воситачилик жараёнлари ўтказилди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Битим имзолангандан кейин томонлар доим ҳам олган мажбуриятларини бажармадилар, сабаби тожик томонида ҳозир ҳамон колхозлар ишлаб турибди. Ер ва ҳосил колхозга тегишли. Бу ерларда ишлаётган фермерлар қарор қабул қилиш ва олинган фойдани тақсимлаш жараёнларида қатнашиш имкониятига эга эмас.

2. Канални бетонлаштириш Қорабоғ қишлоғидаги айрим алишларнинг ёпилишига олиб келди. Яъни техник лойиҳани амалга ошириш натижасида томонлар келишган алишларгина қолди. Бу Қорабоғ қишлоғи аҳолисининг айрим гуруҳлари манфаатларига зид эди. Музокаралар ва учрашувлар жараёнида бу масалалар ҳам ҳал қилинди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Ишбошлашдан илгари мавжуд муаммонинг икки томонлама ихтилоф-тахлили ўтказилди.
2. Маҳаллий хокимият органлари, жамоалар бошлиқларининг муаммони ҳал қилишдан манфаатдорлиги.
3. Медиаторнинг фикрича ,айнан мавжуд муаммонинг долзарблиги ва буни томонлар яхши тушунганлиги муваффақият гарови бўлди. Шунингдек медиатор муаммонинг шундоққина кўзга кўриниб турганлигини қайд этди (ерости сувларининг кўплигидан вайрон бўлган уйлар, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг пастлиги, сув учун бўлган мунтазам муштлашишлар ва х.к.). Аҳолининг муаммони ҳал этиш одамларнинг шахсий нафсониятларидан ва ғурурларидан юқори туришини тушуниб етиши.
4. Медиаторларнинг РСТ лойиҳаси доирасида ўқиб, воситачилик инструментларидан фойдаланиш ва музокара жараёнларини олиб бориш малакаларини оширганликлари медиация муваффақиятида ва мазкур муаммони бартаф этишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Андарак қишлоғидаги тожик жамоаси ва Искра ҳамда Коммуна қишлоқларидаги қирғиз жамоалари ўртасидаги сув можароси

Сув ихтилофлари
Миллатлараро фактор



Боткен вилояти	Медиация бўйича кейс №9	2000 й.

“Аралашув бошлангунга қадар ҳамжамиятлар ўртасидаги муносабатлар заиф эди – асрлар бўйи бир ерда яшаган қирғиз ва тожиклар бир бирлариникига дафн маросимларига, тўйларга ва бошқа қишлоқ тадбирларига бормай қўйдилар ”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар	Медиатор
Лайлак райони	**Биринчи томон** Анадрак қишлоғидаги тожик жамоаси	**Иккинчи томон** Искра ва Коммуна қишлоқларидаги қирғиз жамоалари	**Бошқа қатнашувчилар** Реконструкция ва Тараққиёт дастури UNDP Тожикистон (RRDPUNDP)	**“Ҳалқаро Хайрихоҳлик учун” Фонди** (Қирғизистон), **ЖТ “Иттифоқ”** (Тожикистон)

Муваққат доиралар

60-йиллар охирида Андарак, Искра ва Коммуна қишлоқлари аҳолиси сони тез ўса бошлади, одамлар дарадаги бутун фойдали майдонлардан интенсив фойдаланишга киришдилар, томорқа участкалари майдонини кенгайтирдилар. Бироқ Андараксой дарёсидаги сув хажми ўзгармади (аксинча йилдан йилга камайиб борди), тез орадаёқ сув, айниқса ичимлик суви етишмовчилиги билан боғлиқ муаммолар туғила бошлади. Ихтилофнинг қаралаётган кўриниши кучайди ва 2000 йил охиригача давом этди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Ичимлик суви юзасидан ихтилоф Андарак қишлоғидаги тожик ҳамжамияти (5000 кишидан ортиқ) ва Искра (2000 киши) ҳамда Коммуна (1500 киши) қишлоқлари қирғиз ҳамжамиятлари ўртасида бўлиб ўтди.

Барча уч қишлоқ Қирғизистондаги Боткен вилоятига қарашли Лайлак районининг ғарбий қисмидаги тор дарада жойлашган. Даранинг умумий майдони 4 километрдан зиёдроқ, унинг фақат 3 километригина қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли. Бу ерлар асосан маҳаллий аҳолининг томорқа участкаси ҳисобланади. Дара аҳолиси учун тоғдаги кичкинагина Андараксой дарёчаси сув таъминотидаги ягона манбаа ҳисобланади. Андарак қишлоғи ана шу дарёчанинг бошида, бошқа икки қишлоқ қуйида жойлашган.

Дастлабки вазият

Юқорида қайд қилинганидек, ихтилофнинг илдизи узоқ 60-йилларга бориб тақалади. Тожик қишлоғи Андарак Андараксой бошида жойлашиб сув таъминотида қирғиз ҳамжамиятига нисбатан бир мунча афзалликларга эга бўлганлиги вазиятни чуқурлаштирувчи факторлардан биридир. Бу фактордан жиддий таъсирланган қирғизлар ҳамжамияти сув етишмовчилигида тожикларни айбласа, айни вақтда тожик ҳамжамияти қирғизларни миллий озчилик сифатида ўз хуқуқларини камситишда айблайди.

Совет Иттифоқининг тугатилиши, кейин иқтисодий инқироз даврининг бошланиши оқибатида вазият ниҳоятда кескинлашди – энди сув таъминоти ҳар бир оддий қишлоқ кишиси учун ўта муҳим масалага айланди. Чунки томорқа участкаларида сабзавот ва мева етиштириш тирикчиликнинг ягона манбаи бўлиб қолди. Шу боисдан ихтилофлар янада жиддийроқ, ўзаро муносабатлар тажовузкорроқ бўлиб қолди.

Низолашган томонлар муаммони ҳал қишнинг йўлларини биргаликда излашни хоҳламасдилар, учинчи томоннинг тартибсиз аралашуви кўпинча вазиятни янада чигаллаштирарди. Бу ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг тобора кўпроқ миллий тус олишига олиб келди – бу, шубҳасиз, ихтилофли вазиятни янада чигаллаштирди, янада мураккаблаштирди.

Шуни айтиш етарлики, уччала қишлоқдаги сувдан фойдаланувчилар ўртасида оддий навбат жадвалини ишлаб чиқиш учун уч йил керак бўлди, 1994 йилдан 1997 йилгача ҳамжамиятлар лидерлари ўртасида мураккаб мунозаралар бўлиб ўтди. ХХФ (КР) ва “Иттифоқ” (ТР) нинг ихтилофни ҳал этишга аралашувига қадар ҳамжамиятлар ўртасидаги муносабатлар заиф эди – асрлар бўйи бир ерда яшаган қирғиз ва тожиклар бир бирлариникига дафн маросимларига,

тўйларга ва бошқа қишлоқ тадбирларига бормай қўйдилар.

Шу вақтга келиб ичимлик суви таъминоти муаммоси кўпсонли муаммолар ичида биринчи планга чиқди. Сабаблари қуйидагилардан иборат эди: қуйида жойлашган қирғиз қишлоғи Искра ва ўзига хос олисда жойлашган Коммуна қишлоғи очиқ ариқдан сув ичишга мажбур эди. Бу ариқларда оқадиган сув юқори Андарак қишлоғи аҳолиси томорқа участкаларини суғорган сувдан иборат эди. Бу ариқларда ўлган мушик ва итларнинг жасадлари оқиб келган ҳоллар ҳам бўлган. Шунда қирғизлар бу улар томонидан фитна чиқариш учун атайин қилинган иғво деб, тожикларни айбладилар. Эслатиб ўтиш керак, ана шу вақтга келиб Андарак қишлоғи ўзининг сув тармоғига эга эди.

Медиаторни жалб қилиш

Тожик ва қирғиз ҳамжамиятлари ўртасидаги ўзаро ишончсизлик шунга олиб келдики, Лайлак район давлат маъмурияти 1996 йили Сумбула қишлоқ бошқаруви (бунга Андарак, Искра ва Коммуна қишлоқлари киради) бошлиғи этиб ўзбек миллатига мансуб шахсни тайинлади. У муаммони қандайдир ҳал қилишга уриниб кўрди, бироқ ишни эплолмаганлиги учун тездаёқ истеъфога чиқди.

1998 йили қишлоқ бошқаруви бошлиқлигига Лайлак районининг бутунлай бошқа қишлоғидан қирғиз тайинланди. Чунки агар Коммуна ёки Искра қишлоқларидан бирортаси тайинланса тожиклар норози бўларди, агар тожик тайинланса – қирғизлар томонидан норозилик билдириларди.

Бироқ ҳар қандай раҳбар алмаштириш муаммони ҳал қилмади. Бунинг объектив сабаблари бор эди.

Биринчидан, маҳаллий раҳбарлардан ҳеч бири ихтилофнинг ички сабаблари ва ўзгачаликларини тахлил қилиш билан шуғулланмади; иккинчидан муаммони ечишга ҳамжамиятларнинг ўзлари ўз лидерлари сиймосида киришмадилар; учинчидан, қишлоқ бошқаруви маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг "ҳеч нарсани эплай олмайдиган" органи сифатида амал қилиб келди.

1999 йили августида "Ҳалқаро Хайрихоҳлик учун" Фонди Лайлак районида ўзининг регионал идорасини очди.

"Ҳалқаро Хайрихоҳлик учун" Фонди (Қирғизистон), "Иттифоқ" Жамоатчилик Бирлашмаси (Тожикистон) ходимлари "Қирғизистон-Тожикистон" қўшма лойиҳаси доирасида мазкур ихтилофни ҳал этиш юзасидан иш бошлади.

ХХФ ва "Иттифоқ" ЖБ (Тожикистон) ходимлари муаммони ўргана бошладилар. Бир ойдан кейин кенг мониторинг ўтказиш йўли билан Андарак, Искра ва Коммуна қишлоқлари аҳолиси – этник тожиклар ва маҳаллий қирғизлар ўзаро муносабатларидаги муаммоларнинг тўла спектри маълум бўлди.

Ичимлик суви муаммоси бу минтақадаги энг устивор муаммолардан бири эканлиги аниқланди. Ичимлик сувининг етишмаслиги ва уни нотўғри тақсимлаш қирғиз ва тожиклар ўзаро муносабатларидаги туб сабаблардан бир эди.

Тайёргарлик босқичи

1. Таваккалчилик .

1999 йилнинг сентябри охирида ХХФ ва "Иттифоқ" ходимлари томонидан тожик ва икки қирғиз ҳамжамиятлари вакиллари ва лидерларининг кўшма қишлоқ йиғини ташкил этилди. Бироқ мазкур қишлоқ йиғинида сўз сув тўғрисида эмас, бутунлай бошқа мавзуга бурилиб кетди. Одамлар Фонд ходимлари томонидан режалаштирилган мавзу бўйича эмас, мутлако бошқа мавзулар тўғрисида гапирдилар. Дастлабки 15 дақиқадан сўнг уни бошқариш мумкин бўлмай қолди. Оқибатда бу қишлоқ йиғини мақсадига етмади.

2. Олинган сабоқлар ва маҳаллий лидерларни жалб қилишни бошлаш. Ўқитиш.

Ихтилофни ҳал қилишдаги биринчи қадам муваффақиятсиз бўлди. Бироқ бу мазкур ихтилофни ҳал қилиш юзасидан ҳаракатнинг тўхтатишга сабаб бўлмади. Муваффақиятсиз ўтган қишлоқ йиғини чуқур тахлил қилинди. Унинг сабабларидан бири ХХФ ва "Иттифоқ" ходимларининг музокаралар ўтказиш ва бир битимга келтириш соҳаларида етарли тайёргарликка эга эмаслигида деб топилди.

ХХФ (Қирғизстон) ва "Иттифоқ" (Тожикистон) жамоатчилик бирлашмаси, маҳаллий хокимиятлар ходимларининг ва ҳамжамиятлар лидерларининг келгусида ўтказган қўшма тахлиллари ҳамжамиятлар лидерларини медиаторлар сифатида муммаоларни ҳал қилишга фаол жалб этиш зарурлигини кўрсатди. Бунинг учун сўраб билиш усулида ҳамжамиятларнинг муаммоларини ҳал

қилишга ижобий муносабатда бўлган манфаатдор лидерлари аниқланди ва уларнинг ихтиёжлари тахлил қилинди. Уларнинг ўртасида сўзлашувларни олиб бориш соҳасидаги малакаларини оширишга эҳтиёж сезиларди. ХХФ ва "Иттифоқ" ходимлари ҳам сўзлашувларни ўтказиш ва бир битимга келтириш малакаларини ошириш учун ўзларида эҳтиёж борлигини сездилар. Шундан келиб чиқиб, сўзлашувларни олиб бориш ва бир битимга келтириш юзасидан элементар малакаларни ўргатиш юзасидан қўшма ўқишлар ташкил қилинди. АҚШлик эксперт -ихтилофшунос (Кетеринг Фонд, Огайо штати) Р. Слимнинг биринчи маслаҳат миссиясидаёқ ихтилофли томонларни бир битимга келтириш методологияси бўйича ўқув курси ўтказилди.

3. Маҳаллий медиаторлар билан ҳамкорликда ишлашнинг бошланиши. Чуқур ихтилоф – тахлил.

ХХФ ва "Иттифоқ" ходимлари медиаторлар билан ҳамкорликда низолашган томонларнинг ўзаро муносабатлари даражасини тахлил қилдилар. Ихтилоф тахлил қилинди, унинг чуқур, яширин сабаблари, низолашган томонлар позициялари, манфаатлари ва негизги эҳтиёжлари аниқланди. Шунингдек манфаатдор томонлар (стейхолдерлар), мазкур муаммонинг аҳамиятли томонлари тахлил қилинди, бу муаммони ҳал қилишга ёрдам бераётган ва тўсқинлик қилаётганларнинг позиция ва манфаатлари аниқланди.

4. Маҳаллий ҳамжимиятлар муаммоларини муҳокама қилиш. Томонлар ўртасида ишончни ўрнатиш.

Медиаторлар иккала томонга ҳам миллатлараро низони ҳал этишда ичимлик суви муаммоси долзарб ва устивор масала эканлигини тушунишга ёрдам бердилар. Бунинг учун ҳар бир томоннинг вакиллари билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Айни вақтда сувдан ташқари кенгайтириш учун ер етишмовчилиги ва мактаблар учун бино ва синфларнинг етишмаслиги, ишсизлик, хуллас, сел келиши ва бунинг учун қишлоқда тўғон қуриш заруратигача бўлган муаммолар кўтарилди. Пировард натижада барча муаммоларнинг устивори ҳисобланган сув масаласига тўхталдилар. Бунга учрашувда қатнашган оқсоқоллар институтлари маълум даражда ёрдам бердилар. Ҳамжамиятлар ўртасида ишонч даражасини ошириш ва ўзаро муносабатни йўлга қўйиш мақсадида аҳолининг оммавий иштирокида икки марта маданият фестивали, икки спорт тадбири ўтказилди. Хайрихоҳлик ва сабрлилик маданиятини ошириш мақсадида уччала қишлоқнинг барча мактабларида ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида хайрихоҳлик тарбияси ва ўқитишнинг интерактив методлари юзасидан қатор семинар-тренинглар ўтказилди.

5. Ихтилофни ҳал қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

ХХФ ва "Иттифоқ" ходимлари ўтказилган тахлиллар натижаларини олгач ихтилофни ҳал қилиш йўларини ишлаб чиқиш юзасидан иш бошладилар. Бошқа ҳамжамиятларда ана шундай вазиятларни ҳал қилиш аналогларини, шунингдек билим ва таъвсияларни излаш фазаси бошланди. Сўнгра ХХФнинг "Иттифоқ" билан ўтказилган биринчи қўшма семинарида ихтилоф моҳияти муҳокама қилинди, ҳамжамиятлар муаммоларини ҳамкорликда ҳал этишнинг стратегияси ишлаб чиқилди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Стратегияни амалга ошириш. Муаммони ҳал қилишни ишлаб чиқиш.

Биринчи қадамни ҳамжамиятларнинг сув муаммосини ҳал қилишнинг барча йўлларига нисбатан муносабатларини аниқлашдан бошлашга қарор қилинди. Ана шу мақсадда аҳоли иштирокида фуқоролик форумлари ўтказилди. Уларда томонлар сув муаммосини ҳал қилиш бўйича ўзларининг вариантларини таклиф қилдилар.Тожик ҳамжамияти ва Иттифоқ нодавлат ташкилоти Андарак қишлоғидаги Тожик ҳамжамияти вакиллари билан учрашувлар ва фуқоролик форумини ўтказдилар. Айни вақда қирғиз ҳамжамияти медиаторлари ва ХХФ ходимлари қирғиз ҳамжамиятлари билан ишладилар.

Сўнгар нодавлат ташкилотлари медиаторлар иштирокида мазкур муаммони ҳал қилишнинг самарали йўлларини аниқлаш юзасидан мутахассислар ва экспертлар (сув, ер ва бошқа) дастлабки консультацияларини ўтказдилар.
Ана шу ҳаракатлар натижасида қўшма водопрвод линияси қурилиши варианти ишлаб чиқилди.Мазкур вариант ҳамжамиятларнинг алоҳида учрашувларида муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди.Мазкур вариантни ихтилофли ҳамжамиятларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига олиб чиқишга қарор қилинди.

Водопровод линиясини қуришнинг энг қулай йўлини ишлаб чиқиш учун уччала ҳамжамият лидерлари ўртасида бир неча марта музокаралар ўтказилди. Тожик ва қирғиз ҳамжамиятлари, лидерлар (оқсоқоллар, аёллар, ёшлар) билан алоҳида учрашувлар ўтказилди. Уччала ҳамжамиятларнинг ўтказилган умумий йиғилишларидан кейин маҳаллий аҳоли ягона лойиҳа ва кейинчалик тенг иштироқлилик асосида ҳамкорликда фойдаланиш устиворлигини тушиниб етди. Пировардида Искра ва Коммуна қишлоқларини сув билан таъминлаш учун водопровод линияси қурилиши юзасидан қарор қабул қилинди.

Медиациядан кейинги давр.

2000 йил апрелининг охирида умумий йиғилишда водопровод линиясини қуриш юзасидан қарор қабул қилиниб, низолашган томонларни бир битимга келтиришнинг биринчи аломатлари белгиланган вақтда лойиҳани амалга оширишга техник шерик – Реконструкция ва Тараққиёт дастури UNDP Тожикистон (RRDPUNDP) келиб қўшилди.

RRDP UNDP фаолияти муаммони ҳал қилишда теник компанентларни таъминлашдан иборат эди. Яъни бунга сифатли техник экспертизаларни ўтказиш, техник лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тендер жараёнларини ўтказиш ва ижрони назорат қилиш, шунингдек қурулушдан кейин хизмат кўрсатиш масалалари киритилди.

2000 йилнинг июнь оида RRDP UNDP умумий йиғилишининг Андарак, Искра ва Коммуна қишлоқларида водопровод қурилиши лойиҳасини қўллаб-қувватлаш юзасидан қарори асосида қурилиш ташкилотларини танлаш бўйича тендер ишлари бошланди ва 2000 йилнинг 21 ноябрида қурилиш ишлари муваффақиятли тугалланди. Медиаторлар қурилиш жараёнида ҳамжамиятларни водопровод линияси қурилиши жараёнига фаол жалб қилдилар. Водопровод линияси қурилишида ҳамкорликда қилинган меҳнат маълум даражада ҳамжамиятларнинг яқинлашишига ёрдам берди.

Бир ойдан кейин, 2000 йилнинг июлида, навбатдаги қўшма тегарак столда қурилиш ва ичимли суви билан таъминлаш муаммоларини йўлга солиш юзасидан 2000 йилнинг майида ишчи орган сифатида тузилган қирғиз-тожик ташаббускор гуруҳи аъзолари ҳисобидан “Сумбула суу” сув комитети ташкил этилди. Томонлар сув комитетининг ҳамжамиятлар ўртасида эришилган битимнинг давомийлигини таъминловчи ташкилот сифатидаги вазифалари, хуқуқлари ва мажбуриятларини батафсил муҳокама қилдилар.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Вазиятнинг ихтилоф-тахлили ўтказилди, ихтилофнинг сабаблари, низолашган томонларнинг позиция ва манфаатлари аниқланди;
2. РДР лойиҳаси ходимлари ва ҳамжамиятлар лидерлари учун тренинглар;
3. Ҳамжамиятлар лидерлари билан учрашув;
4. Қирғиз ва тожик ҳамжамиятлари билан учрашувлар (кўчма дипломатия).
5. Аҳоли ишончини ошириш учун аҳолининг оммавий иштирокида маданият фестивалларини,спорт тадбирларини ўтказиш;
6. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида хайрихоҳлик тарбияси юзасидан семинар тренинглар;
7. Муаммони ҳал қилишнинг барча йўлларини аниқлаш мақсадида аҳоли билан фуқоролик форумлари;
8. Қирғиз- тожик қўшма ташаббускор гуруҳини тузиш;
9. Мазкур муаммони ҳал қилиш юзасидан музокаралар олиб борилди;
10. Мазкур муаммонинг келгусидаги (барча уч қишлоқ аҳолиси) тенг иштироклилик асосида ҳамкорликда фойдаланишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган (барча томонлар учун) ягона техник ечимини амалга ошириш амалий ва самарали қуроллардан бири бўлди.
11. Янги институт –ҳамжамиятлар ўртасида эришилган битимнинг давомийлигини таъминловчи ташкилот сифатида, сув комитетининг ташкил этилиши.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Медиация жараёнидаги муракаббликлар асосан тажрибанинг, медиаторлик муассасаси тўғрисидаги тушунчанинг йўқлигидан иборат бўлди. Медиаторлар жараён давомида ўқидилар.
2. Ҳамжамиятлар муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилиш тажрибасига эга эмас эдилар. Мазкур қийинчиликлар ХХФ ходимларининг “Иттифоқ”

шериклик ташкилоти ходимлари билан ҳамкорликдаги ёрдами туфайли бартараф этилди .Улар медиаторлар учун ўқишлар ташкил қилишди ва мазкур муаммони ҳал қилиш юзасидан белгиланган тадбирларни ўтказиш, шунингдек эришилган битимнинг давомийлигини таъминлаш механизмларини яратиш бўйича амалий ёрдам бердилар.

3. Қабул қилинган қўшма қарорлар (ҳамжамиятларнинг водопровод линияси қурилиши жараёнида ва амалга оширилган лойиҳанинг келгусидаги давомийлигини таъмилашдаги иштироки масаласи юзасидан) ижроси жараёнида айрим қийинчиликларга дуч келинди. Чунки ҳамжамиятлар ўртасидаги ишончсизлик дарров тарқалиб кетмади, бошқа ҳамжамиятларнинг мазкур жараёндаги иштироки устидан мунтазам "назорат" олиб борилди. Бироқ вақт ўтиши билан ҳамжамиятлар бир бирларига ишона бошладилар ва қабул қилинган қарорлар сифатли амалга оширилди. Бу сув комитетини ташкил этиш ва муаммоларни тўла бартараф қилиш имконини берди. Бугунги кунда "Сумбула суу" сув комитети ичимлик суви билангина эмас, балки суғориш суви билан боғлик муаммоларни ҳал қилишда ҳам самарали ташкилотлардан бири бўлиб қолди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Мазкур ихтилофни ҳал этиш учун вазият батафсил тахлил қилинди ва унинг негизида аралашиш юзасидан режа ишлаб чиқилди;

2. Муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш ҳамда тожиклар ва қирғизларни муросага келтириш учун лойиҳа ходимлари ва ҳамжамият лидерлари учун ихтилофшунослик, воситачилик ва музокаралар юргизиш юзасидан қатор тренинглар ўтказилди;

3. "Қаралаётган муаммо" фактори. Ичимлик суви муаммоси уччала қишлоқ аҳолиси учун хаётий муҳим масала бўлиб, унинг ҳал этилишидан ҳамма томон манфаатдор;

4. "Ягона фуқоролик" фактори. Иккала низолашувчи томон ҳам бир давлатнинг – Қирғиз Республикасининг фуқоролари ҳисобланади;

5. ХХФ ходимлари қирғиз ҳамжамияти билан, "Иттифоқ" ходимлари эса тожик ҳамжамияти билан ишладилар. Бу ҳамжамиятлар ўртасида ишончни тиклашга ёрдам берди;

6. Лойиҳанинг барқарорлиги учун "Сумбула суу" кўшма сув комитетининг тузилиши.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Нодавлат ташкилотлар томонидан уюштирилган ҳамжамиятлар лидерларини ўқитиш ва уларга медиация малакаларини сингдириш ҳамда медиаторлик фаолияти услубларини ўргатиш муҳим роль ўйнади. Табиийки, низога қўшилган ҳамжамиятлар уларга кўпроқ ишонардилар.

Жалолобод вилояти

Тераксой посёлкаси аҳолисининг олтин қазиш компанияси билан ихтилофи

Ресурслар юзасидан ихтилофлар
Тоғ-кон сферасидаги ихтилофлар



Жалолобод вилояти	Медиация бўйича кейс №10	2012й.

“У музокоралар учун майдон ташкил этди, бу самарали музокораларга ва йўлнинг очилишига хизмат қилди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Тераксой посёлкаси, Чотқол райони	**Биринчи томон** Посёлка аҳолиси	**Иккинчи томон** Тоғ-кон компанияси	**Учинчи томон** Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш вакиллари	**Бошқа иштирокчилар** Жалолобод вилояти губернатори	**Курманбек Ахмедов,** қишлоқ оқсоқоли

Муваққат доиралар

Ихтилоф регионда олтин қазиб олиш компаниялари сони кўпая бошлагандан кейин 2011 йил давомида вужудга келди. 2012 йилнинг мартида инқироз босқичига ўсиб етди. Ихтилоф ўша йилнинг июнида бартараф этилди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Чотқол райони, Тераксой посёлкаси. Посёлка орқали ичимлик сувининг ягона манбаи бўлган дарё оқиб ўтади. Шу дарёнинг юқори қисмида тоғ-кон компанияси ишлаётган олтин кони жойлашган.

Дастлабки вазият

Дарёнинг юқорисидаги тоғ-кон компанияси иш бошлаган дастлабки кунларданоқ посёлка аҳолиси бу ишдан салбий таъсир сеза бошладилар.

Қазиб олиш жараёнида компания дарёда олтин ювди. Бу унинг булғанишига олиб келди. Дарё суви мунтазам лойқаланиб оқди. Бу аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. Чунки, юқорида таъкидланганидек, мазкур дарё ичимлик сувининг ягона манбаи ҳисобланади.

Бу жойда олтин қазиб олиш бўйича кенг қамровли иш олиб борилаётганига қарамай, посёлок ўзида хеч қандай ижобий иқтисодий самарани сезмади. Компания малакали мутахассисларнинг йўқлигини важ қилиб, маҳаллий аҳолини ишга олишдан бош тортди. Ваҳолонки, медиаторнинг сўзларига қараганда, бундай мутахассислар посёлкада яшардилар.

Шунингдек компаниянинг эҳтиёжлари учун келтиралаётган оғир юк кўтарадиган транспорт сонининг кўпайиши бош йўлларнинг қаттиқ ишдан чиқишига олиб келди.

Аҳоли юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал қилишни сўраб бир неча марта посёлка кенгашига мурожаат қилдилар. Бироқ медиаторга маълум бўлмаган сабабларга кўра иш жойидан силжимади.

Оқибатда муаммолар ҳал қилинмади, аксинча янада чуқурлашиб борди. Охир оқибатда аҳоли энг сўнгги тадбир сифатида йўлнинг ҳаракат кисмини тўсишга қарор қилди, бу транспортнинг тўхтаб қолишига олиб келди. Транспорт ҳаракати тўхтагач мазкур компания иши ҳам тўхтади.

Медиаторни жалб қилиш

Медиатор ихтилофга аҳоли йўлни тўсган вақтда, яъни инқироз босқичида аралашди. У ўзининг шахсий ташаббусига кўра қатнашди. Унинг сўзларига қараганда, у бу ишга тинчлик жарчилари командасининг лидери сифатида масъулят хиссидан келиб чиқиб аралашди. Медиатор қўшни районда яшайди. Ихтилоф тўғрисида ҳабар топиши билан, у Тераксой посёлкасига йўл олди.

Тайёргарлик босқичи

Медиатор мазкур посёлкага келгач, йўлни тўсиб олган оломонни кўрди. У бу ерда икки қарама-қарши томон турганини тушинди: бир томонда аҳоли, бошқа томонда – хукумат ва компания вакиллари. Ҳеч қандай сўзлашувлар бўлмади.Ҳукумат томонидан берилган барча ваъдаларга одамлар турли луқмалар билан қийқириб жавоб қилдилар. Бу билан улар ўзларининг ишончсизлик позициясини намойиш қилдилар. Шу пайтда медиатор оломонни ёриб кириб, унинг лидерини аниқлашга қарор қилди.Бу қийин бўлмади.Чунки мазкур посёлок медиаторнинг доимий яшаш жойидан унча узоқ бўлмаган (60-70 км) олисликда жойлашиб, у ихтилоф иштирокчиларининг айримлари билан таниш эди. У лидерни аниқлагач, унга мурожаат қилди. У медиаторга икки қўшни районларни туташтирувчи ягона йўлни тўсишдан бошқа муқобил йўл йўқлигини айтди. Ҳеч нарсада айби йўқ одамлар йўлдан ўтолмасдан, турибдилар. Медиатор уларнинг орасида хомиладор аёллар, қўшни районда жойлашган касалхонага кетаётган одамлар ва болалар бўлиши мумкинлигига эътиборни қаратади. Норозилик билдираётганлар вакили бунга

жавобан, уларнинг муммоларини ҳал қилиш юзасидан берилган қуруқ ваъдалардан чарчаганликларини айтди.

Медиатор унга ҳамма нарсани тинч вазиятда муҳокама қилиш мумкин бўлган тоғ-кон компанияси раҳбарияти билан учрашувини уюштириш бўйича ёрдамини таклиф қилди. Медиатор, шунингдек эътиборни кўчанинг икки томонида тўпланиб қолган автомобилларнинг кўплигига қаратди.

Шундан сўнг медиатор компания вакилларига бориб, улар оломон билан бари бир сўзлаша олмасликларини, шунинг учун ҳам музокара столига ўтиришни таклиф қилди. Компания раҳбарлари розилик билдиргач, оломон ичидан бир неча киши чиқиб, ўзларини аҳолининг музокараларда қатнашадиган вакиллари деб таништирдилар. Йўл очилди, икки қарама-қарши томон мазкур компаниянинг офиси томон йўл олди. Бу ерда музокаралар бўлиб ўтди. Юқори савияда ўтган бу учрашувда вилоят губернатори ва унинг ўринбосарлари, Хитойдан келган бошлиқлар (хитой компанияси вакиллари) ва мазкур район хокими қатнашдилар.

Учрашувда маҳаллий аҳоли вакиллари, компания вакиллари ва раҳбарияти (Хитой фукоролари), вилоят губернатори ўринбосарлари билан, шунингдек район хокими иштирок этди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Музокараларнинг ўзида медиатор қатнашмади. Чунки уни таклиф қилмадилар. Бундан ташқари медиатор ўз олдига сўзлашувлар учун майдон уюштириб беришни мақсад қилиб қўйган эди. Бу мақсадга эришилди.

Музокаралардан сўнг шу нарса маълум бўлдики (аҳоли вакиллари сўзидан), компания ёнбосишга боришини, бироқ шундай шарти борлигини билдирди: дарёдаги сув билан боғлиқ бўлган муаммони бартараф этиш ва маҳаллий аҳолини ишга жойлаштириш учун икки ой вақт беришларини сўради. Йўл масаласида эса, уни куз бошлангунга қадар асфальтлашга ваъда қилдилар. Чунки мазкур муаммо мураккаброқ ва катта маблағ талаб этади.

Медиациядан кейинги давр.

Компания олтинни махсус ажратилган жойда ува бошлади. Маҳаллий аҳолидан ўзларининг кадрларга бўлган эҳтиёжига қараб маълум сондаги одамларни ишга жойлаштирдилар. Шунингдек ишга қўшни район одамлари ҳам олинди.

Медиатордан интервью олинган пайтга келиб, унинг сўзига кўра, йўлнинг 80-90 фоизига асфальт ётказилган эди. Медиатор сўзларига кўра, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, унинг музокаралар учун яратиб берган майдони музокараларнинг самарали бўлишига ва йўлнинг очилишига хизмат қилди.

Унинг фикрича, бу ҳам натижа. Бутун вазият бир кун давомида ҳал қилинди ва кечга бориб томонлар ягона фикрга келдилар.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Кузатиш;
2. Медиаторнинг оломон билан ишлаш усуллари юзасидан тренингда олган оломон билан ишлаш малакаси. Хусусан, медиатор унга таъсир ўтказиш учун оломон ичидан лидерни топди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Медиаторнинг сўзларига кўра, унинг учун оломон ичидан лидерини топиш жуда кийин бўлди. У мазкур посёлка аҳолисининг айримлари билан таниш бўлганлиги учун бу қийинчиликни осонгина бартараф этди.
2. Одамларга йўлни очишга рози бўлишни уқдириш қийин бўлди. Буни бартараф этишга компанияни норози томон билан музокара столига ўтиришга рози қилиш йўли билан эришилди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?


1. Медиатор ихтилоф қатнашчиларининг айримлари билан таниш эди. Улар медиаторнинг ўз районидаги обрўсини билганликлари учун, айниқса ёшини ҳисобга олиб, унга ҳурмат билан муносабатда бўлдилар. Шунинг учун ҳам аҳоли уни ўзлариники билиб, сўзларига қулоқ солдилар.
2. Медиатор позицияси. Унинг бошлиқлар орасида бўлмасдан, оломон ўртасида туриши ҳам унинг фойдасига қўшимча очко олиб келди.
3. Лидерни аниқлаш ва у орқали оломон ишлаш ишлаш.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Медиатор томонларни музокараларга кўндириш, улар ўртасида алоқани ўрнатиш ҳам ихтилофни ҳал қилишнинг медиатив характерига эга.

Жалолобод шаҳридаги оилаларни бирлаштириш

Оилавий ихтилофлар



Жалолобод вилояти	Медиация бўйича кейс №11	2011й.

“...эрни алкоголизмдан даволаш учун аёлда пул йўқ , уй ва хўжаликни эса у шуурсиз эр ихтиёрига қолдириб кетолмасди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Жалолобод шаҳри	**Биринчи томон** Эр, оила бошлиғи	**Иккинчи томон** Ичкиликбозлиги учун ўз эрини хайдаб чиқарган хотин	**Учинчи томон** Эрнинг қариндошлари	**Бошқа иштирокчилар** Оқсоқоллар, эр-хотиннинг фарзандлари	Медиаторнинг илтимосига кўра исми кўрсатилмаяпти

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2011 йилнинг февралида юз берди ва икки ой давом этди. Медиатор унинг ҳал қилинишида 20 кун давомида қатнашди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Ихтилоф Жалолобод шаҳрининг Аэропорт худудий бошқармасига қарашли Кўгарт микрорайонининг Жаниқўнуш маҳалласида юз берди.

Дастлабки вазият

Кўгарт микрорайони шаҳарнинг чекасида жойлашган. Бу микрорайонда хусусий уйлар қуруш учун ер участкаси 2004 йили берила бошлаган ва ҳозир маҳалла янги қурилишлардан иборат. Малик (исм томонларнинг фойдаси учун ўзгартирилган) микрорайоннинг биринчи яшовчиларидан ҳисобланади. Кўгартда у ўз аёли ва аёлнинг биринчи никоҳидан бўлган икки фарзанди билан яшайди. Малик уйнинг қонуний эгаси ҳисобланади, оиланинг таъминоти ҳам унинг елкасида. 2010 йилнинг охирида Малик ичкиликбозликка берилиб, кўп сабабсиз ишга келмаганлиги муносабати билан ишдан бўшатилди. Ишидан ажраган Малик уйда ўтириб қолади ва узлуксиз ича бошлайди. Коммунал хизматлар учун қарзлар ой сайин ўсиб борди, тўлаш учун ҳеч нарса йўқ. Маликнинг аёли иш излашга мажбур бўлди, бироқ унинг олий маълумоти йўқлиги учун ишга жойлашиш жараёни қийин кечарди. 2011 йилнинг бошида Малик Кўгарт микрорайонидаги уйни сотиб қарзларини тўлаш ва ундан қандайдир молиявий рағбат олишга қарор қилди. Маликнинг фикрича, оила уйни сотгандан кейин сотиб олинадиган квартирада яшаши мумкин эди. Маликнинг аёли уйнинг сотилишига мутлоқ қарши бўлди. У уйни сотгандан кейин Малик бутун пулни ичиб юборишига ва оиланинг кўчада қолишига шубҳа қилмас эди. Бундан ташқари оила яшаётган уй анча яхши бўлиб, барча қулайликларга эга бўлган икки қаватли бино ва ҳовлидан иборат эди. Эрнинг уйни сотиш тўғрисидаги уқдиришлари ҳар доим жанжал, айрим кезларда эр-хотиннинг муштлашуви билан тугарди. Аёлнинг болалари онасининг позициясини тўла қувватлардилар. Малик пул топмай, уйни сотишга қарор қилгандан кейин хотинининг фарзандлари билан муносабатларига совуқчилик тушди. Навбатаги оилавий можародан кейин хотин болалари билан Маликни уйдан хайдаб чиқаради. Уйга киришга уринганида хотиннинг фарзандлари уни жисмоний жазолаймиз, деб дўқ урдилар. Хотин Маликкка уйга фақат ичишни тўхтатиб, пул ишлай бошлагандагина кириши тўғрисида шарт қўйди. Қанчадир вақт давомида Малик дўстлариникида яшади, кўпинча у маст ҳолда кўчаларда қолиб кетди. Бир ой уйсиз ҳаёт давомида Маликнинг соғлиғида жиддий муаммолар бошланди. Узоқ вақт совуқда қолиб кетганлигидан ўпкасини совуққа олдирди ва кўшниларидан бирининг ёрдамида касалхонага ётқизилди.

Медиаторни жалб қилиш

Медиатор Кўгарт микрорайони квартал комитетининг бошлиғи ҳисобланади. Маликни қасалхонага ётишга ёрдамлашган таниши медиаторга Маликнинг муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди.

Тайёргарлик босқичи

Дастлабки босқичда бўлиб ўтган воқеа тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиш мақсадида у ихтилофни тахлил қилди, сабаб ва оқибатларини ўрганди. Вазиятни ойдинлаштириш учун медиатор Малик билан учрашишга қарор қилди. Медиатор маҳалланинг икки оқсоқоли билан биргаликда Малик даволанаётган касалхонага борди. Маликнинг аҳволи оғир эди. Парваришнинг йўқлигидан у жуда озиб кетган эди. Суҳбат чоғида Малик уйнинг қонуний эгаси эканлиги, аёли ва болалари уни ўз уйига киритмаётганлигини маълум қилди. Малик хотини ва ўгай фарзандлари бир зумда уларни тўла таъминлаб келганлигини унутганларидан хафа эди. У пули йўқлиги учун уйдан хайдалганлигини, шу ўтган вақтда оила аъзоларидан бирортаси келиб унинг соғлигини сўрамаганидан хуноб бўларди. Медиатор ва ҳозир бўлганларга у уйнинг қонуний эгаси сифатида милицияга ариза бериб, уларни уйдан чиқаришини билдирди. Оқсоқоллар

Маликдан тинчланишни ва ўз саломатлиги тўғрисида ўйлашни илтимос қилдилар. Шунинг дек улар ихтилофнинг шу даражага етишида ўзининг ҳам қандайдир даражада айби борлигини ҳам уқдирдилар. Унинг сурункали ичишлари оилани энг қалтис йўлга, жумладан уйдан хайдаб чиқаришгача боришга мажбур қилганлигини қайд этдилар. Медиатор Маликдан қариндошлари тўғрисида сўраганида, у қариндошлари уни ичкиликка муккасидан кетганлиги учун ундан нарироқ юришларини айтди. Медиатор Маликнинг қариндошлари билан боғланиб, уларга Маликнинг касалхонада ётганлиги ва оилавий ихтилофларини ҳал қилишда уларнинг ёрдамига мухтож эканлигини ҳабар қилди. Қариндошлари касалхонага келиб, Малик билан гаплашганларида хотинининг уни уйдан хайдаб чиқарганлигидан хайратга тушдилар, чунки улар аёл тўғрисида яхши фикрда эдилар. Улар Маликнинг уйдан хайдалишига жиддий сабаб борлигига шубҳа қилмас эдилар. Ахир илгари бу оилада ҳеч бир араз ва жанжал кузатилмаган эди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Медиатор Маликнинг қариндошларини унинг аёли билан учраштиришга қарор қилди. Учрашув қатнашчиларининг юз бериши мумкин бўлган можаросининг олдини олиш учун қишлоқ оқсоқоллари иштирокида ўтказишга ахд қилди. Учрашув Маликнинг уйида бўлиб ўтди. Маликнинг хотини унинг қариндошларига ва медиаторга ихтилофнинг келиб чиқиш тарихини гапириб берди. Аёл уйни сақлаб қолиш учун Маликни хайдаб чиқаришдан бошқа муқобил йўлни тополмаганлигини уқдирди.

Яна унинг айтишича, эрини алкоголизмдан даволаш учун унда пул йўқ , уй ва хўжаликни эса шўрсиз эр ихтиёрига қолдириб кетолмайди. Аёл Маликни уйдан хайдаб чиқариш билан уни уйни сотиш фикридан қайтариш мумкин деб ўйлаган эди. Пулнинг йўқлиги эса эрни ичкиликдан воз кечишга мажбур қилиши мумкин эди. Эрининг касалхонага тушиб қолганини эшитган аёл ўзини йўқотиб қўйди, воқеа ривожини бу даражага етишини кутмаганлиги билиниб турарди. Аёлнинг таъкидлашича, оила тушиб қолган бу чорасиз вазият уни ана шундай сўнгги йўлга боришга мажбур қилди. Қариндошлари аёлнинг сўзларини эшитгач Маликни ичкиликбозликдан даволаш учун ҳаражатларини тўлашга ва уни аввалги хаётига қайтаришда ёрдам беришларини айтдилар. Қариндошлар Маликнинг касалхонага тушиб қолишида ўзларининг айблари ҳам борлигини эътироф этдилар. Ҳамманинг олдида улар Малик оиласидаги вазиятни яхшилашда ва муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришга ваъда қилдилар. Учрашувдан кейин қариндошлар Маликка унинг аёли билан бўлган суҳбат тўғрисида айтиб бердилар. Улар аёл Маликни қайта уйга киритишга ва ундан кечирим сўрашга тайёр эканлигини билдирдилар. Қариндошлари унга регионал диспансерда ичкиликбозликдан даволаш курсини ўтишни таклиф қилишди. Малик рози бўлди.

Қишлоқ оқсоқоллари Маликнинг аёли билан такроран учрашганларида, эри билан ярашишга биринчи бўлиб боришини ва касалхонадан ҳабар олишини маслаҳат бердилар. Медиатор касалхонага аёл билан бирга борадиган бўлди. Касалхонада аёл ўзининг хатти-ҳаракатлари учун эридан кечирим сўради ва уйга қайтишини илтимос қилди. Кейинги сафар оила касалхонага фарзандлар билан бирга тўла таркибда борди.

Медиациядан кейинги давр.

Малик ўн кунлик даволаниш курсидан кейин касалхонадан уйига қайтди. Регионал диспансерда ичкиликбозликдан даволашнинг курсини ўтади. 2011 йилнинг ёзида ўз иш лавозимига тикланди ва шу кунгача ишлаб келаяпти.

Медиатор бу оиладан бир неча марта хабар олди. Оилада бошқа ихтилофлар кузатилмади.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Низолашган томонлар билан учрашувлар ўтказиш.
2. Ихтилофни ҳал қилишга қариндошлар жалб этилди. Маликнинг аёли эрининг қариндошлари билан яхши муносабатда эди. Уларнинг фикрларига доим қулоқ тутарди.
3. Қишлоқ оқсоқаларининг тинчликни ўрнатиш ташаббусини кўтаришга берган ёрдами. Айнан медиациянинг ана шу қатнашчилари томонлардан бирининг ярашиш учун масъулятни биринчи бўлиб зиммасига олишига ёрдам берди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Мазкур ишни ҳал қилишда медиаторда деярли қийинчилик бўлмади. Ихтилоф томонларининг вақтинчалик рухий тушкунлиги сабаблий юз берди ва медиатор оилани сақлаб қолиш зарурлигига уларни ишонтира олди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Қишлоқ яшовчисининг Маликни касалхонага ўз вақтида ётқазишга берган ёрдами. Бу уни кутулмаган оқибатларда сақлаб қолди.
2. Қариндошларнинг Маликнинг аёли тўғрисидаги ижобий фикрлари музокаралар ва томонларнинг умумий бир фикрга келишлари учун қулай имконият яратди.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Одатда оилавий ихтилофларни ҳал қилишда ҳамжамият оқсоқолари сезиларли ёрдам кўрсатади. Улар ҳар доим оилаларни сақлаб қолиш учун курашадилар ва уларнинг ташаббуслари ва илтимослари оилаларнинг низолашган аъзолари томонидан сўзсиз бажаралади.

Жалолобод вилояти

Туққан она бўлиб қолган ўгай она

Оилавий медиация



Жалолобод вилояти	Медиация бўйича кейс №12	2011й.

“Отанинг вафотидан сўнг 12 йилдан ортиқрок бирга яшаётган ўгай она фарзандлар учун хаётдаги ибрат ва ягона тарбиячи ҳамда туққан она бўлиб қолди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Жалолобод шаҳри	**Биринчи томон** Бева аёл, 5 фарзанднинг ўгай онаси	**Иккинчи томон** Вафот этган эрнинг қариндошлари	**Учинчи томон** Аёлнинг вафот этган қайнонасининг отаси	**Бошқа иштирокчилар** оиланинг қўшнилари, оқсоқоллар кенгаши аъзолари, ХБ аёллар кенгаши аъзолари	**Эргашева Наргиза,** Жалолобод ш., Курманбек ХБ, масъул котиби, “Интимоқ жарчилари” командаси

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2011 йилнинг июнида юз берди ва икки ой давом этди, ана шунча вақт давомида медиатор уни ҳал қилишда иштирок этди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Ихтилоф Жалолобод шаҳрининг Қурманбек худудий бошқарувида юз берди.

Дастлабки вазият

Жалолобод шаҳрида, хусусан Қурманбек ХБда сўққабош Иброҳим ота (томонларнинг фойдаси учун исми ўзгартирилди) бош бўлган бир оила яшар эди. Аёли билан ажрашгандан кейин у билан қолган 5 фарзандни бир ўзи тарбиялади. Аёлнинг (отанинг иккинчи никоҳи) оилага келиши билан вазият ўзгарди. Аёл бу оилага келганда фарзандларнинг энг кенжаси бир ёки икки ёшда, тўнғичи 8-9 ёшда эди. Фарзандлар “она”ни жуда яхши кутуб олдилар. У ҳам ўз навбатида болаларга катта муҳаббат ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлди. Оиланинг осойишта ва бир маромдаги хаётини отанинг 2011 йил бошидаги тўсаддан вафоти бузди. Оиладаги йўқотиш унга дарз кетказди. Энди фарзандлар учун улар билан 12 йилдан ортиқрок бирга яшаётган ўгай она хаётдаги ибрат ва ягона тарбиячи бўлиб қолди ва ана шу давр мобайнида улар учун туққан она бўлиб қолди. Ўгай она икки жойда ишларди, фарзандларнинг қайсинисидир мактабда, қайси бири институтда ўқирди. Шуни такидлаш керакки, фарзандлар доим ўгай она назоратида бўлдилар. У фарзандларининг ёмонлар даврасига тушиб қолмаслиги ва ғайриқонуний ишлар билан шуғулланмасликлари учун уларни кузатиб борарди.

Ихтилоф отанинг вафотидан сўнг 5 ой ўтгач юз берди. Унинг қариндошлари марҳумнинг мулки ва фарзандлари учун масъулият уларга ҳам тааллуқлиги тўғрисидаги масалаларни кўтардилар. Ўгай она фарзандларига қариндошлари билан кўришишни ҳеч қачон ман қилмади, бироқ эрининг вафотига қадар қариндошлари жиянларини кўргани келмаган эдилар. Ота вафотидан сўнг улар тез-тез келадиган бўлиб қолдилар. Қариндошлар марҳумнинг уйига келгач болаларнинг ўгай онаси билан қаттиқ аразлашдилар, унинг хулқ-атворини ҳар қанақасига қораладилар ва унга нисбатан тўла ишончсизлик билдирдилар. Ҳолалар бува билан бувиси марҳум ўғлининг фарзандларини ўз ёнларида кўришни хоҳлаяптилар, деб икки тўнғич фарзандни уйдан олиб чиқиб кетди ва қариндошлар билан бирга яшашни таклиф қилдилар. Амаки ва аммалари улар билан учрашганларида ҳар қанақасига уларга гўё ўз оналари, деб ҳисоблаётган аёл аслида уларга бегона эканлигини, у фақат марҳум отасидан қолган уйни олиш учунгина улар билан яшаётганлигини уқдиришга ҳаракат қилардилар. Вақти келиб ўгай она уларни кўчага хайдаб чиқишини ва улар ҳамма нарсадан қуруқ қолишини айтиб қўрқитар эдилар. Ўгай она ўз навбатида ҳеч нарсага даъвогарлик қилмади. У эрининг қариндошларини унга эрининг мулки ва кўчмас мулкидан ҳеч нарсаси керак эмаслигини, ягона хоҳиши болаларни унга қолдиришларини, аёлнинг улардан бошқа ҳеч кимиси йўқлигига ишонтиришга ҳаракат қиларди. Ўгай она билан яшаётган кенжа фарзандлар ундан ажрашишни истамасдилар. Болалар отасининг қариндошларини дурустроқ тушунмасдилар, ўгай онани эса 12 йил давомида ҳар куни кўрардилар ва унинг яхши муносабати ва меҳри уларни ўзига боғлаб олган эди.

Ўгай она ва эрининг қариндошлари ўртасидаги тортишув ва аразлар бир ойдан кўпроқ давом этди ва ихтилофнинг инқирози сифатида навбатдаги жанжалдан кейин ўгай онани эрининг қариндошлари уйдан хайдаб чиқардилар.

Медиаторни жалб қилиш

Уйдан хайдаб чиқарилгач, аёл ёрдам сўраб худудий бошқарув қошида фаолият кўрсатаётган, медиатор ишлаётган, жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилди. Медиатор "ИЖ" командаси аъзоси сифатида ихтилофни ечишда қатнашишга қарор қилди.

Тайёргарлик босқичи

Медиациянинг тайёргарлик босқичи ихтилофни, уни келтириб чиқарган сабабларини батафсил ўрганиш, манфаатдор томонларни аниқлаш, уни тинч ҳал қилишнинг энг қулай йўлларини ва шартларини аниқлашдан бошланди. Медиатор юз берган ихтилоф тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиши учун ҳар бир томон билан алоҳида учрашишга қарор қилди.

Ўша босқичда медиаторда ўгай она тилидан эшитган ахборотгина бор эди. Аёл билан бўлган шахсий суҳбат чоғида унинг ўз фарзанди йўқлиги, 12 йил давомида эрининг фарзандларига қаттиқ боғланиб қолганлиги, унда эрининг мулки билан боғлиқ бўлган ҳеч қандай таъмагирлик мақсадлари йўғлиги маълум бўлди. Унинг ягона шарти хаётининг мазмунига айланиб қолган фарзандларини ундан тортиб олмаса бўлгани эди. Шу билан бирга у болаларининг отаси қариндошлар билан муомила қилишларини ман этмаслигига кафолот беришни айтди. Угай она уйни эрининг қариндошларига бериб, болалари билан бирор жойдан ижарага уй олиб яшашга таёр эди, фақат уларни бошқа безовта қилмасалар бас. Аёлнинг болаларидан ажралиб қолиш мумкинлигидан қанчалар қўрқиб турганлиги сезилиб турарди.

Навбатдаги учрашув эрнинг қариндошлари билан ўтказилди. Суҳбат чоғида болаларни ўгай онадан ажратиб олиш ташаббускорлари Иброҳимнинг ука ва опалари бўлганлиги аниқланди. Мазкур ташаббусни улар ўгай онага ишончсизлик деб изоҳладилар. Иброҳимнинг қаринидошлари туғишмаган одам болалар учун жон куйдирмайди, уларнинг устидан етарли назорат бўлмаяпти, отанинг вафотидан кейин болаларнинг тарбияси сусайиб кетди деб ҳисоблайдилар. Амаки ва аммалар ўзларини болаларнинг хақиқий қондош туғишганлари ҳисоблаб,уканинг фарзандлари тарбиясига фақат улар ҳақли эканлигига ишонтирадилар. Уларнинг фикрича, қариндошлик мақоми, уларга Иброҳимнинг мулкига тўла эгадорлик қилиш хуқуқини беради. Аниқланишича, қариндошлар ўгай она болалардан турар жойни тортиб олиши мумкин деб хавфсирайдилар. Қариндошлар билан бўлган суҳбат ниҳоясида куйидаги шартлар илгари сурилди:

- ўгай она болалар билан учрашмайдилар;
- болалар қариндошлари билан яшайди;
- уй қариндошлардан бирининг номига ҳужжатлаштирилади.

Энди медиатор учун болаларнинг қариндошлар шартларига ва она тақдирига нисбатан фикрларини билиши муҳим эди. Болалар ХБга таклиф қилинди. Учрашувда медиатор, болалар врачи ва кенжа фарзандлардан уч нафари қатнашди. Икки тўнғичининг келишига қариндошлари руҳсат бермади. Суҳбат онанинг иштирокисиз бўлиб ўтди. Болалар онанинг позициясини тўла қўллаб-қувватладилар, улар фақат оналари билан яшаш иштиёқини билдирдилар. Оилани тебратиш ва онанинг уларга нисбатан муносабати масаласида фақат ижобий фикрларини билдирдилар. Уларни тарбиялаган аёлни масъулиятли ва ўзларини севадиган она деб ҳарактерладилар. Қариндошлар тўғрисида улар тузукроқ бир фикр билдиршмади, ҳатто уларни билмасликларини айтди. Йиллар давомида уларга туғишган бўлиб қолган аёл тақдири болаларни ташвишга солаётганлиги сезилиб турарди.

Тахлилнинг навбатдаги босқичи ўгай она ва болаларнинг ўзаро муносабатлари бўйича қўшниларнинг фикрларини сўраб билишдан иборат бўлди. Аёл болалар тарбияси ва парваришини етарли даражада уддалай олаётганлиги тўғрисида учинчи шахснинг фикрини билиши муҳим эди. Қўшнилар бир овоздан болалар ҳар доим қаралган, тоза кийинтирилган ва қорни тўқ, ўгай она юриш-туришида аҳлоқсиз хатти-ҳаракатлар сезилмаганлигини таъкидладилар. Савол-жавоблар аёл оила бахт-саодати учун ишлаганлигини, қолган вақтини болалар тарбиясига бағишлаганлигини тасдиқлади.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Ихтилофни ўрганиш натижаларини томонларга билдириш учун медиаторлар қўшма учрашув ўтказишга қарор қилдилар. Учрашув ХБ ижтимоий – профилактика марказида бўлиб ўтди. Унда Иброҳимнинг қариндошлари, болалар ва уларнинг ўгай онаси қатнашди. Медиаторлар ўтказилган учрашувлар ва томонларнинг шартлари натижаларини эълон қилдилар. Учрашув осойишта ўтгани йўқ. Ҳар бир томон ўзини ҳақ деб ҳисобларди. Аёл болалар тарбияси учун ҳеч ким унчалик куч сарфламаганлигини тасдиқларди. Қариндошлар уни эшитишни истамасдилар. Улар аёлнинг болалар билан мутлақо иши йўқ, у фақат ўз манфаатини ўйлаб иш тутаяпти деб ҳисоблардилар. Учрашувни тўхтатишга тўғри келди. Чунки болалар шовқун-сурон ва жанжалдан йиғлай бошладилар. Томонлар бир битимга келмасдан тарқаб кетдилар.

Медиаторлар командаси вужудга келган вазиятдан чиқиш учун ўзларининг ички кенгашини ўтказди. Ихтилоф томонларига таъсир ўтказа оладиган одам иштирокисиз уларни бир бирларига қулоқ солишга мажбур қилиш мумкин эмаслиги аниқ эди. Медиаторлар яна бир қўшма учрашувни ўтказишга қарор қилдилар.Бу сафар

ихтилофли вазият тўғрисида кўпроқ ахборотга эга бўлиб, ўз фикрларини аниқ далиллар билан аниқ ва лўнда тушунтира оладиган кишиларнинг кенг давраси таклиф қилинди.

Бир ҳафтадан кейин яна ўша ижтимоий профилактика марказида низолашган томонлар, болалар, Иброҳимнинг ота- онаси,¬ оиланинг қўшнилари, оқсоқоллар кенгаши, ХБ хотин -қизлар кенгаши аъзолари, медиаторлар иштирокида учрашув ўтказилди. Учрашув қатнашувчиларининг барчаси навбат билан сўзга чиқдилар. Кўпчилик болаларни ўгай она билан қолдириш фойдасига гапирдилар. Бироқ қариндошлар бу таклифни қабул қилишни хоҳламадилар.

Иброҳимнинг отаси, болаларнинг бувасининг сўзга чиқиши учрашувда ҳал қилувчи роль ўйнади. У барча далилларни эшитгач, невараларини ўгай оналаридан ажратиб олмоқчи бўлаётган фарзандларига ягона бир савол билан мурожаат қилди. Оқсоқол қариндошлар ичидан болалар тарбияси учун масъул, болалар тақдири учун барча иштирокчилар олдида, энг муҳими Парвардигор олдида жавоб берадиган конкрет бир кишини белгилашни сўради. Шу вақтгача бир-бирига гал бермасдан гапираётган қариндошлар бирданига тинчиб қолдилар. Ана шу савол уларнинг ҳар бирига такроран берилганда, чайналишиб, болалар тарбияси билан шуғуллана олмасликларини айтиб, турли бахоналарни рўкач килдилар. Қариндошлар болалар тарбияси учун масъулиятни бир бирларига ағдара бошладилар. Иброҳимнинг фарзандлари тарбияси билан кимнинг ғам-ташвиши озроқ бўлса, ўша шуғуллансин, дейишди. Хуллас, Иброҳимнинг қариндошларидан ҳеч ким болалар учун масъулиятни зиммасига олишни истамади.

Учрашув якунида Иброҳимнинг отаси, қариндошлар орасида болаларни тарбиялашни хоҳловчилар йўқлигидан уларни ўгай она билан қолдиришга қарор қилди. Шунингдек у ўз фарзандларини виждонли бўлишга, болалар тақдири учун ташвишланаётганда жиянлари тарбияси учун жавобгарлик кимнинг гарданига тушаётганлигини ўйлаб гапиришга чақирди. Оқсоқолар суди, ўз навбатида, Иброҳимнинг мулки тўғрисидаги масалани кўтарди. Иккала томоннинг розилиги билан кўчмас мулкни болалар номига ҳужжатлаштиришга қарор қилинди. Балоғат ёшига етганларида бу масалани ўзлари ҳал қилиб олсинлар, дейшди. Шундай қилиб мулк қонуний меросхўрларда қолди. Шунингдек болаларни ўгай онаси билан ўз уйларида бирга яшашга руҳсат беришга қарор қилинди. Қариндошлар вақти-вақти билан келиб,улар билан кўришиб, ҳол-аҳволини сўраб туруш истагини билдирдилар. Она бу ташаббусни тўла қўллаб-кувватлади. Ихтилоф бартараф этилди.

Оқсоқолар қариндошлардан ҳар қандай майда-чуйда учун укасининг оиласини безовта қилмасликни сўрадилар. Ўгай онага болалар учун катта масъулият билан қараш накази берилди.

Медиациядан кейинги давр.

Учрашувда ўқиб эшиттирилган қарор амалга оширилди. Оиладаги вазият медиаторлар томонидан бир неча марта текширилди. Оила ўз уйида яшамоқда. Оиладаги ўзаро муносабат устидан медиаторлар вақти-вақти билан суҳбатлашиб турадиган маҳалла комитети назорат қилиб турибди. Ихтилофлар бошқа такрорланмади.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Ихтилофни батафсил тахлили. Мазкур ҳолатда томонлар билан учрашувлар, болалар билан суҳбатлар, қўшнилардан сўраб билиш.

2. Сўзи ўтадиган, обрўли кишиларни жалб қилиш.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Иброҳимнинг қариндошларини болалар учун улар кўпроқ севган ва ишонган киши билан яшаши қулай ва тинчрок эканлигига ишонтириш қийин бўлди. Бунда медиаторга чиқиб гапирган, сўзлари оқсоқоларни, қариндошлари фикрини ўзгартиришга мажбур қилган болаларнинг ўзлари ёрдам қилди.

2. Қариндошлар уларнинг оилавий ишларига медиаторнинг аралишишини истамасдилар. Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун медиаторларнинг томонларга нисбатан ҳолислиги ёрдам берди. Улар учрашувларда иккала томоннинг фикрларини бир хил даражада билдириш билан, муаммонинг ҳал этилишидан ҳеч қандай манфаатдорлиги йўқлигини кўрсатдилар.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Болаларни тарбиялаётган ўгай онанинг хақиқатан ҳам ўз фарзандларини жон дилидан севадиган ҳалол аёл эканлиги муваффақият гарови бўлди. У фақат болалар билан бирга бўлиш учун ҳар қандай қурбонликларга тайёр эканлигини билдирди.

2. Ҳамжамият оқсоқоллари болаларнинг ўгай она билан қолиши тарафдори бўлдилар. Аёлни уйига қайтариш ва масалани тинч йўл билан ҳал қилишда катта роль ўйнадилар.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Ихтилофда болалар масаласи турибди, улар билан учрашув ва суҳбатлар чоғида хушмуомила бўлиш керак. Болалар руҳиятини яралаб қўймаслик учун одоблилик қоидаларига амал қилиш зарур. Одатда, ихтилофларни ҳал этишда бу энг нозик масала ҳисобланади.

Қоракўлдаги трансформатор можаро

Маиший ихтилофлар
Хокимият билан ихтилофлар



Жалолобод вилояти	Медиация бўйича кейс №13	2012 й.

“Медиатор у билан гаплашганида, ўзининг болалари ва аёли учун хаётдаги ягона таянч бўлиб қолгани, уларни шунчаки ёлғиз ташлаб қўйишга хақи йўқлигига урғу берди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар	Медиатор
Қоракўл шаҳри	**Биринчи томон** Шаҳарнинг фақирчилик шароитида яшаётган турувчиси	**Иккинчи томон** Ижарага берувчи, маҳаллий хокимият	**Учинчи томон** Мэрия, маҳаллий кенгаш депутатлари	**Адил Дербишев,** “Нарингидроэнергострой”. Бирлашган касаба уюшмалари комитетининг раиси. Шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари, депутат. Қоракўл шаҳрининг фахрий фуқароси.

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2012 йилнинг августида юз бери, уч ой давом этди. Медиатор ихтилофда икки ҳафта қатнашди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Ихтилоф Қоракўл шаҳрида юз берди. У шаҳар марказида, шаҳар бўйича электр энергиясини тақсимловчи марказий трансформатор ёнида авжига чиқди.

Дастлабки вазият

4 кишидан иборат бўлган оила Қоракўл шаҳрида ижарага турар жой олди. Оила бошлиғи Карим (томонлар фойдаси учун исми ўзгартирилди) ижара пулини тўлади. Оилани боқиш ҳам унинг зиммасида эди. Аёли ҳеч қаерда ишламасди. 2012 йилнинг бошида Карим кадрлар қисқартирилиши муносабати билан ишсиз қолди. Квартира учун хақ тўлаш мақсадида у қарзга пул олди. Лекин уни қайтариш учун унда имконият йўқ эди. Унинг молиявий аҳволини яхши билган квартира эгаси доимий даромад манбаи бўлмаган Карим яқин кунларда ижара ҳақини беришни кечиктиришини ҳам тушунарди. Баҳорда квартира эгаси хақни ўз вақтида тўлайдиган бошқа ижарачи топгач, Каримнинг оиласидан квартирани бўшатишни талаб қилди. Шу вақтгача ижара хақидан Каримнинг қарзи йўқ эди. Томонлар келиша олмадилар. Карим квартирадан чиқишни рад этди, чунки квартира эгаси уни аввалдан огоҳлантирмаган эди ва у оиласи учун бошқа турар жой топишга улгурмасди. Оқибатда ихтилоф юзага келди, квартира эгаси қаттиқ ғазабланди, квартирадан куч билан чиқариб ташлашини айтиб пўписа қилди.

Навбатдаги можародан кейин квартира эгаси Карим билан маълум муддатни белгилаб, шу муддат тугатгач милицияга мурожаат қилишини ваъда қилди. Каримнинг оиласи квартирани бўшатишга мажбур бўлди. Маълум вақтгача оила таниш-билиш ва дўстлариникида, турли қўшимча биноларда яшади. Карим учун иш топиш иложи бўлмади. Оилани боқиш учун турли жойларда турли ишларни бажариб, пул топди.

Карим уй қуриш учун унга ер участкаси ажратиб беришларини сўраб шаҳар мэриясига бир неча марта мурожаат қилди. Бироқ навбатда турганларнинг кўплигидан Каримга шошилинч равишда участка бериш имконияти бўлмади. Карим навбатдаги марта оиласи билан кўчада қолганида вазият инқирозга юз тутди. Чорасизликдан чарчаган Карим сўнгги йўлни тутишга қарор қилади. У марказий трансфарматорга яқинлашиб, бир қўли билан нуль фазани тутиб, иккинчиси билан юқори вольтли кабельни ушламоқчилигини айтиб қўрқитди. Шу йўсинда у хокимият эътиборини ўз муаммоларига қаратмоқчи бўлди.

Медиаторни жалб қилиш

Медиатор ихтилоф тўғрисидаги ахборотни Карим билан квартира эгаси ўртасида оилани чиқариб ташлаш тўғрисидаги масала вужудга келганда “Интимоқ жарчиси”нинг Қоракўлдаги командаси аъзосидан эшитган эди. Медиатор оилани квартирадан чиқариб ташлаш масаласини ҳал қилишда, ундан

кейинги турар-жой муаммоларини ҳал қилишда ҳам бевосита қатнашган эди.

Тайёргарлик босқичи

Квартира эгаси ва Карим ўртасида уйни бўшатиш тўғрисидаги масала кўтарилган ихтилофнинг дастлабки босқичида медиатор "ИЖ" командаси аъзоси билан бирга низолашган томонлар билан суҳбатлашишга қарор қилдилар. Биринчи учрашув Карим билан ўтказилди. У медиаторларга даромад манбаи йўқлигига қарамай у ижара ҳақини ўз вақтида тўлаётганини, оилани огоҳлантирмасдан хайдаб чиқариш асоссиз эканлигини гапириб берди. Карим янги турар -жой ва иш топиш учун унга вақт кераклигини, агар ҳозир квартирадан чиқса оиласи кўчада қолишини таъкидлаган эди. Медиатор Каримга уй эгаси билан жанжаллашмасдан, инсончасига ундан ўз аҳволини тушунишни сўрашни маслаҳат берди.

Квартира эгаси билан учрашгач, у билан гаплашишнинг фойдаси бўлмади.Турар жой эгаси ишсиз ва даромадсиз оила квартира учун ҳақ тўлай олмаслигига амин эди. Шу боисдан квартирани бошқа одамга ижарага бериш унинг учун қулайроқ эди. Квартира эгаси медиаторлардан бу ишга аралашмасликларини сўради, аллақачон муддат белгиланганлиги, ўша муддат тугагач Каримнинг оиласи уйни бўшатиши кераклиги, акс ҳолда у оилани милиция чиқариб ташлашини айтди. Такрорий учрашувда медиаторлар Каримга квартира эгасининг шартларини айтишди. Шунингдек улар уй эгаси оилани чиқариб ташлаш ҳуқуқига эга эканлигини, квартира унга тегишли эканини, турар- жой ижараси учун томонлар ўртасида шартнома тузулмаганлигини таъкидладилар. Карим бошқа уй излаётганини ва белгиланган муддатда квартирани бўшатишини билдирди. Оила белгиланган муддатда квартирадан чиқиб кетди. Бир қарашда муаммо бартараф этилгандек бўлди. Аммо бир ойдан кейин Каримнинг электр трансформатори олдида тутган йўли бунинг аксини кўрсатди.

Медиаторга бевосита ўша воқеа юз берган жойдан қўнгирок қилишди. Умудсизликка тушиб қолган одамнинг жар ёқасида турганига гувоҳ бўлган медиаторлар тузатиб бўлмайдиган оқибатларга йўл қўймаслик учун Каримни сўз билан чалғитишга ахд қилдилар. Юқори кучланишдаги трансформатор атрофида ўнлаган кишилар йиғилди, милиция унинг худудини ўраб олди. Кўп ўтмай у ерга шаҳар кенгаши раиси борди. Медиатор Карим билан илгаритдан мулоқотда бўлгани ва унинг руҳиятини озми- кўпми билганлиги учун музокара юритишга ҳаракат қилиб кўрди. Медиатор Карим билан гаплашганда, унинг болалари ва аёли учун хаётдаги ягона таянч бўлиб қолганига, уларни шунчаки ёлғиз ташлаб қўйишга хақи йўқлигига урғу берди. Ўз жонига суиқасд қилиш билан, у биринчи навбатда, хаётий муаммолар олдидаги ўзининг заифлигини ва уларни ҳал қилишга хоҳиши йўқлигини кўрсатишини айтди. Карим бир мунча тинчланди, унинг йиғлаётганлиги кўриниб турарди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Медиатор унга хаёт билан хайрлашишга қарор қилишга мажбур қилган сабаб тўғрисида гапириб беришни ва муаммоларни ҳал қилиш йўлларини биргаликда излашни таклиф қилди. Карим бир неча муаммони белгилади, улар орасида турар- жой ва ишнинг йўқлиги, хокимиятнинг муҳтож кишиларга нисбатан эътиборсизлиги ҳам бор эди. У тегишли ташкилотларга участка ажратиб беришни сўраб бир неча марта мурожаат қилганини, бироқ унинг масаласини ҳал қилиш ҳали бошланмаганлигини айтди.

Норозилик сабабларини эшитган медиатор воқеа содир бўлган ерга юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилишга масъул бўлган – шаҳар мэри ва архитектураси бошлиқларини таклиф этишга қарор қилади. Келган амалдорлар Каримнинг талабларини эшитгач унга дарҳол участка ажратиш масаласини ҳал қилишга розилик билдирдилар. Ўз жонига суиқасд қилиш даражасига етган одамни кўрган мэр Карим ва барча тўпланганлар кўз ўнгида унга ер участкаси ажартиш тўғрисидаги қарорга имзо чекишни буюрди. Имзо чекилган қарор Каримнинг аёлига берилди. Хокимият унинг талабларига пешвоз чиққанини кўрган Карим турган жойидан тушди.

Карим энг чорасиз вазиятга тушиб қолганидан бу йўлга борди, хатто участка олгандан кейин ҳам Каримнинг ҳал қилинмаган масалалари бор эди. Медиаторлар йиғилиш ўтказишга қарор қилдилар. Унинг бош мақсади оилага

ёрдам кўрсатишнинг барча мавжуд йўлларини муҳокама қилишдан иборат эди. Шаҳар кенгашида бўлиб ўтган учрашувга шаҳар мэри, архитектура бошлиғи ва шаҳар кенгашининг бир неча депутати таклиф қилинди, унда Каримнинг ўзи ҳам иштирок этди. Биринчи бўлиб медиатор сўзга чиқди. У тадбир мақсадини эълон қилар экан, илгари ҳам Каримнинг муаммоси билан дуч келганини, унинг молиявий аҳволи тўғрисида айрим маълумотларини билишини эслатиб ўтди. Сўзга чиққан Карим яқинда юз берган воқеа учун кечирим сўради, участка берганликлари учун амалдорларга рахмат айтди. У шаҳар бошлиғи ва депутатлардан ишга жойлашиш юзасидан ёрдам беришни сўради. Йиғилишнинг бошқа қатнашчилари ҳам навбат билан муаммоларни ҳал қилиш юзасидан фикрларини билдирдилар.

Карим ва унинг оиласига шаҳар мэрияси ихтиёридаги қўшимча бинолардан бирини беришга қарор қилинди.Депутатлар бино ремонти учун ҳақни тўлашни ўз зиммаларига олдилар. Каримнинг хотинини болалар боғчасига ишга жойлаштириш, болаларнинг эса шу боғчада тарбияланиши учун ҳақини тўлашга келишилди.

Медиациядан кейинги давр.

Йиғилишда қабул қилинган қарорлар амалга оширилди. Аёли болалар боғчасида ишлай бошлади, фарзандлари эса тарбиячиларнинг доимий ғамхўрлигида бўлдилар.Кейинчароқ Карим қурилиш бригадасига ишчи бўлиб ишга жойлашди. Улар мэрия берган бинода яшамоқдалар.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Учрашувлар ўтказилди.Бошланғич босқичда вазиятни тахлил қилиш учун квартира эгасининг Карим билан учрашуви ўтказилди.

2. Одамга руҳий таъсир.Юқори кучланишдаги трансформатор олдида бўлган норозилик пайтида фойдаланилган ҳал қилувчи фурсат.Умидсизликка тушиб қолган одам эътиборини унинг хаёти мазмунига айланиб қолган нарсаларга,фар зандларига,оиласига қаратиш.

3. Муаммони ҳал қилишга таркибий тизимларни: мэрия, депутатлар, архитектура бошлиқларини жалб этиш.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. 1.Квартира эгасини оилага ҳамдардликка чақириш қийин бўлди. Унга ўзганинг аҳволини тушунишга ишонтиришга эришилмади.

2. Ўйламай энг қалтис ишга қўл урган одамни тинчлантириш қийин бўлди. Бу ўринда медиаторга Каримнинг аёли ва йиғилган одамлар ёрдам бердилар. Улар биргаликда Каримнинг вазиятини тушунишларини ифодалаб, ҳал қилишнинг қулай йўлларини ҳамкорликда излаб топиш кафолотини бердилар.

3. Сўнгги йиғилишда амалдорларни одамга ёрдам беришга, хокимият унинг сўнгги умиди эканлигига ишонтириш анча қийинчилик туғдирди. Илгари шаҳар кенгаши аппаратининг аъзоси бўлган медиатор Қоракўл шаҳрининг фуқороси қийинчиликларини бартараф этишга ёрдам беришга чақириш йўли билан амалдорларга таъсир кўрсата олди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Каримни трансформатордан тушишга кўндиришда медиаторга унинг Карим билан илгаритдан таниш бўлганлиги ва муаммоларининг моҳиятини яхши билганлиги ёрдам қилди.

2. Мэрнинг Каримга дарҳол ер участкасини ажратиб бериш тўғрисидаги қарори ҳам қурбонликларнинг олдини олиш имконини берди.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Карим билан бўлган воқеа шаҳар аҳолисига хокимият борлигини ва у ишлаётганлигина, инсон бошига оғир кунлар тушиб қолган дақиқаларда ёрдам беришга тайёрлигини кўрсатди.

ХХФ шарҳи

Мазкур ихтилофни ҳал қилишда медиатор,шунингдек шаҳардаги орўсидан ҳам фойдаланди.У шаҳар хокимияти структурасидаги тегишли шахсларнинг эътиборини Каримнинг муаммоларга қарата олди.

Мэрнинг истеъфоси учун митинг

Сиёсий ихтилофлар



Жалолобод вилояти	Медиация бўйича кейс №14	2012й.

“Команда жипслиги – кўпсонли кишилар билан ишлашдаги муҳим фактордир”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Медиатор
Қоракўл шаҳри	**Биринчи томон** Маҳаллий аҳоли	**Иккинчи томон** Маҳаллий хокимият, шаҳар мэри	**Юсуфбаева Мира,** ички ишлар бўлими милиция офицери, тернер-медиатор, “Интимоқ жарчилари” командаси

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2012 йилнинг мартида юз берди.

Норозиликлар икки ой давом этди. Медиаторлар бу ихтилоф билан 2 кун ишладилар.Қабул қилинган қарорларни бажариш учун бир йил керак бўлди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Қоракўл шаҳри

Дастлабки вазият

Қоракўл шаҳар мэрияси биноси олдидаги майдонда маҳаллий аҳоли вакилларидан бир неча киши шаҳар мэрининг истеъфога чиқишини талаб қилиб, митинг уюштирдилар. Мэрнинг ўғрилигини, уюшилган жиноятчилик гуруҳининг аъзоси эканини ифодаловчи лозунглар илинди. Митингга чиққанлар кўпроқ одамларнинг эътиборини жалб қилиш учун микрофонга қийқирдилар. Унинг атрофидагилар, шаҳардаги раҳбарлик лавозимларига тайинлаган дўстларига нисбатан норозиликлар билдирилди.

Микрофонга гапираётган одам бир варақ қоғозда ёзилган маълумотларни ўқиб берарди. Унда давлат мулкини ўғирлаш фактлари (норозиларнинг фикрича) ўз аксини топган эди. У ва унинг тарафдорлари шаҳар кенгаши депутатларидан маҳаллий бюджетни аудиторлик текширувидан ўтказиш учун давлат комиссиясини таклиф этишни талаб қилардилар. Шовқун-суронга тобора кўплаб одамлар келиб қўшилдилар. Оломон дақиқа сайин ўсиб борди. Мэрия вакиллари бир неча марта чиқиб, саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдилар, лекин жавоблари уларни қониқтирмади. Қачонки оломон мэрия вакилларининг жавоб беролмаётганликларини кўрганида, митингчиларни қўллай бошладилар. Вазият тобора кескинлаши борарди. Ҳеч кимнинг калласига тинчлик жарчиларига мурожаат қилиш фикри келмади. Мэр шаънига жиддий гаплар айтила бошлади. У кўринмади. Бўлиб ўтаётган ҳамма воқеалар телевидение операторлари томонидан тасмага тушириларди.

Медиаторни жалб қилиш

Медиатор митинг тўғрисидаги ҳабарни эшитгач, команда раҳбари сифтида тинчлик жарчилари командасининг бир неча аъзосини хабардор қилди ва тегишли кўрсатмаларни берди.

Оламондаги ёки ундан чиқаётганлар микрофонга келиб қийқирашаётган вақтда тинчлик жарчилари командасининг 10 аъзоси сездирмай аралашишга қарор қилдилар. Команда аъзолари, бир неча дақиқадан алмашиб, бир чекада маслаҳатлашишгач, яна оломонга қўшилиб кетардилар.

Маҳаллий кенгаш депутатлари, айни вақтда, улар тинчлик жарчилари командаси аъзолари,басавлат, обрўли кишилар микрофонга яқин келиб,шаҳар депутатлари шаҳарда унинг тақдирига бефарқ қарамайдиган фуқоролар яшашидан ғоят миннатдор эканликларини билдирдилар. Сўнгра улар сездирмасдан сўзни бу масалаларни бир мунча маданиятлироқ усулда ҳал қилиш мумкинлиги мавзусига кўчирардилар. Қолаверса, билдирилаётган фикрлар қандайдир далилларга асосланиши керак. Депутатлар оломоннинг талабларини жон диллари билан бажарадилар, чунки бундан уларнинг ўзлари ҳам манфаатдордирлар.

Тинчлик жарчилари командаси аъзолари милиция ходимлари келгунларига қадар оломонга қўшилиб ахборот тўплаб олганликлари катта ютуқ бўлди. Сўнгра ахборотлар тахлил қилиниб, кейинги ҳаракат режаси белгилаб олинди.

Ихтилофчи томон сўзга чиқиш ва хуқуқ тартибот органларининг ҳаракатлари билан ҳалак бўлиб, ҳеч нарсани сезмади.

Депутатлар – тинчлик жарчилари командасининг аъзолари музокараларни бошлаганларида, ихтилофчи митингчилар томони заиф шикоятчилар тактикасига ўтдилар.Тажовузкорлик барҳам топди.

Депутатлар – тинчлик жарчилари командаси аъзолари тарқалишни, эртасига мэриянинг мажлислар залида митингчилар

вакиллари, уларнинг лидерлари билан шаҳар мэри ва депутатларнинг тўла таркибининг учрашувига таклиф қилдилар. Бу шартга ҳамма рози бўлди. Хатто бу ғоя оломонга жуда ёқиб тушди ва улар бу фикрларини ёқловчи қийқириқлари билан изҳор қилдилар.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Келаси куни томонлар,депутатлар ваъда қилганларидек, мэриянинг мажлислар залига тўпландилар. Митингчилардан норози томоннинг уч лидери, мэриянинг вакилларидан – 4 киши, тинчлик жарчилари командасидан – 4 киши қатнашди.

Тинчлик жарчилари командаси учрашувда бошқарувчи позициясини эгаллади, регламентни тасдиқлади. Учрашув осойишта вазиятда ўтди.

Ҳамма бир бирига ҳурмат билан муносабатда бўлди. Тинчлик жарчилар командаси аъзолари жипс ҳолда ишладилар. Ҳеч ким ўз ортиқчилигини намойиш қилмади.

Тинчлик жарчилари командаси аъзолари хукуматдан аудиторлик гуруҳини чақиришни таклиф қилдилар. Чунки митингчиларнинг талабларидан бири ҳам ўша эди.

Хуматдан аудиторлар гуруҳи таклиф қилинди. Депутатлар хукуматга хат тайёрладилар, митингчиларнинг ўзлари бу мурожаатни Бишкекка олиб бориб беришди. Бундан улар хурсанд бўлдилар.

Медиациядан кейинги давр.

Бир ҳафтадан кейин бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича текшириш учун комиссия келди. Бу вақтда шаҳар мэри митингчилар билан дўстлашиб, уларга ўз ёрдамини таклиф қилди.

Тинчлик жарчилари командаси аъзолари мэрияга шаҳар бюджетидан спорт тадбирларини молиялаштириш учун спорт фондини ташкил этишга маблағ ажратишни таклиф қилди, бу иккала томонга ҳам ёқиб тушди.

Ихтилофда такрорланишлар бўлмади.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Медиатор ва “Интимоқ жарчилари” ҳаракатидаги оперативлик ихтилофга тез муносабат билдириш ва тўғри йўл тутишга ёрдам берди;

2. Команда жипслиги – кўпсонли кишилар билан ишлашда муҳим фактордир;

3. Энг қулай ва анъанавий усул – музокаралар столига таклиф қилиш.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Оломоннинг ҳаракатидаги олдиндан билиб бўлмайдиган айрим элементларнинг борлиги.

Бу ҳолатда тинчлик жарчилари командаси аъзоларнинг барча ҳаракатлари худди аввалдан режалаштирилгандек амалга оширилди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

Тинчлик жарчилари командаси аъзолари таркибида маҳаллий кенгаш депутатлари, барча профессионал соҳалар раҳбарларидан борлиги муваффақият омили бўлди. Ҳар ким ўзининг соҳасини яхши билади, бу ҳамма жойда асқотиши мумкин. Митингчилар эътиборини жалб қилиш учун тинчлик жарчилари командаси аъзолари уларга яхши муносабатда бўлдилар ва маълум даражада ишонч қозондилар.

Мэрия мажлислар залида тинчлик жарчилари командаси аъзолари уларнинг шубҳаларини бартараф этиш учун митингчилар лидерларининг ташаббусларини қувватладилар.

Медиаторнинг шахсий шарҳи


Фақат медиаторлар гуруҳининг кўп миллатлилига урғу бериб бўлмайди. Балки тинчлик жарчилари командаси аъзолари турли соҳалардаги ўз касбининг усталаридан иборат бўлиши керак, ҳисоблайди медиатор.

ХХФ шарҳи.

Мазкур кейсда медиаторлар командаси ихтилофни ечишга унинг энг юқори босқичида киришдилар. Улар кескинликни юмшатиш ва митингчиларни тинчлаштириш йўли билан уни музокаралар изига туширди. Бу ерда ихтилофни самарали йўлга солиш учун медиаторлар ролининг уйғунлигини кўрамиз.

Қўшнилар ва мева дарахти

Маиший ихтилофлар



Жалолобод вилояти	Медиация бўйича кейс №15	2011 й.

“Бу музокаралар натижасида томонлар мазкур дарахтдан навбат билан фойдаланиш қарорига келишди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари	Бошқа томонлар	Медиатор
Майлисой шаҳри	Бир мевали дарахтга эгадорликни даъво қилган кўп қаватли уйдаги икки қўшни	Қўшнилар	**Искендерова Алима,** хотин-қизлар кенгаши раиси.

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2011 йили мевали дарахт ҳосил бер бошлагач вужудга келди. 2012 йилнинг баҳорида у зиддиятли босқичга кирди. Ихтилоф 2012 йилнинг июнида барҳам топди. Медиатор томонлар билан атиги бир кун ишлади.

Дастлабки вазият

Адоватга кўп қаватли уй ҳовлисида ўсган дарахт сабабчи бўлди. Деразалари остида дарахт ўсган икки қўшни аёл бир вақтнинг ўзида ҳосилни териб олишга даъвогарлик қилдилар. Агар худуд нуқтаи-назаридан қараладиган бўлса, дарахт иккаласига ҳам бир хил тегишли дейиш мумкин. Ихтилофнинг зиддиятли босқичида кўшнилар очиқдан -очиқ мазкур дарахтга эга эканлигини билдирдилар. Агар улар туйқусдан ҳовлида учрашиб қолишса албатта сўз дарахтнинг кимга тегишли эканига бориб тақаларди. Бироқ ҳар доим суҳбат маданиятлилик ўзанида борарди. Қўшнилар бир бирларини камситмасдилар, жанжалашмасдилар. Шунинг учун ҳам инқироз бошланмаган эди.

Медиаторни жалб қилиш

Ихтилофдан огоҳ бўлган бошқа қўшнилар медиатордан бу масалани ҳал қилиб беришини сўрадилар. Медиатор унга зиддият босқичида жалб этилди.

Тайёргарлик босқичи

Медиатор томонидан ихтилоф тахлил қилинди:

1. Медиатор ҳам шу уйда яшаганлиги учун ихтилофли вазиятни яхши билар эди. Ихтилоф юзага келиб, унга медиатор аралушгунга қадар томонларнинг ўзаро муносабатларида ўзгаришлар бўлмади: низо қатнашчилари ўз позицияларида турдилар ва уни ўзгартирмадилар.

2. Иккала томоннинг позицияси бир хил эди, униси ҳам, буниси ҳам дарахтни ўзиники қилиб олгиси келарди. Эҳтиёж ва манфаатлари ҳам бир хил,униси ҳам, буниси ҳам ҳосилни териб олишни истарди.

3. Ҳар бир томон бу дарахтга эгадорликни даъво қиларди. Дарахт у қўшнининг ҳам, бу қўшнинг ҳам деразаси остида, айтиш мумкинки, ўртасида жойлашган эди. Шу боисдан худудий жиҳатдан унинг эгасини аниқлаш қийин эди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Мазкур ихтилофда медиатор музокаралар олиб боришнинг қадамма-қадам тизимидан фойдаланди.

1-қадам: Медиатор ҳам шу уйда яшаганлиги ва уни айнан медиатор сифатида билишганлар учун у ўзини таништириб ўтирмади. Томонлар унинг иштироки мақсади ва вазифаларини билардилар.

2-қадам: Улар уй ҳовлисидаги скамейкага ўтира қолдилар. Медиатор улардан навбатма-навбат гапиришни, бир бирининг сўзини бўлмасликни илтимос қилди. Шундан сўнг ҳар бир томон бу дарахтдан фойдаланиш юзасидан ўз далилларини келтирдилар. Ҳар бир томон дарахт бетараф жойда жойлашганлигини тушунарди, бироқ улардан бирортаси бир бирига ён босишни истамас эди. Бир томон дарахтни мунтазам парвариш қилганлигини айтса, иккинчи томон ҳам шуни такрорларди.

3-қадам: Дастлабки икки қадам жараёнида медиатор фаол тинглаш қуролидан фойдаланиб, низолашган икки томоннинг манфаатларини аниқлади. Уларнинг манфаатлари мазкур дарахтнинг ҳосилидан иборат эди. Медиаторнинг сўзларига кўра,

агар хатто бир томон бошқа манфаатни кўзлаганида (масалан, дарахтни кесиб олиш) бир битимга келишиш кийин бўлар эди.

4-қадам: Музокаралар натижасида томонлар мазкур дарахтдан навбатма-навбат фойдаланиш қарорига келди.

5-қадам: Албатта ёзма равишда ҳеч нарса битилмади, бироқ оғзаки равишда томонлар ҳосилни навбат билан йиғиштириб олишга келишдилар. Низолашган томонлардан бири иккинчисидан ёшроқ эди, шу боисдан биринчи йили у қўшнисининг ҳурмати юзасидан унга навбатни берди.

Медиациядан кейинги давр

Ҳосилни навбат билан теришга қарор қилинди. Томонлар медиаторга ижобий муносабатда бўлдилар. Чунки у ҳам қўшни эди. Ҳозирги вақтда, медиатор сўзларига кўра, томонлар бошқа жанжаллашмаяптилар. Ихтилоф яна такрорланадими, йўқми вақт кўрсатади, ҳосил пишганда билинади.

Медиатор нималардан фойдаланди?

Юқорида таъкидланганидек, медиатор фаол тинглаш ва ихтилофни тахлил қилиш усулидан фойдаланиш эвасига ҳар бир томоннинг позиция ва манфаатларини аниқлашга эришди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Медиаторнинг сўзларига қара, ихтилофнинг бир томони билан ишлаш қийин бўлди. Чунки у кекса аёл эди. Ёш қўшнисининг сўзларини бўлмаслиги учун уни доим тўхтатиб туришга тўғри келди. Бунга медиаторнинг қуйидаги сўзлари туфайли эришилди: “агар менинг ўрталарингиздаги ихтилофга воситачилик қилишимга рози бўлсангиз, мени эшитишингизга ва музокаралар олиб бориш юзасидан кўрсатмаларимга амал қилишингизга тўғри келади”.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Медиаторнинг сўзларига кўра, унинг томонларнинг позиция ва манфаатларини аниқлай олиши ва манфаатларнинг кесишган жойини топа олиши ихтилофни муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилди.

2. Ҳар бир томоннинг бир бирини сўзини бўлмай тинглашлари катта ёрдам берди. Шунингдек улар медиаторга музокараларни эркин бошқариш имконини бердилар.

ХХФ шарҳи.

Кейс бир уйдаги икки кўшнининг маиший миқёсдаги медиациясининг кўргазмали намунасидир. Кейснинг оддийга ўхшаганига қарамасдан, медиатор ихтилофнинг тахлили ва ҳал қилинишига жиддий ёндошганини намойиш этади.

Жалолобод вилояти

Қишлокдаги этнослараро низони бартараф этиш

Маиший ихтилофлар
Этнослараро факторлар



Жалолобод вилояти	Медиация бўйича кейс №16	2011 й.

“...ким бўлмасин ўз айбини тушуниш – бу энг катта ёрдам ва қуллаб-қувватлаш”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Ахборот яширин	**Биринчи томон** Шолизор эгаси	**Иккинчи томон** Қўшни шолизар эгаси	**Учинчи томон** Томонларининг оилалари ва қариндошлари	**Бошқа иштирокчилар** Қишлоқ бошқаруви, қишлоқ руҳонийлари, қишлоқ фаоллари	Медиаторларнинг илтимосига кўра тўпламда исмлар кўрсатилмаяпти

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2011 йилнинг майида юз бериб, 20 кун давом этди. Медиаторлар низони ҳал этишда 15 кун қатнашдилар.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Низо қишлоқда юз берди. Қишлоқ аҳолининг таркиби бўйича кўпмиллатли ҳисобланади. Қишлоқ аҳолиси асосан гуруч етиштириш билан шуғулланади. Шолизорларни суғориш навбатининг бузилиши туфайли қишлоқ аҳолиси ўртасида бўлиб ўтган бахс ихтилофнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Дастлабки вазият

Қишлоқ аҳолиси асосан гуруч етириш билан шуғулланади. Шолизорлар қишлоқ чекасида жойлашган. Одатда, экин майдонларини суғориш мавсуми баҳорнинг ўртасидан бошланади. Майдонларни суғориш учун сув дарёдан бошланиб қишлоқнинг бошқа қисмида жойлашган канал орқали келади. Майдонларни сув билан бир хил даражада таъминлаш учун қишлоқ бошқаруви бўлими томонидан сувдан фойдаланиш бўйича шолизорлар эгаларининг навбат графиги тузилган. Мазкур графикка муофиқ майдон эгалари тартиб билан навбатчилик уюштириб, сув узиликсиз ўзига тегишли ер қисмига боришини назорат қиларди.

2011 йилнинг баҳорида юқорида қайд этилган график тасдиқланди ва майдонларни суғориш мавсуми бошланди. Экин майдонлари эгаларидан бири А. навбати бўйча шолисини суғораётганда, қўшни шолизор эгаси Б. руҳсатсиз сувни тўсиб, ўз ерига очиб юборади. А.нинг суғориш навбатига риоя қилиш юзасидан талабларига Б. ўз ерини вақти бўлгандагина суғоришини айтиб, рад қилади. А.нинг сувни огоҳлантиришсиз очганлиги тўғрисидаги далилларини Б. эшитишни ҳам хоҳламайди. А. ихтилоф чиққан жойга қишлоқ бошқарувининг сув тақсимлаш бўйича мутахассисини таклиф қилади. Мутахассис Б.нинг ўз сўзида қатъий турганини кўргач А.га сувни икки кунга Б.га бериб туришини сўрайди. А.мутлақо рози бўлмайди. Буни у сувдан белгиланган тартибга кўра фойдаланаётгани, ҳаммага маълум бўлганидек, сувдан фойдаланиш вақти чекланган билан изоҳлайди. Агар А. Б.га ён босадиган бўлса, суғориш бўйича ўзига ажратилган вақтни йўқотиши ва шоли суғориш графигини бузиши мумкин эди. Низолашган томонлар турли миллатга мансуб бўлганлиги учун ҳам вазият янада чуқурлашди. Шоликорларнинг сув сабабли чиққан бахси шахсиятга, камситишгача ўсиб етди. Даладаги деҳқонлар бахслашаётган шоликорлар атрофига йиғилиб, миллатига биноан икки ўзаро зиддиятлашган лагерга бўлиниб қолди. Тўпланганлар ўртасида муштлашиш бўлмади, деҳқонлар томонларни ҳаракатининг тўғрилиги юзасидан бахслашдилар.

Умидсизликка тушган А.нинг Б.га қарата кетмони отиб юбориши Б.нинг каттиқ ғазаблантирди, шу билан ихтилоф авжига чиқди. Жаҳли чиққан Б. А.ни туртиб юборди.Ерга йиқилган А. тошга урилиб,бошини ёриб олди.Ерда ҳаракатсиз ётгани ва бошидан қон оқишидан унинг қаттиқ жароҳат олгани кўриниб турарди. Муштлашиш гувоҳлари А.ни уйига олиб борадилар ва у бир неча кундан кейин вафот этди.Марҳумнинг ота-онаси Б.нинг хатти-ҳаракатлари юзасидан милицияга ариза берди.Милиция Б. ҳибсга олди.Б.нинг миллий ҳамжамияти лидерлари уни қўллаб-қувватлаш учун митинг уюштириш ташаббусини кўтараётганмиш деган миш-мишлар тарқалди. Уларнинг фикрича А.нинг ўлимида Б.нинг айби йўқ, бу тасодиф. Ўлдириш Б.нинг ҳаёлига ҳам келмаган. А.ни вазият қурбони деб, ҳисоблаган

бошқа миллий ҳамжамият эса, ўз навбатида, Б.нинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги ташаббусни тўла қўллаб-кувватладилар. Қишлоқда омма тўлқини етила бошлади. Миллатлараро низонинг юзага келиш хавфи туғилди.

Медиаторни жалб қилиш

Медиатор қишоқ турғини ҳисобланади. Қишлоқ қичкина, юз берган ихтилоф тўғрисидаги миш-мишлар тез тарқалди. Медиаторлар билан кўп йиллардан бери таниш бўлган қишлоқ бошқаруви раиси улардан яқинлашиб келаётган миллатлараро низони бартараф этишда қатнашишини сўради.

Тайёргарлик босқичи

Медиаторлар йирик миллатларо низони чиқишини олдини олиш учун шолизорда сув учун бўлиб ўтган бошланғич можарони ўрганишлари зарур эди. Медиаторларнинг низони бартараф етиш юзасидан фаоляти ихтилофни тахлил қилишдан бошланди. Улар бўлиб ўтган воқеани батафсил ойдинлаштириш учун ихтилоф гувоҳлари билан суҳбатлар ўтказишди. Ахборот олиниб, низонинг хронологияси ва ҳар бир томоннинг низодаги улуши аниқлангач ,медиаторлар томонлар вакиллари билан учрашув ўтказишга қарор қилдилар.

Дастлаб Б.нинг қариндошлари билан учрашув ўтказилди. Учрашувга қишлоқ кенгаши раиси, қишлоқ масжиди имоми ва қишлоқдаги қирғиз ҳамжамияти лидерлари таклиф этилди. Учрашувдан мақсад қариндошларнинг норозилигини пасайтириш эди. Масжид имоми Б.нинг қариндошларини ўйлаб иш қилишга чақирди, низо нима билан тугашини бўлиб ўтган воқеа мисолида кўрсатди. Қишлоқ кенгаши раиси ўз навбатида А.нинг оиласи фожиасига тушуниш билан ёндошишни сўради, уларнинг йўқотишларини қоплаб бўлмаслигини таъкидлади. Ҳамжамият лидерлари А. Б.билан муштлашиш оқибатида тошга урилганини, бунинг учун қариндошлар кечирим сўрашга тайёр эканликларини эътироф қилдилар. Қариндошларнинг бўлиб ўтган воқеа тўғрисида афсусланаётганликлари кўриниб турибди, бироқ уларнинг аҳволини ҳам тушунишни сўрадилар. Улар Б.айбдор эмас, деб ҳисоблардилар ва агар муштлашиш нима билан тугашини билганида унга қўшилмаган бўларди, деб ишонардилар. Улар муштлашишнинг бошловчиси А. бўлгани, у биринчи бўлиб Б.га кетмон отиб юборганини таъкидлардилар.

Навбатдаги учрашув А.оиласи билан ўтказилди. Бироқ унинг қариндошлари билан суҳбат қовушмади. Чунки унинг уйига фотиҳачилар келарди ва ота-оналари биров билан гаплашадиган аҳволда эмас эдилар. А.нинг отаси медиаторлардан бири билан таниш эди ва уларнинг ишига тушуниш билан қаради. Бироқ у маълум сабабларга кўра учрашувни кейинроқ ўтказишни илтимос қилди.

Марҳумнинг онаси ҳаммадан кўп азият чекарди, шу боисдан ҳам у медиаторлар билан гаплашишдан бутунлай ўзини олиб қочарди. Мазкур босқичда медиаторлар ишга аёл-медиаторларни жалб қилишга қарор қилдилар. Уларнинг фикрича, бу Зокирнинг онаси билан тил топишни енгиллаштиради. Марҳумнинг онаси билан кимнинг гаплашиши ҳам аниқлаб олинди. Медиаторлар аёл-медиаторга фактлар тўғрисида гапириб бердилар, улар биргаликда учрашув шакли ва иштирокчиларнинг тахминий таркибина режалаштириб олдилар.

Аёл-медиатор икки бошқа аёл (фахрийлар ва рухоният бўйича қишлоқ ўқитувчиси) билан биргаликда А.нинг онаси билан суҳбатлашдилар. Улар ўғлидан ажраган онага чуқур ҳамдардлик билдирдилар. Улар қуйинаётган аёлни рухан қўллашга ҳаракат қилдилар ва Б.нинг қариндошлари билан бўлган учрашув натижаларини эшитиш учун эркак медиаторлар билан учрашишни илитимос қилдилар. Шу вақтгача аёл ўғлининг ўлимига сабаб бўлган ихтилоф тўғрисида батафсил билмас эди. Медиаторлар А.нинг онасига ўша куни аслида нима бўлгани тўғрисида билиши учун зарур имкониятни яратиб беришни ваъда қилдилар. Аёл рози бўлди. Медиаторлар командаси тўла таркибда А.нинг ота-онаси билан учрашув ўтказиш учун тўпландилар. Марҳумнинг уйида бўлиб ўтган учрашувга қишлоқ кенгаши раиси, масжид имоми, оқсоқоллар кенгаши ва низонинг гувоҳлари, иккала миллий ҳамжамиятлар вакиллари таклиф қилиндилар. Муштлашишга гувоҳ бўлганлар сўзга чиқиб, уларга ҳамдардлик билдирдилар. Гувоҳларнинг кўрсатмалари Б. А.ни ўлдирмоқчи эмас эди, у тасодифан боши билан тошга урилди, деган фикрларда ўз уйғунлигини топди. А.нинг онаси ҳеч кимни эшитишни истамади. У ўғлининг ўлимига айнан Б.нинг туртиб юбориши сабаб бўлганлигини таъкидлади. Шунда қишлоқ масжиди имоми суҳбатга қўшилди. У ўз сўзида бу хаётда юз бераётган барча нарсалар – бу Парвардигорнинг иродаси, А.нинг ўлими унинг таъқдирига ёзиб қўйилганлиги, уни ҳеч ким ўзгартираолмаслигига эътиборни қаратди. У А.нинг ота-оналарига бу мусибат қанчалар оғир бўлмасин, сабрлиликка чақириб, тасалли берди. У ноумидликка тушиб қолган аёлдан отасиз қолган А.нинг фарзандлари тўғрисида ўйлашни илтимос

қилдилар. Б.нинг қариндошлари бўлиб ўтган воқеадан афсусда эканлигини ва А.нинг ота-онасидан кечирим сўрашга тайёр туришганини медиатор қўшимча қилди. Икки кундан кейин томонларнинг учрашувини ўтказишга қарор қилинди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Медиаторнинг ташаббусига кўра, учрашувни қишлоқ кенгаши биносида ўтказишга қарор қилинди. Учрашувда ихтилофлашган иккала томонлар қариндошлари, иккала миллий ҳамжамият лидерлари, медиаторлар, масжид имоми, оқсоқоллар совети қатнашдилар. Қариндошлар А.нинг ота-онасига ҳамдардлик билдириб, улардан кечирим сўрадилар. Қишлоқ оқсоқоллари ихтилофда иккала томон айбдорлигини, кимдур бошлагани, кимдур ниҳоясига етказганлиги, оқибатда ҳамма тенг азият чекаётганлигини таъкидладилар. Б.нинг қариндошлари марака ва у билан боғлиқ бўлган барча зарурий тадбирларни ўтказишда А.нинг оиласига ёрдам бериш ташаббусини кўтардилар. Б.нинг туғишганлари Б.ни кечиришлари учун А.нинг оиласи нимани истаса, шуни қилишларини билдирдилар.

Қишлоқ кенгаши раиси сўзга чиқиб фожиали ходисадан кейин тобаро кучайиб бораётган миллатрлараро низо чиқиш хавфи турганлигини қайд этди.

А.нинг отасининг сўзлари учрашувнинг бурилиш нуқтаси бўлди. Ким бўлмасин ўз айбини тушуниши – бу энг катта ёрдам ва қуллаб-қувватлашдир, деди у. А.нинг оиласи Б.нинг фарзандлари отасиз ўсишини истамайди. Кимдир ўзга томоннинг аҳволини тушуниш ва унга йўл қўйишга ўзида куч тополмаганлиги оқибатида етим қолган А.нинг фарзандлари ҳам етарли, таъкидлади у. Ота ўғлининг ўлими миллатлараро ихтилофнинг сабабчиси бўлишини хоҳламаслигини, шу боисдан берилган аризани қайтариб олишини ишонтириб айтди. Б.нинг қариндошлари А.нинг отаси фикрларини эшитгач, уни оққўнгиллиги учун чуқур миннатдорчилик билдирдилар ва А.нинг фарзандлари балоғатга етгунга қадар тўла таъминлаш ташаббуси билан чиқдилар. Б.нинг отаси марҳумнинг оиласининг таъминлаш юзасидан вазифаларни дарҳол бўлиштиришни таклиф қилди. Б.нинг акалари ва опалари ҳамманинг олдида болаларни мактабга ва олий ўқув юртларига жойлаштириш, турар жой билан таъминлаш, озиқ-овқат ва кийим-кечак ва бошқа нарсалар билан таъминлашда ёрдам бериш бўйича вазифаларни ўзаро бўлиштириб олдилар. Қишлоқ оқсоқоллари мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат қилишга ваъда бердилар ва қариндошларга ташаббуслари учун миннадорчилик бирдилдилар.

Медиациядан кейинги давр

Ариза қайтариб олинди, Б. озодликка чиқди. У мутлақо тинчлик мақсадларида А.нинг ота-оналари билан бир неча марта учрашди. Медиаторлар Б.нинг қариндошлари А.нинг оиласига ер участкаси сотиб олиб бериб, у ерда уй қуришни режалаштираётганликларининг гувоҳи бўлдилар. Шунинг дек улар А.нинг фарзандларига университетга киришга ёрдам бердилар. Марҳум оиласига ёрдам кўрсатиш шу кунгача тўхтагани йўқ.

Бошланғич ихтилоф ҳал этилгани муносабати билан унинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган миллатлараро низо ҳам бартараф этилди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Ихтилофлашган томонлар билан учрашув.
2. Медиаторларнинг сифатли режалаштириш ва вазифаларни бўлиштириш асосидаги биргаликдаги ҳаракати. А.нинг онаси билан алоқа ўрнатиш учун ишга аёл-медиаторларнинг жалб қилиниши.
3. Томонлар фикрига таъсир кўрсата оладиган ҳар қандай шахснинг жалб қилиниши. Барча учрашувларда айрим ҳолларни диний нуқтаи-назаридан тушунтириб, томонларни мулоҳазали бўлишга чақирган масжид имоми қатнашди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Медиаторларга А.нинг ота-онаси билан алоқа ўрнатиш қийин бўлди. Йўқотиш алами ота-онанинг медиаторлар билан учрашиш имконини бермади. Шу жойда аёллар ёрдамга келдилар. Улар тушуниш ва маънавий мадад кўрсатиш орқали марҳум онасини тинчлантирдилар. Натижада уни бирлашган учрашувга тайёрлаш имкони туғилди.


Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Медиаторни қишлоқда кўпчилик, жумладан А.нинг отаси ҳам танирди. Шу боисдан ҳам у медиаторнинг фаолиятига тушуниш билан ёндашди ва ихтилофни тинчлик йўли билан ҳал қилишда унга пешвоз чиқди.
2. Томонлар фикрига таъсир ўтказа оладиган медиаторларнинг сифатли командаси. Ихтилоф юзасидан ишларнинг тўғри режалаштирилиши ва тақсимланиши.

Жалолобод вилояти

Турғунлар ўртасидаги канализация можароси

Маиший ихтилофлар



Жалолобод вилояти	Медиация бўйича кейс №17	2012 й.

“Муҳокама жараёнининг тартибга солиниши туфайли томонлар бир бирининг сўзини бўлмай эшитишди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Медиатор
Сузоқ райони, Черемушка кичик райони	**Биринчи томон** Қаватли уйлар яшовчилари	**Иккинчи томон** Маҳаллий хокимият	**Ахмедова Зухра,** Сузоқ райони марказий касалхонасининг катта ҳамшираси, Асқаров Абдуманнап, қишлоқ бошқаруви бошлиғининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2012 йилнинг февралида юзага келди ва шу йилнинг апрелигача давом этди. Медиаторлар ихтилоф билан икки кун давомида ишладилар.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Черемушка кичик райони, Сузоқ райони.

Бу кичик районда жами 12 турар жой жойлашган, бироқ улардан фақат 3 тасида канализация муаммоси чиқди. Бу 3 уйнинг маҳаллий канализациясининг эски ҳовузи улардан узоқ бўлмаган хусусий худудда жойлашган.

Дастлабки вазият

Кўпқаватли уйлар канализацияси ҳовузи Черемушка кичик райони чекасида жойлашган. Вақт ўтиши билан у ерлар Сузоқ қишлоғи аҳолисига хусусий қурулиш учун участкаларга ажратиб берилган.Эски ҳовуз жойлашган худуд эгаси Черёмушка кичик райони худудида вақтинчалик ҳовуз қазиб,эскисини кўмади ва атофини ўраб олади.Янги ҳовуз қурилиш талабларига жавоб бермайди.Шунинг учун ҳам уч йилдан кейин унинг деворлари ағдарилиб, қисман тўлиб қолишига олиб келди.

Одамлар тез-тез ҳовуздаги сувни насос орқали чиқариб ташлаш учун пул йиғадиган бўлиб қолди.Айрим вақтларда бу мақсадларда пул йиғишнинг иложи бўлмасди. Оқибатда мазкур уйлар турғунлари ўртасида тез-тез ихтилофли вазиятлар вужудга келди. Аниқроғи юқори қаватлардан оққан сув биринчи қаватдаги квартираларга тушганлиги туфайли қуйи ва юқори қават турғунлари ўртасида низолар чиқарди. Бу босқичда турғунлар бир бирларига ўз норозиликларини очиқ ойдин айта бошладилар. Айниқса уйнинг қуйи қаватидаги турғунлар кўпроқ норози бўлардилар.

Кичик район аҳолиси маҳаллий хокимият вакилларидан бу ишни ҳал қилиб беришларини сўрадилар. Улар район маъмурияти олдига митингга чиқиб мавжуд канализацияни таъмирлатиб беришни талаб қилишни истардилар. Қишлоқ округи бошлиғи тинчлик жарчиларни командасига бу ишда ёрдам беришни сўраб, мурожаат қилди. У тахминан мазкур команда борлигини ва унинг вазифалари тўғрисида биларди. Шунинг учун ҳам можаро каттаймаслиги учун уларга мурожаат қилишга қарор қилди.

Медиаторни жалб қилиш

Медиаторларни мазкур районда норозилик пайдо бўлганлигини эшитган қишлоқ бошқаруви бошлиғи таклиф қилди. Бу кичкина микрорайон бўлганлиги учун қишлоқ бошқаруви бошлиғи мазкур муаммо тўғрисида аввалроқ билган эди. Ўша вақтда янги ҳовуз қуриш учун маблағ йўқ эди. Шу боисдан у тинчлик жарчиларидан мазкур ихтилофни ҳал этишда ёрдам беришларини сўради.

Тайёргарлик босқичи

Дастлаб медиаторлар бу уйлар турғунлари номидан гапирган лидерлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини эшитдилар.

Медиаторлардан бири район кенгаши депутати, бошқаси эса шу районинг турғуни эди. Одамлар уларни эшитдилар. Медиаторлар митинг билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини яшовчиларнинг ўзлари яхши билишини айтдилар. Яхшиси, хокимият таъмир учун маблағ топгунча, улар сабр билан кутиб туришлари керак. Музокаралар йўли билан ўтган ана шу учрашувдан кейин маҳаллий хокимиятнинг ана шу уйлар яшовчилари билан кенгайтирилган учрашувини ташкил этишга қарор қилинди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Мазкур уйлар яшовчилари билан ташкил этилган учрашувда медиаторлар ва маҳаллий хокимият вакиллари қатнашдилар. Маҳаллий хокимият номидан қишлоқ бошқаруви бошлиғи, яшовчилар томонидан 30-35 киши қатнашди. Учрашув уйнинг ҳовлисида ўтказилди. Дастлаб одамлар яна бир марта мавжуд муаммолар тўғрисида гапирдилар. Қишлоқ бошқаруви бошлиғи ўз навбатида тез орада мазкур масалани ҳал қилишга ваъда берди. Учрашув тахминан 2,5 соат давом этди.

Медиаторлар ўзларини таништиргач, низолашган томонлар фикрларини эшитдилар. Улар томонларнинг ҳар бирига алоҳида сўз берди ва бир бирининг сўзини бўлмаслиги учун уларни кузатиб турдилар. Муҳокама давомида яшовчилар ўртасидаги ихтилофнинг сабабчиси, ким юқори қаватда ёки ким қуйи қаватда яшашида эмас, канализациянинг бузуқлигида эканлигини таъкидладилар.

Муҳокама жараёнини тартибга солиб турилиши туфайли томонлар бир бирининг сўзларини бўлмай эшитдилар. Учрашув якуни бўйича турғунлар митингга чиқмасдан, маҳаллий хокимият ҳовуз билан боғлиқ муаммони бартараф этиш учун маблағ топишини кутишга қарор қилдилар. Маҳаллий хокимият таъмир учун маблағ топиш мажбуриятини олди. Яшовчилар ҳовуз таъмир қилингунча ҳеч қандай хатти ҳаракатга бормайдиган бўлди.

Қарор ҳужжатлаштирилмади, балки оғзаки келишиб олинди. Қарор ижросини назорат қилиш мазкур уйлар яшовчилар зиммасида қолди.

Медиациядан кейинги давр.

Медиаторлардан сўраб билаётган вақтда мирорайонда янги ҳовуз қурилишига тайёргарлик ишлари борарди. Янги ҳовуз ҳовлида 2012 йилнинг июль ойи охиргача қуриб битказилиши керак эди.

Хокимият маблағ топиб, мажбуриятини бажарди. Маҳаллий хокимият ўша вақтгача мазкур муаммонинг мавжудлигини биларди, бироқ ҳамма нарса молиянинг етишмаслигига бориб тақаларди. Шу боисдан улар ҳеч нарса қилолмас эдилар. Жараённи уйларнинг яшовчилари , “Интимоқ жарчилари” командаси вакиллари назорат қилдилар. Яшовчилар, ўз навбатида, ишчи кучининг етишмаслиги муаммоси учун масъулиятни ўз зиммаларига олишди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

Медиаторлар фаол тинглаш усулидан фойдаланди. Уларнинг фикрича , фаол тинглаш давомида мазкур муаммо тўғрисида тўла ахборот олиш ва муаммонинг оғриқ нуқталарини аниқлашга эришилди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Дастлаб, музокараларни бир ўзанда олиб бориш қийин бўлди. Дастлаб биров бировни тингламади. Ҳар иккала медиатор томонларни бир чекага чақириб, ҳар бири билан алоҳида гаплашдилар, қийқириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини ва бир бирларини навбат билан эшитиш зарурлигини тушунтирдилар. Яшовчилар рози бўлдилар ва ҳар кимга гапириш учун имконият бердилар.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

Медиатор фикрича, дастлаб уларнинг лидерлари билан учрашиб, уларга алоҳида гапилашиш учун имконият берилганлиги муваффақият гарови бўлди. Биринчи учрашув мазкур уйларнинг лидерлари билан, иккинчиси эса барча яшовчилари ва хокимият вакиллари билан ўтказилди. Агар ана шу учрашувлар ташкил этилмаганида, одамлар маъмурият биноси олдига митингга чиқар эдилар.

“Кристалл” заводи

Мехнат ихтилофлар



Жалолобод вилояти	Медиация бўйича кейс №18	2010 й.

“Завод жамоаси заводни тезроқ инвесторларга сотиш, ёки ўзларининг заводда ишлашлари учун имконият беришни талаб қила бошлади”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Тошкўмир шаҳри	**Биринчи томон** “Кристалл” заводи жамоаси	**Иккинчи томон** Заводнинг махсус маъмурияти	**Учинчи томон** КР Давлат мулкини бошқариш бўйича давлат комитети	**Бошқа иштирокчилар** Ташки инвесторлар	**Сариев Маматжан,** мухандис-электрик

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2010 йили бошланди ва медиатор билан гаплашилган вақтда 2 йил давом этган эди. Медиатор низо билан икки йил давомида ишларди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Ихтилоф Жалолобод вилояти Тошкўмир шаҳрида бўлиб ўтмоқда. Ярим кристалл кремний ишлаб чиқарадиган “Кристалл” заводи Жалолобод вилоятининг йирик саноат объектларидан бири ҳисобланади. Завод жамоаси шаҳар аҳолисининг тахминан 3,5 фоизини ташкил этади.

Дастлабки вазият

2010 йилнинг июнидан “Кристалл” заводи банкрот деб эълон қилингач, уни бошқариш учун махсус маъмур тайинланди. У 450 нафар атрофидаги мутахасисни ишдан бўшатди. Заводда фақат қоровуллар сув ва электр таъминоти бўйича цехларнинг навбатчи персоналлари қолди. Ўша вақтдан бошлаб завод икки йил давомида (медиатор билан гаплашилган вақтда – муаллиф) бекор туриб қолди. Ишчи ва мутахассислар ишсиз ва яшаш учун маблағсиз қолдилар.

Вужудга келган вазият туфайли завод жамоаси заводни тезроқ инвесторларга сотиш, ёки ўзларининг заводда ишлашлари учун имконият беришини талаб қила бошлади. Жамоа митинг ва йиғилишларни ўтказа бошлади. Хокимиятнинг барча инстанцияларига, жумладан Жогорку Кенеш фракциясига мурожаатлар жўнатилди. Мурожаатларда жамоанинг талаблари ва давлат органлари чора кўрмаган тақдирда Ўш-Бишкек автойўлини тўсишгача бўлган жавоб тадбирлари ҳам баён қилинган эди. Хокимият томонининг жавоби қисқа бўлди: “инвесторларни кутиш керак”

2011 йил заводга қизиқиш билдирган инвестор топилди. 2011 йилнинг майида “Х” ҳалқаро компанияси истаклари тўғрисидаги протокол имзоланди. Мазкур протоколда кўрсатилганидек, “Х” томонидан заводнинг олди-сотди шартномаси 8 ой мобайнида имзоланиши керак эди. Компания ҚР Хукумати олдига қатор шартларни қўйди. Улар бажарилмаган тағдирда инвесторлар келишилган битимни рад этиш хуқуқига эга эдилар. Протоколдаги ана шу шартлардан бирига кўра, КР Хукумати 8 ой мобайнида заводни сотиш юзасидан бошқа инвесторлар билан музокара қилмасликлари, бу билан битим тузилишини таъминлашлари зарур эди.

Бироқ орадан бир ярим йил (медиатор билан гаплашилган вақтда – муаллиф) ўтишига қарамай шартнома имзоланмади. Вазият кескинлигича сақланиб қолди. 2011 йилдан бошлаб заводда уни сотиб олиш ва ишни бошлаш истагини билдирган манфаатдор инвесторлар бўлди. Бироқ илгари имзоланган протокол шарти ўлароқ, юқоридан рад жавоби берилди.

Медиаторнинг сўзларига кўра завод жамоасига Кирғиз Республикаси Давлат мулки бошқармаси бўйича давлат комитетнинг позиция ва мақсадлари шу кунгача маълум эмас. Жамоанинг мақсади ўзларининг қимматли мутахассисларини сақлаб қолиш ва пул ишлаш имкониятига эга бўлиш.

Медиаторни жалб қилиш

Медиатор жамоа аъзоси ҳисобланади (у 18 йил давомида заводнинг бош энергетиги лавозимида ишлайди). У заводдаги ихтилофли вазиятни юмшатиш учун завод раҳбарияти билан тиғиз ҳамкорликда ишлади.

Тайёргарлик босқичи

Завод махсус маъмури, касаба союз комитети ва ишчилар лидерлари ўртасида музокаралар ўтказилди. Махсус маъмур командаси ва жамоа вакиллари давлат мулк комитети раҳбарияти билан музокаралар ўтказиш учун бир неча марта Бишкек шаҳрига бордилар. Бироқ улардан аниқ бир жавоб олиб бўлмади. Жамоанинг муаммони яқин вақтда ҳал қилинишига умид ва ишончи йўқолди.

Томонларнинг мақсадлари, манфаатлари ва позициялари синчиклаб ўрганилди. Ҳар бир томоннинг таъсирли шахслари аниқланди. Ихтилофолди босқичи ва низо авжига чиққан босқич тахлил қилинди. Уз вақтида қонунларни бузишга ва тартибсизликни ташкил этишга йўл қўймаслик тўғрисида қатор келишимларга эришилган эди. Томонларнинг очиқ тўқнашиши бартараф этилди (ваҳолонки ташкилотчиларнинг айримлари очиқ тўқнашиш ва куч ишлатиш билан ҳаракат қилиш иштиёқлари бор эди).

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Биринчи босқичда медиатор иккала томон билан гаплашди. Биринчи томон, яъни завод жамоаси доим музокараларга тайёр бўлганлиги учун медиаторга иккинчи томонни музокаралар столига ўтиришга кўндириш қолган эди ҳолос. Иккинчи босқичда музокаралар ўтказилди. Медиация жараёни заводда ва Тошкўмир шаҳар мэриясининг залида бўлиб ўтди. Медиация давомида иккала томон ўзларини турлича тутдилар. Завод жамоаси орасида тажовузкорлик кайфиятидаги шахслар ҳам йўқ эмас эди. Бошида директор, ёрдамчиси ва бухгалтерлардан иборат махсус маъмур командаси учрашув ва музокаралардан қочиб юрдилар. Улар бу хатти -ҳаракатлари билан вазиятни кескинлаштирдилар.

Медиация усуллари қўлланилгандан кейин вазият озми-кўпми бошқариладиган бўлди. Ўтказилган музокаралар натижасида кучлар тўқнашувининг олдини олиш юзасидан қатор битимларга эришилди:

1. Иккинчи томон, яъни махсус маъмур командаси завод жамоаси билан музокаралардан қочмайди.
2. [Завод жамоаси] юқори раҳбариятнинг заводнинг сотилиши юзасидан барча қарорлари тўғрисида ҳабардор қилинади.
3. Махсус маъмур командаси заводни инвесторларга сотишни тезлаштиради.
4. Завод жамоаси завод сотилгунга қадар белгиланган муддатда митинглар ўтказмайди.

Учинчи босқичда музокаралар ўтказилгандан кейин томонлар "сиёсий акт"ларни (Жогурку Кенеш депутатларига шикоятлар,митинглар ўтказиш, Бишкек-Ўш йўлини тўсиш ва бошқа) вақтинчалик тўхтатиш тўғрисидаги битим протоколига имзо чекдилар. Махсус маъмур командаси заводни инвесторларга сотишни тезлаштириш мажбуриятини олди. Махсус маъмур олинган мажбуриятни бажармаган тағдирда, жамоа заводни жамоага қайтариш юзасидан хукуматга мурожаат қилади.

Медиациядан кейинги давр.

Махсус маъмур командасига 2012 йилнинг 25 июлига қадар заводнинг олди-сотди шартномасига имзо чекиш ва жамоани инвесторлар билан учрашувини ташкил этиш учун вақт берилган эди. Бироқ бу мажбуриятлар ҳозиргача бажарилмади. Медиатордан сўраб билиш чоғигача жамоа аъзолари мазкур масаланинг ижобий ҳал қилинишини кутган эдилар. Акс ҳолда ихтилофнинг яна бошланиш хавфи бор эди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Дастлаб ихтилофли вазият тахлили ўтказилди. Томонларнинг мақсадлари, позициялари ва манфаатлари аниқланди.
2. Таъсир ўтказувчи ва лидерлар аниқланди. Улар билан шахсий ва гуруҳий музокаралар ва суҳбатлар ўтказилди.
3. Узоқ ва бахсли суҳбатлардан кейин томонлар ўртасида музокаралар ўтказишга ҳамда бир мунча реал қарорлар қабул қилишга эришилди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Мазкур ихтилоф билан ишлаш жараёнида медиаторнинг махсус маъмур билан ҳамкорлик қилишида қийинчиликлар вужудга келди. Сабаби шундаки, у масалаларни юқоридаги раҳбарият, яъни Давлат мулк комитети, улар эса ўз навбатида, Саноат ва энергетика вазирлигилиги билан келишмасдан шахсан ҳал қилолмайди. Улардан, хатто, энг элементар саволларга жавоб олиш учун ойлар талаб қилинади. Шу боисдан биз томонимиздан музокаралар олиб бориш учун Бишкек шаҳрига ташаббускор гуруҳни юбориш ташкил этилди.

Давлат органлари билан музокаралар олиб бориш ва улардан жавоб олиш медиаторлар учун энг қийин ва мураккаб масала бўлди. Давлат мулк комитети вакиллари дастлаб завод жамоаси вакилларини қабул қилмадилар. Қабул қилганларида эса уларнинг муаммоларига эътибор бермадилар.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

Мазкур ихтилоф ҳамон ҳал қилиниш босқичида турибди. Иккала томон ҳам инвесторни келиши ва заводнинг олди-сотди шартномасига имзо чекилишини кутмоқдалар.

Медиация методларидан фойдаланиш туфайли томонларнинг тўқнашувига олиб борадиган очиқ низолар юз бермади. Музокаралар ўтказиш натижасида намойиш ва митингларни вақтинча тўхтатиш сингари қатор келишимларга эришилди.

ХХТ шарҳи

Мазкур кейсда медиация тўғрисида шартли равишда гапириш мумкин. Чунки медиатор жамоанинг бир қисми, демак манфаатдор томон ҳисобланди. Бу ҳолислик тамойилларига зид келади. Бироқ бу воқеа медиациянинг элемент ва тамойилларидан фойдаланиб меҳнат бахсларини олиб боришнинг энг яхши намунаси ҳисобланади.

Қўшниларнинг участка худуди юзасидан можароси

Маиший ихтилофлар



Жалолобод вилояти	Медиация бўйича кейс №19	2012 й.

“Бу музокаралар жараёнида низолашган томонлар ягона бир қарорга келдилар ва бир бирларига ён босдилар, шу аснода ихтилоф барҳам топди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари	Медиатор
Тўқтағул райони	Қўшнилар, икки кўшни уйнинг эгалари	**Каратаев Колпоч,** қишлоқ оқсоқоли

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2012 йилнинг баҳорида юз берди ва 2-3 ой мобайнида давом этди. Мазкур ихтилофнинг чиқиш сабаблари 70 –йиллардаёқ пайдо бўлган эди.

Медиатор ихтилоф билан икки кун ишлади.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Жалолобод вилоятининг Тўқтағул райони.

Дастлабки вазият

Олис 70 –йилларда Бакит (исми ўзгартирилган – муаллиф) ўз уйини кенгайтиришга қарор қилди. У қаторда яшайдиган кўшниси Болотдан (исми ўзгартирилган – муаллиф) руҳсат сўраб, унинг худудидан маълум участкани (6 метрча) эгаллаб олди. Маълум вақт ўтгач, ўз вақтида руҳсат берган Болот қурулишни бошлади. У қурган бостирма томи Бакитнинг худудига 25 метр кириб кетди. Медиаторнинг сўзларига қараганда, номаълум сабабларга кўра, улар шу вақтгача индамай келдилар, фақат бу йил бир бирларининг худудини эгаллаш юзасидан норозилик билдира бошладилар.

Зиддият босқичида томонлар бир бирларининг худудини эгаллаш юзасидан норозилик билдира бошладилар. Асосан бу худудига том кириб борган Бакит томонидан кўпроқ билдирилди. Медиаторнинг айтишича, қўшни у фақат Болотнинг худудига 6 метргина кирганлигини, у эса ўз навбатида бутун 25 метрни эгаллаганлигига таянарди. Уларнинг келгусидаги бахслари натижа бермади. Шу боисдан улар ёрдам сўраб поселка бошқарувига мурожаат қилишга қарор қилдилар. Посёлка бошқаруви бошлиғи ўз навбатида медиаторга мурожаат қилди.

Медиаторнинг жалб қилиш

Медиатор бу ишга қишлоқ бошқаруви бошлиғи ихтилофни ҳал этиш учун ёрдам сўраб мурожаат қилгандан кейин киришди.

Тайёргарлик босқичи

Медиатор дастлаб улар билан тасодифан, кўчада учрашди ва қишоқ бошқаруви бошлиғи уларга вужудга келган вазиятни ҳал этишда ёрдам беришини сўраб илтимос қилганлигини айтди. Улар унинг медиатор эканлигини билганликлари учун такроран учрашувга розилик бердилар. Қўшнилар уни аввалдан келишиб олинган кун ва вақтда уйларига таклиф қилишди. Медиатор белгиланган куни уларнинг уйларига борди ва улар музокаралар столига ўтирдилар. Ихтилофни алоҳида тахлил қилишга эҳтиёж йўқ эди. Чунки медиатор муаммодан ҳабардор бўлиб, ҳаммаси нимадан бошланганлигини биларди. Низолашган томонлар унга тушуниш билан муносабатда бўлдилар. Улар унинг ёшини ҳурмат қилардилар ва медиатор эканлигини билардилар.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Ихтилофлашган томонлар розилигига кўра, учрашув улардан бирининг уйида бўлиб ўтди. Музокаралар бошида медиатор ҳар бир томонни алоҳида тинглади. Ҳар бири босиб олинган худуд юзасидан ўз позицияларида турдилар. Бакит 25 метрни эмас, фақат 6 метр ерни эгаллаганига таянар эди. Болот бу фикр билан келишди, бироқ ҳозир бутун бостирмани қайта қуруш учун маблағ йўқлигини рўкач қилди.

Шу йўсинда ступор, томонлар бир бирларини тинлагач, улар боши берк кўчага кириб қолдик ва бундан кейин

нима қилиш кераклигини билмаймиз, деган фикрга келдилар.

Медиатор уларга иккала томонни ҳам тушиниб турганини айтди. У кўшнилар бир бирларига ер олишга руҳсат берган 70-йилларда ерга нисбатан эҳтиёж ҳозиргидай эмас, бутунлай бошқача бўлганлигини билдирди. Томонлар шу вақтгача бу масалани кўтармаганликларининг сабаби ҳам шунда. Медиатор уларни ҳар қандай вазиятдан чиқса бўлади , деб ишонтирди ва бу вазиятдан чиқиш бўйича уларнинг шахсий фикрларини сўради.

Бакит олган 6 метр ерини қайтариб беришга тайёр эканлигини, бироқ Болот томни қайта куришни хоҳламаётганлигини билдирди. Медиатор Болот эътиборини унинг томи аллақачон яроқсиз ҳолга келганлигига, эртами- кеч уни таъмирлаш зарурлигига қаратди. Болот унинг фикрига қўшилди, бироқ бунинг учун вақт кераклигини айтди. Бакит бунга жавобан у томни дарҳол қайта қуришни талаб қилмаётганлигини таъкидлади. Шу ерда томонлар эгалланган ерни бўшатиш муддатлари масаласида бир бирини тушуниш учун биринчи имкониятни топгандек бўлдилар.

Сўнгра Болот келгуси йилнинг кузигача унга вақт беришни сўради. Бақит эса розилик берди. Бақт ўз навбатида эгаллаган 6 метр ерни бўшатиб бериш шартми, деб сўради. Болот унга шарт эмаслигини, бироқ бунинг эвасига томни қайта қуришда Бакитнинг ёрдам беришини сўради. Бакит бу таклифга рози бўлди ва ниҳоят томонлар умумий фикрга келдилар.

Томонлар ана шу музокаралар чоғида ягона қарорга келдилар ва бир бирларига ён босдилар. Натижада ихтилоф барҳам топди. Ёзма битим тузилмади, келишувга оғзаки эришилди.

Медиациядан кейинги давр.

Ҳозирги вақда қўшни қурулишга тайёргарлик кўрмоқда. Ихтилоф бошқа такрорланмади.

Медиатор нималардан фойдаланди?

Медиатор фаол тинглаш усулидан қўлланиш туфайли ҳар бир томоннинг манфаат, позицияларини аниқлай олди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Медиаторнинг сўзларига кўра, музокараларни олиб боришда қийинчиликлар юз бермади. У бу одамларни биларди, улар буни, шунинг учун улар медиатор сўзларига амал қилдилар.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

Медиаторнинг айтишича,томонларга фикрларини айтиш учун алоҳида имконият берганлиги ихтилофни муваффақиятли ҳал қилишга хизмат қилди. Бу уларга ўзларининг бир қарорга келишига имконият туғдирди.

2005 йилнинг мартида Жалолобод шаҳрида вилоят давлат маъмурияти биносининг босиб олиниши

Сиёсий ихтилофлар



Жалал-Абад дубаны	Медиация боюнча кейс №20	2005-жыл

“Вазият ва томонлар музокаралар ўтказиш учун пишиб етилган эди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Медиатор
Жалолобод шаҳри	**Биринчи томон** Бинони босиб олган норози оппозиция вакиллари	**Иккинчи томон** Амалдаги давлат хокимияти вакиллари	**Рая Қадирова,** “Ҳалкаро хайрихоҳлик учун” фонди президенти, **Азиза Абдурасулова.** ““Иқлим шоми” инсон хуқуқларини химоя қилиш маркази” фонди раҳбари

Муваққат доиралар

5 мартдан 9 мартгача. Оппозициянинг амалдаги хокимиятга қарши норозилик митинглари эртароқ бошланган, бироқ мазкур ихтилофни 5 мартда Жалолобод давлат маъмурияти биноси босиб олинган пайтдан бошлаб, томонлар ўртасида келишим тузилган 2005 йилнинг 9 мартигача бўлган даврни қўшиб қараш ўринли бўлади. 2005 йилнинг 5 мартида бошланган норозилик акцияси 2005 йилнинг 24 мартидаги воқеаларга олиб келди, натижада амалдаги президент мамлакатдан қочиб кетди, хокимият алмашди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Жалолобод шаҳри.

Дастлабки вазият

Қирғизистондаги сиёси беқарорлик муносабати билан 2003 йили “Ҳалкаро хайрихоҳлик учун” Фонди томонидан “Тинч, эркин йиғилишларда фуқороларнинг конституцион хуқуқларини амалга ошириш юзасидан фуқоролик жамияти, хуқуқ-тартибот органлари ва давлат хокимияти ва бошқармалари бошқа органларининг ўзаро алоқаси” лойиҳаси таклиф қилинди. Мазкур лойиҳанинг мақсади жамиятда кескинликнинг кучайиши ва инқирозли вазиятлар вужудга келган ҳолларда сўзлашув маданиятини илгари суриш ва ДО, хуқуқ-тартибот органлари ва давлат маъмуриятлари ўртасида коммуникацион каналларни ўрнатишдан иборат. Лойиҳа доирасида Қирғизистоннинг 7 вилоятида Миллий Координацион Кенгаш (келгусида – МКК) ва Регионал Координациион Кенгашлар (келгусида – РКК) ташкил этилди. Беқарорлик вақтида қарор қабул қилиш жараёнларини демократизациялаштириш ва инқироз гуруҳи ролини бажариш мақсадида регионларда лойиҳанинг ишчи органлари тузилди. Уларга фуқоролик жамияти, давлат структуралари, ҳамжамиятлар лидерлари киритилди.

2005 йилнинг 4 мартидан бошлаб Жалолобод вилоят давлат маъмурияти биноси оппозиция вакиллари томонидан босиб олинди. Бинода 200 яқин киши бор эди. Уларнинг орасида 60га яқин аёл бўлган. Шаҳарнинг марказий майдонида 6 минг киши (намойишчилар сони 4 мартга қарата) ва оппозиция штаби бор эди. Бинони босиб олган оппозиция бинога хужум қилиш сабабини губернатор намойишчиларга пешвоз чиқмаганлиги ва уларнинг талабларини эшитишни хоҳламаганлиги билан изоҳлади. Бинога бостириб кирган намойишчилар губернаторни ўз ўрнида тополмагач, вилоят давлат маъмурияти ходимларини бинодан хайдаб чиқардилар ва бинода ўзлари қолдилар.

Норози томон мамлакат президентининг истеъфога чиқиши ва бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларини бекор деб топиш талабларини кўйдилар.

Вилоят давлат маъмурияти биноси атрофида милициянинг қуролли бўлинмалари жойлаштирилган эди, бироқ норозиликка чиққанлар агар хокимият бино ичидагиларга куч қўлланадиган бўлса, улар ҳам милицияга нисбатан куч ишлатишини билдирдилар.

Хукумат тарафидаги оммавий ахборот воситаларида намойишчилар вилоят давлат маъмурияти биноси хоналаридаги мебеллар йўқ қилинганлиги, офис техникалари синдирилганлиги ва талон-тарож қилинганлиги, намойишчилар орасида маст кишилар (айниқса аёллар) борлиги тўғрисидаги билдиришлар пайдо бўлди. Шунингдек аёллар бинода куч билан ушлаб турилганлиги ҳам ҳабар қилинган эди.

Медиаторни жалб қилиш

Жалолобод вилоятидаги оғир ва ихтилофли воқеалар муносабати билан 6 март куни таркибида фуқоролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари бўлган МКК аъзолари Бишкекдан Жалолобод шаҳрига учиб келди.

Ички ишлар органларидаги раҳбар шахслари зўравонлик ва иғвогарликларнинг олдини олиш мақсадида бу гуруҳнинг келиши ва унинг мақсадлари тўғрисида ҳабардор қилинди. Ўзи ўша вақтда Жалолободда бўлган ички ишлар вазирининг ўринбосарига ҳам ҳабар берилди.

Тайёргарлик босқичи

6 мартдан бошлаб медиаторлар оппозиция ва хокимят вакиллари билан алоҳида музокаралар (кўчма дипломатия) ўтказишни

бошладилар. Бу музокараларнинг мақсадлари томонларнинг вазият тўғрисидаги тасаввурларини, томонлар фикрлари бўйича хавфни, шунингдек уларнинг умумий манфаатларини аниқлашдан иборат эди.

Биринчи кунданоқ томонлар ҳалқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари иштирокидан бош тортдилар. Томонлар МКК аъзоларининг музокаралар жараёнларига ёрдам беришига рози бўлдилар.

Вилоят давлат маъмурияти биносини кўздан кечириш

8 март куни МКК аъзолари Рая Қадирова ва Азиза Абдурасуловалар вилоят давлат маъмуриятлари биносини текшириш учун қўшма қомиссия тузишни таклиф қилдилар. Мазкур комиссияга вилоят давлат маъмурияти, ИИВ, МХХ, шунингдек МКК аъзоллари таклиф қилиндилар.

Кўздан кечириш натижалари бино аҳволининг қониқарли эканини кўрсатди. 2 синган кресло, 1 синган эшик ёпқичи, 4 синган эшик қулфи ва маъмурият биносига кираверишдаги синган дарвоза аниқланди. Маст одамлар йўқ, бинода тартиб-интизом сақланмоқда, барча хоналар тоза.

Комиссия аъзолари бино ичида бўлганларида аёллардан улар бу ерда нима қилаётганликларини сўрадилар. Аёллар намойишчилар нуқтаи-назарларига (президент Акаевни хайдаш) шерик бўлаётганликларини айтишди. Бундан ташқари аёллар уларнинг зўрлаб ушлаб турилганлиги ва мастлари борлиги тўғрисидаги миш-мишлардан қаттиқ ғазабда эдилар. Умуман бу кишилар комиссияга хайрихох эдилар (улар фақат комиссия таркибида бўлган губернатор вакилига нисбатан тажавузкорлик билдирдилар).

Комиссия барча хоналарни ўрганиб чиқиб, акт туздилар. Унга 9 киши – комиссия аъзолари имзо чекдилар. Норозилар кескинлигини юмшатиш мақсадида, тузилган акт 5 кундан бери майдондан кетмай бино атрофини ўраб турган 3 минг намойишчи олдида ўқиб эшиттирилди.

МКК аъзолари оппозиция ва хокимият вакиллари билан индивидуал учрашувни таклиф қилдилар.

Оппозиция ва давлат тузими вакиллари билан ишлаш.

6 мартдан 8 мартгача медиаторлар томонидан кўчма музокаралар ўтказилди. Оппозиция ва давлат тизимлари вакиллари билан ўтказилган кўпсонли учрашувлар натижасида лойиҳанинг Жалолобод вилояти МКК ва РККси аъзолари –Рая Қадирова, Азиза Абдурасулова, Асилбек Кочкорбаев, Анара Егиналиева, Замир Осоров, Бакткан Жапаровалар томонлар томонидан билдирилган фикрларни, баёнотларни, талабларни ва ташвишланишларни жамлагач, томонларга музокаралар столига ўтиришни таклиф қилдилар. Музокараларга ихтилофлашган иккала томоннинг ҳам ундан манфаатдорлиги туфайли эришилди.

Томонлар музокараларни ўтказиш учун умумий асосларга эга эдилар:

1. Зўравонликка ва ўт очиш қуролидан фойдаланиш хавфига йўл қўймаслик.
2. Томонлар томонидан ўз одамлари устидан назоратининг аста-секин йўқолиши.

8 март куни томонлар музокаралар столига ўтиришга розилик бердилар. Уларни ўтказиш шартларини аниқлаш ва келишиш юзасидан ишлар бошланди.

9 март куни Жалолободда ИИВ вазири ўринбосари бор эди. У музокаралар ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватлади ва хокимиятнинг 5 вакилидан иборат гуруҳини тўплади. Оппозициянинг штаб бошлиғи оппозиция вакилларидан иборат 5 кишини тўплади. Томонлар томонларнинг музокараларда қатнашадиган вакиллари рўйхатини келишиб олдилар.

Томонлар икки киши -, "Ҳалкаро Хайрихоҳлик учун" Фондидан, МКК раиси Рая Қадирова, хуқуқ химоячиси, МКК аъзоси Азиза Абдурасуловаларнинг медиаторлик қилишига розилик бердилар. Томонлар музокараларга бирорта журналист, ҳалқаро ташкилотлар ва бошқа бегона кишиларни киритмаслик шартини қўйдилар.

Музокараларни ўтказиш жойи алоҳида муҳокама қилинди. Узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг музокаралар ўтказиш учун унча катта бўлмаган кутубхона танлаб олинди. У иккала томонни ҳам қониқтирди. Музокараларни соат 15:00 да бошлашга келишиб олинди. Уларнинг мутлоқ яширин ўтиши музокараларни ўтказишнинг алоҳида шарти бўлди.

Оппозиция бошидаёқ хукумат вакилларининг оппозиция томонидан қўйилган қуйидаги сиёсий талабларини уларнинг ваколатларига кирмаганлиги сабабли муҳокама қилмаслик тўғрисидаги таклифини қабул қилди:

1. Президент истеъфоси;
2. Бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларини бекор қилиш.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Музокараларнинг бошидаёқ ихтилофли вазият вужудга келди. Ҳолбуки, хокимият вакиллари томонидан музокаралар қатнашчилари тўғрисидаги шартнома бузилди.

Томонлар таклиф қилганларнинг орасида Жалолобод шаҳри мэри (томонлар томонидан аввал келишиб олинганидек) ўрнига губернатор маслаҳатчиси қатнашаётганлиги билиниб қолди. Оппозиция шу ондаёқ музокаралардан бош тортишини билдирди.

Жалолобод вилояти

Чунки уларнинг фикрича, вилоят давлат маъмурияти биноси босиб олинганидан кейин вилоятда бундай вакил ва бундай хокимият йўқ. Губернатор маслаҳатчиси у ўша куни жамоатчилик хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи этиб тайинланганлигини билдирди. Томонларнинг ўзаро бахслари ва медиаторларнинг кейинги фаол ҳаракатларидан сўнг оппозиция маслаҳатчи иштирокига розилик берди ва музокаралар бошланди.

Музокаралар пировардида томонлар қуйидаги йўналишлар бўйича келишиб олдилар:

1. Ўт очиш қуролларини қўлламаслик, ҳар қандай иғвогарликларга йўл қўймаслик ва бартараф этиш.
2. "Этник ҳарита"дан фойдаланмаслик.
3. Гаровга олмаслик.
4. Митингчилар ўртасида низо чиқишига ва зўровонликка йўл бермаслик мақсадида муқобил митингларнинг ўтказилишига йўл қўймаслик.
5. Ўтказилаётган музокараларнинг тўла махфийлиги.
6. Икка томон ҳам зарурати туғилиб қолса шу таркибда ва шу фасилитаторлар - Рая Қадирова ва Азиза Абдурасуловаларнинг иштирокида музокараларни жонлантиришга келишиб олдилар.

Бундан ташқари томонлар норозилик қатнашчилари томонидан спиртлик ичимликларни ичишни, вилоят маъмурияти биноси ичида одамлар учун овқат уюштиришни тақиқлаш, тозалик ва ёнғин хавфсизлиги техникаси қоидаларини сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар юзасидан ҳам келишиб олдилар.

Белгиланган қарор ёзма келишим сифатида ёзилиб, уни томон вакиллари имзоладилар.

Медиациядан кейинги давр.

Томонлар, агар шундай зарурат туғилиб қолса, келгусидаги музокараларда ҳам қатнашишга ваъда қилдилар. Келаси кунлар давомида бутун мамлакат бўйлаб ана шундай норозилик акциялари бошланиб, маъмурий бинолар босиб олинди. Келгусида музокаралар бўлмади, чунки воқеаларнинг зудлик билан ривожланиши 2005 йилнинг 24 мартида хокимият алмашувига олиб келди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

Кўчма дипломатия (томонлар вакиллари билан алоҳида)

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Музокараларни ўтказиш жойини танлаш, унга келишиш қийинчиликлари. Томонлар узоқ вақт давомида қуйидаги сабабларга кўра келиша олмадилар:
- Томонлар гаровга олинишидан хавфсирадилар;
- Оппозиция музокараларни олиб боришда унинг лидерлари билиниб қолса, номойишчилар уларни сиёсий савдо қилишда айблашларидан чўчидилар.

2. Медиатор-фасилитаторлар шахсий хавфсизлиги тўғрисида ўйламадилар. Кутилмаган иғвогарликлар юз берган тақдирда ҳаракат қилиш стратегияси ўйлаб топилмаган эди. Ташкилотнинг медиаторлари учун ҳам, уларни кузатиб борувчи ходимлари учун ҳам кафолатлар кўзда тутилмаган эди. Ҳар қандай иғвогарлик юз берган тағдирда унинг оқибатлари ёмон бўлиши мумкин эди. Бунга ўхшаш даражадаги медиацияларни ўтказишда кутилмаган вазиятларда хавфсизлик ва хатти-ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиш зарур деган хулосага келинди.

3. Музокаралар бошланишида келишилмаган қатнашчи сабабли юзага келган ихтилоф. Келишилган таркибга кўра, хокимият томонидан Жалолобод шаҳри мэри ўрнига губернатор маслаҳатчиси қатнашди. Музокараларнинг узилиб қолишига реал хавф туғилди. Медиаторларга мазкур муаммони ҳал қилиш учун кескин чораларни кўришга тўғри келди. Медиаторлар томонидан томонларнинг ҳар бири билан очиқ гаплашилди. Медиаторлар музокараларнинг узилиши ва вазиятнинг ёмон сценарий асосидаги ривожи оқибатида содир бўладиган хавф тўғрисида гапирдилар. Натижада томонлар жорий таркибда музокараларни давом эттиришга қарор қилдилар.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Медиаторларга ишонч. Томонларнинг кўпгина вакиллари лойиҳа иши бўйича медиаторларни билардилар ва уларнинг фаолиятлари билан ҳам таниш эди. Ишонч қуйидагиларда намоён бўлди:
- Томонлар ёзма келишимни қайд этилган шартлар тўғрисида бахслашмай имзоладилар.
- Томонлар зарурати туғилиб қолса, шу медиаторлар иштирокида музокараларни давом эттиришга рози бўлдилар

2. Вазият ва томонлар музокараларни ўтказиш учун пишиб етилдилар.

Вужудга келган аҳвол музокараларни ўтказишга ёрдам берди. Оппозиция намойишчилар устидан назоратни йўқота бошлади, норозилик қатнашчилари томонидан шикоятлар кўпайди (бунинг оқибатида улар музокараларни давом эттиришга рози бўлдилар).

Милиция ходимлари ҳам, ўз навбатида, чарчадилар (улар бир неча кеча-кундуз давомида казарма шароитида яшадилар). Милиционерларни, митингчилардан фарқли ўлароқ, ҳеч ким боқмади, уларга командировка пул берилмади, кечаю-кундуз ишлаганликлари учун компенсация тўланмади, чарчадилар, оч қолдилар улар ўртасида норозиликлар ўсди. Хокимият томони ҳам буни тушунди.

Иккала томон ихтиёрида ҳам ўт очиш қуроллари бор эди. Томонлар назоратни йўқотсалар, ўзга томондан қурол қўлланишидан хавфсирадилар.

3. Медиатор ОБСЕнинг ўша вақтда амал қилган Уш офиси бошлиғига томонидан кўрсатилган ёрдамни алоҳида таъкидлади. Унинг томонидан жараён бўйича медиаторларга қимматли маслаҳатлар берилди, шунингдек ўзининг музокараларда иштирок этиш истаги борлигини билдирди. Бироқ томонлар оммавий ахборот воситалари ва ҳалқаро ташкилотларнинг музокараларда иштирокига қарши бўлганлиги туфайли бу масалада унга рад жавоби билдирилди.

Ўш вилояти

Аравон цемент заводи

Иқтисодий ихтилофлар
Экологик ихтилофлар



Ўш вилояти	Медиация бўйича кейс №21	2011 й.

“Раҳбариятни тез-тез алмаштириш сабабли маҳаллий хокимиятнинг изчиллик билан олиб бормаган сиёсати маҳаллий аҳолининг ғазабини келтирадиган қарор қабул қилишга хизмат қилди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Аравон райони	**Биринчи томон** Аравон районининг маҳаллий аҳолиси	**Иккинчи томон** Райондаги иккинчи цемент заводини қуришни кўзлаган тадбиркор	**Учинчи томон** Амалдаги Аравон цемент заводи	**Бошқа иштирокчилар** Маҳаллий хокимият	**Болпонова Жумагуль,** маҳаллий кенгаш депутати, ОПЦ, “Тоо Мойун айимдари” ЖФ раҳбари, тинчлик қурилиши бўйича лойиҳа ходими, ХХФ ходими

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2011 йили юзага келиб, 2 ой атрофида давом этди.

Медиатор мазкур низони ҳал қилиш билан 4 ой атрофида шуғулланди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Ўш вилояти, Аравон райони. Бу ерда район марказидан унча олис бўлмаган жойда цемент заводи бор. У райондаги энг йирик саноат объектидир.

Дастлабки вазият

Аравон райони худудида цемент заводи мавжуд. Бир тадбиркор иккинчи цемент заводини қурмоқчи бўлди. Район хокимининг руҳсатини олди, ва тайёргалик ишларини бошлади. Тадбиркорнинг завод қурушга ҳаракат қилаётганлиги тўғрисидаги ҳабар маҳаллий телевидения орқали тарқатилиши маҳаллий аҳоли ғазабини келдирди. Уларни иккинчи заводнинг фаолияти райондаги экологик вазиятга салбий таъсир кўрсатиши, аҳоли ўртасида турли касалликлар сонининг ортиши ташвишга солар эди. Одамлар маҳаллий маъмуриятга шикоят қила бошладилар, иккинчи завод қурилишини тақиқлаш талаби билан мурожаатномалар ёзишга киришдилар. Вазиятни ойдинлаштириш жараёнида биринчи завод эгаси қурулиш учун руҳсатни районнинг аввалги хокимидан олганлиги аниқланди. Яна бир заводни қурмоқчи бўлаётган ҳозирги тадбиркор руҳсатномани аввалгисининг ўрнига келган бошқа хокимдан олган эди. Раҳбариятни тез-тез алмаштириш сабабли маҳаллий хокимиятнинг изчиллик билан олиб бормаган сиёсати маҳаллий аҳолининг ғазабини келтирадиган қарор қабул қилишга хизмат қилди.

Аҳолининг норозилигига маҳаллий хокимият ҳеч қандай эътибор бермади. Бу даврга келиб тадбиркор лойиҳа-қурилиш ҳужжатлари учун 2 млн. сом атрофида маблағ сарфлаб қўйганди ва бошланган ишни тўхтатишни истамади. Барча чоралар фойда бермагач, одамлар энг сўнгги усул – бош йўлни тўсдилар.

Йўл тўсилгандан кейин марказий хокимият органлари ишга киришдилар. Шундан сўнг, юқорида музокаралар бўлиб ўтди шекилли, қурулишга берилган руҳсатнома қайтариб олинди, у тўхтатилди.

Бироқ ихтилофлар давом этди.

Биринчи заводни текшириш бошланди. Заводдаги 4 мўридан иккитасида фильтрнинг йўқлиги экологияга зарар келтирарди. Одамлар атрофдаги ерлар заҳарланяпти деб ғазабланардилар. Аҳоли заводдан район экологияси учун катта маблағ ажратишни, шунингдек заводда маҳаллий аҳоли ишлаши кераклигини талаб қилди.

Медиаторнинг тахминича, бу норозиликлардан кимдур манфаатдор бўлиши мумкин, чунки бундай тадбирлар ташкилотчиликни, норозиларнинг талаблари митингларда айтилишини талаб этади.

Медиаторнинг жалб қилиш

Ана шу вақтда Аравон районида “БМТ аёллари” лойиҳаси доирасида жойларда тинчликни ўрнатиш учун аёл-лидерларни тайёрлаш юзасидан ишлар олиб бориларди, шунингдек ихтилофларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадларида параллель равишда районда мониторинг ўтказиларди.

Аравон районидаги цемент заводи билан боғлиқ низо асосий ихтилоф эди. Медиаторнинг бу ихтилофни ҳал қилишга жалб этилишига унинг юқорида кўрсатилган лойиҳа ходими бўлганлиги, шунингдек узоқ йиллар Аравон районида яшагани ва унинг тақдири учун юракдан қайғураётганлиги сабаб бўлди.

Тайёргарлик босқичи

Муаммолар моҳияти тўғрисида зарур ахборотларни йиғиш ихтилофни ҳал қилишнинг бошланғич босқичи бўлди. Бунга аҳоли ва хокимият вакиллари билан суҳбатлашиш орқали эришилди. Томонларнинг норозилиги шартларини ва сабабларини аниқлаш учун учрашув ташкил этишга қарор қилинди. Медиаторлар ёрдам сўраб (бино ва одамларни тўплаш) хоким ўринбосарига мурожаат қилдилар. Ихтилофни ҳал қилиш имкониятлари ва компитенциясига эга бўлган иштирокчилар (маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари, завод маъмурияти, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги вакиллари, район поликлиникаси, СЭС ходимлари, митингга чиққан икки ҳамжамият қишлоқ бошқаруви бошлиқлари) рўйхати тузилди. Маҳаллий хокимият бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Улар бино ажратиб беришда ва одамларни йиғишда ёрдам қилдилар.

Мазкур йиғилишни медиатор олиб борди. Барчага ўз фикрларини билдириш таклиф қилинди.

Завод директори ўз позициясини билдирар экан, хақиқатдан фильтрлар йўқлигини тасдиқлади, фильтрларга буюртма берилганлигини, улар йўлда олиб келинаётганлигини билдирди.

Қишлоқ бошқармалари бошлиқлари завод кўпроқ қишлоқнинг тараққиёти учун молиявий ёрдам беришини сўрадилар. Бош врачнинг билдиришича, завод ходимлари медицина кўригидан Ўшда ўтадилар. Шунинг учун врачлар касалликлар динамикаси бўйича ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Улар ходимларнинг районда ҳисобда туришларини ва маҳаллий врачлар назоратидан ўтишларини таклиф қилдилар. Пировардида ҳар бир томон ўз фикрини ва вазиятдан чиқиш юзасидан таклифларини билдирдилар.

Бу йиғилишда қарор қилинди:

1. Йиғилганлар ҳисобидан заводни бориб текшириш ва вазиятни ўрганиш учун комиссия тузиш. Комиссия таркиби (хоким ўринбосари, медиатор, поликлиника бош врачи ва бошқалар) аниқланди. Ҳаммаси бўлиб 9 киши.
2. Текширишлар якуни бўйича иккинчи йиғилишни ўтказиш.

Навбатдаги мониторинг ҳисоботида регионда ихтилоф билан боғлиқ ўтаётган воқеалар тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топди. Бу ахборот алоҳида тахлилий ҳисоботда ҳужжатлаштирилиб, стейкҳолдерларга берилди, жумладан Экология вазирлигига. Экология вазирлиги жавоб мактубида медиаторга ўзининг махсус комиссиясини ташкил қилганлиги тўғрисида ҳабар берди. Аллақачон Аравонда тузилган комиссия аъзолари билан маслаҳатлашиб, иккала комиссияни бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Экология вазирлигининг вилоят бўлимидан икки ходим, район ходимлари юборилди.

Директор огоҳлантирилгач, заводга комиссия жўнатилди. Мазкур текширишдан мақсад экология,техника хавфсизлиги ва меҳнат қонунчилиги нормаларига риоя қилиш юзасидан завод фаолиятини ўрганишдан иборат эди. Комиссия заводда бутун кун бўйи ишлади. Завод маъмурияти томонидан комиссия ишига ҳалақит берилмади, аксинча директорнинг ўзи комиссияни қизиқтирган материалларни, маълумотларни тақдим қилди ва берилган саволларга тўлиқ жавоб берди. Текшириш жараёнида завод регион тараққиётида фаол қатнашганлиги, болалар боғчаларини таъмирлаб берганлиги мактабларга мебель ва жиҳозлар масаласида ёрдам берганлиги аниқланди. Бироқ бу хақда аҳолига аҳборот берилмаган. Аҳоли завод Аравон учун қандай ёрдамни кўрсатаётганлигини билмайди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Заводда текшириш якунлар бўйича якун ўтказилди. Завод фаолияти тўғрисида олинган маълумотлар муҳокама қилинди ва муаммоларни ҳал қилиш юзасидан таъвсиялар берилди. Тафсиялар биринчи тегарак столда аниқланган шартлар ва норозиликлар асосида берилди. Мўриларга тозалаш фильтрларини ўрнатишнинг конкрет муддатлари белгиланди. Аҳолини заводнинг молиявий ёрдами тўғрисида ҳабардорлигини ошириш учун маҳаллий газетада заводнинг хайрия фаолиятини ёритиш таклиф қилинди. Директор маҳаллий аҳолини вакилларини билими ва тажрибасига қараб заводга ишга олишга розилик билдирди.

Медиациядан кейинги давр.

Ихтилофни ҳал этиш жараёнида эришилган натижалар қуйидагича бўлди:

- 5-6 ойдан кейин заводда фильтрлар ўрнатилди. Уларни ўрнатиш билан уни ишлаб чиқарган хитой компанияси ходимлари шуғулландилар. Шу боисдан уни узоқ кутишга тўғри келди

• Район "Достук" газетасида заводнинг регион тараққиёти юзасидан фаолияти тўғрисида ҳабарлар бериб борилди. Бу одамларни бир мунча тинчланишига таъсир қилди.

• Завод кадрларининг барча медицина учетлари ва профилактика ишлари Аравон районига ўтказиб берилди.

• Маҳаллий аҳолидан кўплаб кишилар ишга олинди. Кўпчилигида техник билими бўлмаганлиги учун оддий ишларда ишлашларига тўғри келди.

• Регионда митинглар тўхтади.

ЖКМ томонлар томонидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилди ва мониторинг ўтказди. Вазиятни баҳолаш ва ихтилоф профилактикаси юзасидан вақти-вақти билан мониторинг ҳисоботлари тузилди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Одамларнинг ўз фикрларини билдиришлари ва бошқаларникини эшитиши учун томонларнинг музокаралари.
2. Оммавии ахборот воситалари орқали чиқиш, улардан фойдаланиш (маҳаллий газетадаги мақолалар).
3. Завод фаолияти тўғрисидаги варақаларни тайёрлаш ва тарқатиш таклиф қилинди.
4. Мониторинг ҳисоботлари. Улар ихтилофни огоҳлантиришда ёрдам қилди ва ихтилофчи томонларга катта ахборот таъсирини кўрсатди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Медиатор маҳаллий хокимият вакиллари билан яхши алоқада бўлганлиги учун деярли қийнчиликлар бўлмади. Бу тадбирларни тезда тайёрлаш ва ўтказиш имконини берди. Ихтилофчи томонлар зиммасига олинган мажбуриятларни бажариш масъулиятни юклаш қийин бўлди. Бу қийинчиликларни ҳал этишда маҳаллий хокимият ва Экология вазирлиги вакиллари ёрдам берди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Томонларнинг ўзлари мазкур ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилишдан манфаатдор бўлдилар. Ихтилофли тадбирлар кутулмаган оқибатларга олиб келишини ҳамма тушунди.
2. Медиаторнинг обрўси юқори бўлганлигидан унинг фикрига ихтилофчи томонлар кулоқ тутдилар. Медиатор бир неча йил аввал регионда қишлоқ хукумати раиси сифатида ишлаб, масъулиятли ва самарали ходим сифатида танилган.

Медиаторнинг шахсий шарҳи


Ихтилф барҳам топгандан бир йил кейин медиатор заводда янги ихтилоф – заводни эгаллаш учун кураш бошланганлиги,унга яна аҳоли жалб қилинганлиги тўғрисида ҳабар топди.

ХХТ шарҳи

Мазкур кейс ўз ҳамжамиятида катта ҳурмат қозонган ва кўпчилик билан тил топиша оладиган обрўли медиаторни намойиш этади. Ихтилофларни ҳал этишнинг бундай модели Қирғизистон медиацияси учун ҳарактерлидир. Бу ерда ўз ҳамжамиятида обрўга ва маҳаллий миқёсда таъсирга эга бўлган кишилар медиаторлик қиладилар.

Рамазон ойида Аравон районида бўлган можаро

Маиший ихтилофлар
Этнослараро факторлар



Ўш вилояти	Медиация бўйича кейс №22	2012 й.

“Ихтилофни ҳал этишда рўза тугаб, Рамазон хайитининг байрам қилиниши муҳим аҳамият касб этди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Аравон райони	**Биринчи томон** Озиқ-овқат дўкони эгаси	**Иккинчи томон** Дўкон мижози	**Учинчи томон** Томон-ларнинг қариндош-лари	**Бошқа иштирокчилар** Қишлоқ оқсоқолар кенгаши, ички ишлар маҳаллий органлари	**Ашуров Рўзиохун,** Аравон районидаги Уйғуробод қишлоқ кенгаши депутати, Қишлоқ жойларини ривожлантириш юзасидан “Онугуу” дастурининг иштирокчиси, “Интимоқ жарчиси” командаси

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2012 йилнинг августи охирида юзага келди ва 15 кундан кўпроқ давом этди. Медиатор уни ҳал қилишда бир ҳафта атрофида иштирок этди. Таъкидлаш заруки, ихтилоф мусулмонларнинг муққадас рўза кунларида, аниқроғи ифтор олдидан юз берди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Ихтилоф Алла Аноров қишлоқ бошқаруви, Еттиоғайни қишлоғидаги озиқ-овқат дўконида юз берди. Қишлоқ район марказига кираверишди жойлашган.

Дастлабки вазият

Қишлоқ марказида, марказий кўчадан унча олис бўлмаган жойда кичкинагина озиқ-овқат дўкони бор, унинг эгаси Еттиоғайни қишлоғи турғини ҳисобланади. У диндор одам. Ўша кунлари муққадас рамазон ойи бўлгани учун у ифторга шошилиб, дўконни одатдаги вақтдан бир оз эртароқ беркитди. Шу вақтда дўконга маст ҳолдаги одам кириб келиб, дўкончидан унга хизмат кўрсатишни талаб қилди. Дўкондор ифторга шошилаётганлигини ва унга кеч қолмаслиги кераклигини айтиб, хизмат кўрсатишдан бош тортди. Ғазабланган мижоз ўз сўзида қатъий туриб олди. Дўкондан чиқиб кетиш юзасидан дўкондор илтимосини рад этди. У дўкон биринчи навбатда мижозга хизмат кўрсатиши кераклигини қайд этди. Дўкончи бир сўзли мижозни чиқариб юбориш учун уни туртди. Мижоз йиқилиб тушди. Дўкончи дўконни беркитиб, уйига кетди. Хафа бўлган мижоз уйига келиб, ўзининг қариндошларига гўёки харид қилгани дўконга боргани ва бунга жавобан дўкон эгаси уни калтаклаганини айтади. Ғазабланган ака-укалар дўкон эгаси уйига келиб уни чақиради ва дарвозасининг олдида калтаклайдилар. Шовқун-суронни эшитган дўкончининг аёли дарвоза олдига югуриб чиқади ва муштлашаётган эркакларни ажратаётиб жароҳат олади. Ака-укалар дўкан эгасини калтаклаб бўлгач, уйларига қайтадилар ва шу куни кечкурун дўкончи уларнинг укасини сабабсиз урганлигини тўғрисида милицияга ариза берадилар. Жиддий жароҳат олган дўкон эгаси касалхонага ётади.

Мазкур ихтилофнинг сабабларидан бўлган ва кейинчалик янада чуқулашган факторлардан бири-бу миллий масала ҳисобланади.Чунки дўкон эгаси ўзбек миллатидан,мижоз эса қирғиз миллатига мансуб эди.

Медиаторни жалб этиш

Медиатор юз берган ихтилоф тўғрисида муштлаш бўлиб ўтгандан кейин ҳабар топди.ИЖ командаси аъзолари унга ҳабар қилиб,низони тинч йўл билан ҳал қилишда ёрдам беришини сўрадилар.4

Тайёргарлик босқичи

Медиатор ихтилоф тўғрисида фақат ИЖ сўзларидан билганлиги учун унга низони чуқур ўрганиб чиқиши,хронологиясини тузиши, томонлар ҳаракатларини ва келтирилган зарарни баҳолаши керак эди.Шу йўсинда вазиятни таҳлил қилиш ихтилофчи томонлар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиш йўли билан ўтказилди.Биринчи навбатда,дўкон эгаси ва унинг аёли билан музокаралар олиб боришга қарор қилинди. Касалхонага

келгач, медиатор дўкончидан бўлиб ўтган воқеа тўғрисида батафсил гапириб беришни илтимос қилди, шикоят ва далилларини тинглади. Дўкон эгаси ўзининг вазият қурбони бўлиб, жароҳат олганини, шунга қарамай унинг устидан милицияга ариза берганликларини айтди. Ўз хуқуқларини яхши билиши, агар бошқа томон тинчликни хоҳламаса, тан жароҳатлари тўғрисида маълумотнома олдириб, масалани "бошқача" ҳал этишини билдирди. Медиатор дўкондорни тинглагач, хафа бўлган одамни овутишга ҳаракат қилди, агар бу иш билан милиция шуғулланидиган бўлса ғам-ташвиш янада кўпайишини гапириб, қизишмасликни маслаҳат берди , аксинча масални тинч йўл билан ҳал қилишда медиаторларга ёрдам беришни илитимос қилди.

Навбатдаги учрашув ака-укалари билан ўтказилди. Аввалги учрашувда бўлгани каби улар ҳам ўзларини айбдор ҳисобламадилар. Аксинча хафа қилувчига "кўрсатиб қўйиш" кайфиятида эдилар. Медиатор мижознинг жаҳли чиққан қариндошларини тинчлантира бошлади, дўкон эгасини касалхонага бориб кўрганлигини, унга ҳам осон бўлмаганини , кўплаб жароҳат олганини, агар иш тинч йўли билан битмаса милицияга арзланишини гапириб берди.

Медиаторлар ихтилоф томонларининг фикрларига узоқ тергов ишлари ва катта ҳаражат тўғрисида гапириб қўрқитиш орқали таъсир қилиш мумкинлигини тушунгач, вазиятни керакли ўзан бўйича бир оз жилдиргандак бўлдилар. Медиаторларнинг бу босқичдаги навбатдаги ҳаракати қариндошлар томонидан милицияга берилган аризани ҳужжатлаштиришни тўхтатишдан иборат эди. Медиаторларнинг илтимосларига ва ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги кафолатларига хуқуқ тартибот органлари ходимлари ижобий муносабат билдирдилар.

Ихтиловчи томонларнинг асосан катта авлод вакиллардан иборат қариндошлари билан ҳам фаол иш олиб борилди. Бу қарорга мазкур қатегориядаги қариндошлар вакиллари томонларнинг фикрларини бир мунча ўзгартира олардилар. Оқсоқоллар диндор кишилар эдилар, муқаддас рўзани тутардилар ва ҳурмат қилардилар. Шунинг учун ҳам рамазон ойидаги ҳар қандай низо ва аразлашишлар – гуноҳ деб ҳисоблардилар. Ихтилофчи томонлар билан бўлган учрашувларда оқсоқоллар уларни виждонли бўлишга чақирдилар, гина-адоват билан яхшиликка эришиб бўлмаслигини, тинчлик ва муросасозлик тараққиёт кафолати эканлигини тушунтирдилар.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Ишни тинчлик йўли билан тугатишга томонларнинг хиссиётлари, муштлашишда олган жароҳатлари, камситилган нафсониятлари ҳалақит берарди. Медиаторлар командаси ҳамжамиятлар лидерлари ва оқсоқоллар билан ҳамкорликда томонларни ярашишга чақирдилар. Яширин қарама-қаршилик юмшагач, қўшма учрашувни ўтказишга қарор қилинди. Ихтилофни ҳал этишда рўза тугаб, рамазон хайитининг байрам қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ихтилофни ҳал этиш билан шуғулланаётган команда бу учрашувни одамларни тинчлик ва ярашишга чақирадиган хайит куни ўтказишга қарор қилди. Томонларга учрашув айнан ўши байрам куни ўтказилишини эълон қилдилар ва улар рози болишди. Қўшма учрашувда низолашган томонлар медиаторлар командаси, оқсоқоллар кенгаши аъзолари ва қишлоқ маҳаллий аҳолиси қатнашди. Учрашув оқсоқоллар сўзлари билан очилди. Улар ярашиш томон қўйилган қадамни қўлладилар ва ёшларнинг оқсоқоллар маслаҳатларига амал қилаётганликлари учун миннатдорчилик билдирдилар.

Медиаторлар ўз навбатида бўлиб ўтган воқеани бир оз тахлил қилдилар, томонларнинг ҳаракатлари ва тахминий оқибатлари айтилди. Энди масалани тинч йўл билан ҳал қилиш билан бу оқибатлардан сақланиб қолиш имконияти туғилди. Томонлар медиаторларни тинглагач ихтилоф ўзагида фақат хиссиётлар туфайли чуқурлашиб кетган оддий бир ҳол турганлигини тушундилар.

Томонларга сўз берилди, бироқ гина ва адоват сўзлари айтилмади. Аксинча улар бир бирларидан кечирим сўрадилар ва келгусида бундай хатоликларга йўл қўймасликка ва одамлар билан муомила қилаётганда хиссиётларга эрк бермасликка ваъда қилдилар. Милицияга

берилган аризани қайтариб олишга қорор қилинди. Томонлар бошқа норозилик ва шартларни қўймадилар.

Медиациядан кейинги давр.

Қарор ижро этилди. Дўкон эгаси даволаниш учун пул талаб қилмади. Медиаторлар ўша учрашувдан кейин дўконда бир неча марта бўлдилар, бироқ ихтилоф ва пўписалар кузатилмади.

Ўша ихтилофнинг ечилишидан шу кунгача одамлар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг намунаси сифатида фойдаланиб келмоқдалар.

Медиатор нималардан фойдаланди?

Ихтилофни тахлил қилиш. Ихтилофнинг ўзини, чиқиш сабабларини, оқибатларини ва ҳал қилишнинг мумкин бўлган усулларини ўрганиш. Шунингдек ихтилоф томонлари психологиясини ўраганиш шахсларнинг нозик томонларини, манфаат ва шароитларининг уйғунлигини аниқлаш.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Медиатор бошқа қишлоқда яшаганлигидан дастлабки босқичда низолашган томонлар унинг фикраларига қулоқ солмадилар. Бирок буни бартараф этишга унинг томонларга бўлган ҳолислиги ёрдам берди. У томонларга максимал тушуниш билан муносабатда бўлди. У муаммони ҳал қилгани эмас, балки тинч, қурбон ва зиёнсиз ҳал этишга ёрдамлашиш учун келганлигини тушунтирди.
2. Қолаверса, медиатор ўзбек миллатига мансуб бўлганлигидан мижос қариндошлари уни сўзларини тингламадилар. Бу масалани ҳал қилиш учун медиатор учрашувга маҳаллий аҳолининг қирғиз миллатига мансуб бўлган вакилларини таклиф қилди. Мижоз қариндошлари уларнинг сўзлари медиаторнинг фикрларига мос тушаётганлигини кўргач медиатор билан ҳам маслаҳатлаша бошлади.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Қариндошлар медиаторнинг ихтилофни тинч ҳал қилиш бўйича позициясини қўлладилар. Бу томонлар фикрига таъсир қилишга ёрдам берди.
2. Маҳаллий аҳоли томонларнинг қўшнилари сиймосида ихтилофнинг чиқишини истамадилар ва баҳоли қудрат ёрдам бердилар.

Медиатор мазкур масалани ҳал қилиш билан ривожланиб келаётган қишлоқдаги миллатлараро низонинг олдини олишини ўзининг шахсий ютуғи, деб билади.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Медиатор ишнинг ҳар қандай тус олишига ,томонларнинг реакцияларига тайёр туриш керак. Кутилмаган ҳолларда ўзини йўқотмаслик, хиссиётларга берилмаслиги керак.

Қорағулжадаги мактаб можароси

Мактаб ихтилофлар



Ўш вилояти	Медиация бўйича кейс №23	2012 й.

“Медиатор хафа бўлган она учун уни қўллаб-қувватлаш ва мусибатини тушуниш жуда муҳимлигини таъкидлади”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Қорағулжа қишлоғи	**Биринчи томон** Тасодифан калтакланган ўқувчининг онаси	**Иккинчи томон** Ёш болани калтаклаган қишлоқ мактаби юқори синф ўқувчиси	**Иккинчи томон** Ёш болани калтаклаган қишлоқ мактаби юқори синф ўқувчиси	**Бошқа иштирокчилар** Ички ишлар маҳаллий органлари, қишлоқ маданият уйи директори	**Гулой Макешова,** Қорағулжа райони хотин-қизлар кенгаши аъзоси, район кенгаши қошидаги касаба уюшмаси раиси, ФХВнинг қишлоқдаги сектори бошлиғи

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2012 йилнинг январида юз берди ва 10 кун давом этди, медиатор уни ҳал этишда 5 кун қатнашди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Ихтилоф Ўш вилояти Қорағулжа районининг маркази ҳисобланган Қорағулжа қишлоғида бўлиб ўтди.

Дастлабки вазият

Баки Ишманбатов номидаги ўрта мактаб ўқувчиси ўзининг туғилган кунини маҳаллий кафеда дўстлари даврасида нишонлашга қарор қилди. Тантанага унинг синфдошлари, шунингдек кўшни Эргеш Осомонов номли мактабдан бир неча болалар таклиф этилди. Туғилган кун нишонланиб, болалар кафедан чиқгач унинг меҳмонлари ва Осмонов номли қўшни мактабдан келган болалар ўртасида муштлашиш юз берди. Осмонов номли мактаб юқори синф ўқувчиларининг жанжалашиш сабаблари уларнинг тугулган кунга таклиф қилинмаганликларидан иборат эди. Осмонов номли мактаб юқори синф ўқувчилари тантана сабабчиси ва унинг меҳмонларини калтаклаб, қочиб кетдилар.

Муштлашишда мағлубиятга учраган Б. Ишманбатов номидаги ўрта мактаб ўқувчилари хафа қилганлардан ўч олишга қарор қилдилар. Шу кечадаёқ улар кафе ёнида тўпланишиб уларнинг байрамини бузганларни топиш ва “жазосини бериш” илинжида қишлоққа борадилар. Уларни калтаклаган болаларни излаб қишлоқ бўйлаб бораётган Ишманбатов номидаги ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари бир болани ушладилар ва уни ўзларини хафа қилганлардан бири деб, ўйлаб , қаттиқ калтакладилар. Бола арматура билан бошига урилган зарбадан жиддий жароҳат олди. Кейинчароқ маълум бўлишича, калтакланган бола кафе ёнида бўлиб ўтган муштлашишга мутлақо даҳли йўқ эди. Хатто у ўқувчиларнинг важоҳатли оломони нега унга ёпирилиб, калтаклаганликларини тушунмади ҳам. Кейинги куни калтакланган боланинг онаси ўғлининг Ишманбатов номли мактаб юқори синф ўқувчилари томонидан калтакланганлиги факти бўйича милицияга ариза берди.

Медиаторни жалб қилиш

Медиатор ихтилофли воқеа тўғрисида ўзининг ўша кеча кафега таклиф қилинган ўқувчилар орасида бўлган ўғлидан эшитди. У кафедан муштлашиш бошлангунга қадар кетган эди. Устларидан милицияга ариза берилган ўқувчиларнинг ота-оналари низони ҳал қилишда ёрдам сўраб медиаторга мурожаат қилдилар. У “Интимоқ жарчилари” командаси аъзоси сифатида ихтилофни ҳал этишда қатнашишга қарор қилди.

Тайёргарлик босқичи

Медиаторда ихтилоф тўғрисида юзаки ахборот бор эди. Ўша кеча туғилган кунга таклиф қилинган медиаторнинг ўғли онасига нима ва қандай юз бергани тўғрисида гапириб берди. Медиатор ихтилоф тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиш учун жабрланган бола онаси билан суҳбат ўтказишга қарор қилди. Шу кун арафасида калтакланган ўқувчи уйига келган медиатор жабрланганнинг онаси ўғлининг сўзлари бўйича уни калтаклаган 8 ўқувчини ўз уйида ушлаб турганига гувоҳ бўлди. У ўғли нима учун ва нега калтакланганлигини билишни истарди, ҳолбуки, унинг ҳеч қандай айби йўқ эди. Она ўғлининг ким биландир адаштириб калтакланганлиги туфайли бошидан олган жиддий жароҳат билан касалхонада ётганлигидан қаттиқ азият чекарди. У ўқувчиларни сўкарди ва барчасини

панжара ортига ўтқазишини айтиб пўписа қиларди.

Айни вақтда жабрланганнинг уйига айрим ўқувчиларнинг ота-оналари келдилар, калтакланган ўқувчининг онаси уларни ҳам ушлаб ўтирди. Ота-оналар уларнинг болаларини қамоқ билан қўрқитаётганлигини ва сўкаётганликларидан норози бўлдилар ва тезроқ уйига кириб ўз фарзандларини олиб кетишни хоҳлар эдилар. Медиатор ўқувчиларнинг ота-оналари билан учрашгач, барча ота-оналар йиғилгунча кутишни, сўнгра биргаликта уйга киришни таклиф қилди. Уй дарвозаси олдида барча ота-оналарни тўплаган медиатор уларни тинчлантириш ва шу йўсинда ҳар бир ота-она уйга кириб боласининг тарафини олмаслиги ва ихтилофни янада кенгроқ тус олдирмаслик мақсадида улар билан кичкинагина суҳбат ўтказишга қарор қилди. Медиатор ота-оналарга, биринчи навбатда, тинчликни сақлашни ва масалани тинч йўл билан ҳал қилиш учун жабрланган ўқувчи онасининг муаммоларига чуқур тушуниш билан муносабатда бўлишни маслаҳат берди. Медиатор, қийқириш ва сўкишлар фақат уларнинг жиноий жавобгарлик хавфи туғилиб турган фарзандлари аҳволини янада оғирлаштириши мумкинлигин таъкидлади.

Медиатор ҳар ҳолда муштлашиш чиқиб кетмаслиги учун участка милиционерини таклиф қилди ва барча ота-оналар билан биргаликда уйга кирдилар.

Ўғлини калтаклаган ўқувчиларнинг уйида ўтириши ҳам унинг онасини янада қучлироқ нафратлантирарди. У ҳеч тинчлана олмас эди. Хатто болаларнинг индамай ўтиришлари ҳам хафа қилинган онани ғазаблантирарди. Ана шундай вазиятда аёл билан гаплашиш мумкин эмасди. Медиаторнинг биринчи қиладиган иши болаларни ичкаридан "алдамчилик маневри" ёрдамида олиб чиқиши эди. Жабрланган бола онасининг кўз олдида у ўқувчиларни сўка бошлади ва уларни ўқувчилар учун бундай ишларни қилиш уят бўлишини ва улар калтакланган бола онаси кўз ўнгида тасқараларча ўтиришга хуқуқлари йўқ, деган баҳона билан ичкаридан хайдаб чиқди. Медиаторнинг сўзлари шунчалар ишонарли бўлдики, нафратланаётган она индамай қолди, уятдан қизарган ўқувчилар хонадан югуриб чиқдилар.

Жабрланган ўқувчи онаси ота-оналарга бола тарбияси савиясининг пастлиги ва уларнинг устидан назоратнинг сустлиги юзасидан норозилик билдирди. У бор кучи билан ўғлини хафа қилганларнинг жазолатишга эришишини айтди. Ота-оналар бунга жавобан ўқувчилар ўғлингизни сабабсиз урмагандир, муштлашишга қадар унинг сабаб бўлган қандайдир сўкинишлар бўлиши мумкин деб ғазаблана бошладилар.

Томонлар бир бирларини эшитишмас эди. Вазият дақиқа сайин таранглашарди, фойдали сўзлашув бўлмаслигини тушунган медиатор ва участка милиционери ота-оналарга уйларига тарқалишни таклиф қилдилар. Калтакланган боланинг онаси билан якка гаплашмоқчи бўлдилар. Ота-оналар ва участка милиционери кетгач медиатор аёлни тинчлантира бошлади.У ўз сўзлари билан онанинг муаммоларини тушиниб турганлигини, ғазаб ва нафрати тўла асосли эканлигини билдирди. Иккаласининг юракдан қилган суҳбати ҳафа қилинган онани бир мунча тинчлантирди. Жабрланганнинг онаси кўзларида ёш билан унга инсончасига тушуниш ва қўллаш кереклигини гапирди. Суҳбат натижасида аёл болани ёлғиз ўзи тарбиялаганлиги маълум бўлди. Ёлғиз она учун ўғлининг даволатишга сарфланадиган кўзда тутилмаган ҳаражатлар хақиқий муаммо эканлиги аниқ эди. Суҳбатдан эришилган асосий натижа шу бўлдики, жабрланган бола онаси унинг ўғли айтиб берган 8 ўқувчининг рўйҳатини эълон қилди.

Ихтилофни ҳал қилишдаги медиаторнинг навбатдаги қадами болани калтаклаган ана шу ўқувчиларнинг ота-оналари билан учрашувдан иборат бўлди. Медиатор уларни қишлоқ кенгашида тўплади ва жабрланган бола онаси билан бўлган суҳбат натижалари тўғрисида гапириб берди. Ота-оналар тушундиларки, жабрланган томоннинг даволаниши учун бериладиган молиявий мадад вазиятни юмшатиш, балки ярашиш учун қўйилган муҳим қадам бўлади. Медиатор қўшма учрашув учун ҳаммани жабрланганлар уйида йиғилишни таклиф қилди. Ихтилофни тинч ҳал қилиш умидини кўрган ота-оналарнинг бир мунча тетиклашиб қолганликлари сезиларди. Медиатор хафа бўлган она учун уни қўллаб-қувватлаш ва мусибатини тушуниш жуда муҳимлигини таъкидлади.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Режалаштирилганидек учрашув жабрланган бола уйида бўлиб ўтди. Унда ўқувчиларнинг ота-оналари, медиатор, қишлоқ бошқаруви бошлиғи қатнашдилар. Бир неча ота-она сўзга чиқиб фарзанди калтакланган ота-онани ўз сўзлари билан қўллаб-қувватладилар, Ўқувчиларнинг айбларини тан олдилар, қолганлар уларни қўлладилар. Қишлоқ бошқаруви бошлиғи ота-оналарни бу дадил қадами учун табриклар экан,

боланинг онасидан ўз навбатида ота-оналарнинг аҳволини тушунишни, улар ҳам ўз фарзандлари тақдири учун ундан кам эмас ташвишланаётганлигини тушунишни илтимос қилди. Она барчани тинглагач бировга ёмонлиқ қилмоқчи эмаслигини, унинг тажовузкорлиги бошига тушган мусибат ва муаммолар ҳамда ундан чиқиш йўлларини йўқлиги оқибати эканлигини билдирди.

Медиатор жабрланган бола онасидан муаммони ҳал қилишнинг йўлини ўзи айтишини сўради, ўқувчилар ота-оналари бу ташаббусни қўлладилар. Шунда аёл ўғлини даволатиш учун унга пул кераклигини, ўғлининг жароҳати жиддийлигини, операция учун маблағ зарурлигини айтди. Хатто унинг суммасини 60 минг сом миқдорида белгилади. Ўқувчиларнинг ота-оналари белгиланган суммани йиғишга ваъда қилмасликларини, бироқ имконият даражасида маблағ тўплаб беришларини айтдилар. Икки кундан кейин 35 минг сом йиғилди. Ота-оналар медиатор билан биргаликда йиғилган маблағни жабрланган ўқувчи онасига топширдилар. Аёл дастлаб пулни олишга кўнмади, бироқ учрашувда ҳозир бўлган қишлоқ маданият уйи раҳбари бу маблағ унинг ўғлини даволашга ёрдам бериши мумкинлигини, ўқувчиларни жиноий жавобгарликка тортишдан аёл учун ҳеч қандай фойда йўқлигини тушунтирди.

Аёл рози бўлди. Ўқувчиларнинг ота-оналари жабрланганлар олдида фарзандларнинг хатти-ҳаракатлари учун кечирим сўрадилар ва аёлдан милиция билан бўлаётган муаммоларни ечишда ёрдам беришини сўрадилар. Аёл маъқул бўлди.

Медиациядан кейинги давр.

Калтакланган болага зарур тиббий ёрдам кўрсатилди. Унга келганлар билан муомила қилиш мумкин бўлгач, медиатор ўқувчилар билан биргаликда уни кўргани касалхонага келдилар. Ўқувчилар ўз ишлари учун ундан кечирим сўрадилар ва бундан кейин бундай хатоларга йўл қўймасликка ваъда бердилар.

Она милицияга берган аризасини қайтариб олди.

Осмонов номли мактаб ўқувчилари билан профилактика ишлар ўтказилди. Ахир улар кафе ёнидаги муштлашишнинг бошловчилари бўлиб қолди. Оқибатда низо чиқиб, ҳеч айбсиз одам жабрланди. Милициянинг болалар хонаси ходимлари безорилик ва бундай иш учун жиноий жавобгарлик бўйича профилактик суҳбатларни ўтказдилар.

Воқеа жамоатчилик орасида юриш-туришнинг салбий намунаси сифатида танилди. Қишлоқ мактаблари юқори синфлар ўқувчилар ўртасидаги низолар сезиларли даражада камайди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Медиатор ихтилофни ҳал этишда трансформацион медиациядан асос сифатида фойдаланди. Томонларга, муаммога ўзганинг нуқтаи назаридан қарашни ва ихтилофлар оқибатида улар олдида вужудга келган муаммоларни тушунишни таклиф қилди.
2. Таранглашаётган вазиятни юмшатиш ва фойдали суҳбат учун шароит яратиш мақсадида "алдамчилик манёври" дан фойдаланиш. Ундан калтакланган бола онасининг хиссиётларини кучайтирмасдан болаларни ичкаридан олиб чиқиш учун фойдаланилди.
3. Томонлар билан учрашувлар ва музокаралар.
4. Қишлоқда ҳурматга эга бўлган, томонларнинг фикрларига таъсир ўтказа оладиган кишиларнинг ёрдамларидан фойдаланиш. Бу Маданият уйи бошлиғи ва қишлоқ кенгаши раиси.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Ота-оналарга фарзандларининг хатти-ҳаракатлари учун биргаликда жавобгар эканликларини тушунтириш қийин бўлди. Ота-оналардан кимдур ўғли ҳеч кимни урмаганлигини, фақат ажратганлигини гапирса, яна кимдир унинг фарзанди жанжал бўлган жойда умуман бўлмаганлигини тасдиқларди. Бу масалани ҳал этиш учун медиатор ота-оналарга жабрланувчининг кўрсатмасида 8 боланинг рўйхати келтирилганлигини, уларнинг барчаси жавоб беришини тушунтирди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

Ота-оналар томонидан жабрланган фарзанд онаси аҳволини тушуниш. Очиқ кўнгил аёлнинг ғазабини кўрган ота-оналар аёлга ёрдам бериш кераклигини тушундилар ва молиявий ёрдам тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватладилар.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Медиатор ўзини шахсий хаётида болалар билан боғлиқ муаммоли воқеаларга дуч келган. Одамларни ўз фикрларини ўзгартиришга ишонтиришда у кўпинча ўзини ва ўз оиласини мисол сифатида келтирган. Бундай вазиятларда айб қилган кишини кечира олиш учун ўзида куч топа билишнинг ўзи етарли.

Асанчек қишлоғидаги мактабларни бирлаштириш юзасидан можаро

Мактаб ихтилофлар
Этонлсараро фактор



Ўш вилояти	Медиация бўйича кейс №24	2010 й.

“Мазкур ихтилоф этнослар ўртасидаги ишонч бирданига заифлашиб, вазият кескин тус олган июнь воқеаларидан кейин юз берганлиги учун ихтилофчи томонлар энг жиддий чораларни қўллашни ҳоҳлардилар”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Асанчек қишлоғи	**Биринчи томон** Ўзбек тилида ўқитиладиган мактаб маъмурияти	**Иккинчи томон** Ўзбек мактабига ўтказилган қирғиз синфлари ўқувчилар-ининг ота-оналари	**Учинчи томон** Қўшни Қирғизчек қишлоғидаги мактаблар маъмур-иятлари	**Бошқа иштирокчилар** Маҳаллий оқсоқоллар, маҳаллий хокимият вакиллари	**Нарингул Дуйшеналиева,** “Эрайим” ИФ лойиҳасининг координатори, “Тинчлик ўрнатувчи аёллар” тармоғининг Қорасув райони бўйича монитори, Учқун қишлоғи оқсоқоллар кенгаши аъзоси

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2010 йилнинг 3 сентябрида юз бериб,бир ой давом этди.Унга энди бошланган даврда киришган медиатор роса ўшанча вақт ихтилофни ҳал этиш билан банд бўлди.

Ихтилоф чиққан жой (геогрфик ўзгачаликлари)

Асанчек қишлоғи,Қорасув районидаги Моди қишлоқ бошқаруви.Мазкур қишлоқда ўзбек тилида ўқитиладиган ягона битта мактаб бўлиб, 2010 йилнинг июнидаги Ўш воқеаларидан кейин район маориф бўлимининг буйруғига кўра, қирғиз тилида ўқитиладиган синфларни ташкил этишга қарор қилинди.

Дастлабки вазият

2010 йилги июнь воқеаларидан кейин Қорасув райони маориф бўлими райондаги бир тилда ўқитиладиган мактабларда бошқа миллатлар тилларида ўқитиладиган синфларни ташкил этишга қарор қилади. Мазкур қарорга дўстона вазиятни яратиш ва миллатлар ўртасида тинчликни ўрнатиш мақсадида келинган эди. Асанчек қишлоғида ўзбек тилида ўқитиладига битта мактаб бўлиб, буйруққа кўра 2010 йилнинг 1 сентябридан 4 та қирғиз тилидаги синфни қабул қилиши керак эди. Бу Асанчек ва унга яқин қишлоқлардан келадиган 50 га яқин ўқувчи ва 10 ўқитувчини ташкил этади.

Ўқув йилининг бошида белгиланган ўқувчилар ўқитувчилар етакчилигида мактабга келганларида мактаб маъмурияти болаларни бинога киритмади. Буни райондан ўқувчилар сони бўйича аниқ бир кўрсатма берилмаганлиги, қолаверса жамоага бутун бошли 10 ўқутувчининг қўшилиши тўғри келмаслиги билан тушунтирди. Бундан ташқари директор ўз қарорини июнь воқеаларидан кейин таъмир ишлари тугамаганлиги ва болаларни қабул қилиш учун жой йўқлиги билан изоҳлади.

Мактаб ҳовлисида тўпланган ўқувчиларнинг ота-оналари директор ва ўқитувчилар билан жанжаллаша бошладилар, директорни калтаклашга уринишлар бўлди. Ихтилоф бўлган жойга келган милиция патрули қишлоқ бошқаруви вакиллари билан ҳамкорликда оломонни тинчлантирар экан, ғазабланган ота-оналарга болалар ўқишга эртасига келишини айтдилар. Масала ҳал қилингандек бўлди, бироқ ҳал қилингандек кўринсада норозиликлар қолди ва бир неча кундан кейин Асанчекдаги мактаб директорининг уйи ёқиб юборилгач, низо энг юқори нуқтага кўтарилди. Қишлоқ бўйлаб мактабга болаларни киритмасликка журъат қилган ҳар бир кишини ана шундай жазо кутиши тўғрисида миш-мишлар тарқалди.

Мазкур ихтилоф этнослар ўртасидаги ишонч бирданига заифлашиб, вазият кескин тус олган июнь воқеаларидан кейин юз берганлиги учун ихтилофчи томонлар энг жиддий чораларни қўллашни ҳоҳлардилар.

Медиаторни жалб қилиш

3 сентябрь куни медиаторга медиатор оиласининг эски таниши ва дўсти қўшни Қирғизчек қишлоғидаги қирғиз мактаби директори қўнгироқ қилди. У бўлиб ўтган воқеа тўғрисида ҳабардор қилар экан, қишлоқлар бир бирига яқин

жойлашганини, қахр-ғазаб қишлоқлар аҳолисини ҳам қамраб олиши, бу ҳолда ихтилоф ўзгача ва хавфли тус олиши мумкинлигини билдирди. Медиатор ихтилоф юз берган жой у "Тинчлик ўрнатувчи аёллар" тармоғи доирасида ихтилофдан кейинги вазият мониторингини ўтказган регионга қиришини ҳисобга олиб, мазкур ихтилофни ҳал этишда қатнашишга қарор қилди.

Тайёргарлик босқич

Асанчек қишлоғидаги мактабга келиб низога гувоҳ бўлган медиатор, биринчи навбатда, оломони ажартиш ва одамларнинг бир бирларини эшита олишлари учун шарт тузишга қарор қилди. Бу ишда унга милиция патрули ёрдам берди. Ташқаридан туриб вазиятни тахлил қилиш имкони бўлмади. Шунда медиатор томонларнинг вакиллари билан суҳбатлашиш ва зиддият сабабларини билишга аҳд қилди. Ота-оналр болаларини мактабга киритишмаганидан жуда ғазабланган эди, улар болаларини хафа қилганларни "одобини бериб қўймоқчи" бўлгандилар. Қолаверса, Асанчекдаги мактаб жамоасини ўзбек миллатига мансуб шахслар ташкил этиши ҳам вазиятни чуқурлаштирди. Ота-оналарнинг сизлар Қирғизистонда ҳеч қандай хуқуққа эга эмассизлар, деган сўзларидан аразлаган мактаб жамоаси ўз навбатида қонун ва хокимият борлигини, болаларнинг кўчада қолишини улар эмас, район маориф бўлими ҳал қилишини исбот қилишга уринардилар.

Вазиятни тушунган медиатор чигал масалаларни ойдинлаштириш учун район маориф бўлими вакилларини таклиф этишга қарор қилди. Маориф бўлими вакиллари ота-оналарга ёздаги форсмажор туфайли мактаб ўқув йилига тайёргарликни тугатмаганлиги ва ўқувчилар эртаси куниёқ ўқишга киришишлари мумкинлигини тушунтирдилар. Оломон тарқалди.
Бир кундан кейин мактабда ўқишлар бошланди. Бироқ вазият кескинлигича қолганлиги сезилиб турарди. Медиаторнинг ихтилофлашган томонлар учрашувини ўтказиш тўғрисидаги таклифини рад қилдилар, бир томон бу учрашувлардан чўчиса, иккинчи томон шунчаки хоҳламади.

Ёнғиндан кейин медиатор одамлар бир бирларини тингалаш даражасига келмагунча низолашган томонлар билан алоҳида ишлашга қарор қилди.

Биринчи учрашув Асанчек қишлоғи мактаби ўқитувчилари билан ўтказилди. Учрашувда район маъмурияти раиси, қишлоқ бошқаруви ва бошлиғи ва қишлоқ кенгаши депутатлари, қишлоқ маҳаллий аҳолиси қатнашдилар. Ўқитувчилар хокимиятга ишонсизлик билдириб, улар чиқиб бўлмас вазиятга тушиб қолганликларини ва яшаш қўрқинчили бўлиб қолганини тушунтирдилар.
Улар ишга чиқишдан бош тортдилар. Ички миграция юзасида таклифлар билдирилди. Хокимият вакиллари уларни тинчлантирдилар, уларга ҳеч қандай хавф йўқлигини, миш-миш ва иғволарга ишонмасликка чақирди ва тартибни ўрнатиш учун ҳамма чораларни кўришларини билдирдилар. Ўқитувчилар хокимиятнинг умидбахш сўзларини эшитгач , тинчландилар ва ярашишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Иккинчи учрашув бетараф худудда, айнан қўшни Қирғизчек қишлоғида ўтказиладиган бўлди.

Учрашувга ўқувчиларнинг ота-оналари, қирғиз синфлари ўқитувчилари, ҳамжамиятлар лидерлари ва район ҳамда қишлоқ хокимияти вакиллари таклиф қилинди. Медиатор ўқитувчиларга бўлиб ўтган аввалги учрашувлар якунлари тўғрисида гапириб, ота-оналарни нариги томон фақат тинчлик ва хотиржамликни хоҳлайди, қирғиз синфлари ўқувчилари учун ҳеч қандай хавф йўқ, деб ишонтирдилар. Аразлаган ота-оналар Асанчекдаги мактабни бир тилли мактабга айлантириш ва барча ўқитувчиларни ишдан бўшатиш фикрини билдирдилар. Медиатор ҳамманинг фикрларини эшитгач ва хоҳловчиларга сўз бергач ,мавжуд муаммога ихтилофнинг бошқа томонни нуқтаи-назаридан қарашни, ўқитувчиларнинг хавфсирашини, томонларнинг позиция ва ҳарактларидаги плюс ва минусларни, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларини тушунишни таклиф қилди. Шунингдек айнан ана шу ҳамма учун оғир бўлган дамларда бирлашишга, буни ким биринчи бўлиб қабул қилса, у ўзини энг яхши томондан кўрсатган бўлади деди.

Учрашув якунида оқсоқоллар бир ҳафтадан кейин ўзида кечириш ва тинчликни ўрнатиш учун куч топаолганларни шу ерда тўпланишини таклиф қилди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Бир ҳафтадан кейин шу ерда, Қирғизчек қишлоғидаги мактаб ҳовлисида болаларнинг барча ота-оналари, бир неча оқсоқол тўпланди. Медиатор қаерда ва қай тарзда муросага келиш

шаклини аниқлашни таклиф қилди. Ҳаммани Асанчек мактаби олдига тўплаш ва қўшма учрашувни ўтказишга қарор қилинди. Шундай қилинди ҳам. Учрашув ўзбек мактаби биносида ўтказилди. Бу учрашувда аввалги қарама -қаршиликлар сезилмади, аксинча томонлар илгари бир-бирларига айтган гаплари учун уятаётганликлари билиниб турди. Учрашувни очган медиаторнинг миллатлар ўртасида ўзаро ёрдам ва мадад қанчалар муҳимлиги тўғрисидаги айтган гаплардан кейин бир неча ота-она ва ўқитувчилар сўзга чиқдилар. Мамлакатда бўлиб ўтган воқеалардан кейин қишлоқдагилар ўртасидаги муносабатларга дарз кетганлиги ва аслида иштирокчиларнинг бирортаси душманликни хоҳламайдилар деган сўзларида уларнинг фикрлари уйғунлашиб кетди. Ихтилоф қатнашчилари келгусида бундай низолар қайтарилмаслиги учун ҳамма ишни қилишга сўз бердилар. Иккала қишлоқ оқсоқоллари ҳам ўз сўзларини айтишди. Оқсоқоллар тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватладилар ва ёшларнинг олийжаноб ҳаракатлари учун мақтадилар. Улар ўз сўзлари билан гўё масъулиятни этносларнинг ишонч ва ҳамкорликка асосланган асрий ўзаро муносабатларни сақлаб қолиш имконияти қўлида бўлган ёшлар зиммасига юкладилар.

Учрашув якунида ота-оналар бундан кейин ўқитувчилар ва директордан аразламасликка сўз бердилар. Ва бундан кейин уларга ҳеч нарса хавф солмайди ва ҳаммаси биргаликда миш-мишлар ва иғволарга қарши кураш олиб борадилар. Ота-оналар директорга уйининг қурилишида ёрдам беришга қарор қилдилар. Мактаб жамоси ўз навбатида қирғиз синфлари ва ўқитувчилари сонини кўпайтириш хохишини билдирдилар. Уларнинг фикрича бу болаларни ва жамоаларни дўстлаштиради.

Медиациядан кейинги давр.

Ўша учрашувдан кейин медиатор мактабда бир неча марта бўлди ва вазиятни кўздан кечирди. Ихтилоф бошқа такрорланмади. Ихтилофнинг олдини олиш мақсадида ўқитувчилар ўқувчилар ўртасида тинчлик ва тотувликка бағишланган қатор синф соатлари ўтказилди. Медиатор фикрича , мактаб томондан ташкил этилган табиятга ҳамкорликда қилинган сафар бажарилган ишларнинг муҳим кўрсаткичидир. Болалар ота-оналар ва ўқитувчилар кузатувида вақтни аъло даражада ўтказдилар. Асанчек қишлоқ мактабидаги қирғиз синфлари ҳозир ҳам бор, кўп миллатли жамоада дўстлик ва тотувлик хукм сурмоқда.

Медиатор нималардан фойдаланди?

1. Томонлар тенг хуқуқлилигини ва кучлар пасангисини таъминлаш. Заиф томонни қўллаш ва устун томонни тинчлантириш.

2. Лидерларнинг ҳамжамиятларга таъсири орқали жамоатчилик фикрини яратиш. Оқсоқолларнинг илтимос ва наказлари, виждонли бўлишга ва тинчликка чақириқлари.

3. Буни қилиш мумкин, бу мумкин эмас йўсинида одамларнинг хуқуқ ва бурчларини тушунтириш.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Мамлакатдаги оғир давр, миш-миш ва иғволарнинг таъсири.

Бу муаммоларни ҳал қилишда медиатор район ва қишлоқ хокимиятлари вакиллари ёрдамига таянди. Учрашувларда амалдорлар ҳалқни тинчлантирдилар ва хавфсизликка кафолот бердилар. Миш-мишларнинг тарқатганлар учун жиноий жавобгарлик бир неча марта эълон қилинди.

2. Бошқа миллат вакиллари ўртасида ишонч қозониш қийин бўлди.

Бу ерда медиаторга уни кўпдан бери биладиган ўзбек қишлоқлари оқсоқоллари ёрдам берди. Қўшма учрашувларда улар медаторнинг позициясини қўллаб-қувватладилар.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Бир томон ярашишга дарров розилик берди. Мазкур ҳолда ўқитувчилар. Ота-оналар билан бўлган учрашувларда бу хақда гапирилганда ота-оналар ихтилоф бир томонлама бўлганлигини тушундилар. Ихтилофни ҳал қилиш энди уларнинг ярашиш томон қўйган қадамларига боғлиқ эканини айтдилар.

2. Маҳаллий хокимиятлар вакиллари (район маъмурияти раиси, қишлоқ бошқаруви бошлиғи, қишлоқ кенгаши депутатлари, район маориф бўлими вакиллари) ихтилофни ҳал этиш учун шошилинч чоралар кўрмади. Улар дарров айбдорини излашга тушмадилар, балки тинчланишга чақириш ва ихтилофни тинч ҳал этишга ҳаракат қилиш вақтдан ютиш имконини берди. Бу ихтилофчи томонларга масалани ўзлари ҳал қилиши учун, пировардида бир бирларини кечиришлари учун шарт шароит яратди.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Ихтилоф томонларига бир бирларининг қийинчиликларини тушуниш иконини бериш, ҳамдардлик билдиришга мажбур қилиш керак, шундагина улар кечира оладилар.

Ўш вилояти

Ўш шаҳридаги уч ойлик шанбалик давридаги можаро

Майший ихтилофлар



Ўш вилояти	Медиация бўйича кейс №25	2012й.

“Ихтилофнинг иккала томони ҳам ўзларини хақ билардилар, ва бундай тирриқлик фақат вазиятни чуқурлаштиришини тушунтириш қийин бўлди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Ўш шаҳри	**Биринчи томон** Аёл, Турон худудий бошқаруви фарроши	**Иккинчи томон** Турон ХБдаги хусусий уй турғуни	**Учинчи томон** Турон ХБ худудий кенгаши раиси	**Бошқа иштирокчилар** Ички ишлар органлари (участка милицияси),Турон ТБ маҳалла комитетлари,хусусий уй турғунининг эри	**Қорияхон Қубатова,** Турон ХБ хотин-қизлар кенгаши раиси, нафақахўр.

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2012 йили, Ўш шаҳрида 3 ойлик шанбалик ўтаётган даврда юз берди. У 5 ойга чўзилди, медиатор уни ҳал этишда 4 кун қатнашди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Ихтилоф Ўш шаҳрида, хусусан Турон ХБ да ўрин олди.

Дастлабки вазият

2012 йилнинг баҳорида Ўш шаҳри мэрининг буйруғига кўра шаҳар худудида 3 ойлик шанбалик бўлиб ўтди. Техник персоналлар шаҳар марказида ва барча микрорайонларда, жумладан Турон микрорайонида ҳам тозалаш ишларини олиб бордилар. Кўрсатилган микрорайонда бу ишни Турон худудий округида ходими Карамат (томонлар фойдаси учун исм ўзгартирилди) бажарди. Карамат – кам таъминланган оиладаги аёл, болаларини ёлғиз ўзи тарбиялайди, рухий хасталиги туфайли ногирон ҳисобланади.

Кунларнинг бирида кўча ариқларини тозалаётиб Карамат уйларнинг бири дарвозаси олдида кўп ахлат тўпланиб қолганлигини кўради. Мазкур участка у хизмат кўрсатадиган худудга қарашли бўлгани учун ахлатни йўқотиш зарур, деб ҳисоблайди. Унинг жаҳли чиқиб, уй эгасини чақиради. Дарвоза олдига уй эгасининг аёли, маҳаллий бойнинг қизи-Майрам (томонлар фойдаси учун исм ўзгартирилди) чиқиб келади. Фаррошнинг ахлат бўйича сўзларини эшитгач, кўпол равишда кетишини сўрайди ва ахлатни қачон хоҳлаганда олиб ташлашини айтади. Яна “ҳар қандай кўчада қолганнинг унга нимани ва қандай қилиш тўғрисида кўрсатма беришга хаққи йўқ”, унинг учун фаррош билан гаплашиш жирканчли эканини, қўшимча қилади. Карамат уйга қарашли худуд ахлатдан тозаланмагунича ҳеч қаерга кетмаслигини айтади. Сўз билан отишувлар бошланади, натижада уй эгаси Караматни туртиб юборади. Ғазабланган Карамат лапатани олиб, уй эгасини ураман, деб пўписа қилади, шунда у уйига қочиб кириб, эшикни беркитиб олади. Фаррош кетгач Майрам милицияга бориб ариза ёзади. Унда бўлиб ўтган ихтилоф ва тозоловчининг хатти-ҳаракати оқибатида уй эгаси оз бўлмаса қорнидаги фарзандидан ажралиб қолиши мумкинлигини ёзди.

Медиаторни жалб қилиш

Медиаторга бўлиб ўтган воқеа тўғрисида аризани қабул қилиб олган участка милиционеридан ҳабар топган Турон худудий кенгаши раиси қўнғироқ қилди. Медиатор бошқарувнинг хотин-қизлар кенгаши раиси бўлганлиги учун аёллар ўртасида бўлиб ўтган ихтилофни айнан у ўрганиши ва низони тинч йўли билан ҳал қилишга ёрдам бериш керак деган қарорга келинди.

Тайёргарлик босқичи

Медиатор можаро сабабларни тушуниш мақсадида дастлаб ихтилофчи томонлари билан суҳбатлашишга қарор қилди. Техник ходима Караматни участка милиция пункти олдида сўроқ бериб келаётган вақтда учратди. У қаттиқ азият чекарди, уй эгасини айбларди, камбағаллигини юзига солиб, қаттиқ хафа қилганлигини ва жанжални биринчи бошлаганини гапириб берди. Карамат кўзида ёш билан медиаторга у бор йўғи уй эгасидан ахлатни олиб ташлашни илитимос қилганини, лекин у жанжални бошлаганлигини тушунтиришга ҳаракат қиларди. Техник ходиманинг сўзларига кўра, ҳамма айб уй эгасида бўлган, шунинг учун ихтилоф тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиш мақсадида медиатор уй эгаси билан гаплашишга қарор қилди. Уй эгаси билан гаплашиш учун ихтилоф чиққан жойга келган медиатор бунинг уддасидан чиқолмади.Чунки Майрам эшикни очишдан бош тортди.

Келаси куни медиатор уй эгасидан тушган ариза билан ишлаётган милиция ходими билан учрашди.Милиционердан ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилиш учун имконият яратиб беришини сўраган медиатор низолашган томонларнинг қўшма учрашувини ўтказишга ёрдам беришни таклиф қилди. Эртасига эрталаб милиция участкасига Карамат билан Майрамни таклиф қилишга қарор қилинди.

Қўшма учрашув ижобий натижа бермади. Уй эгаси фаррошнинг қилган ишлари учун қонун олдида жавоб беришини талаб қилиб

туриб олди. Фаррош ҳам ўз навбатида, ўзини ҳақ эканлигини, фақат раҳбариятнинг буйруғи билан ўз вазифасини бажарганлигини айтди. Худудий бошқарув раиси таклиф қилинди, бироқ томонлар уни эшитишни хоҳламадилар. Ҳар бири ўз фикридан қайтмасдан тарқалишди.

Ҳар бир томон билан алоҳида тушунтириш ишларини олиб бориш ва томонлар бир бирини эштадиган бўлганда яни бир учрашувни ўтказишга қарор қилинди.

Медиатор Майрамнинг эри билан боғланди. Медиатор у билан учрашгач Майрамга таъсир ўтказишни сўради. Фаррош ўта камбаҳал ва болаларини бир ўзи тарбиялашини, Майрамга рухий касаллик туфайли пўписа қилганлиги, бундай вазиятда шунчаки одамга рахм қилиш ва ишни судга етказмаслик зарурлигини тушунтирди. Майрамнинг эри тушунган одам бўлиб , медиаторга аризани қайтариб олиш учун барча чораларни кўришини айтди.

Ранжиган Караматни овутишда фаррош билан бир кўчада яшайдиган маҳалла комитети раиси ёрдам қилди. Улар медиатор билан биргаликда Караматнинг уйига келдилар. Суҳбатлар чоғида уни виждонли бўлишга чақирдилар. Агар у уй эгаси олдида кечирим сўраса аризани қайтариб олиши мумкинлигини, акс ҳолда уни жиноий жавобгарликка тортиш хавфи борлигини айтдилар. Гаплардан Караматнинг чўчигани тушунарли бўлиб қолди. У агар уй эгаси ўзининг нохақлигини тан олса, кечирим сўрашини айтди.

Ихтилофнинг бу босқичида медиатор қўшма учрашувни ўтказиш мумкин, аниқроғи муҳим деб билди. Майрамнинг эрига қўнғироқ қилиб учрашувда иштирок этишни сўради. Чунки бир бирларини кўрганда ихтилофчи томонлар ярашиш тўғрисдаги фикрларини ўзгартириши мумкин эди. Медиатор ана шундай илтимос билан Караматнинг элликбошисига мурожаат қилди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Келишилган шартномага кўра, учрашувни худудий округ милиция участкасида ўтказдилар. Учрашувда вазият тинч ўтди, бироқ яширин зиддият сезилиб турарди.

Медиатор сўзга чиқиш регламенти ва шартларини билдириш навбатини эълон қилди. Томонлар гапириб бўлгач, сўз участка милиционерига берилди, у агар масала тинч йўл билан ҳал қилинмаса Караматни ва Майрамни нималар кутаётганлигини айтди. Бундай тағдирда иккаласи- бири киши хаётига хавф солганлиги, иккинчиси жанжал чиқарганлиги учун жавоб беришини тушунтирди. Майрамнинг эри ва бошқа барча иштирокчилар ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилиш тарафида эканлигини гапирдилар.

Қўшма учрашувда иккала аёл ҳам айбдор топилиб, иккаласи ҳам бир биридан кечирим сўрасин, деган қарорга келинди. Биринчи бўлиб фаррош Карамат чиқди. У барча иштирокчилар олдида Майрамдан кечирим сўради, унга атайлаб дағдаға қилмаганлигини, шунчаки хиссиётларга берилиб кетганлигини айтди. Элликбоши ва медиатор фаррошнинг позициясини қўлладилар. Унга жавобан Майрам ҳам нохақ эканлигини ва уй олдида Караматни камситганлигини айтиб,кечирим сўради. Медиатор аёлларни иштирокчилар номидан табриклади ва сўз мавзусини ўша пайтда ихтилофнинг ягона ва охирги белгиси бўлган ариза масаласига олиб келди. Майрам эри билан маслаҳатлашиб фаррошга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги тўғрисида муқобил ариза ёзишга қарор қилди, милиция ходими ишни ёпишда ёрдам беришини айтди.

Медиациядан кейинги давр.

Фаррош хатти-ҳаракати юзасидан милицияга берилган ариза қайтариб олинди ва бу бўйича иш ёпилди. Хотин-қизлар кенгаши аъзолари фаррош билан этика ва хушмуомилалик тўғрисида суҳбат ўтказдилар. Худудий бошқарув маҳалла комитетлари ҳамжамиятлар лидерлари ва фаолардан уйларнинг атрофини тозалаш юзасидан аҳоли ўртасида иш олиб боришларини илтимос қилди. Ихтилофлар бошқа юз бермади.

Медиатор нималардан фойдаланди?

Медиация жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланди:

1. Музокаралар.
2. Томонларга таъсир ўтказа оладиган зарур шахсларни жалб қилиш (бу ҳолда Майрамнинг эри ва маҳалла комитети).
3. Хатти- ҳаракат учун жавобгарликнинг тури ва оғирлигига урғу бериш.
4. Ҳуқуқ тартибот органлари ходимларининг ёрдами (бу ўринда учрашувларни ташкил қилиш ва ўтказишга ёрдамлашиш, ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилишга чақириш).

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Ихтилофнинг иккала томони ҳам ўзларини хақ билардилар ва бундай тирриқлик фақат вазиятни чуқурлаштиришини тушунтириш қийин бўлди. Томонлар айбни бўйнига олмадилар, ҳар ким ўзини жабрланувчи сезарди. Медиаторга суҳбатлар ва ўзининг аёл бўлганлиги ёрдам берди. Майрам ва Караматни ўз фикрида қатиқ туриб олиш фойдасиз эканлигига ишонтира олди. Бундан ташқари уч таъсирли шахс ҳам муҳим роль ўйнади (Майрамнинг эри, Карамат яшаётган кўча элликбошиси ва участка милиционери).

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Медиаторнинг ихтилофни тинч ҳал қилиш тўғрисидаги позициясини томонлар вакиллари қўллаб-қувватладилар. Бу медиаторга зиддиятни юмшатишга ёрдам қилди.
2. Участка милиционерининг томонларга ихтилофнинг масъулят ва жазо сингари кўнгилсиз оқибатларини тушунтиришдаги ёрдамлари.
3. Ихтилофчи томонлар аёллар бўлгани учун медиатор улар билан осонгина тил топишди ва ҳамма нарсани "аёллик" нуқтаи-назаридан тушунтирди.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Медиатор шахсий суҳбатларда тутган позициясидан қатъий назар рухан қўллаб-қувватлаши, қўшма учрашувларда бетарафликка қатъий амал қилиши керак.

Чуй вилояти ва Бишкек шаҳри

Бишкек шаҳри

Она-бола ва уларга бошпана берган тадбиркор ўртасидаги можаро

Балоғатга етмаган хуқуқбузарлар билан ихтилофлар
Хуқуқий/Асл холига қайтариш медиацияси



Бишкек шаҳри	Медиация бўйича кейс №26	2009й.

“Медиациядан кейин жабрланувчи айбдорни кечирди, бу, менимча, энг асосийси”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Бишкек шаҳри, Свердлов райони	**Биринчи томон** Эркак, ТХС ва дўкон эгаси. Иккинчи томонга бошпана берган одам	**Иккинчи томон** 15 ёшлик бола онаси билан. Улар – оиласи ажрашгандан кейин Нориндан келиб қолган ички мигрантлар	**Учинчи томон** Боланинг ҳоласи. Вақти-вақти билан судда боланинг манфаатларини химоя қилди ва ихтилофни ҳал қилишда қатнашди	**Бошқа иштирокчилар** Ўспирин иштирокида ишни қараган суд	**Гульжан Бекембаева,** “Инсон авлоди” ЖФ директори

Дастлабки вазият

15 ёшлик бола онаси билан – оиласи ажрашгандан кейин Нориндан Бишкекка келиб қолган ички мигрантлар. Она ичкиликка берила бошлади. Ёшига қарамасдан унинг фарзанди энди 2-3 синфни битирган эди. Кейинчалик касаллиги туфайли мактабга бормади. Ота-оналари ажрашгандан кейин документнинг ҳамда истакнинг йўқлиги туфайли бола ўқимади. Устига-устак бола кам учрайдиган суяк касаллигига (суякллар ичкарисидан йиринглаб, мўртлашиб қолган эди) чалинган эди. Шу боисдан у сурункали оғриб турарди. Она болани эхтиёт қиларди ва кўп ҳам уй ишларига жалб этмас эди. Натижада бола ўсишда жисмоний ва руҳан ортда қолиб, 15 яшарлик ўспиринга ўхшамас эди.

Бишкека келгач улар ТХСнинг кўшимча биносида яшадилар. ТХС эгаси уларга рахми келганидан яшаш учун уларга ўзининг бўш биноларидан бирини беришга қарор қилди.

Кунларнинг бирида бола хўжайинининг дўконидан 30 минг сўмлик товарни ўғирлайди. Хўжайиннинг сўзларига кўра, дастлаб болага нисбатан ҳеч қандай шубҳа бўлмаганди. Милициянинг тергов ишлари натижасида ўғирликни шу бола содир этганлиги аниқланди. Шундан сўнг иш судга ўтказиб берилди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Бишкек шаҳри

Медиаторни жалб қилиш

Медиаторга ихтилоф тўғрисидаги ахборот иш судда қаралаётган паллада келиб тушди. Уша вақтда “Инсон авлоди ” ЖФ ва суд ўртасида лойиҳа доирасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома бор эди. Мазкур ташкилотнинг социал ходимлари суддаги вазиятни доим мониторинг қиларди ва балоғатга етмаганлар хуқуқбузарлар иштирокидаги ишларни ўрганардилар.

Иш ЮНИСЕФ амалга ошираётган “Қирғизистонда ювеналь хуқуқшуносликнинг ривожланиши” лойиҳаси доирасида суд ва тергов органлари билан ҳамкорликда олиб бориларди.

Медиатор иш материаларини ўргангач, томонларга улар ўртасидаги ихтилофни медиация йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилиб кўришни таклиф этди.

Тайёргарлик босқичи

Даставвал айбланаётган бола ва унинг онаси билан иш олиб борилди. Алкоголга боғланиб қолган она жавобгарликни зиммасига ололмасди ва учрашувда ўғли учун ваколат беролмас эди. Аслида ўша кеча, медиаторлар уларникига келган вақтда у маст эди. Шу боисдан медиаторлар боланинг ҳоласи, онасининг синглисини жалб қилдилар. У анча тушунган аёл бўлиб, кўпроқ боланинг қонуний вакили сифатида жалб этилган эди (албатда, норасмий, чунки она ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилинмаган эди, ҳоласи эса қонуний вакил бўлолмасди).

Жабрланган томон билан парралель иш олиб борилди - хўжайин дастлаб ғазабланди. Унинг жаҳли чиқиб, энг каттиқ жазо берилишни талаб қилди. Унга медиация тадбири таклиф қилинганида, у мумкин бўлган ҳар қандай қўшма учрашувни ва ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилиш учун ҳар қандай музокарани рад қилди.

Унинг бундай реакциясига қарамасдан, унга медиаторлар агар фикрини ўзгартирса учрашувга бориш ва суҳбатлашиши мумкинлиги тўғрисида ахборот қолдириб кетдилар. Бир ҳафтада кейин медиатор хўжайинга учраб, медиация тўғрисидаги фикри тўғрисида сўради. Шундагина хўжайин ҳамкорлик қилишга ва айбланувчи билан учрашишга розилик берди. Медиатор учун бу ажабланарли бўлди.

Учрашув жойи тўғрисида келишиб олинди. Бу жой томонларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда танланди. Хатто бинонинг танаффус чоғида дам олиш учун қўшимча хоналари ҳам бор эди.

Бола билан ҳам олдиндан иш олиб борилди, унинг жараёнида боланинг касаллик факти аниқланди. Соғликни сақлаш вазирлигига расмий илтимоснома юборилди, бироқ бола шаҳарда пропискада йўқлиги сабабли унга рад жавоби берилди.

Бола ўз айбини бўйнига олди. Дастлаб пул унга операция қилдириш учун кераклигини айтди. Чунки оғриқ унга тинчлик бермас эди. Энг қизиғи шундаки, унинг сўзларига кўра, ўғриликка боришни қандайдир учинчи шахс ундирган. Боланинг такидлашича, ўша одам пулнинг катта қисмини олган. Қолган пулга чўнтак телефони сотиб олганлигини, ўртоқларини ҳам музқаймоқ билан меҳмон қилганлигини гапириб берди.

Болага медиацияда қатнашишнинг фойдали томонлари тушунтирилди.

Шунингдек бу ишни олиб бораётган судья билан музокаралар ўтказилди. Судга тақдим қилинган ҳисоботда касаллик боланинг хаётига тақдит солаётганлиги учун уни шошилинч операция қилиш зарурлиги кўрсатилди.

Медиация ихтилофни судга етказмасданоқ ҳал қилишнинг қўшимча бир усули бўлди. Медиаторлар учун томонларнинг ўзаро бир бирларини тушуниши муҳим эди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Томонлар иштирокида бир неча учрашувлар ташкил қилинди, унда улар бир бирлари билан ярашдилар.

Уларда ўспирин, унинг онаси, ҳоласи, дўкон эгаси қатнашдилар.

“Инсон авлоди” томонидан икки социал ходим, шунингдек медиатор қатнашиб, иккала томонни таништирдилар ва қўллаб-қувватладилар.

Жабрланувчи жуда кўнгилчан инсон эди. У илгари медиаторлар унга қолдириб кетган медиация ва ихтилофларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги қўшимча ахборотни ўқиб чиқди.

Бошида жараённинг барча қатнашчилари тардиблар тўғрисида келишиб олдилар.

Шундан кейин ҳар бир томонга ичидагини тўкиб солиш имконияти берилди.

Бола ўз тарихини сўзлаб берди. У ўзини ўғирлик қилишга мажбурлаган нотаниш киши хақида гапириб берди. Боланинг сўзларига кўра, бу киши унинг ёнига бир шиша ароқ билан келган. Улар онаси уччовлари ўтиришарди. Нотаниш киши боланинг онаси билан ароқни ича бошлайди. Шуниси қизиққи, она медиация ўтказилаётган бинода ҳам ухлаб қолди ва медиацияда қатнашмади. Сўнгра бола бўлиб ўтган воқеа тўғрисида тартиб билан гапириб берди.

Жабрланувчи кўпроқ ўзининг сезгилари, бу унга қанчалар руҳий зарба бўлганлиги тўғрисида гапирар эди. У болага қандай ёрдам берганлиги ва унга яхши мунособатда бўлганлиги тўғрисида гапирди. Умуман, бутун медиация жараёнида кўпроқ жабрланувчининг хиссиётлари билан ишлашга тўғри келди. У бола нима учун ўзига бундай мунособатда бўлганлигини билгиси келарди. Дўкон эгаси очиқ одам бўлиб, бошидан ўтказган хиссиётлари тўғрисида айтиб берди.

Очиқ-ойдин гапириш учун берилган имконият унинг учун жуда муҳим роль ўйнади.

Успирин аввалига жабрланувчидан жуда қўрқди, бироқ медиация маросимининг тартиб қоидалари қабул қилингач, у ўзини хавфдан ташқарида эканлигини сезди. Қолаверса, дўкон эгаси унга уни урмоқчи ёки қандайдир йўл билан ўч олмоқчи эмаслигини очиқ -ойдин айтди, лекин болани бу жиноятни қилишга мажбур қилган хақиқий сабаблар тўғрисида билгиси келди.

Томонларнинг позицияси аниқ бўлгандан кейин жараён қатнашчилари бу вазиятдан қандай чиқиш тўғрисида гапира бошладилар. Она ўғирланган пулни тўлаб беришга тайёр эканлигини айтди. Бироқ бу ерда ҳаммасидан муҳими, боланинг ўзини бу жавобгарликни бўйнига олишга жалб қилиш эди. Шунингдек ундан у нима қила олишини ва нимани қилишни хоҳлашини сўрадилар, бироқ у деярли реал бирор нарса қилолмасди.

Боланинг ҳоласи она-болани ишга олишга, уларга иш хақини кафолатлашга тайёр эканлигини билдирди.

Жабрланувчи ховуридан тушди ва ихтилофли вазиятдан чиқиш йўлларини топишда қонун чегарасида ҳаракат қилди. Тадбирдан сўнг у бўлиб ўтган ходисанинг иги-жигигача ўрганди ва ўзини анча хотиржам тутди. У пулни бўлиб-бўлиб олишга рози бўлди. Унинг сўзига кўра, унинг учун пул муҳим эмас ва уни албатта қайтариб олишга кўп ҳам интилмаётганини билдирди. У она-бола қилаётган ҳаракатлари учун масъулиятни сезишини хоҳларди.

Шартлар аниқ бўлгач ярашиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Жабраланувчи она-бола ҳоласи қўлида ишлаб юриб, ҳар ойда икки минг сўм тўлашга рози бўлди. Дўкон эгасига ўғирлик нотаниш одам иштирокида юз бериши катта таъсир кўрсатди.

Бола ўз навбатида реабилитация дастурини ўташи керак эди. Медиаторлар томонидан операциянинг қилинишига ёрдам кўрсатиш таклиф қилинди (улар кўнгилли равишда бу масалада иложи борича ёрдам беришга ваъда қилдилар).

Учрашув ниҳоясида дўкон эгаси мутлақо хотиржам бўлди ва уни тўлқинлантираётган барча саволларга жавоб олганлигини айтди.

Медиациядан кейинги давр.

Ярашув учрашуви муносабати билан суд иши оқловчининг расмий илтимосига кўра тўхтатилди. Маълум ички тардибларга кўра, суд ўз хукмида иш ўтказилган ярашув учрашувлари натижалари бўйича тўхтатилганлигини кўрсатишдан бош тортди.

Уч ой давомида оила дўкон эгасига пул тўлаб турди. Тўртинчи ойда улар ҳоласининг кўлидан кетиб, яшириниб юрдилар. Кафил бўлган ҳола жуда ғазабланди ва ташвишланди. Чамаси ичкиликбозлик туфайли улар ўртасида низо чиққанга ўхшайди. Қолаверса, уларнинг доимий яшаш жой йўқ эди. Шу боисдан

уларни таъқиб қилиш қийинлашди, кейинчароқ умуман мумкин бўлмай қолди. Медиаторлар хўжайинга бу оилани таъқиб қилиш мумкин бўлмай қолганлиги тўғрисида мурожаат қилдилар. Дўкон эгаси уларни кечирганлигини ва унинг учун пул барибирлигини айтди. Унга унинг жиноий тартибда уларни таъқиб қилишни давом эттириш хуқуқи борлиги тўғрисида ҳабар қилинди. Шунингдек жабраланувчи эришилган шартнома доирасида қолган пулни уларга кафиллик берган ҳоласидан тўлатиб олиш мумкинлигини айтишди. Хўжайин рад этди ва уларни кечирганлигини айтди.

Болага операция қилинмади, чунки улар яшириниб, уларни топиш мумкин бўлмай қолди. Операция ўтказиш бўйича барча келишувлар деярли битган, дори -дармондан ёрдам кўрсатиш тўғрисида битимга эришилган эди.

Ҳозирги вақда бола ва унинг хасталиги тақдири номаълум бўлганидек, бу оиланинг тақдири ҳам маълум эмас.

Медиатор нималардан фойдаланди?

• Музокаралар (босқичма-босқич ва такрорий);

• Сўзлашувларни ташкил этиш;

• Медиация ўтказадиган бетараф жой. У катта роль ўйнайди. Дам олиш учун қўшни хонага чиқишга шароит бўлса, одамлар ўзларини эркин хис қиладилар.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Ҳолислик, хиссиётларни яшириш қийин.

2. Бевосита медиация (қарор қабул қилиш жарёни) жуда узоқ давом этди.

3. Бундай жараёнлардан кейинги ахлоқий-психологик оғирлик.

4. Томонлар бир бирига жуда тажовузкорлик кайфиятида бўлган ҳоллар. Хатто умумий қоидалар қабул қилган бўлсада, уларни энг бошидаёқ алоҳида ва турли вақтда кутиб олдилар.Медиаторлар ўзларини ҳеч қачон хавфдан ҳоли сезмадилар.

5. Бир томон яширина бошлагач, уларни таъкиб қилиш қийин бўлди.

6. Мигрантлар билан ишлаш мураккаб. Улар бир жойда яшамайдилар, улар яширинишлари мумкин ва уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб бориш мураккаб.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Жабрланувчи билан ишлаш катта плюс бўлди. Унинг хуқуқбузарни кечириши, ўтказилган медиациянинг энг катта ютуғи бўлди, деб ҳисоблайди медиатор.

2. Медиаторлар йўқолиб қолган оилани топа олмадилар, бунинг учун уларда механизм йўқ (қарор ижросидаги муваффақиятсизлик фактори).

3. Бола онасининг аҳлоқий-психологик сифати. “Она айрим кезларда ўз аламини ичкиликдан оларди. У вазиятдан чиқиш йўлини излади. У бир мунча юмшоқ одам, бироқ у ўз ўғлидан воз кечмади”.

Медиаторга ҳамон унинг важлари тушинарсиз. У ўзи тўғрисида ҳеч қандай координат қолдирмади. Агар у бир мунча кучли шахс бўлганида, иш якуни бошқачароқ бўлиши мумкин эди, ҳисоблайди медиатор.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

1. Оила билан ижтимоий соҳа ходимлари ишлаши керак. Агар медиация улар билан мустаҳкамланмаса, натижа тушунарсиз бўлиб қолаверади.

2. Қандай бўлмасин яраштириш учун ҳаракат қилиш зарур эмас, бу ютуқ эмас. Муҳими, ҳар кимнинг ичида ўзгариш бўлсин. Бу ҳолда ўзгариш жабрланувчининг ичида юз берди, хуқуқбузарлар томонида, афтидан, бўлмаганга ўхшайди.

Энг муҳими жараёнда намоён бўлди:

1. Кечиримлилик
2. Даво
3. Жавобгарлик

Ўспиринлар кўпинча ўнгланиш мумкинлигини хис қиладилар. Агар унга бу имконият бериладиган бўлса, ихтилофларни тузатади ва ҳал қилади, вазиятни тузатади (ота-оналари эмас, шахсан унинг ўзи), ўспиринлар берилган имкониятдан фойдаланадилар. Кўпчилик бошини кўтаришдан ва тўғрига қарашдан воз кечадилар, чунки улар кузларнинг тўқнашишидан чўчийдилар. Бу улар чўчиган энг катта ўзгаришдир.

Медиациядан сўнг реабилитация дастури зарур.

Медиацияда жавобгарликни ота-она эмас, хуқуқбузарнинг ўзи зиммасига олиши жуда муҳим. Бу жуда муҳим психологик хусусият, ва у албатта бажарилиши керак.

Медиаторлар мутлақо холис кишилар бўлиши шарт (хақиқий ва амалий).

Жиноий суд ишлаб чиқаришида медиацияни суд суруштируви даврида эмас, тергов босқичида бошлаш мумкин (мумкингина эмас, шарт).

Агар илгари терговчилар ҳамкорлик қилишдан бош тортсалар, ҳозир прокуратура билан ишлагандан кейин, терговчилар кўпроқ мулоқотга бормоқдалар.

Ўтказиш жойи бўйича: ўспирин ўзини хавфсиз эканлигини хис қилиши муҳим. Жараёнда танаффус қилиш, дам олиш, тоза хаводан нафас олиш имкониятлари бўлиши шарт. Жой йўлакдан иборат бўлиши керак эмас. Ҳеч қандай ҳовлиқишнинг кераги йўқ.

Агар улар тажавузкорлик муносабатида бўлса, уларни тинчлангунча ўз ҳолига ташлаб қўйиш, кўшимча ҳаракат учун имконият сифатида ахборот қолдириш зарур.

Бишкек шаҳри

Гулсеварлар клуби аъзолари ўртасидаги можаро

Касб ихтилофлар



Бишкек шаҳри	Медиация бўйича кейс №27	2010 й.

"...иккала томон ҳам, агар улар медиация тўғрисида билганларида, ихтилофни ҳеч қачон бу даражага етказмасликларини эътироф этдилар"

Кайда?	Чыр-чатакташкан тараптар		Башка тараптар		Медиатор
Бишкек шаҳри	**Биринчи томон** Гулсеварлар клуби аъзолари	**Иккинчи томон** Клубнинг бошқа аъзолари	**Учинчи томон** Клуб аъзоларининг оқловчиси	**Бошқа иштирокчилар** Суд,тергов органлари	**Гулнара Ўрозова,** юрист, "инсон фуқоролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" МЧЖ

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2010 йили юз бериб,медиатор билан суҳбатлашилган вақтда ҳам барҳам топмаган эди.Медиаторнинг ихтилоф билан ишлаши ярим йил давом этди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Бишкек шаҳри.

Дастлабки вазият

Ихтилоф 1985 йили ташкил этилган гулсеварлар клубида бўлиб ўтди.Клуб гулсеварлар учун ишчи ўрни ва гул сотиш учун жой беради.

2010 йили клуб аъзоси Анвара (аҳлоқий сабабларга кўра исми ўзгартирилган-ХХФ) автоҳалокатга учраб, иш жойига чиқолмай қолди.Унинг ўрнига клубнинг бошқа аъзолари билан кичкина можаро бўлиб ўтган келини ишга чиқди. Анвара келинии ҳимоя қила бошлади,бу бошқаларга ёқмади.Тез ўтмай бўлиб ўтган йиғилишда уни бир ойга ишдан четлатдилар. Ишдан четлатилиши унинг норозиликларига сабаб бўлди.Ишдан бўшатилганлиги сабабли Анвара парникдан узиб қўйган гуллар сотилмай, сўлиб қолди.Оқибатда Анвара зиён тортди.

Анара бу тўғрисида клубнинг бошқа аъзоларига ҳам норозилигини билдирди. Ихтилофнинг ривожланиш жараёнида Анара клуб ташкил этилганидан бери энг кўп ишлаган эски аъзо бўлишига қарамай, уни ишдан , умуман клубдан бўшатиб юбордилар.

Анара маслаҳат сўраб оқловчига мурожаат қилганида,ихтилоф янада авжига чиқди.Оқловчи унга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишини маслаҳат бериб,ўз хизматини ҳам таклиф қилди.Анвара рози бўлди ва ариза билан судга мурожаат қилди. Жараён бошланди,натижада бошқа томон ҳам ўзларини ҳимоя қилиши учун оқловчи ёнлади.Суд жараёни бир йилдан ортиқ давом этди.Пировардида томонлар суд якунларидан қониқмадилар.Бундан ташқари судлашув ихтилофлашган томонлар ўртасидаги адоватни янада кучайтирди.Томонлар ўртасидаги адоват тобора ўсиб,тажовуз даражасига етди.

Анара дугоналари билан келиб, хавфсизлик хизматининг ёнланган ходимлари томонидан калтакланган куни ихтилоф инқирозга юз тутди.Мазкур воқеа бўйича жиноий иш қўзғалди, суд-медицина экспертизаси ўтказилди ва бошқалар.

Тергов боқичида Анара ёрдам сўраб медиатор ишлаётган ташкилотга мурожаат қилди.

Медиаторни жалб қилиш

Анара медиатор ишлаётган нодавлат ташкилотига мурожаат қилиб, ихтилофни тинч йўл билан барҳам топтириш учун ёрдам сўради. Медиатор мазкур ихтилофни медиация орқали ҳал этишга ҳаракат қилиб кўришни таклиф қилди.Аёл бу нима эканлиги тўғрисида батафсил билганида,агар у медиация тўғрисида ихтилофнинг дастлабки босқичида билганида судга бермай,клубнинг бошқа аъзолари билан бўлган барча низоларини унинг ёрдамида ҳал қилиша ҳаракат қилиб кўришини айтди.

Тайёргарлик босқичи

Медиатор Анарадан воқеа тафсилоти тўғрисида батафсил сўради.Сунгра у ихтилофнинг бошқа томони билан музокаралар ўтказди ва уларга низони медиация йўли билан ҳал этиш мумкинлигини гапириб берди. Улардан мазкур низони медиация ёрдамида тинч ҳал этишни хоҳлайсизларми, деб сўради. Клуб аъзоларининг кўпчилиги ўзининг тайёрлиги ва розилигини билдирди. Медиаторнинг таъкидлашича, у объктив сабабларга кўра клубнинг барча аъзолари

билан музокара олиб боролмади.Чунки, у уларнинг айримлари билан диалог тузолмади ва бир бирини тушунишга эришолмади. Ихтилоф тахлили ўтказилди. Кўп миқдорда материаллар, клуб йиғилиши протоколлари ва бошқалар тўпланди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Томонлар бир стол атрофида учрашганларида, клуб аъзоларидан бир нечтаси медиация ўтказишга қарши чиқдилар. Улар айнан алоқа ўрнатиш иложи бўлмаган, ёки умуман музокаралар ўтказмаган шахслар эди. Шундай қилиб медиация жараёни ниҳоясига етди. Медиатор сўзларига кўра, медиация процессини кўнгиллилик тамойилларига асосланганлиги туфайли у томонлар қарорини қабул қилди.

Ваҳолонки, иккала томон ҳам, агар улар медиация тўғрисида билганларида , ихтилофни ҳеч қачон бу даражага етказмасликларини эътироф этдилар. Шу вақтда клуб аъзоларининг катта қисми ихтилофни тинч якунланишини истар эдилар. Бироқ клубнинг бир неча аъзоси ярашиш ва ҳар қандай тинчлик музокараларини олиб боришдан мутлақо бош тортдилар. Бошида томонлар медиация ишини бошлашлари мумкин эди, бироқ, медиаторнинг фикрича, клуб аъзолари оқловчи билан музокаралар ўтказгандан кейин медиацияни рад этдилар.

Медиациядан кейинги давр.

Низо шу кунгача барҳам топгани йўқ, жиноий иш бўйича тергов ишлари давом этмоқда. Ихтилоф томонлари, кекса ёшдагилар бўлганлиги учун суд ишлари туфайли бошларидан ўтказган рухий зарба ва ҳаяжонлар соғликларига жиддий таъсир қилмоқда.

Медиатор нималардан фойдаланди?

• Томонлар ўртасида сўзлашувларни ташкил этиш.

• Кўчма медиация.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

• Низо жиддий босқичга кирди, қолаверса у ривожланиб жиноий яссилик даражасига етди. Медиатор учун бу ихтилоф билан ишлаш қийин бўлди ва у бу қийинчиликларни бартараф этолмади.

• Клуб аъзоларининг айримлари билан алоқа ўрнатиш қийин бўлди. Медиатор агар у психологик ҳарактердаги маълум малакаларга эга бўлганида у ҳамма билан диалог ўрната олиши мумкинлигини қайд этади.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

• Ихтилоф ривожининг дастлабки босқичида томонларнинг медиация тўғрисида билмаслиги. Уни анча илгари ҳал этиш ва катта маблағ сарфидан ва ортиқча хаяжонлардан қутилиш мумкин эди.

• Медиатор кейинчалик медиацияга мутлақо қариши чиққан клубнинг айрим аъзолари билан алоқа ўрната олмади.

• Бошқа томоннинг оқловчиси ихтилофни судда қаралишидан молиявий манфаатдор бўлганлиги учун медиацияга қарши чиқди.

• Медиациядан ихтилофнинг жиддий инқироз босқичида кўлланиб бўлмайди. Клуб айрим аъзоларининг медиациядан бош тортишини одамларнинг қарама- қарши томон билан қандайдир сўзлашувлар олиб боришга рухий тайёр эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Томонлар музокаралар столига ўтиришга тайёр эмас эдилар, кескинлик ҳамон юқори эди.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Қирғизистон учун медиация жуда долзарб, ҳисоблайди медиаторнинг ўзи.

Хуқуқий (судгача) медиация Қирғизистон учун ўта зарур. Медиация институти ҳозир бўлиб ўтаётган суд реформа даврида киритилиш керак. Унинг асосий сабаби – қонунларга ниҳоятда кўп нарсанинг юкланганлигидадир. Судьялар мавжуд иш вазифаларини жисмонан уддалашга улгура олмаяптилар. Бундай ташқари судлардаги энг оддий жараёнлар ҳам чўзилиб кетаяпти, ихтилоф ва томонларнинг бир бирига адавати чуқурлашаяпти.

Мавжуд медиациянинг афзалликларидан бири- унинг махфийлигидир. Томонлар ҳар доим ҳам ўз ихтилофларини давлат органларига билдиришни хоҳламайдилар.

Ҳар қандай фуқоролик иши жиноий ишга ўсиб етиши мумкин. Медиация низонинг янада авж олишини бартараф этиш ҳамда ихтилофни тинч ҳал қилишда томонларга ёрдам беради.

ХХТ шарҳи

Мазкур кейс медиаторлар ўз фаолиятида дуч келаётган тўсиқларни очиқ-ойдин намойиш этади. Хусусан ёнланган хоҳловчиларнинг медиация ўтказишга қаршилик кўрсатиши хуқуқий медиация учун ҳарактерлидир. Бу медиация ўзининг келгуси ривожи натижасида эртами, кечми дуч келадиган тўсиқлар тизимидан биттасидир.

Ажралишган ота-оналар ўртасида фарзанднинг турар-жойи тўғрисадаги бахс

Оилавий ихтилофлар



Бишкек шаҳри	Медиация бўйича кейс №28	2009 й.

“...Мен томонларга медиатор – бу ҳолис томон, агар мен кимнингдир тарафини оладиган бўлсам, бу фақат гўдакнинг тарафидир”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар		Медиатор
Бишкек шаҳри	**Биринчи томон** Эри билан ажаршиб, фарзандини ўзи билан олиб кетган аёл	**Иккинчи томон** Аёлнинг собиқ эри, фарзанднинг отаси.	**Учинчи томон** Собиқ эр-хотинларнинг ота-оналари	**Бошқа иштирокчилар** Гўдакнинг яшайдиган жойини аниқлаш бўйича ишни қараётган суд	**Гулнара Ўрозова,** юрист, “инсон фуқоролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” МЧЖ

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2009 йили ёзда бўлиб ўтди. Унинг давомийлиги икки ойни ташкил этди.

Медиатор ихтилоф билан бутун ихтилоф даврида ишлади.

Дастлабки вазият

Ихтилоф ажралишган эр-хотин ўртасида бўлиб ўтди. Ажралиш ичкилик ичиб олган эр томонидан хотиннинг вақти-вақти билан калтакланиб турилиши туфайли юз берди. Навбатдаги зўравонлик оқибатида аёл касалхонага ётқизилди. Эр томонидан қилинган зўравонликка ортиқча чидашни хоҳламаган аёл ажралишга қарор қилди. Ажралишгандан кейин аёл 6 ёшли ўғлини ўзи билан олиб кетди. Бир қанча вақт ўтгач ,гўдакнинг онаси иш сафари билан кетганда ота собиқ хотиннинг ота-оналариникига келиб, болани олиб кетади. У, шунингдек болани умуман ўзи билан бирга олиб қолмоқчи эканини билдиради.

Она фарзандини олиш учун отанинг олдига боргач ихтилоф кескинлашди. Эркак аёлни гўдакнинг ёнига киргизмади, шунингдек унга нисбатан куч ишлатиб, уни урди.

Шундан кейин аёл гўдакнинг яшаш жойини аниқлаш юзасидан даъво билан судга мурожаат қилишга қарор қилди. Суд айрим ҳужжатларнинг етишмаслиги туфайли аризани қабул қилмади. Кейинроқ у ўша ҳужжатларни тўплади, бунга қўшимча равишда аёл нодавлат ташкилоти (“Инсон фуқоролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” МЧЖ) медиаторига мурожаат қилди. У ерда унга медиация тўғрисида гапириб бердилар.

Медиаторни жалб қилиш

Илгари аёл медиация тўғрисида билмас эди. Медиатор ишлаётган нодавлат ташкилотига эса суд ишларида ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган эди. Нодавлат ташкилоти тўғрисида у танишидан эшитади. У ерда уни Г. Урозова олдига жўнатадилар. Медиатор унинг вазиятини тахлил қилгач, ихтилофни медиация ёрдамида ҳал қилишга уриниб кўришни таклиф қилди.

Тайёргарлик босқичи

Медиатор аёлдан сўраб билгач, аниқладики, даъвогар аслида судлашишни истамайди, унинг бош мақсади гўдакни қайтариб олишдан иборат. Унинг айтишича, бола отаси билан яшашни хоҳлайди, шу боисдан ҳам она агар гўдак суд мажлисида отаси билан яшаш истагини билдирса, ишнинг ўз фойдасига ҳал қилинишига шубҳа билан қарарди. Бундан ташқари, онанинг молиявий аҳволи ҳам бутунлай яхши эмас эди. У квартирани ижарага оларди, иш гарфиги жуда тиғиз бўлишига қарамасдан оз хақ оларди.

Медиатор аёлга ўзининг собиқ эри билан музокаралар столига ўтиришни ва низони ўғлининг фойдасига тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилиб кўришни таклиф этди.

Сўнгра медиатор ота билан гаплашди. У жуда тажовузкор бўлиб, медиация тўғрисида умуман гаплашишни хоҳламади. Кейинчароқ унинг ўзи боғланиб, ҳақиқатдан ҳам собиқ аёли судга мурожаат қилмоқчи бўлаяптими, деб сўради. Тасдиқ жавобини эшитгач, учрашишга ва низони судсиз ҳал этишга ҳаракат қилиб кўриш тўғрисида гаплашиш хоҳишини билдирди. У ўғлини бу тадбирга олиб келинишини сўради, бироқ медиатор мазкур босқичда, уни номақбул деб топди.

Учрашув жойи тўғрисида умумий қарорга келинди – эркак собиқ аёли квартирасида учрашишга розилик берди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Медиация жараёнинг бошланиши жуда қийин бўлди. Томонлар бир бирига нисбатан қучли тажовуз кўрсатди. Сўзлашув ҳеч қовушмади.

Кейин муҳим қадам қўйилди – хотиннинг ўзи ўз навбатида мазкур маросимнинг ташаббускори бўлганлиги учун биринчи сўзни эрига берди. Эркак қийқириб, ўзининг қахр-ғазабини билдирди. Собиқ аёли унга ҳеч қандай қаршилик кўрсатмади. У гапириб бўлгач, кескинлик юмшади ва осойишта сўзлашишни давом эттириш имкони туғилди.

Томонлар бир бири билан гаплаша бошладилар, бир бирига саволлар берди. Ўзининг собиқ аёли олдида игари қилган зўравонлиги учун кечирим сўради, бу музокаралар жараёнига ижобий таъсир қилди.

Томонлар муҳокамалар бошида фақат гўдакнинг манфаатидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш керак, деган умумий фикрга келдилар. Ота ўз позицияси фойдасига

далиллар келтирди. У ўз ўғлини барча зарур нарсалар билан таъминлашга, яхши билим олиши, мактабдан ташқари секцияларда шуғулланишига шароит яратиб беришга, унинг тарбияси билан тиғиз шуғулланишга ваъда берди. У бир мунча бой одам бўлиб, унинг молиявий аҳволи гўдакни юқорида кўрсатилган барча нарсалар билан таъминлаш имконини берарди. Узининг сўзларини тасдиқлаш учун ўзи билан бирга ташаббусининг хаётийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (ёнланган репетиторлар тўғрисидаги ахборот, яхши мактаб гимназияга тўланган взнос квитанцияси, даромади тўғрисида маълумотнома, спорт секциялари тўғрисидаги ахборот ва х.к.) олиб келган эди. Аёл собиқ эрининг фарзанд тарбияси ва унинг ўсиши учун кўрилган конкрет тадбирлар тўғрисида билиши ва танишиши мумкин эди.

Гўдакнинг онаси юқори даромад тўғрисида мақтана олмас эди. Ижарага квартира олганлиги учун тез-тез кўчиб туришга тўғри келарди. У қанчалар хоҳламасин, фарзанднинг ўсиши ва тарбияси учун ана шундай имкониятларни яратиб беролмасди. У буни жараёнда билдирди.

Пировардида, томонлар бу босқичда фақат отагина фарзанднинг тарбияси ва ўсиши учун зарур имкониятларни яратиб беролади, деган қарорга келдилар.

Гўдак унинг тарбияси билан шуғулланадиган ота билан қоладиган бўлди.

Томонлар она ўзига мақул бўлган ҳар қандай вақтда бориб фарзандни кўриши ва у билан гаплаша олиши тўғрисида келишиб олдилар.

Шундай муҳим нарсани таъкидлаш кераки, ана шу бутун жараён мобайинида эр-хотиннинг ота-оналари, гўдакнинг бува ва бувиси бу ишга аралашмадилар. Медиатор собиқ эр-хотинлар бу масалани тинч йўл билан мустақил ҳал қилишга қодир эканлигини ва боланинг манфаатлари учун ўзаро қулай қарорга келишлари зарур деб ҳисоблайди. Колаверса, медиаторнинг сўзига кўра , балки улар бу оилани яна тиклашни хоҳлар ва келгусида шундай бўлишига умид қилишгандир.

Медиация довомида томонлар медиаторга жуда яхши муомилада бўлдилар. Медиатор тайёргарлик босқичидаёқ томонларга ўзининг холис ва номанфаатдор томон эканлигини тушунтирган. Агар кимнингдир тарафини олишига тўғри келса, у фақат гўдакнинг тарафини олади. Бу собиқ эр-хотинлар томонидан ишончли муносабатга эришиш имконини берди. Бу гўдак отаси учун алоҳида аҳамият касб этди. У медиатор ўзининг собиқ хотини, шунингдек рақибининг химоячиси ҳам, ёрдамчиси ҳам эмаслигини тушунди.

Медиациядан кейинги давр.

Медиаторга маълум бўлганидек, медиация давомида узоқ муддатли ва ижобий қарор қабул қилинди. Унинг ҳабар қилишча, ҳозир бола катта бўлиб қолди, жуда яхши билим олаяпти ва илғор фарзанд бўлиб етишаяпти. Шунингдек у ўз ўғли тарбиясига шундай жиддий ёндашаётган отани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.

Собиқ эр-хотинлар ўртасида, медиатор сўзларига кўра, бошқа ихтилофлар бўлмади

Медиатор нималардан фойдаланди?

Томонларнинг жиддий тажовузи туфайли тайёргарлик босқичидаги кўчма медиация. Медиация ташаббускори томонидан биринчи сўзнинг бошқа томонга берилиши.

Ота унинг гўдак тарбиясидаги ташаббусларини тасдиқловчи ҳужжатлар пакетини олиб келди. Бундан отанинг ўз фарзанди келажаги тўғрисида қанчалар жиддий бош қотираётганини тушуниш мумкин.

Плюс ва минусларнинг нисбий жадвали. Медиатор ундан тайёргарлик босқичида гўдакнинг онасига вазиятни хушёрлик билан баҳолаш ва бола фойдасини ўйлаб иш тутушда ёрдам бериш учун фойдаланди.

Илова: икки жадвалдан фойдаланди – гўдакнинг онаси билан қолгандаги плюс ва минуслар, фарзанднинг ота билан қолгандаги плюс ва минуслар.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Дастлаб гўдакнинг отаси билан катта кийинчилик бўлди. У қаттиқ тажавузкорлик кўрсатди. Қийинчиликлар шундан иборат эдики, медиатор учун бу одамга муаммо моҳиятини (ота-оналар зиддиятнинг жиддийлиги, болани талашиш гўдакка қаттиқ салбий таъсир кўрсатиши) тушунтириш жуда оғир бўлди. Шу боисдан, томонлар гўдакнинг фойдаси учун мазкур ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилишлари керак. Ота суд даъвогарлиги тўғрисида эшитганида ўз муносабатини ўзгартирди.

Она билан ишлашда, айниқса бу фарзандини ўзи билан олиб қолишни мутлоқ хоҳлаган пайтда, жуда қийин бўлди. Медиатор аёлга хиссиётларга берилмасдан, боланинг фойдасини ўйлаб ҳаракат қилиш зарурлигини тушунтириш мақсадида плюс ва минусларнинг нисбий жадвалидан фойдаланди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Бу ўринда медиациянинг барча тамойиллари, биринчи навбатда, кўнгилиллик иш берди. Томонлар мустақил равишда ўзаро суҳбатлашдилар ва битимга келдилар.

2. Медиациянинг махфийлиги. Бу медиациянинг муҳим психологик сифати бўлиб, мазкур ихтилофда томонлар учун алоҳида аҳамият касб этди.

3. Медиаторга нисбатан ишонч. Медиатор томонларга ўзининг ҳолислигини ва у фақат гўдак тарафини олишини тушунтирди. Учинчи томоннинг бетарафлиги ва номанфаатдорлигига бўлган ишонч томонларнинг музокаралар столига ўтиришига ижобий туртки бўлди.

4. Медиация – суд жараёнига нисбатан ихтилофларнинг ечишнинг бир мунча оператив усулидир. Медиатор бу ихтилофнинг судлашиш йўли билан суд томонидан мутаносиб икки ой давомида ҳал этилишига шубҳа қилади.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Суд фуқоролик ишларидаги ота-оналарга нисбатан фарзанднинг яшаш жойини аниқлашда медиация ихтилофларни ҳал қилишнинг ва ўзаро қулай қарорга келишнинг энг самарали усулидир.

Бишкек шаҳри

Невара тарбияси ва унинг яшаш жойи юзасидан катта бува ва катта буви ҳамда келин ўртасидаги можаро

Оилавий ихтилофлар



Бишкек шаҳри	Медиация бўйича кейс №29	2009 й.

“Гўдак онасининг эркинлиги сира чекланмаган”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Медиатор
Бишкек шаҳри	**Биринчи томон** Неварасини тарбиялаш истагини билдирган гўдакнинг катта бува ва катта бувиси	**Иккинчи томон** Эр-хотин ажрашгандан кейин уни ўзи билан олиб кетган гўдакнинг онаси	**Мээрим Тилебалиева,** фуқаролар фаоли, психолог

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2009 йии медиатор аралашгунга қадар бошланган. Медиатор уни ҳал қилишга икки йил ўтгач, 2011 йилнинг охирида киришди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Бишкек шаҳри

Дастлабки вазият

Яқинда бир ёш оила ажрашди. Уларнинг уч ёшли ўғли бор. Ёш келин-куёв ота-онаси билан яшарди. Катта бува ва катта бувининг ўз невараси тарбиясига кўшган хиссаси катта эди.

Ажрашувдан кейин суд хукмига кўра гўдакни онаси олиб кетди. Отаси уни бориб кўриб турарди, бироқ бола тарбиясининг одатдаги жараёни бузилган эди. Катта бува ва катта буви бундан жуда азият чекдилар. Улар гўдакка унинг ота-онасига нисбатан яхшироқ тарбия бериша олишларини сезиб турардилар. Гўдак янги оила, янги жамият ва кишилар орасига тушиб қолган эди. Ёш она фарзанди билан ўз ўғлининг оиласи билан яшаётган онасиникига кўчиб борди. Акасининг бир нечта фарзанди бор эди, онаси эса касалванд эди. Бундай шароитда болага аввалгига қараганда озроқ эътибор бериларди.

Ажрашган ўғилнинг ота-онаси неварасини ўзлари олдига қайтариб келишини истардилар, лекин собиқ келини розилик бермасди. Боланинг катта бува ва катта бувиси унга 3 йил давомида боғланиб қолган эдилар ва келинидан неварасини кайтариб беришни илтимос қилдилар. Она ажрашгандан кейин ўз фарзандидан ҳам айрилишни хоҳламади.

Медиаторни жалб қилиш

Катта бува ва катта буви медиаторга мурожаат қилдилар. Улар ўз неварасини тарбиялашни давом эттиришни истардилар. Улар собиқ келинлари билан музокараларга боришлари керак эди.

Улар медиатор билан унинг оқловчи бўлиб ишлайдиган ҳамкасби орқали боғландилар. У уларга мазкур ихтилофни медиация орқали ҳал қилиш учун оилавий масалалар бўйича медиаторга мурожаат қилишни маслаҳат берди.

Тайёргарлик босқичи

Медиатор келин билан телефон орқали боғланди ва учрашишни таклиф қилди. Аёл дастлаб розилик бергиси келмади. Бироқ медиатор уни ўзининг ҳолислигига ва бу масалани телефон орқали эмас, шахсан муҳокама қилиш кераклигига ишонтирди. Натижада у учрашишга рози бўлди.

Ёш аёл ажрашганлиги учун арази бор эди.

Медиаторнинг такидлашича, Қирғизистонда ажаршишдан кейин ота анъанавий равишда фарзанд учун йўқ ҳисобланади. “Отаси бизни бола билан ташлаб кетгандан кейин бу ерда катта бува ва катта бувининг нима алоқаси бор”, - кўп ҳолларда бу ажрашган ёш аёллар учун юриш-туришнинг бир қолипдаги моделига айланиб қолган. Шу боисдан, гўдакнинг онаси медиатор билан учрашувга зўр-базўр келди.

Учрашув чоғида медиатор ундан унинг ўтмиши ва ажрашиш сабаблари тўғрисида суриштириб ўтирмади. Бу яқинда ажарашган аёлни барча салбий ходисаларни эслашга мажбур қиларди, бу келгуси музокараларни қийинлаштирарди. Бунинг ўрнига эътибор кўпроқ ёш она ва фарзаднинг келажагига қаратилди. Медиатор аёл билан гаплашишга ва унинг фикрини гўдакнинг манфаатларига – унинг қаерда,ким билан яшаётганлигига, уни нималар билан таъминлай олаётганлигига ва қандай қийинчиликлар борлигига қаратишга интилди. Медиаторнинг сўзларига кўра, аёл ўйланиб қолди ва фикрлай бошлади.

Медиатор гўдакни ўстириш ва унинг тарбиясида катта бува ва катта бувининг

қанча улуши борлигини, улар қай даражада билимли эканини суриштира бошлади.

Аёлда катта бува ва катта бувига нисбатан ҳеч қандай гинаси йўқлиги, улар зиёли кишилар эканлиги аниқланди. Медиаторнинг фикрича, у фақат ажрашганидан хафа бўлиб, қолганларга гинаси йўқ эди.

Медиатор ёш онага ихтилофга фарзаднинг тарбияси ва манфаатлари нуқтаи-назаридан қарашни, нима қилса болага яхши бўлишини ўйлаб кўришини, шундан сўнгина собиқ эрининг ота-оналари билан учрашиб, музокаралар столига ўтиришга қарор қилишини таклиф этди. У бу тўғрида ўйлаб кўриши учун вақт кераклигини айтиб, шошилиб хайрлашгач, кетди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Ана шу суҳбатдан кейин аёлнинг ўзи кайнонасига қўнғироқ қилиб, фарзандини уларнинг тарбиясига беришга рози эканлигини билдирди. Яна у мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишни ўйлаб турганини айтди.

Бу тўғрида медиаторга унинг қайнонаси ҳабар берди .У медиаторга қўнгироқ қилиб, кўрсатган ёрдами учун миннадорчилик билдириб, улар келини билан ҳамма нарса тўғрисида келишиб олганликларини айтди. Гўдак онасининг эркинликлари сира чекланмади. Медиатор сўзларига кўра, она хоҳласа ҳар куни бориб кўриши, у билан бемалол суҳбатлашиши ва тарбияси билан шуғулланиши мумкинлиги тўғрисида томонлар келишиб олдилар.

Бироқ фарзанд катта бува ва катта бувиси билан яшайди, унинг келгуси тарбияси ва ўсиши учун масъулиятни улар ўз зиммаларига оладилар.

Медиациядан кейинги давр.

Она ўз ўғлини катта бува ва катта бувига топшириб, мамлакатдан чиқиб кетди. Ихтилоф барҳам топди.

Медиатор томонлардан она қандай шартлар билан кетди ва қайтиб келадими, деб суриштирмади. Томонлар муросага келишгач, медиатор бундан кейин улар унинг ёрдамига мухтож эмаслигини тушинди. Яъни бундан кейин медиатор уларнинг муносабатларига фақат томонларнинг ташаббуси билангина аралаша олади.

Медиатор нималардан фойдаланди?

Аёлга воқеа келгуси ривожининг бир неча вариантлари тўғрисида ўйлаб кўриш таклиф қилинди. Бу медиациянинг ихтилофчи томонларга воқеа ривожининг келажагини тасаввур қилиш ва кўз олдига келтириш имконини берадиган техникаси ҳисобланади. Бу ёш онага фарзанднинг вазиятини тахлил қилиш ва бир қарорга келишига ёрдам берди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

Ёш аёл дастлабига бир мунча тундлик қилди. Бироқ, медиаторнинг ўз ҳолислиги, медиация тамойиллари тўғрисида гапириб бериши туфайли бу қийинчиликлар бартараф этилди. Медиатор билан бевосита сўзлашгандан кейин томонларнинг эътибори фақат гўдакнинг келажаги ва унинг манфаатларига қаратилди. Бу ишонч қозонишга ёрдам берди. Медиатор, шунингдек унинг тажрибалилигини ва хаққонийлигини кўрсатиб турган ўзининг ёшига ҳам суянди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Ўзи туғилиб, ўсган ва дастлабки уч йил давомида яшаган оилада тарбияланиш бола манфаатларига мос тушарди. Онаси билан кўчиб ўтган бошқа оилада, объектив сабабларга кўра, бу гўдакка аввалги оиладагидек етарли эътибор ва ғамхўрлик қилинмаслиги аниқ эди.

2. Ёш аёл ўзининг келажаги учун янги режаларни тузди, чет давлатларга чиқиш ана шу режасида ўз аксини топган бўлса ажаб эмас.

3. Келинда собиқ эрининг ота-онасига маълум даражада ишонч бор эди. Бу аввалги 3 йил давомидаги ҳамкорликдаги хаёт ва фарзанд тарбиясидаги иштирокида ўз исботини топган эди.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Мазкур кейсда иккала томоннинг дастлабки аҳволарини тенглаштириш муҳим бўлди. Чунки хаётда, одатда , эр томон хотин томондан устун туради.

Ажрашган эр-хотин ўртасида фарзандни тарбиялаган собиқ аёлнинг яшаш жойи йўқлиги хусусидаги можаро

Оилавий ихтилофлар



Бишкек шаҳри	Медиация бўйича кейс №30	2010 й.

“Мен хотин номидан гапирмоқчи эмасман, мен фақат медиаторман ва бу жараёнда бетараф томонман”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Медиатор
Бишкек шаҳри	**Биринчи томон** Эри билан ажрашгандан кейин гўдакни ўзи билан олиб кетган аёл	**Иккинчи томон** Аёлнинг собиқ эри, фарзанднинг отаси	**Мээрим Тилебалиева,** фуқаролар фаоли, психолог

Муваққат доиралар

Ихтилоф 2010 йилнинг охирида юз берди ва ярим йил давом этди. Медиатор уни ҳал қилиш билан 3 ой шуғулланди.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Бишкек шаҳри

Дастлабки вазият

Ихтилоф ажрашган ёш эр-хотин ўртасида бўлиб ўтди. Уларнинг 4 ёшли ўғли бор. Хотин эрининг бошқа жойда ҳам оиласи бор деб гумон қилади. Тобора ёмонлашиб бораётган муносабатлар ажрашишга олиб келди. Бунда аслида эр ташаббус кўтарди. Томонлар алоҳида яшадилар. Хотин фарзанди билан қариндошлариникида яшади. Чунки ўзининг турар жойи йўқ эди, оилавий квартирада эса собиқ эри яшарди.

Хотин медиаторга эрининг уларни турар жойи билан таъминлашга нисбатан масаласини ҳал қилишда ёрдам беришини сўраб, мурожаат килди. Аёлнинг мақсади эридан қонуний хақдор бўлган турар жойини адолатли олиш ва гўдаги билан кўчада қолмасликда иборат эди. Собиқ эр у билан сўзлашувлар олиб боришдан бош торди. Чунки у ,ўз навбатида, эрига ўғли билан кўришишга руҳсат бермаган эди. Болалар боқчасида отага фарзандини онанинг руҳсатисиз кўришга йўл кўймас эдилар. Аёл эрининг ўғлини тортиб олиши ва қишлоққа қайноталариникига олиб кетишидан қўрқарди. Унга илгари ҳам болани тортиб оламан , деб пўписа қилган эди.

Медиаторни жалб қилиш

Медиаторга собиқ хотин турар жой олишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди. У медиаторга кризис маркази ходими сифатида мурожаат қилди. Чунки у илгари ана шу ишда ишларди. Бу медиаторга мурожаат қилишни кризис марказининг ихтилофчи томонни билган унинг собиқ мижози маслаҳат берди. У аёлга муаммосини ҳал қилишда ёрдам берадиган киши сифатида Майрам эжага мурожаат этишни таклиф қилди.

Тайёргарлик босқичи

Медиатор ихтилоф босқичини аниқлаш учун ихтилоф шкаласидан фойдаланди. У вазиятнинг ихтилоф - тахлилини ўтказди, аёлнинг рухий ҳолатини, ихтилоф томонларининг муносабатларини баҳолади.

Собиқ эрга қилинган дастлабки қўнғироқларни у тушуниш билан қабул қилмади. У медиаторни фақат собиқ хотинига ёрдам берадиган хуқуқ химоячиси сифатида қабул қилди. Медиатор унга ўзининг кимлигини тушунтиришга ҳаракат қилди, ҳолис томон эканлигини гапириб берди. Улар учрашиш тўғрисда келишиб олдилар. Учрашувда медиатор унга ким эканлигини, медиациянинг эркак учун қандай яхши томонлари борлигини тушунтириши мумкин эди.

“Мен хотин номидан гапирмоқчи эмасман, мен фақат медиаторман ва бу жараёнда бетараф томонман ”. Медиатор эркак билан унинг фарзанди тўғрисида гаплашишга, шу аснода уни учрашишга кўндиришга қарор қилди. Унга ўз фарзанди билан мулоқотнинг ижобий томонлари, отанинг фарзанд тарбияси муҳим воқеа босқичларидаги иштирокининг зарурлиги тўғрисида гапира бошлади. Медиатор унга собиқ аёли билан учрашув чоғида бу хақда бамайлихотир муҳокама қилиши, бир битимга келишлари мумкинлигини гапирди. Эр хотин учун турара жой кераклигини билар эди, бироқ ўзида фақат биттагина квартираси борлиги учун бу масалани қандай ҳал этишни тасаввур қилолмас эди. Шунингдек у хотинининг ҳамма нарсани қаторасига – квартирани сотиш ва ҳамма мулкни бўлишни талаб қила бошлашидан чўчирди. Бундан ташқари у шунчаки ўзининг собиқ хотини билан яна жанжаллашишни ва унинг қийқирикларини яна эшитишни истамасди. Медиатор медиацияни қонун доирасида ва конструктив ўзанда олиб бориш – бу унинг қўлида эканлигига ишонтирди.

Медиатор хотин билан тайёргарлик суҳбатини ўтказди. “Сиз жанжалашмасдан гаплашишга тайёрмисиз? Сиз у билан гаплашиш ва қандайдир муросага келишга тайёрмисиз?”. Медиаторнинг сўзларига кўра аёл мазкур ихтилофда бир мунча заиф томон эди. Шу боисдан медиатор унга далда беришга ҳаракат қилди, агар у муаммони ҳал қилинишига эришишни хоҳласа эр билан нима тўғрисида гапирса бўлади, эрнинг эшикни тарақлатиб ёпиб кетиб қолмаслиги

учун нимани гапирса бўлмайди, деган масалаларда маслаҳат берди.

Натижада томонлар конструктив сўзлашиш қоидалари тўғрисида ҳабардор қилинди. Медиатор эр билан фақат бир марта учрашди. Аёл билан эса бир неча марта учрашди. Чунки у учрашувга тайёрлашга кўпроқ эҳтиёж сезарди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Томонлар учрашувда дастлаб киришолмай ўтирдилар. Эр ташаббус кўрсатиб, собиқ хотини билан соломлашди (медиаторнинг сўзига кўра бу унинг томонидан ижобий томонга муҳим қадам эди), ўғли тўғрисида сўради, умуман ижобий кайфиятда эди. Аёл жуда тунд ўтирарди. Унга алам қиларди, ва унинг диққати ошган эди. Эрнинг ёши хотиннинг ёшидан бир мунча катта эди, балки бу унинг хатти-ҳаракатида намоён бўлгандур. У ўзини бошлиқ деб сезарди.

Медиатор томонларга медиациянинг моҳияти, медиаторнинг вазифалар ва чекланишлари, медиация жараёнини ўтказиш тартиблари тўғрисида яна бир карра тушунтирди. У она ва катта буви сифатида балки бутун маросим жараёнида ҳолисликни сақлай олмайди ва гўдакнинг тарафида бўлар. Шу йўсинда, медиатор томонлар эътиборини фарзанд манфаатларига қаратди ва ортиқча ўзаро даъволардан чалғитди.

Томонлар фарзанд билан мулоқот масаласини муҳокама қилдилар. Ота нима учун у ўз фарзанди билан учрашиб гаплаша олмаслиги билан қизиқди. Мазкур сўзлашув жараёнида вазият кескинлашди, медиаторнинг вазиятни йўлга солиш учун аралашишига тўғри келди.

Сўнгра томонлар собиқ хотин ва ўғилнинг турар жойи масаласини муҳокама қилдилар. Аёл "ҳар қандай уй жой"га рози эканлигини билдирди. Бу эр томонидан маъқулланди.

Бу учрашув натижасида томонлар бир қарорга келмадилар.

Кейинчарок эр медиаторга кўнғирок қилиб, хотин ва фарзанди учун меҳмонхона типидаги хона сотиб олишга тайёр эканлигини билдирди. Медиатор унга бевосита ўзининг собиқ хотинига қўнғироқ қилишни ва бу тўғрида унга ҳабар беришни маслаҳат қилди. Медиатор кейинчароқ аёлга қўнғироқ қилиб, буни текшириб кўрди. Медиатор аёлга тўғри келадиган хонани ўзи танлашини ва шундан сўнггина собиқ эрига ҳабар беришни таклиф қилди. Шундай қилиб медиатор муаммони ҳал қилишда иккала томоннинг иштирокини таъминлади.

Медиатор улар учрашишлари ва ёзма битимга имзо чекишлари кереклигини, унинг ижроси устидан ўзи назорат қилишини билдирди. Медиаторнинг сўзларига кўра, бу ўринда у ўз ваколатларини ошириб юборганини эътироф этади, чунки қарор ижроси устидан томонларнинг ўзлари назорат қилишлари керак. Бироқ бу ишни у эрни ёзма келишимни тузиш ва имзолашишга кўндириш учун атайин қилди.

Эр бу хақда ўзининг йигитлик сўзини берганлигини важ қилиб, келишимни имзолашдан бош тортди. Натижада у келишимга имзо чекмади бироқ ўзининг берган сўзида турди.

Медиациядан кейинги давр.

Хотин ўзи учун маъкул бўлган уйни топди, у собиқ эр томонидан сотиб олиб берилди. Медиатор телефон орқали томонлар билан гаплашиб, қонун ижросидан иккала томон ҳам қаноатланганлигига ишонч ҳосил қилди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

• "Кўчма дипломатия";

• Кучларни тенглаштириш, кучлар баланси. Медиатор ихтилофнинг бир мунча заиф томони бўлган аёлга далда берди;

• Ихтилоф ҳаритаси. Бу томонларнинг қандай даражада туришини тушуниш ва ихтилоф динамикасини назорат қилишга ёрдам берди.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

• Бетарафликка амал қилиш қийин бўлди. Гўдак манфаатларини таъқиб қилиш. Медиаторнинг ҳолис бўлишига ҳалақит қиларди. Уни унинг медиаторлиги ушлаб турарди ва у буни ёдидан чиқармади. Медиаторнинг эътироф этишича, иш вақтида хиссиётлардан воз кечиш жуда қийин.

• Оиладаги номутаносиблик вазияти: молиявий, аҳлоқий аспектларда эрнинг устунлиги. Бу кўпинча аёл учун қийинчилик туғдиради. Эр бошқа томон устидан устунлик қилади, аёл эрга тобе бўлиб қолади. Одатда, эр бундай ихтилофда кучли томоннинг устивори ҳисобланади. Бу бизнинг жамият ва ундаги бунга ўхшаш ихтилофлар учун характерлидир.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

• Отанинг ўз ўғли билан (қолаверса, тўнғич фарзанд) 4 йил бирга оилавий хаёт кечирганлиги. Медиатор отанинг ўз ўғлига, тўнғичига нисбатан меҳри низони ҳал қилишда муҳим роль ўйнади.

• Эр билимдон ва тушунган одам эди. Бу бизнинг жамиятдаги қирғиз эркаклари учун ҳарактерли эмас.

• Аёлнинг "ҳар қандай турар жой"га розилиги собиқ хотин ажралиш туфайли ундан бирор фойда ундириб олиш учун эмас, хақиқатдан ҳам турар жойга эҳтиёж сезаётганлигини кўрсатиб турарди.

Медиаторнинг шахсий шарҳи

Бундан 10-15 йил мукаддам бундай оилавий вазиятлар кам учрарди. Ҳозир у оддий ҳолга айланиб қолди. Медиация бу ерда оилаларни сақлаб қолиш учун расмий органларга нисбатан кўпроқ иш қилмоқда.

Бишкек шаҳри

Медиация ёрдамида бартараф этилган ажралиш

Оилавий ихтилофлар
Ҳуқуқий медиация



Бишкек шаҳри	Медиация бўйича кейс №31	2011й.

“Бу медиатор учун мижознинг аслида никоҳни бекор қилишни хоҳламаётганлиги ва вақтни чўзаётганлиги белгиси вазифасини ўтарди”

Қаерда?	Ихтилофнинг бош томонлари		Бошқа томонлар	Медиатор
Бишкек шаҳри	**Биринчи томон** Эри билан ажрашиш тўғрисида ариза берган аёл	**Иккинчи томон** Аёлнинг эри	**Учинчи томон** Ажралиш тўғрисидаги ишни кўраётган суд	**Гульниса Кўжўярова,** амалиёт ўтаётган юрист

Муваққат доиралар

Медиатор бу низо билан 2011 йилининг февраль- март ойларида 15 кун чамасида шуғулланди. Ихтилофнинг дастлабки давомийлиги, медиатор фикрича, 1,5 йилни ташкил этади.

Ихтилоф чиққан жой (географик ўзгачаликлари)

Бишкек шаҳри.

Дастлабки вазият

Медиаторга хуқуқий ёрдам сўраб ажралиш тўғрисида судга даъво аризасини берган аёл мурожаат қилди. Аёл унга айнан оқловчи сифатида мурожаат қилди ва у медиация амалиёти тўғрисида билмаган эди. Ажралиш ташаббускори хотин томон эди, чунки у эрини хиёнат қилишда гумонсирарди. У оилавий мулкни суд орқали бўлиб олишни кўзларди. Бошқа томон – эр таниқли оқловчи бўлганлиги учун аёлда профессионал этика ва бошқа юристларнинг бирдамлиги ажралиш жараёнида бахснинг адолатли ҳал қилинишига шубҳа туғдирар эди. Шу боидан у ёрдам сўраб оқловчига мурожаат қилган эди.

Аёлнинг ўзи мулкни бўлиш тўғрисида ёзма келишим тузди, эри қаршиликсиз мазкур келишимнинг барча шартларига розилик билдириб, даъво талабларига рози эканлиги тўғрисида тилхат берди. Бироқ, барибир унинг хотини ёрдам сўраб оқловчига мурожаат қилди. У ажралиш жараёнининг барча расмий процедуралари орқали ўтишни истарди. Бу медиаторга аслида мижоз никоҳни бекор қилишни хоҳламаётганлиги ва вақтни чўзаётганлигини билдириб турарди. Медиатор бу бахснинг тинч тугаши учун медиацияни кўллаб қўришга қарор қилди.

Медиаторни жалб қилиш

Юқорида такидланганидек, медиатор унинг мижоси аслида ажрашишни хоҳламаётганлигини гумон қилиб қолди. У ихтиёткорлик билан бу бахсни судсиз, медиация ёрдамида ҳал қилишга ҳаракат қилиб кўришни таклиф этди. Аёл аввалига сўз нима тўғрисида бораётганлигини тушунмади, бироқ медиатор тушунтиргандан кейин, розилик берди.

Тайёргарлик босқичи

Медиатор мижознинг позициясини ва хақиқий мақсадини аниқлаш учун ўз малакасини ишга солди. У ажралиш зарурлиги ва мулкни адолатли тахсимлашда қатъий туриб олди. Медиатор аёлга вазиятни тахлил қилишда ёрдам берди, фикрларини тингалди, бу анча вақтни эгаллади, чунки медиаторга вазифаси нуқтаи-назаридан мижознинг кечинмаларини тинглашга тўғри келди. Медиаторнинг сўзларига кўра, даъвогар билан бўлган мазкур суҳбатларда у ўзининг психология бўйича эга бўлган базавий билимларидан фойдаланди.

Сўнгра медиатор эрга-оқловчига мурожаат қилиб, аёлининг даъволари тўғрисида гапириб берди ва унинг позицияси тўғрисида сўраб суриштирди. Фаолияти соҳасига кўра, медиатор мижознинг эри билан яхши таниш эди. Бу у билан дарров алоқа ўрнатиш имконини берди. У хотинининг позициясига хайрихоҳлик билдирди ва хиёнаткорликда айбланишини тан олмади. Унинг фикрича, аёли шунчаки чет элда яшаётган ота-онасининг олдига кетишни хоҳлаяпти,чунки унга Қирғизистонда яшаш ёқмаяпти. Яна унинг аёлига психологик ёрдам кераклигини ҳабар қилди.

Медиаторнинг саволлари эрнинг аёли билан гаплашишига туртки бўлди, афтидан уйга боргач шундай бўлди ҳам. Навбатдаги суд мажлисида аёл аввалгидан анча юмшоқ бўлиб қолган эди.

Шундан сўнг медиатор аёлга бу бахсни тинч ҳал қилиб кўришни таклиф қилди. Аёл рози бўлди ва шошилганича кетди.

Бир ҳафта ўтгач, медиатор оила билан учрашди. Медиаторга томонларни яраштириш юзасидан ҳаракатлар энди зарур эмасга ўхшади, сабаби мижоз медиатордан агар даъво аризасини қайтариб олса, унинг оқибати қандай бўлишини сўраб суриштирди.

Томонлар томонидан қарор қабул қилиш жараёни

Эр-хотин медиатор билан учрашгани келдилар ва ажрашиш тўғрисидаги фикрларидан қайтишганини айтди. Аёл даъво аризасини қайтариб олгандан кейин унинг оқибатлари қандай бўлишини яна сўраб суриштирди. Медиаторнинг фикрича, бу масалада медиаторнинг маслаҳати аёл учун жуда муҳим эди. Эр учун эса жараённинг келгуси таъқдири аён эди ва хотинига бу тўғрида тўла ахборот бериши мумкин эди. Маълум сабабларга кўра (ишончсизлик, ёки охирги сўзини ичига ютиб қўйиш), аёл бу ҳақда медиатордан эрининг иштирокида сўрашга қарор қилди. Умуман, учрашув аввалгиларига нисбатан бир мунча норасмий вазиятда ўтди.

Медиаторнинг ана шундай маслаҳатларидан сўнг эр-хотин унга оилани сақлаб қолишдаги ёрдами учун миннатдорчилик билдирдилар. Улар психолог ёрдами тўғрисида келишиб олганликларини ва у аллақачон ёрдам бераётганлигини билдирдилар.

Бу маълум даражада "яширин" медиация бўлиб, томонлар медиатор ёрдамида медиация жараёнларини расмий ўтказмасдан туриб мустақил равишда ўзаро келишиб олган эдилар. Медиатор улардан айнан шандай фикрга келганликларини, ким ўз зиммасига қандай мажбурият олганини сўраб ўтирмади, чунки унинг эр билан бўлган шахсий танишлиги унда салбий таассурот қолдириши мумкин эди.

Медиациядан кейинги давр.

Медиатор оилада бошқа ихтилоф бўлгани тўғрисида эштмади. Мижоз уни телефон орқали табриклар экан, эри тўғрисида бирор салбий фикр билдирмади.

Медиатор ўзи ҳам томонлардан бўлиб ўтган ихтилоф тўғрисида сўраб ўтирмади, чунки бу билан этика доирасидан чиқиб кетиши мумкин эди.

Медиатор нималардан фойдаланди?

Медиатор махсус қурол сифатида томонларнинг позициясини битиб бориш учун қоғоздан фойдаланди. Мижоз билан бўлиб ўтган суҳбатлар давомида медиатор унинг сўзидаги барча факт ва далилларни қоғозга тушириб борди, сўнгра баён қилинганларни аёл билан аниқлаб олди. Бу усул ихтилоф томонлари фикрларини акс эттириб, унинг асл мақсад ва манфаатларини ойдинлаштиришга ёрдам қилади.

Медиатор қандай қийинчиликларни бошидан кечирди?

1. Томонларнинг ажралиш зарурлигига ишончи. Шу боисдан аёл билан медиация тўғрисида гаплашиш қийин бўлди.

2. Медиатор кўп вақтини томонларнинг барча позицияларини тўла эшитишга сарфлади. Медиаторга психологлик сифатларини намоён қилишига тўғри келди.

Медиациянинг муваффақиятли тугашига нима хизмат қилди?

1. Медиаторга бир "профессионал цех"да бўлиш ёрдам берди. Медиатор эр билан яхши таниш эди.

2. Судьянинг тушунганлиги. Медиатор, эр ва судья семинарларга биргаликда қатнашганларида таниш бўлиб қолган эдилар. Судья томонларни тўла тушунди, у фақат ишнинг процессуал томонларигагина амал қилди ва ихтилофнинг тинч ҳал қилинишига ҳалақит бермади.

Хулоса

Медиация бўйича кейсларни тўплаш жойларда кўплаб низоларни энг қуйи даражада ҳам бартараф этадиган ёки ҳал қиладиган ҳаракатчан кишилар контингенти борлигини кўрсатди. Бу кишилар – фаол фуқорлар, обрўли лидерлар ва оддий кучли шахслардир. Сўраб чиқилган кўпгина медиаторлар ихтилофларни ўз лаёқатлари билан ҳал қилганликларини билдирадилар. Бу кишилар шахсий сифатларидан ташқари, ихтилофларни ҳал қилишда катта амалий тажрибаларга эгадирлар. Муаллифларнинг нуқтаи-назарича, уларни ўрганиш ва таркатиш зарур.

Кўпгина медиаторлар Қирғизистонда медиацияни ривожлантириш тарафдори эканликларини фаол билдирдилар. Улар медиация Қирғизистоннинг барча миқёсларида ва турли соҳаларида: оилавий ихтилофларда, судларда, маиший бахсларда, сув муаммоларини ҳал қилишда, тоғ-кон компаниялари ва маҳаллий ҳамжамиятлар ўртасида кучайиб бораётган ихтилофларда ва бошқаларда, шубҳасиз, зарурлигига ишонч билдирадилар. Бироқ кўпгина ихтилофларда томонлар кўпинча бунга ўхшаш имкониялар тўғрисида билмайдилар ёки ихтилофларни тинч йўл билан ҳал этишни истамайдилар. Оммани конкрет ҳоллардаги медиациянинг амалий фойдалари тўғрисида ҳабардор қилиш аҳоли ўртасида медиация маданиятини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Айни вақтда медиаторлар ўртасида алоқа йўлларининг етишмаслиги сезилиб қолмоқда. Масалан, Бишкекда Жалолободнинг бир бурчагидаги медиаторнинг қандай ишлаётганлигини ким ҳам биларди, Ўшда эса чегараолди низолари Боткендагидек долзарб эмас. Албатта, медиация ва унинг ёрдамида ҳал қилинаётган ихтилофлар конкрет вилоятларга хос бўлиши мумкин. Бироқ, шунга қарамасдан район, вилоят ва давлат миқёсларидаги медиаторлар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйиш бутун Қирғизистонда медиацияни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатидир.

Кейслар, шу нуқтаи-назардан қараганда, медиаторлар фаолиятини тахлил қилишнинг ҳам, медиациянинг конкрет жараёни тўғрисидаги ахборотни тарқатишнинг ҳам оддий ва қулай қуролига ўхшаб кўринади. Бутун мамлакат бўйлаб кейсларнинг назарий, тартибга солинган даврий тўпланиши ва йиғилиши Қирғизистонда медиация тўғрисидаги амалий билимларнинг шаклланиши ва ривожи, медиациянинг, агар таъбир жоиз бўлса, қирғиз моделини ўйлаб кўриш ва ишлаб чиқишнинг ишончли фундаменти бўлиши мумкин.

Муаллифлар мазкур кейслар тўплами Қирғизистонда ва Ўрта Осиёда медиацияни ривожлантиришга ўзининг баҳоли қудрат хиссасини қўшади, деб ҳисоблайдилар. Унда берилган кейслар барча манфаадор шахслар томонидан медиациянинг амалий воқеликларини ўрганиш учун бой материал, шунингдек Қирғизистондаги медиация ривожини тадқиқ этиш учун ахборот базаси бўлиб ҳисобланади.